

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ




Ўзбек  
ШЕЪРИЯТИ  
АНТОЛОГИЯСИ

БЕШ  
ТОМЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ДАВЛАТ БАДИИИ АДАБИЕТ НАШРИЯТИ

ТОШКЕНТ — 1981  
[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi



Ўзбек

ШЕЪРИЯТИ  
АНТОЛОГИЯСИ

СОВЕТ ШЕЪРИЯТИ

БЕШИНЧИ  
ТОМ

САРВАР АЗИМОВ  
таҳрири остида

Томни тузувчилар:

Х. ЕҚУБОВ,  
С. ҚОСИМОВ,  
М. СУЛТОНОВА,  
С. МАМАЖОНОВ



Рассом  
М. Я. ШЧИРОВСКИЙ



Ў

## ЗУЛФИЯ

Ўтмиш ўзбек адабиёти тарихининг ғоят драматик саҳифалари аёл адибаларнинг теран истеъдоди-ла безалган. Зоҳиран ҳазин, лекин руҳан дадил ижод соҳибалари Нодира, Маҳзуна ва Увайсийларнинг бахт-саодат ҳақида, ватан ва халқ тонги тўғри-сида битилмай қолиб кетган қалб ғазалларини, ҳаёт орзуларини янги даврнинг ўлмас нашълари асосида куйлаш талантли шоира Зулфияга муяссар бўлди.

Зулфия Тошкентнинг қадимий Дегрез маҳалласида яшаган ишчи Исроил ота оиласида 1915 йилда дунёга келган. Ўрта мактаб синфхонларида туғилган ҳавас, Зулфиянинг ўзбек хотин-қизлар билим юртида ўқиб юрган кезларида ҳақиқатга айланади:

1931 йилданоқ унинг шеърлари «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи» газеталари ва республика адабий-бадний журналлари саҳифаларида кўрина бошлайди, 1932 йилда эса ёш шоиранинг қалдирғоч тўплами — «Ҳаёт варақлари» нашр этилади.

«Ҳаёт варақлари» — адабий муҳит ва китобхонлар орасида Зулфиянинг ўзбек қизларининг ифатли қалбидек майин, зийрак аҳлидек самимий истеъдодига ишонч яратган бўлса, «Қизлар кўшиғи» (1939), «Уни Фарҳод дер эдилар» (1943), «Ҳижрон кунларида» (1944), «Ҳулкар» (1947), «Мен тонгни куйлайман» (1950), «Дугоналар билан суҳбат» (1953), «Юрагимга яқин кишилар» (1958), «Ҳаёт жилоси» (1961) каби асарлари, талай публицистик мақолалари, рус ва жаҳон адабиётидан қилган таржималари, жамоат арбоби сифатида олиб бораётган қизгин фаолияти билан шоира ўзбек совет адабиёти ва маданиятининг йирик намояндалари сафидан ўрин эгаллади.

Зулфия — уста кўрган, дунё кезган адиба. Унинг таланти турмуш дўсти Ҳамид Олимжон ижодий мактабида тобланган, ҳаёт ҳақидаги тушунчалари бепоён Совет Ватани бўйлаб қилган саёҳатларида, Ҳиндистон, Югославия, Цейлон, Миср ва Япония мамлакатларида бўлган чоғларида чиниққан.

Ватан — азиз, дўстлик — латиф, садоқат — ҳусн, меҳнат — лазиз, яхшига — ҳурмат ва ёмонга — нафрат ҳиссиёти-ла қайнар булоқдек тўлиб-тошган лирик асарлар — коммунист шоира Зулфия қалби ва истеъдодининг гавҳарлари барча кишиларни коммунизм сари чорламоқда.

ПАРТИЯ, СЕНГА САЛОМ!

**Б**укун эрк байрамимиз,  
севинч тўла дилимиз,  
Дилда севинч тошаркан,  
сенга йўллаймиз салом.  
Сенинг ўзинг эрк берган,  
ҳусн берган, бўй берган,  
Тенглар қаторида тенг —  
туриб деймиз: Ассалом!

Тарихдан сўзламаймиз,  
ким эдигу, бўлдик ким!

Ўзбекнинг қизларини,  
қуёшга тутган сенсан.  
Зулматнинг оғир тошин  
елкамиздан иргитиб,  
Заҳил жамолимизни  
мангу ёритган сенсан!

Озодлик мулкимиздир,  
ҳунаримиз — яратиш,  
Сен берган янги замон  
яша, дейди, янгича,  
Бошда Ленин байроғи,  
дилимизда шууринг,  
Номимиз ҳам товушимиз  
етиб борди сенгача.

Сен берган офтобдан  
баҳордай кўрка тўлиб,  
Бизнинг толедай кулиб,  
яшнар колхоз еримиз;  
Меҳнат саройи десам,  
арзир гигант Текстиль.  
Кунда янги шодликни  
тўқир бунда қизимиз.

Ҳар нур қизи қўлида  
элликлаб станокдан,  
Худди сут дарёсидай,  
оқиб чиқади газмол,  
Станоклар бошида,  
Трехгорка қизидай,  
Турар тинчлик постида  
бизнинг бахтиёр аёл.



Ҳурматой ипагидай —  
асл, нафис батисга  
Санъаткор қиз қўли-ла  
ҳаёт ўзи босар гул.  
Қийганда шимол қизи —  
баҳор бўлиб иситар,  
Гоҳ Фарғона водийси,  
гоҳ гуллаган Мирзачўл.

Кечаги рекордини  
бугун бекор қилади,  
Қаҳрамон қизларимиз  
замон-ла юриб илдам.  
Мана, чевар Чиннихон,  
Саодат суръатига  
Теримда етгани йўқ  
манман деган йигит ҳам.

Терим машинасида  
қизларимиз руль олиб,  
Ғалаба китобида  
оча олди янги боб.  
Грамм-граммлаб териб,  
йиғиб олган хирмони  
Далаларни ёритар  
кузда худди офтоб.

Юз центнерчи қизларнинг  
мақтови шеърга сиғмас.  
Сийналарда порлаган  
юлдузлар ҳар кун ошар.

Ватанни жондан севган  
                    меҳнаткаш аёлимиз  
Ижоду яратишнинг  
                    ишқига тўлиб яшар.

Бири бугун давлатнинг  
                    тепасида туради;  
Янги тонг ёришади  
                    ҳар олима сўзидан.  
Гўзал қизинг саҳнада  
                    сен берган қанот билан  
Оққуш бўлиб учади  
                    Уланова изидан.

Муҳтарам оналарнинг  
                    иссиқ меҳру шафқати,  
Не-не етук кишининг  
                    хонасини ёритди.  
Гўдакни йўргаклашга  
                    бахтнинг ўзи келаркан,  
Азамат ўғилларни  
                    бағри-ла баҳор этди.

Фарзандлик эрка ҳисси  
                    жўш ураркан юракда,  
Ютуқлардан сўзладик —  
                    мақтанчоқлик эмас бу .  
Эй Партия байроғи,  
                    сендан таълим олганмиз,  
Баҳтимизни меҳнатда  
                    кўрганмиз мисли кўзгу,

Ҳар қиз янги меҳнатнинг  
Ярқироқ чўққисидан  
Масофа, замон ўта  
келажакни кўради.  
Сен яшнатган тупроқда,  
сен яйратган халқ билан  
Ҳур меҳнати постида  
сендай маҳкам туради.

## ПАЛАК

«Сенга мафтун бўлиб, севиб қолганим,  
Ишқинг оловида ўртанганим рост.  
Сенинг ёдинг билан нафас олганим,  
Исминг такрорлашга ўрганганим рост».

Дедингу, э йигит, юзимга боқдинг!  
Сендан узолмадим мен нигоҳимни.  
Уша гўзал баҳор бағримни ёқдинг,  
Энди ўзинг тингла, қувонч, оҳимни!

Қизлар бўйи етса тикарди палак,  
Мен сени севдиму, олдим қўлимга.  
Саватда товланар ранг-баранг ипак,  
Баҳор нусха чизар эди гулимга.

Душман ажал тортиб келди Ватанга,  
Бизнинг севгимизга ташлади ҳижрон,  
Сен кетдинг, яроғинг олиб елкангга,  
Қайтамиз, кут,— дединг,— ёв битган  
замон.

Сен-ла бирга кетди баҳор ҳам юрак,  
Ёмон ваҳималар олди ҳушимни,  
Келгач ширин хатинг, хайрли дарак,  
Умидим ўсди-ю, тикдим ишимни.

Уни тика бердим кечалар бедор,  
Қаршимда суратинг, тортдим қатимни,  
Хаёлимда сенсан доим, азиз ёр,  
Ишқинг билан чекдим севгим хатини.

Ёвни тамом қилиб, сен қайтсанг ғолиб,  
Ишқда бирга тепгай биздаги юрак.  
Сени қаршилагай қуёшдай ёниб,  
Йўлингга кўз тутиб, мен тиккан палак.

Сенинг дилларингга бергай ул ором,  
Севгим армуғони бўлур умрбод.  
Меҳрибон қўлимнинг санъати мудом,  
Сенинг рўпарангда турса бас, мен шод.

1943

## БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СҮРОҚЛАБ...

*(Қимматли Ҳамиднинг ёрқин хотирасига)*

Салқин саҳарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор.  
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,  
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...  
Қанча севар эдинг, бағрим, бу баҳорни,  
Ўрик гулларининг эдинг мафтунни.

Ҳар уйғонган куртак ҳаёт берган каби  
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.

Мана, қимматлигим, яна баҳор келиб  
Сени излаб юрди, кезди сарсари.  
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,  
У ҳам ёш тўкди-ю, чекилди нари.

Сени излар экан, бўлиб шаббода,  
Сен юрган боғларни қидириб чиқди.  
Ёзиб кўрсатай деб ҳусн-кўркини,  
Яшил қирғоқларни қидириб чиқди.

Топмай, сабри тугаб, бўрон бўлди-ю,  
Жарликларга олиб кетди бошини.

Фарҳод тоғларидан дарагинг излаб,  
Сойларга қулатди тоғнинг тошини.

Қирларга илк чиққан қўйчивонлардан  
«Қайда шоир» дея айлади сўроқ.  
Барида сукунат, маъюслик кўриб,  
Ҳориб, чарчаб келди, тоқатлари тоқ...

Сўнгра жило бўлиб кирди ётоғимга,  
Хулқар ва Омоннинг ўпди юзидан.  
Сингиб ёш кўйдирган заъфар ёноғимга  
Секин хабар берди менга ўзидан.

Лекин ётоғимда сени тополмай,  
Бир нуқтада қолди узоқ тикилиб.  
Яна ел бўлди-ю, кезиб сарсари,  
Мендан сўрай кетди қалбимни тилиб:

«Қани мен келганда кулиб қаршилаб,  
Қўшиғи мавжланиб бир дарё оққан,  
«Бахтим борми» дея, яккаш сўроқлаб  
Мени шеърга ўраб суқланиб боққан?

Урик гулларига тўнмайди нега,  
Елда ҳилпиратиб жингала сочин.  
Нега мен келтирган шўх нашидага  
Пешвоз чиқмайди у ёзиб қулочин?

Қандай ишққа тўлиб боқарди тонгга,  
Қамол топтирарди кенг хаёлимни.  
Унинг рангдор, жозиб қўшиғида  
Гўзалроқ кўрардим ўз жамолимни.

Қани ўша куйчи, хаёлчан йигит?  
Нечун кўзингда ёш, туриб қолдинг лол.  
Нечун қора либос, сочларингда оқ,  
Нечун бу кўкламда сен паришонқол?»

Қани менда жавоб? Лолдир тилларим,  
Баридан тутдиму, келдим қошингга.  
У ҳам ғаминг билан кезди афтода,  
Боқиб туrolмайин қабринг тошига.

Аламда тутоқиб дарахтга кўчди,  
Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.  
Сенинг ёдинг билан елиб сарсари,  
Гуллар ғунчасини этди чок-чок.

Гулу райҳонларнинг таралди атри,  
Самони қоплади майин бир қўшиқ.  
Бу қўшиқ нақадар ошно, яқин,  
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ.

Баҳорға бурканган, сен севган элда,  
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.  
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,  
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

1945



**ЎҒЛИМ, СИРА БЎЛМАЙДИ УРУШ!**

Тўлишарми ўлкада баҳор,  
Қуёш кезар осмон кўксида.  
Қалдирғочлар қанотми қоқар,  
Ундан соя лаби устида.

Мана, ўғлим лаби устида  
Қалдирғочнинг майин қаноти.  
Ўспириним тоза кўксида,  
Қунда ошар янги ҳис тотти.

Бўйи ошиб кетди бўйимдан,  
Боса олар кўксига бошим.  
Севгим қуриб берган уйимда,  
Ўсди менинг катта йўлдошим.

Юрак тўла шодлик, меҳр, бахт,  
Унинг кўзларига боқаман.  
Нигоҳидай тиниқ ва ёрқин  
Орзу тўлқинида оқаман.

Орзулари қалбимга зийнат,  
Ҳаётидир кўзим қораси.

Ўкинаман, баъзида фақат,  
Ёнида йўқ унинг отаси.

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,  
Ҳамон битмас сен солган алам.  
Сен туфайли қўп хонадонда  
Ота номли буюк шодлик кам.

Юлдинг ота демак бахтини,  
Жуда мурғак гўдақларимдан.  
Яхши ҳам бор шундай ватани,  
Далда бўлди юракларимга.

Ота бўлиб солдим мен йўлга,  
Она бўлиб меҳримга олдим.  
Мана, юртга ўғил ўстирган  
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.

Қанча ишонч, умид бахш этар,  
Ҳам ватанга, ҳам менга бу дил.  
Қоя каби ёнимдан чиқиб,  
Суян,— дейди,— кифтимга дадил.

Мен онаман, менинг юрагим,  
Фарзандларим қувончига кон.  
Дил орзиқар, баъзан тилагим,  
Ваҳималар ўраган замон:

Йўқ, урушнинг номи ҳам ўчсин,  
Менинг ўғлим керак ҳаётга.  
Истамайман, унинг дудлари,  
Қўнсин лаби узра қанотга.

Бас, бас, эзгу оналар қалби,  
Яшай олсин бежавф, бахт билан.  
Меҳнатимиз, ғазаб, севгимиз:  
— Тинчлик,— дейди бутун халқ билан.

Кўкрак сути ва меҳнат билан  
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.  
Она қалби оёққа турса,  
Уғлим, сира бўлмайди уруш!

1954

### ЮРАГИМГА ЯҚИН КИШИЛАР

Шаҳрим кўчасидан мен шод бораман,  
Қатта ҳаёт қайноқ, сершовқин, гавжум,  
Москва кўчасидай нурга кўмилган  
Машиналар занжири узилмас бир зум.  
Одамлар дарёси оқар ёнимдан,  
Қарайман:

ҳаммаси — ҳаммаси таниш,  
Билмайман исмин ҳам, касбин ҳам, аммо  
Биламан — барида буюк интилиш:  
Эртани бугунга келтирмак учун  
Бугундан гўзалроқ дамга шошади.  
Ҳаётда ҳали ҳеч тарих кўрмаган  
Зафар китобидан варақ очади.  
Танишларим қанча?  
Сўрдим ўзимдан,  
Менга жавоб қилди порлаган қуёш:  
«Менинг нурим кирган ҳамма ер таниш,  
Баҳра олган жоннинг ҳаммаси қардош!»  
Ана... Коммунизм шўъласи юзда,  
Туркман қиз қуёшдан туриб илгари,  
Кўтарма кранда юксак уйларни

Офтобга тутаркан, қўшиқ сингари,  
Дилга сизмай кетиб дўстлик гурури,  
Тезроқ қуриш учун узатаман гишт.  
Қарайман:

пахтазор, буғдойзорларда,  
Бутун ўлка бўйлаб қизгин борар иш.  
Юртим харитаси — менинг юрагим,  
Энг узоқ бурчи ҳам таниш ва яқин.  
Муқаддас гавҳардай сақлайман унда,  
Икки юз миллионли халқ муҳаббатин!  
Узоқ Шарқ,

Сахалин,

Бокуда юриб,  
Кўраман энг яқин қадрдон дўстни.  
Билмайман: бу совет кишиларисиз  
Қайдан олар эдим қалбимга ўтни?  
Шу қалб куйи бўлиб

гоҳ оқшом,

гоҳ тонг

Дўстлар эшигидан кириб бораман,  
Ҳар ерда муҳаббат ва ҳаёт берган,  
Яқин кишиларни топа оламан!  
Заводда, колхозда,

давлат бошида,

Менинг юрагимга яқин кишилар.  
Бахтиёр бўлардим,

шеърларим билан

Шу дўстлар қалбига киролсам агар...

1954

### УША ҚУЕШ ПАРЧАСИ ЭДИ

Қиз йиғинда паранжи отди.  
Жизғин бўлди оловда чачвон.  
Атроф тўла одамга боқди,  
Нақ булутдан чиққан ойсимон.

Ойдаё ёрқин йўл олди уйга,  
Табассумда нурли кўзлари.  
Дилни солиб янги бир куйга,  
Ҳамон янграр нотиқ сўзлари.

Қалбидаги янги ҳарорат  
Ҳаёт бўлиб элтар илгари.  
Таниш тор кўчага ниҳоят  
Шод отилди чақмоқ сингари.  
Ўт парчани таниди ота,  
Авзойини ўради булут.  
Эшик шарт ёпилди,  
                                унинг ортида  
Ҳансиради ота ва сукут.

Қиз шодлигин муздай уфурган  
Нафрат,

қарғиш нафаси ютди.

Лекин дилда,

қонда қулф урган

Янги олов борлигин тутди.

Тўлқин урган чақмоқ ҳам ҳар чоғ

Яна топиб кетади йўлин —

На тўсолган суръатини тоғ,

На ютолган булутлар ўтин.

Қиз ҳам шундай.

Остонасида

Турди тўниб ёпиқ эшикка,

Қуёшдан узилган сайёра

Каби танҳо жигари тилка:

Ўз отаси ўгирди юзин,

Этди уйи,

меҳридан маҳрум.

Тушунчаси нур олгани-чун

Наҳот бўлса лаънатга маҳкум!?

...Нотиқ айтган оловли сўзлар,

Нақ юракда кетди жаранглаб.

Тикка чиқди қиз йўлга, кўзлар

Бахмал юдуз каби чарақлаб.

Чопиб кетди қиз чўғдай бўлиб

Қулоқ солмай лаънат, фарёдга.

Нур узатган қўлга ишониб,

Ўзин отди янги ҳаётга...

...Хиёл ҳорғин,  
                    Ўтаб хизматни  
Утдай ёниб келади аёл.  
Парт бўлишдан қўрққан шу ўтни  
Кутиб олар эшигида чол.

Қари-қартанг ва ногиронлар  
Мақтаганда министр қизин,  
Ут тафтидан қўрққани онлар  
Эсга тушиб чол койир ўзин.

Октябрни қизи дер Қуёш,  
Чол ҳам қалбдан билади энди:  
Қизи дилин шер қилган оташ  
Уша Қуёш парчаси эди.

1957



### БУЮК ТУҒИЛИШ

Кўз илғамас дала оппоқ пахтазор,  
Ишлаб ҳоригандай сирғилар офтоб.  
Пахта булутини шопириб бир чол  
Қуритади уни — олтинни,  
Шу тоб —

Узоқ мамлакатдан келган бир меҳмон,  
Нақ чол ҳузурида тўхтади мамнун.  
Ота алиқ олди саломга, шу он —  
Кекса юзини тутди табассум бутун.

Фасллар юкини содиқ сақлаган  
Баланд қоя каби мағрур турар чол.  
Соқол пахтасидай кумуш; кўзлари  
Милтирарди кузнинг офтоби мисол.

Меҳмон сўраб қолди отанинг ёшин,  
Чол қаддин ростлади гўё азим тоғ.  
— Мана, Октябрга қирқ тўлди чоғи!  
Мен ҳам шу ёшдаман, айт, қизим, шундоғ!

Қиз ҳам шундоғ деди меҳмон тилида,  
Чолнинг қўлини сиқиб сўзлади меҳмон:  
— Буюк туғилиш бу! Шу ёш нафасдан  
Яшариб келмоқда бизнинг ҳам замон.

Совет Осиёсин ҳар бурчида мен  
Қўрдим худди сиздай қирқ ёшлиларни,  
Ленин кўзларининг сўнмас ўтини  
Сақлаб қолган дили қуёшлиларни!

*1957*

## РАШК

Ўлтирибман дарё бўйида  
Юрагимда рашк билан ҳавас.  
Дарё оқиб борар... қўйнида  
Қуёш нури, баҳорги нафас.

Йўқ, рашкимни қўзғатган бумас!

Чунки, мен ҳам халқ денгизида  
Баҳор нафасин ҳам сезаман.  
Дарё оқиб ётар изида,  
Мен истасам жаҳон кезаман.

Лим-лим сувдан узолмайман кўз,  
Тўлқинларда тирик ҳаяжон.  
Қуёш миллион ва миллион юлдуз  
Бўлиб унга сочилган маржон...

Тепасида учар гала қуш,  
Арғимчоғин дарёга солиб,  
Тоғ еллари уриб ўтар тўш,  
Салқинидан шаҳарга олиб.

Йўқ, рашкимни қўзғатган бумас!

Ишқ ва ҳижрон оловларидан  
Омон чиққан қайноқ дилим бор.  
Мен қуёшли эл фарзандиман.  
Бахтлиманки, ёниқ нафас ёр.

Йўқ, рашкимни қўзғатган бумас!

Нигоҳ кетар тўлқинлар билан,  
Соҳилларга суқ билан қараб.  
Қўлда кетмон, бир чол дарёдан  
Боғига сув очади яйраб.

Кумуш сочдай ёйилар сув ҳам,  
Қуйилади тупроқ қўйнига.  
Менинг қалбим рашк бўлиб шу дам  
Осилади сувнинг бўйнига.

Ҳовуч-ҳовуч ичади қизча,  
Сероб бўлиб кетар ташна лаб.  
Шеърим ўқиб бир ҳовуч сувча  
Баҳра олармикан бирон қалб?—

Шу рашк мени қийнар бу нафас!..

1958

## МУШОИРА

Гўзал тупроқ узра қуйилди оқшом,  
Кундуз олар дам,  
Жўшқин мушоира этади давом,  
Дўстим, кел сен ҳам!

Бунда узоқдаги дўст бўлар яқин,  
Санъат, маҳоратнинг байрами бунда.  
Қофия, сўз, мисра баҳслари қизгин,  
Юраклар даврага киради бунда.

Қай дил чамани бой, жозиб нафаси,  
Қимнинг фикри ўткир, теран, бокира?  
Бу гурунг — шоирлар мусобақаси —  
Шарқ шеърий чамани, бу мушоира!

Ҳинд тупроғи узра қуйилгач оқшом,  
Кундуз олгач дам,  
Жўшқин мушоира этади давом,  
Дўстлар бўлиб жам!

Юраклар жўр экан, овоз ҳамоҳанг,  
Зарра эҳтиёж йўқ муҳташам залга.

Бу шеър боғига гўзал, ранг-баранг  
Қўшиқ солиб келган ҳар шоир дилга.

Нил қудратин жўшиб куйлар бир шоир  
Ўзгаси Ганг мисол қилар замзама.  
Фақат манго нусха ажойиб чодир  
Бу гўзал даврага ажиб бошпана.

Бенгал кўрфазидай кўк эди оқшом,  
Атрофда табиат оларди нафас,  
Ранг-баранг чироқлар шўъласи бесон —  
Осмон кўзларида этар эди акс.

Салқин соҳиллардан эсанг шаббода  
Гоҳ олиб келарди гуллар бўйини,  
Гоҳ ҳинду қиз куйин гоҳ яқин боғда —  
Сайраган анвойи қушлар куйини.

Лекин ҳоким эди даврада илҳом  
Ва жасур қалам.  
Жўшқин мушоира этарди давом,  
Дўстлар бўлиб жам.

Ўзбек супасидай саҳнада гилам  
Чироқда ёнарди гўё камалак,  
Меҳру муҳаббатин кўрарди баҳам,  
Ҳақиқат ва нурга интилган юрак.

Саҳнага чиқарди сипо ва вазмин  
Чинор ҳам, ниҳол ҳам шеър чаманидан:  
Кекса-ёш отаю фарзанддай яқин  
Ёнма-ён дўстликнинг бу байрамида!

Шарқнинг ҳам муқаддас одатлари бор,  
Ҳиндлар удумига қиламиз амал.  
Чордона қурамиз меҳмон ва мезбон  
Камалак ранг гилам узра бемалол.

Пойгакда ечилган хил-хил пойафзал,  
Менинг назаримда ўзи бир дунё.  
Ҳар бири ўзида меҳнат ва гўзал  
Эли тупроғини келтирган гўё.

Ажиб Ҳиндистоннинг моҳир, миришкор  
Қосибин санъатин қилиб намойиш —  
Ҳиндлар сандаллари тизилган қатор.  
(Сандал дарахтидан ясалган эмиш.)

Жуда соз! Албатта кийиб бирини,  
Сафарга дўстлар-ла мен ҳам чиқаман.  
Ҳар қўлга тутқазиб халқим меҳрини,  
Буюк Ҳиндистонни яёв кезаман!

Хитойнинг бежирим, Бағдоднинг пухта  
Оёқ кийимлари турар ёнма-ён.  
Қарайман, Цейлон бор ва бошқа жуфтда  
Эрон қосибининг санъати аён.

Мўғулча этиклар Панжоб кафшига  
Эртақ сўзлагандай эгилиб турар...  
Кўзлар қувонади инсон ишига,  
Шод этар тупроғу меҳнат ва ҳунар.

Сўнгра теваракка сездирмай секин  
Мен ҳам ўз туфлимга ташладим кўзим.  
Ёмон эмас, Аҳмад, моҳир, камтарин  
Ватандош, ишингга олқиш ўқидим.

Биламан, сенинг ҳам бунда дўстинг бор,  
Балки Бомбейда у, балки Қашмирда.  
Қазерда бўлмасин худди сен мисол  
Яшайди даврада янграган шеърда!

Чодир ичи гавжум, кўзлар мунтазир,  
Микрофон олдида давра соҳиб:  
Қумушдай сочида жилваланар нур,  
Қўзида ёшликнинг сўнмас ёлқини.

Неларни кўрмади бу кўзлар? Юртда  
Қўз ёши дарёдай оққанин эслар,  
Ирода ва умид товланиб ўтда,  
Қари ҳақсизликни ёққанин эслар.

Энди Ҳиндистони устида офтоб,  
Шунинг-чун ёш, дадил, мунаввар боқар,  
Бизни шеър баҳсига қилади хитоб,  
Қўшиқ юраклардан дарёдай оқар.

Гўзал таржимондир зангори оқшом,  
Ҳар юрак ҳамдам.  
Бизнинг мушоира этади давом,  
Дўстим, кел сен ҳам!

Мана, мусиқадай, севгидай майин,  
Даврага киради Панжоб булбули.  
Нафис сатрлари ёниқ ўтдаин,  
Жасур жаранглайди оналик дили.

Шеър ўқийди Непал, Вьетнам, Хитой,  
Рус, тожик ўқийди шеърини сарбаст.  
Қора алангадай соқолли сигхлар,  
Қордан оқ либосли бенгаллар, ҳиндлар,  
Завқдан тебранишиб нақ тўлқинли сой,  
Тингларди ҳаяжон оғушида маст.



Қўшиқ-чи?

Гоҳ кураш,  
                    гоҳ қиз севгиси,  
Гоҳ кўкдан нон кутиб кўр бўлган нигоҳ,  
Гоҳ гўдак кулгиси, гоҳ банан иси,  
Сурмали кўзларнинг нози бўлиб гоҳ;  
Гоҳ бўғиқ ҳақиқат дод, ҳайқириғи,  
Гоҳ юлдуз каби йироқ, ёрқин бахт.  
Қулликка санчилган ғазабнинг тиғи,  
Гоҳ эрк тантанаси берган адолат —  
Осиё Африка картаси бўлиб,  
Ҳаёт аламига, бахтига тўлиб,  
Кириб келар эди дилдан дилларга.  
Еллар мисраларни диллардан юлиб —  
Миллион йўллар билан бутун элларга  
Кетарди гўё бир самимий сайёҳ,  
Ёлқин қанотида дўстлик ва меҳр.  
Гўё шарқликларнинг бахтига гувоҳ,  
Ғарбни чорлар эди даврага шеър.

Эй латиф, фусункор ҳинд оқшомлари,  
Не сеҳр бор эди зангор қўйнингда?  
Тингловчи ва шоир ҳаяжонлари  
Бир улкан қалб бўлиб тепар тўлқинда.  
Янги куй, янги ўй олиб шоирлар,  
Даврага келарди, келарди ҳамон.  
Дилларни пайвандлар эди сатрлар  
Дўстлик, қардошликнинг кўпригисимон,  
Ёру биродарнинг меҳрига сероб  
Юракдай даврамиз борар кенгайиб.

Жафокаш қонига солиб офтоб,  
Кўзида қалбининг оқлиги ёниб —

Африка фарзанди ўқийди шеър,  
Ирмоқдай қуйилар тинчлик сўзлари.  
Ором оғушига кирган бўлар ер,  
Ерқинроқ чақнайди кўк юлдузлари.  
Сен эрмак эмассан, сен нон, сен ором,  
Орзу покиза.  
Сен, Ҳаёт! Ҳаётни куйла сен мудом,  
Эй, мушоира!

Сен чорла, овозинг эшитсин жаҳон!  
Шеърнинг уриб турган юраги бўлиб,  
Ҳаётнинг энг ажиб куйига тўлиб,  
Давраимизга кирсин ишчи ва деҳқон,  
Ҳаёт санъаткори энг оддий инсон.

Балки у шеър ёзиб, ўқимаган ҳам,  
Ижоднинг лаззатли дарди бегона.  
Кураши — қалбида қайнаган илҳом,  
Китоби — эркака ишқ, орзу ва ғоя.

Майли, ўрин олсин бу шонли сафдан,  
Шоирлар куйига бўлсин ҳамовоз.  
Меҳнат-ла яратган саодат, бахтдан,  
Нақд этган мисралар кенг қилсин парвоз.

Ҳаёт гўзаллиги шеърятининг  
Ёниқ нафасига тўлсин бу жаҳон.  
Хавфдан халос бўлган башариятнинг  
Қўшиғин тўқисин озод, тинч инсон.

Давраимиз меҳрга тўлиқ бир олам,  
Дўстлар бари жам,  
Буюк мушоира этади давом,  
Келингиз, сиз ҳам!

1958

## МЕН ЧИЗОЛМАГАН СУРАТ

*(«Йўлда» туркумидан)*

Мен йўлдаман, тинмагур юрак,  
Янги шодлик, қўшиққа чанқоқ.  
Ҳамма ерни кўрмоғим керак,  
Гўё менга ҳамма ер муштоқ.

Қишлоқларни кездим, борлигим,  
Жарангли дам сеҳрига мафтун,  
Ватандош, сен бахтиёрлигим,  
Сенсиз на куй, на ҳаёт бутун.

Қаҳрамонни чақирдим. Ёндан  
Товуш берди колхозчи аёл.  
Еллар ювган юзида илҳом,  
Мен ёзажак куйдан баркамол.

Офтоб олган дурра, чанг этик,  
Дала, қуёш саховати бу!  
Кўзи ўта боққан қалб—етук  
Замон ўзи! Ташвиш ҳам сулув.

Нурланади дағал бармоқлар,  
Кўзларидан жон олар қўшиқ.

Қонидаги янги ирмоқлар  
Замзамасин чизишга ранг йўқ.

Жасоратнинг баёни қай ранг,  
Доноликнинг белгиси қай сўз?  
Суҳбатида — шеър ўқигандай,  
Юксаламан мен ҳам изма-из.

Ўз бахтидай вазмин бу зотда  
Парпировчи қанот кўраман.  
Ҳаёт ўзи, ўзи ҳаётда,  
Мен ҳаётни чизмак бўламан.

Мен чизаман! Нон, севги, меҳнат,  
Дўстдай азиз аёл суратин.  
Шу камтарин, шу улуғ санъат  
Менинг юртим, менинг шуҳратим.

*1961*

### У Қ У В Ч И М Г А

Юрак ниҳол олов қўйнида  
Ёнар, кулар, яшнарди шайдо.  
Орзу, ҳиснинг соф ўйинида  
Илк шеърларим бўларди пайдо.

Шеъринг мурғак, лекин дилинг рост,  
Нафасингда, дедингиз, ўт бор.  
Ёниб куйлаш шоирликка хос.  
Ўсгин, совиш билмагин зинҳор.

Бу оташни бағримдан олиб  
Водийларга, гулларга бердим.  
Тўқувчини қўшиққа солиб,  
Қўриқ ерлар бағрига кирдим.

Ишқ, ҳақиқат қудрати гўё  
Менинг билан тебратди қалам.  
Қўшиқларим билмай ғаш, риё,  
Ошкор кулдим, ошкор чекдим ғам.

Дили шоир ҳассос бир элга  
Фарзандлигим нақл этар бурчим.  
Халқ қалбидай бир гўзал шеърга  
Етармикан ҳеч қачон кучим!





## ТЕМУР ФАТТОҲ

# 30


-йилларнинг яратувчан, қайноқ ҳаёти кун сайин янги куй ва овоз эгаларини етиштирар эди. Темур Фаттоҳ ҳам ана шу даврнинг қанотида катта мақсадлар билан адабиёт майдонига кириб келган шоирлардан биридир.

Темур Фаттоҳ 1910 йилда Қўқон шаҳрида туғилган ва ёшлигида етим қолиб, аввал болалар уйида тарбияланган, механиклар тайёрлаш Қўқон техникумида ўқиган, сўнгра Москвадаги Давлат кинематография институтининг адабий сценария факультетида таълим олган. 1935 йилда Тошкентга қайтган Темур Фаттоҳ Тошкент киностудиясида, Ўзбекистон Езувчилар союзининг аппаратида, Радиокомитет ва Ўзбекистон Давлат нашриётида меҳнат

қилади. Лекин Темур Фаттоҳ меҳнат биографиясининг асосий саҳифаларини илҳомли ижод — шоирнинг «Асарлар фожиаси» (1934), «Шеърлар» (1942), «Серп молодого сердца» (1943), «Япроқлар» (1945), «Ленин ҳақида шеърлар» (1956) ва ниҳоят, «Танланган асарлар» (1958) каби китоблари, Пушкин, Лермонтов, Шевченко, Маяковский ва Н. Тихоновларнинг асарларидан қилган пухта таржималари ташкил этади.

Шоир Темур Фаттоҳнинг дўстлик ва тинчлик, ҳаёт ва меҳнат, Ленин ва партия ҳақида ёзган забардаст асарлари ўзбек совет шеърятининг хазинасини бойитди.





### САЛОМ, ВОЛГА!

(«Ленин ҳақида шеърлар» циклидан)

Салом, Волга, ассалом Ўзбекистондан,  
Меҳринг билан яшнаган боғу бўстондан,  
Сингилларинг — Сир, Аму ҳам Зарафшондан,  
Эй улуғ, эй тўлиқ, муҳташам дарё!

Қанча-қанча адирлар ошиб келдим мен,  
Она дарё, кўргани шошиб келдим мен,  
Муҳаббатинг қалбимда тошиб келдим мен,  
Тупроғинг этгали кўзга тўтиё.

Эркалатдинг мени сен қучоқларингда,  
Гуллар тердим ям-яшил қирғоқларингда.

Эркин кездим ўрмонлар, қишлоқларингда,  
Шунчалар бўлар-да инсон ҳурмати!

Кимки ичса сувингдан бир қултум агар,  
Ҳаёт кўрар у одам ҳаётинг қадар,  
Англадимки, этибдир сени мўътабар  
Советлар даврининг қудрат, шавкати.

Ватанимнинг қудрати берди сенга шон,  
Партия азми билан бўлдинг нурафшон,  
Коммунизм йўлларин этар чароғон  
Бағрингдан балқиган муҳташам ГЭСлар.

Бу ГЭСлар сочганда олам-олам нур,  
Қелажакнинг боғлари нурга чулғанур.  
Бу кунларнинг мардларин авлодлар масрур,  
Чексиз ғурур билан ҳурматлар, эслар.

## БАҲОР

«...Ҳей, юрагимнинг эгаси,  
менга раҳминг келиб,  
шоирнинг ҳолини сўрагани  
келдингми?»

(Р. Тагор.)

Эслисанми, ям-яшил баҳор...  
Бирга кутдик севинч тонгини,  
Япроқларнинг шилдирашида  
Қалб эшитди ишқ оҳангини?..

Шаббодалар сочим тўзғитди,  
Мен кетингдан қўл силкиб қолдим...  
Ҳижронингга беролдим бардош,  
Муҳаббатинг рубобин чалдим...

Гулга буркаб яна қалбимни,  
Келиб кирдинг, баҳор, ёнимга.  
Ҳусн қўшдинг бир зумда ўзинг  
Масканимга, гулистонимга...

Сенми келдинг мени қутлашга,  
Сенми кулдинг, ҳай ёнар қуёш?  
Соғиндингми соғингучингни,  
Ҳай юраги юракка туташ?..

Қара, баҳор, ўз аксингни кўр...  
Пахталарга тўлар далалар...

Суюнмайми?  
Сен, қуёш ва мен  
Бир юракли ишчан болалар!..

*1930*

## ЧИРОҒЛАР

Қаршимда чироғлар, ҳар томон чироқ...  
Жуда яқин бўлиб кўринар йироқ.

Эҳтимол, у ухлар ўз уйида тинч,  
У томон шошаман, қалб тўла севинч.

Ҳар чироқ севганим бўлиб кўринар,  
Табассум, жилвага тўлиб кўринар.

Мен дейман: эй юрак, ишон ва қониқ,  
Кезганинг бу йўллар ёруғдир аниқ!

Кўргани шошаман сени, гўзал ёр,  
Ҳам ёрим яшаган ёп-ёруғ диёр!

*1936*

### ЕҢУТ ЮЛДУЗЛАР

Кремль, сен томон михланди кўзлар!  
Хаёллар дарёдай сен томон оқди.  
Абадий порловчи ёқут юлдузлар.  
Аламли дилларга машъаллар ёқди.  
Ёқди ва ёқажак! Ҳаёт нури у!  
Юртим ифтихори, бахт сурури у!  
У борки, қуёш ҳам жилмайиб боқди.

*1941*

## И У Л Д А

*(Фронтга кетганда)*

Бораман ҳамон-ҳамон,  
Тўхтамай Ғарбга томон,  
Йўллар ўтиб бораман,  
Чўллар ўтиб бораман.  
Лекин фикрим сандадир,  
Сен бўлган чамандадир;  
Фақат ёдимда ўзинг,  
Жилмаяр икки кўзинг...  
Доимо ёнимдасен,  
Тинмай забонимда сен!  
Бўлган сари йўл йироқ —  
Юракни эзар фироқ.  
Лекин севгинг роҳати,  
Кўзларинг ҳарорати  
Тинмай мени эркалар,  
Кеча, кундуз, эрталар.  
Ҳамон-ҳамон бораман  
Ғарбга томон бораман.  
Сендан кўп йироқларга  
Ёв қутурган ёқларга...  
Вайрон қишлоқлар сари,

Азиз ўртоқлар сари...  
Зўр қуёшдан нур олиб,  
Хурсандлик, сурур олиб...  
Машриқдан этдим сафар,  
Чиқдим қучгани зафар!  
Ҳамон-ҳамон бораман,  
Ғарбга томон бораман.  
Севгинг бамисли байроқ,  
Ҳилпирар олдда ҳар чоқ!

*1942*



### ЯНГИ САҲИФА

Бизнинг ҳаётимиз — улкан бир китоб,  
Ҳар йилимиз — унинг бир саҳифаси.  
Лекин саҳифалар унда беҳисоб,  
Лекин саҳифалар ранг-баранг, асл.

Унинг мазмунидир тинчлик ва иқбол,  
Ижод ва юксалиш, шавкат ҳамда шон,  
Унинг мазмунидир порлоқ истиқбол,  
Етмак коммунизм боғлари томон.

Ҳар йил шу китобнинг бир саҳифасин  
Қудратли қўл билан очаркан халқим,  
Коммунизмнинг илиқ нафасин  
Яна ҳам яқиндан сезади ҳар ким.

Янги йил муборак! Улкан китобнинг  
Янги саҳифасин очди Ватаним.  
Китобда жой олган ўчмас офтобнинг  
Ҳаётбахш нурларин сочди Ватаним!

1949

## ҚАРДОШЛИК

Москва онадир, биз унга фарзанд.  
У билан бўлолдик ҳар ишга қодир;  
Ким унинг нуридан бўлса баҳраманд —  
Умри бақодир!

Умри бақо халқмиз, қудратли, донгдор,  
Улуғ беш йилликлар бунга обида.  
Тенгдошлар қатори ўзбек номи бор  
Бахт китобида.

Москва онадир!.. Бу кўркам ўлкам  
Унинг меҳри билан етук, навқирон;  
Қардошлар қатори ҳур республикам —  
Шарқда нурафшон!

Ўзбек пахтакори олса мўл ҳосил —  
Россия деҳқони қилар ифтихор.  
Волга бўйларига гўё мутгасил  
Келгандай баҳор...

Полвонтошда қудуқ кавласа ўзбек,  
Бокуда отилар нефть фонтани,

Кўпдан абадийга қўшилганидек  
Халқларнинг қони.

Шахтага тушаркан Донбассда шахтёр,  
Тоғ-тоғ кўмир чиқар Оҳангарондан...  
Куйласак—қардошлар бўлишади жўр  
Ҳар бир томондан.

ДнепроГЭС мурватин бураса техник,  
Фарҳоддан тарқалур олам-олам нур...  
Нурдан Марғилоннинг атласларидек  
Осмон товланур...

Йўқ, осмон товланур дўстлик нуридан,  
Москва меҳридан нур эмиб ҳар кун,  
Қудрат ғуруридан, бахт суруридан  
Юзимиз гулгун!

1949

## ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ШАҲАР

### I

#### СИМБИРСК

Бу шаҳарни ким биларди,  
Ким биларди илгари?  
Назарига ким иларди,  
Ким иларди илгари?

Руснинг оддий бир шаҳари,  
Похол том, ёғоч уйлар...  
Тор ва қинғир кўчалари  
Алам қўшиғин куйлар.

Куйлар, куйлар... Оч ва гадо  
Халқнинг фиғони, доди  
Қайтаради акси садо  
Бурлақларнинг фарёди.

Ғамгин шаҳар ёнбошидан  
Волга оқиб ўтарди.  
Мазлумларнинг кўз ёшидан  
Маржон тақиб ўтарди.

Сандиғига капиталнинг  
Жо бўларди маржонлар...

Россия кенг, Волга ҳам кенг...  
Сигмас унга фиғонлар.

Қайга борсин қашшоқ мужик,  
Қайга етар товуши.  
Бисотида бор улуғ кек  
Ҳамда пўстлоқ кавуши.

Чайқаларди довуллардан  
Ғазаб ортиб йил сайин;  
Гўё мунгли қўшиқ айтган  
Соҳилдаги оқ қайин.

## II

1870

Баҳор келди... у дилларга  
Севинч берса-чи пича?  
Йўқ! Соҳилдан соҳилларга  
Даҳшат изғир эскича.

Эскичадир бу шаҳар ҳам,  
Похол том, ёғоч уйлар.  
Сийнасига тўлиб алам  
Мунгли қўшиғин куйлар.

Тарновлардан оқаетган  
Қор суви куйлар шуни,  
Кўкда қанот қоқаетган  
Қушлар шу куй тутқуни.

Азобларнинг қучоғида  
Бўғилади одамзод,  
Унинг сўлғин дудоғида:  
«Тангрим, ўзинг бер нажот!»

Фақат черков жом уради,  
Тасалли бергансимон.  
Ҳамон зулм қутуради,  
Қоронғи еру осмон.

Халқ инграйди, қўлда занжир,  
Қайга ҳам етар оҳи?  
Фақатгина шу она — ер  
Даҳшатларнинг гувоҳи.

### III

22 АПРЕЛЬ

Пастқамгина қарағай уй,  
Сўлғин нур сочади шам.  
Чехрасида бир олам ўй,  
Она қалбида кўклам.

Она яна кўрди фарзанд,  
Мана қучоғида у.  
Термулади бўлиб хурсанд,  
Кўзига келмас уйқу...

Билса эди она у чоқ  
Дунёга ким келганин,  
Она кимга очиб қучоқ,  
Бошида эгилганин!

Оқ сут берди, қучоқлади,  
Азиз она фарзандин.  
Меҳр билан ардоқлади  
Володя — жигарбандин.

Пастқамгина қарағай уй,  
Шу уйда туғилди у.  
Чеҳрасида бир олам ўй,  
Халқ дардига тўлди у.

#### IV

##### ҚУЕШ

Халқ дардида у йўллар юрди,  
Йўлларини тўсди қора тун.  
Йўллар юрди ва эллар юрди,  
Узоқларда сарсон ва сургун.

Қаршисида ваҳшатга йўқ чек.  
Яна халқнинг қўли кишанда,  
Яна тоғдек у сийнада кек,  
Этмади ҳеч курашни канда.

Яна увлар даҳшат шамоли,  
Кўкни қора булут қучади.  
Бургут бўлиб унинг хаёли  
Россияга қараб учади.

Иқбол излаб кезди дунёни  
Халқ учун, даҳшат йўлида,  
Халқлар кўрди ўчмас зиёни  
Доҳийсининг кучли қўлида.

Пешвоз чиқди унга ўша дам  
Узи каби мардлар ҳар ёндан.  
Олиб ўтди уларни бардам,  
Курашларда ҳар бир довондан.

Революция бешигини ҳам  
Тебратишда бирга бўлдилар,  
Саодатнинг эшигини ҳам  
Очиб берди инсонга улар.

Ғам-аламдан пок бўлган инсон  
Қаддин ростлаб, даст кўтарди бош,  
Халқ қалбини этди чароғон  
Уфқлардан балқиган қуёш.

Қуёш нури кезди элларни,  
Улкаларни безаб елди у.  
Ғалабага тўлиқ йилларни  
Елкасига ортиб келди у.

## V

### ульяновск

Гўзал шаҳар, қадимий шаҳар,  
Бугун сени жаҳон биледи.  
Ҳурмат билан эллар, элатлар  
Қучоғингга етиб келади.

Ёнбошингдан оқади ҳамон  
Россиянинг азим дарёси.  
Уни мангу этмиш нурафшон  
Фарзандининг ўчмас зиёси.



Гурур билан ташлайман назар  
Гулзорларга, кенг майдонларга.  
Кўз олдимда ям-яшил шаҳар —  
Чулғанибди шараф-шонларга.

Пастқамгина бир қарағай уй,  
Шунда ўсди энг буюк одам.  
Чеҳрасида олам-олам ўй,  
Бунёд этди янги бир олам!

*1950*

## ЖИГУЛИ ТОҒЛАРИ

Жигули тоғлари, ўрмонзор тоғлар...  
Бугун ғурурига йўқдир ниҳоя.  
Яшнаган қишлоқлар, яшил япроқлар  
Бахту иқболдан сўзлар ҳикоя.

\* \* \*

Бахтиёр кунларга етгунга қадар,  
Нималар ўтмади унинг бошидан?  
Волга тўлиб-тошди қашшоқ, дарбадар  
Халқларнинг тинимсиз қонли ёшидан.

Ўзин йўқотмади Ильич, шошмади  
Қишлоқ, шаҳардаги зулмни кўриб.  
Халқни оғир йўлдан олға бошлади,  
Кураш туйғулари қалбда жўш уриб.

Курашда емирилди зулм ва кишан,  
Инсон бўлди мангу қулликдан озод.  
Халқларнинг ижодкор қудрати билан  
Ватанимиз бўлди гулгун ва обод.

\* \* \*

Партия бош бўлди, бахтиёр халқим  
Ватанни бўстонга айлантиролди.  
Дарёлар кўксига ижодкор халқим  
Қудратли қўли-ла бўғовлар солди.

Жигули тоғлари, ўрмонзор тоғлар...  
Бугун гурурига йўқдир ниҳоя.  
Яшнаган қишлоқлар, яшил япроқлар  
Бахту иқболидан сўзлар ҳикоя.

Қани кўрса эди, ўзи бир замон  
Уйланиб термулган азим дарёни.  
Қани кўрса эди, севинчларга қон  
Ўзи бунёд этган янги дунёни!

Партия азми-ла бахтиёр инсон  
Очди зўр дарёнинг сирли сийнасин.  
Ватанни яна ҳам этар чароғон  
Халқим ижод этган нур хазинаси!

Куйбишев ГЭСининг кучли токлари  
Гулшанларда очар беҳисоб чечак.  
Бу — улуғ қадамдир янги бахт сари,  
Бу — тинчлик, озодлик, порлоқ келажак!

1955

## БАЛЛИ

Инсон тафаккурига,  
Инсон жасоратига  
Бугун яна таъзим-ла,  
Ташаккур!— дейди олам.  
Фазони бўйсундириб  
Мислсиз қудратига,  
Ҳусндор эртасига  
Кулиб боқади одам!

Бу совет одамидир,  
Ленин даҳоси билан  
Юртида яратолди  
Янги, қудратли ҳаёт;  
Бу юрт ғалабасидан,  
Ҳар бир мўъжизасидан  
Буткул ҳайратда қолди  
Кўпни кўрган коинот.

Коммунистик партия  
Ҳур инсонни шу қадар  
Ардоқлади, қўллади,

Унга қанот боғлади;  
Инсоннинг тафаккури  
Қуролган ракеталар  
Фазоларни забт этди,  
Ойни ҳам қучоғлади.  
Яна янги мўъжиза —  
Фазога учди одам,  
Фазони қучди одам  
Тарихда биринчи бор...  
Айланиб ер куррасин,  
Ватанга қўнди бардам,  
Этиб юртим қудратин  
Яна баланд, улуғвор.

Қамол топинг, олимлар,  
Инженерлар, ишчилар!  
Юртимиз шуҳратига  
Шуҳрат қўшдингиз яна;  
Бу улуғ мўъжизадан  
Ватан эшитиб хабар,  
Тинчлик, меҳнат қудратин  
Этмоқдадир тантана.

Энг биринчи космонавт —  
Оддий совет фарзанди,  
Рус йигити Гагарин  
Жасоратингга балли!  
Номинг барча тилларда  
Достонларга айланди...  
Шу улуғ Ватанингга  
Садоқатингга балли...  
Балли! — дейди қитъалар

Умид ва севинч билан...  
Балли!— дейди фазода  
Юлдузу Ой, Офтоб.  
Шавкатли Партиямиз  
Халқларимиз номидан  
--- Балли!— деди,— Гагарин,  
Сенга ўртоқ Хрушчев.

*1961*

## КОММУНИСТИК ПАРТИЯ МАДҲИЯСИ

Партия, сен билан бўлдик бахтиёр,  
Қаҳрамон халқларга умрбод қардош.  
Ёруғдир чеҳрамиз, дилларда баҳор,  
Йўлимиз ёритар Москва — қуёш!

Минг яша, Партия, жонажонимиз,  
Сен билан ўзгарур, ўзгарур башар!  
Бўл омон фахримиз, шараф-шонимиз,  
Эй улуғ Партия, минг яша, яша.

Босқинчи ёвларни этдик тор-мор,  
Даҳшатли жангларда бўлдинг раҳнамо.  
Сен билан биз зафар қозондик такрор,  
Зафарлар толамиз бизлар доимо!

Ватанда тинч меҳнат, ижод кунлари,  
Яна ҳам фаровон бўлур бу ҳаёт.  
Биз олға борамиз янги бахт сари,  
Бахтимиз нурига тўлсин коинот.

Минг яша, Партия, жонажонимиз,  
Сен билан ўзгарур, ўзгарур башар!  
Бўл омон фахримиз, шараф-шонимиз,  
Эй улуғ Партия, минг яша, яша!







## ЗАФАР ДИЁР

(1912—1946)

**З**афар Диёр — қисқа, лекин самарали умрини, жўшқин қалбининг бор ҳароратини болаларга — келажакнинг навқирон қурувчиларига бағишлаган серзавқ шоир.

Гўзал Фарғона водийсининг Чуст районида яшаган, оддий деҳқон оиласида 1912 йили дунёга келган Зафар Диёр, олти ёшидананоқ Тошкентдаги болалар уйида тарбия кўрган, 1932 йили Ўзбек эрлар билим юртини ва 1941 йили Низомий номидаги Давлат педагогика институтини тугаллашга муваффақ бўлган эди. У 1936—1941 йиллар «Ленин учқуни» газетаси редакциясида масъул секретарь вазифасини ўтайди ва 1941—1946 йиллар «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди.

5 Ўзбек шеърояти антологияси, V т. 65

1928—1929 йилларда дастлабки шеърлари эълон қилинган. Зафар Диёрнинг «Қўшиқлар» (1933), «Тантана» (1938), «Шеърлар» (1939), «Бизнинг қуролимиз» (1942), «Бизнинг оила» (1942), «Совға» (1944) каби талантли китобларида босилган қувноқ шеърлари, шўх қўшиқлари, дoston ва эртаклари ёш авлодни Ватан, халқ ва Коммунистик партиёга чексиз садоқат руҳида тарбиялашда бебаҳо қимматга эгадир.

Зафар Диёр бадний таржима соҳасида ҳам анча тер тўккан: Маяковский, Маршак, Барто, Михалков ва Абдулла Тўқай асарларидан қилган таржималари ҳамон завқ билан ўқилмоқда.

Совет диёрининг шонли зафарини бола ва оталарга хос шавқ билан куйлаган шоир Зафар Диёр 1946 йилнинг 14 апрелида вафот этган.



## ҒУНЧАЛАР

**В**атан агар бўлса бир чаман,  
Сиз қўйнида хандон ғунчалар;  
Эй сиз, менинг кичик дўстларим,  
Ватанингиз севар шунчалар.

Келгусига боқсак умидвор,  
Ҳаёт яна кўринур гулгун.  
Яшнаб турар доим навбаҳор,  
Етилгаймиз гул бўлиб ул кун.

Биз кўрсатиб чексиз маҳорат,  
Саҳроларда очдик бўстонлар;

Мўъжизалар яратган ғайрат,  
Шижоатдан қолур дostonлар.

Бу ҳаётни қурдик ниҳоят  
Мардонавор кураш — қон билан;  
Паҳлавонлар этилгуси ёд,  
Кўп асрлар шараф-шон билан.

Эрта-индин навбат сизники,  
Яшнатасиз борлиқни яна,  
Улуғ Ленин — партия иши  
Жаҳон бўйлаб қилур тантана.

Келгусида сизлар биздан ҳам  
Юксакларга парвоз этарсиз;  
Балки, чиқиб ойнинг юзига —  
Ғалабанинг нақшин битарсиз.

Амрингизга бўйсунар борлиқ,  
Енартоғ ҳам ўчишга мажбур;  
Буюрсангиз, кўл ҳам, денгиз ҳам  
Саҳроларга кўчишга мажбур!..

Ҳар жабҳада кўрсатиб мардлик,  
Саҳроларни кўмарсиз гулга;  
Боболарга сақлаб садоқат,  
Ўзингиз ҳам чўмарсиз нурга.

Биз бошлаган мармар бинонинг  
Гул-нақшини битказувчи — сиз!  
Оталарнинг улуғ орзусин  
Ўз ўрнига етказувчи — сиз!

Шундай дўстлар, сизни мардона  
Ишлар сари чорлар келажак;  
Бизнинг кунлар ёрқин бундан ҳам  
Ютуқларни кўз-кўз қилажак.

Унгачайин, мана шод ҳаёт,  
Қамолотга етсин ақлингиз;  
Юксакларга тез қоқинг қанот,  
Фан нурига қонсин қалбингиз.

Ватан агар бўлса бир чаман,  
Сиз қўйнида хандон ғунчалар,  
Эй дўстларим, сизни бу Ватан  
Она каби севар шунчалар.

Бу жарангли қўшиқларим ҳам  
Сизлар билан бирга, ўртоқлар!..  
Ёқтираман куйлашни мен ҳам  
Сизлар билан бирга, ўртоқлар!..

## КЕЛ, УЧАЙЛИК ШИМОЛГА!

«Қутб» деган сўзни мен  
Яқин кунда англадим;  
Аммо «қуёш тушмайди»  
Деган сўзга қонмадим.

Еш бўлсам ҳам майлига  
Қанот боғлаб учайин;  
Муз саҳроси қутбнинг  
Сирин мен ҳам очайин.

Ҳой суюкли моделчам,  
Тайёрмисан сафарга?  
Фикрим сенда ҳамиша,  
Кел, учайлик Шимолга!

Йироқ дема қутбни  
Маҳкам, дадил бўлайлик;  
Ошиб ўтиб уфқни  
Шимолни ҳам кўрайлик.

Қанотингни ҳал билан  
Қизил рангга бўяйман;

Учувчилик йўлларин  
Чкаловдан сўрайман.

Ҳавас билан ўтайлик  
Булутларнинг устидан!  
Ҳамма бизни алқасин  
Ўзи турган постидан.

Ҳой, суюкли моделчам,  
Тайёрмисан сафарга?  
Фикрим сенда ҳамиша,  
Кел, учайлик Шимолга!

Бутун дунё англасин  
«Бир моделист кепти,— деб,—  
Янги авлод байрогин  
Қутб узра тикди»,— деб.

Ҳой, суюкли моделчам,  
Тайёрмисан сафарга?  
Фикрим сенда ҳамиша,  
Кел, учайлик Шимолга!

Гавдам қамиш, қанотим  
Қоғоздан деб «ўкинма!»  
Майда чўзиқ резинка  
Моторим деб «сўкинма!»

Гавдангдаги қамишни  
Пўлатлардан ясайин:  
Резинкалар ўрнига  
Бензин, мотор... қўяйин.

Чкаловлар қутбнинг  
Йўлин очиб бердилар;  
Ғалабанинг байроғин  
Унга санчиб келдилар.

Ҳой, суюкли моделчам,  
Тайёрмисан сафарга?  
Фикрим сенда ҳамиша,  
Кел, учайлик Шимолга!

Ким айтади қутбни  
Қуёш тушмас ер бу, деб.  
Ана, ошиб уфқни  
Чиқди қуёш нур сепиб.

Ҳой, суюкли моделчам,  
Тайёрмисан сафарга?  
Фикрим сенда ҳамиша,  
Кел, учайлик Шимолга!

1937



### АРЧА ҚҰШИҒИ

Чаман-чаман боғларнинг  
Бизлар жамбил-райҳони,  
Бизнинг қувноқ қўшиқлар  
Жаранглатар ҳар ённи.

Ёзда қуёш қўйнида  
Гуллар териб ўйнаймиз,  
Бугун мана бу ерда  
Арча куйин куйлаймиз.

Салом сенга кўк арча  
Қишин-ёзин яшнайсан,  
Япроқларинг — нинача,  
Ясангансан, гўзалсан.

Атрофингни айланиб  
Қўшиқ айтиб қувнаймиз,  
Ҳар биримиз қўл бериб  
Янги йилни қутлаймиз.

Бугун кечин ҳаммамиз  
Яна бир ёш ошамиз,

Гўзал Ватан қўйнида  
Дарё каби тошамиз.

Яша бизнинг меҳрибон  
Севган она — гул Ватан,  
Бизлар совет ёшлари  
Сенга содиқ ҳар қачон.

Чаман-чаман боғларнинг  
Бизлар жамбил-райҳони,  
Бизнинг қувноқ қўшиқлар  
Жаранглатар ҳар ённи.

*1938*

## ЯХШИ УҚИ

### I

Мана қандай гўзал бир тонг, тур, қўзим,  
Жонажоғинг — мактаб томон юр, қўзим!

Дўстларингнинг ўйноқ кўзи йўлингда,  
Сентябрнинг гулдастаси қўлингда.

Бу кун — сенинг тантанали кунингдир,  
Мактаб сари биринчи йил — тўйингдир.

Фан боғида меҳр қўйиб ўқийсан,  
Гул Ватанга қувноқ куйлар тўқийсан.

Мана қандай гўзал бир тонг, тур, қўзим,  
Жонажонинг — мактаб томон юр, қўзим!

### II

Кекса отанг барвақт туриб кетди-ку,  
Элдан бурун корхонага етди-ку.

Сен ҳам шошил, ухлаб қолма, қувончим,  
Кўзларимнинг нури — азиз суянчим!

Мана, янги китоб, қалам, дафтаринг,  
Яхши ўқи, гўзал бўлсин хатларинг.

Ҳар бир янги сабоқ сенга мадордир,  
Мактаб — онанг, ўқитувчинг падардир.

### III

Яхши ўқиб, доно бўлиб этишсанг,  
Ҳар соҳада толмай суҳбат этишсанг.

Фан шўъласи машғал бўлар йўлингга,  
Бахт булбули сайраб қўнар қўлингга.

Сендан қочиб қутулолмай қуёш, ой,  
Ёғиндан сўнг уфқдаги камон-ёй.

Қўзларингга ошна бўлар юлдузлар,  
Бош қотирмас «сирли» кеча-кундузлар.

Афсоналар ҳеч гап эмас сиз учун,  
Фақ олдида йўқотгайлар бор кучин.

Гул Ватаннинг кенг, поёнсиз кўкида  
Жавлон уриб, қувонтиргин онангни!..

Учувчи ё шоир бўлиб етилсанг,  
Ё қурувчи — моҳир бўлиб етилсанг.

Ё Ватаннинг нурга чўмган постида  
Ёвга қарши ботир бўлиб етилсанг!

Донг таратиб, қувонтиргин Ватанни,  
Шон яратиб, қувонтиргин Ватанни!

#### IV

Қуёш заррин нурларини сочмоқда,  
Фан гулшани сенга қучоқ очмоқда.

Шундай гўзал дамда тезроқ тур, қўзим,  
Жонажонинг — мактаб томон юр, қўзим!

Яхши ўқи, мени қўйма уятга  
Лаёқатли бўлиб етил ҳаётга!

Менинг бутун фикри-ёдим сандадир,  
Йўлларингда гул-чечаклар хандадир.

Хайр, жоним, мактабингга яхши бор,  
Озод ҳаёт фанларидан сабоқ ол!

## ОНА ҚУШИҒИ

Ухла, қўзим, дўндиғим.  
Ухла, мана чиқди ой.  
Сени севиб-эркалаб  
Жўр бўлади менга сой.  
Мақтовингни куйласам,  
Юмилмайди ҳеч кўзим.  
Узоқ тунлар онангга  
Йўлдош — ёруғ юлдузим.  
Ухла болам, ойгинам,  
Кишнаб турган тойгинам.  
Кўзларингдан англадим:  
Кўп соғиндинг отангни,  
Лекин, жоним, сўрайман,  
Қийнамагин онангни.  
Ҳали ёшсан, билмайсан,  
Ғарб томондан келди ёв.  
Қараб турсак, оппоғим,  
Бахтимизга бўлар ғов.  
Заҳар тўла ништарин  
Суқди азиз жонларга,

Мамлакатнинг ғарб қисми  
Ботди қора қонларга.

Қанча шаҳар, қишлоқлар,  
Ёв қўлида кул бўлди.  
Қанча-қанча оналар,  
Келинчаклар тул бўлди.

Гўдакларни аёвсиз  
Улоқтирди томлардан.  
Қонли шароб шимирди  
Бош суяги — жомлардан.

Унинг чўчқа тумшуғи  
Хароб қилар боғларни.  
Наҳот, севсин бул чаман,  
Булбул эмас, зоғларни?

...Отанг кетди фронтга  
Ёвдан қасос олай,— деб  
У аблаҳлар бошига,  
Қора кунлар солай,— деб.

Ўўқса ёвуз-фашистлар  
Бизни сендан айиргай.  
Бахтинг учун куйлаган  
Қуш қанотин қайиргай.

Ёвни тор-мор келтирар,  
Мардонавор Армия.  
Шунда севган отанг ҳам,  
Қайтар шараф-шон ила.

Ухла қўзим, дўндиғим,  
Ухла, мана чиқди ой.  
Сени севиб-эркалаб  
Жўр бўлади менга сой.

Мақтовингни куйласам,  
Юмилмайди ҳеч кўзим.  
Узоқ тунлар онангга  
Йўлдош — ёруғ юлдузим.  
Ухла болам, ойгинам,  
Кишнаб турган тойгинам.

Қўзим, сен ҳам ўсарсан  
Улғаярсан эр бўлиб.  
Бахт-саодат дунёсин  
Ёвдан сақлар шер бўлиб.

Сен жонгинам, дўндиғим,  
Ухла, мана чиқди ой,  
Сени севиб-эркалаб  
Жўр бўлади менга сой.

Истиқболинг куйласам,  
Юмилмайди ҳеч кўзим.  
Узоқ тунлар онангга  
Йўлдош — ёруғ юлдузим.  
Ухла болам, ойгинам,  
Кишнаб турган тойгинам.

1942



## ЯШНА, ВАТАН!

Яшна, Ватан,  
Жон Ватан,  
Сенга шараф-шон Ватан.  
Сенсан  
Бизнинг онамиз,  
Ҳадя сенга жон ва тан!

Осмон, денгиз, кўлларинг,  
Олтин еринг улуғдир.  
Гулшан даланг, қирларинг  
Гул-лолага тўлиқдир.

Эрк истаган юраклар,  
Топди сендан саодат.  
Порлоқ эрур тилаклар,  
Бердинг севинч ва роҳат.

Турмушимиз фаровон,  
Ҳаёт ширин, мисли қанд.  
Ёш ва қари хиромон,  
Илму фандан баҳраманд.

Меҳнат қилди бутун эл  
Обод бўлсин гулшан, деб  
Мардлар жилди гўё сел,  
Барбод бўлсин душман, деб.  
Улуғ жанггу жадалда,  
Йўлбошчимиздир Ленин.  
Қўрсатамиз амалда,  
Доҳий берган таълимин.  
Яшна, Ватан,  
Жон Ватан,  
Сенга шараф-шон Ватан.  
Сенсан  
Бизнинг онамиз,  
Ҳады сенга жон ва тан!

1944

## СУВ БИЛАН СУХБАТ

— Ҳой сен, жийрон тойчамдек  
Уйнаб-уйнаб оққан сув,  
Далаларга, байрамдек  
Гулдан безак таққан сув,  
Қудоқ солгин сўзимга,  
Нега бунча шошасан?  
Қаердан бу келишинг,  
Қирғоқлардан тошасан?

— Яхши бола, тойчангдек  
Уйнаб-кишнаб келшим,  
Қир, адирлар оралаб  
Шамол каби елишим,—  
Қўрасанми, ҳу, ўша  
Оппоқ қорли тоғлардан,  
Шошиб оқиб келаман  
Далалардан, боғлардан.

— Йўл-йўлакай шилдираб  
Сен ёқимли куйлайсан,  
Жилоланиб, жилдираб  
Не хусусда сўйлайсан?

— Заррин қуёш нуридан  
Қувват олиб ўйнайман,  
У меҳрибон онанинг  
Мақтовини сўзлайман.

— Энди менга, тошқин сув,  
Айтгин, борар ерингни,  
Ёмон бўлмас, шошқин сув,  
Гар билсам манзилингни.

— Борар ерим — манзилим  
Чексиз пахта конидир;  
Унутдингми, азизим,  
Сув экиннинг жонидир.

— Яхши, жийрон тойчамдек,  
Ўйнаб-ўйнаб оққан сув,  
Далаларга, байрамдек  
Гулдан безак таққан сув;  
Ундай бўлса, тўхтама,  
Ўйнаб-кулиб, оқабер,  
Ўзаларнинг кўксига  
Гулдан безак тақабер!

1944

## Г У Н А Ф Ш А

Гунафшахон, гунафша,  
Кулишларинг чиройлик;  
Боғимизда очилиб  
Туришларинг чиройлик.

Ҳамма чиқар далага  
Гунафшалар тергали;  
Мен ҳам йиғдим бир даста  
Опамизга бергали.

— Мана, опа, гунафша,  
Қаранг, қандай чиройлик;  
— Юринг,— деди опамиз,—  
Гунафшалар терайлик.

Гунафшалар очилди,  
Чаккангга тақ, чаккангга,  
Атир ҳиди сочилди,  
Чаккангга тақ, чаккангга.

Лаззат олиб ҳидидан  
Боларилар учади;

Ипак қонат капалак  
Барглариингни қучади.

Сени мақтаб куйлайди  
Боғ айланиб қушчалар;  
Дарак бериб баҳордан  
Қувонтирдинг шунчалар.

Гунафшахон, гунафша,  
Кулишларинг чиройлик;  
Кўксимизда ҳид сочиб  
Туришларинг чиройлик!

**1944**

## БАҲОР КЕЛДИ, ЎРТОҚЛАР

Бахмал ёпиб йўлларга,  
Адир, дала, чўлларга  
Гуллар олиб қўлларга  
Баҳор келди, ўртоқлар!..

Атрофимиз чаман-боғ,  
Зарварақ тўн кийди тоғ,  
Ҳар жонлининг кайфи чоғ:  
— Баҳор келди, ўртоқлар!..

Қуёш сепар нурларин,  
Ерга заррин дурларин,  
Эркалатиб ҳурларин:  
— Баҳор келди, ўртоқлар!..

Дилбар эрур ҳаволар,  
Булбул қилган наволар  
Кенг кўкларга таралар:  
— Баҳор келди, ўртоқлар!..

Куртак очди юзини,  
Жавдиратиб кўзини.  
Қушлар айтар сўзини:  
— Баҳор келди, ўртоқлар!..

Боларилар учади,  
Бўшлиқларни қучади,  
Гулдан гулга кўчади:  
— Баҳор келди, ўртоқлар!..

Гуллар териб ўйнаймиз,  
Дилбар замон — қувнаймиз,  
Шодиёна куйлаймиз:  
— Баҳор келди, ўртоқлар!..

Баҳоримиз энг асл,  
Энг асл — олтин фасл,  
Эиз қўйнида шод насл,  
Баҳор келди, ўртоқлар!

*1944*



ЮКСАК ТОҒ, КЕНГ ҰТЛОҚ  
ВА МАРД УРТОҚ ҲАҚИДА ҚИССА

I

Саҳроларнинг энг кучли,  
Энг ғазабли, энг ўчли,  
Қашқир каби увловчи,  
Бойқуш каби ҳувловчи  
Шамоллари бўлишин,  
Кўзлар қумга тўлишин  
Мен биламан азалдан,  
Ҳам эртақдан, ғазалдан.

Ана шундай зўр шамол  
Худди бир кун тонг маҳал  
Дарё ёқдан қўзғалиб,  
Кенг ўтлоққа йўл олиб,  
Ғавғо солмиш борлиққа,  
Саҳро, адир, тоғлиққа.  
Қарахт ётган кенг ўтлоқ  
Ел зарбидан ушбу чоғ

Чўчиб очди кўзини,  
Даҳшат босди юзини,  
Кўрса — бутун ер, осмон  
Кўз очирмас чанг-тўзон.  
Қуриб ётган чўп, хашак  
Елда гирдикапалак.

Қақраб ётган ўт, харсанг,  
Қизиб ётган қум шу он  
Қўзғалибди ўрнидан,  
Кенг саҳронинг қўйнидан.  
Ҳар нарсанинг лабида  
Имосида, гапида  
Оғир ғамдан ишора  
Кўринади тобора.  
Ҳар нарсада бир истак:  
«Битта тўйиб сув ичсак!»

## II

— Дилбар ёзда, баҳорда,  
Қундуз, ҳатто наҳорда,  
Бир қуш яйраб ўтмаса,  
Бир қултум сув ютмаса,  
Қарвонлар ҳам ўтар кам,  
Меҳмон бўлмаслар бир дам.  
Ўзгартирдилар йўлни,  
Ташлаб бу қуруқ чўлни  
Деб куйиб-куйиб ўтлоқ  
Ўксиб-йиғлаб ушбу чоғ,  
Дардли боқди зўр тоққа.—

Қиёматли ўртоққа.  
Бу пайтда у, юксак тоғ  
Усти тўла қор — оппоқ  
Турарди гўё посбон,  
Осмон унга соябон.

### III

— Ҳой, юксак тоғ, юксак тоғ,—  
Дея ёлворди ўтлоқ,—  
Не бўлармиш бизнинг ҳам  
Кўксимиздан кетса ғам.  
Бу ғам сувсиз кетмайди,  
Сувсиз яра битмайди.

Дўстим, сенда сув мўлдир,  
Устингда қор мўл-кўлдир.  
Бир ёнингда зўр дарё,  
Не истасанг муҳайё.  
Сув бор — шундай ободсан,  
Ободликдан хўб шодсан.

Сен ҳам яшнаб кул десанг,  
Севинчларга тўл десанг,  
Бер сувингдан менга ҳам  
Қўяй ҳаётга қадам.  
Мен сувингдан куч олсам,  
Тентак елдан ўч олсам,  
Узоқ йиллар хўрланган,  
Қақраб тошга айланган

Кўксим бўларди обод,  
Бошланарди гул ҳаёт.  
Ўсар эди ўрмонлар,  
Қуриларди қўрғонлар.  
Бир қишлоқдек яшнардим,  
Шодлик куйин бошлардим.  
Талабимга еткур тоғ,  
Бер сувингдан, жон ўртоқ!

#### IV

Сўз навбати келиб тоққа  
Дейди саҳро ўртоққа:  
— Оҳ, азизим, азизим,  
Жондан ортиқ лазизим,  
Ҳар сўзинг дона-дона,  
Гул ҳаётдан нишона.  
Тўғри сўзинг, ҳаёт — шу,  
Чанқоқ танга нажот — шу.  
Аммо сендай дўстимга,  
Қиёматли қўшнимга,  
Оби ҳаёт беришдан,  
Кўксингга сув қуйишдан,  
Минг афсуски, минг афсус,  
Ожиздирман, билсанг, дўст.  
Шундай юксак бўлсам ҳам,  
Булутга бош қўйсам ҳам,  
Қоқиб қўйган қозиқман,  
Аммо кўпга озиқман.

Билсанг, оёқ-қўлим йўқ,  
Сенга элтар йўлим йўқ.  
Қандай қилиб ўртоқжон

Сув йўллайман сен томон.  
Бунинг учун куч керак.  
Кучга тўла зўр биلاق,  
Бу мардлик ва маҳорат,  
Бу куч-қувват жасорат  
Инсонларга йўлдошдир,  
Уларга хос, қўлдошдир.  
Бутун борлиқ — табиат  
(Бу сўзларим ҳақиқат)  
Бўйсунажак инсонга,  
Гул тутажак ул жонга.

Сенинг орзу-ўйингни,  
Ҳасрат тўла кўйингни  
Билдирайлик у мардга,  
Жўшиб турган у қалбга.  
Кўрсатса куч, маҳорат  
Мардларга хос жасорат,  
Тўлар тулга қучоғинг,  
Бошланади хуш чоғинг.

Гап шу ерга етган чоғ,  
Келиб қолди мард ўртоқ.  
Чинордек зўр қомати,  
Гўрўғлидек савлати;  
Шу ишга гар қилса қасд,  
Расо ишга тушса бас.  
Ҳар иш келар қўлидан,  
Шер қочолмас йўлидан.

Сўз бошлади юксак тоғ:  
— Ҳой, мард ўртоқ, мард ўртоқ,  
Бир умрлик дўстимиз,  
Сенга айтар сўзимиз:  
Қара, шунча кенг ўтлоқ,  
Сувсизликдан дили доғ.  
Унинг оҳин ўчириб,  
Дилдан доғин ўчириб,  
Чаманзорга айлантир,  
Мангуликка шодлантир.

— Ҳой, мард инсон, мард инсон,  
Менга ҳам бер ҳаёт — жон,—  
Деди ўтлоқ ҳансираб,  
Иссиқликдан қовжираб,  
Харсанг тошдай қотаман  
Мисдек қизиб ётаман.  
Сув бер, менга, сув бергин,  
Кўксимдан сўнг гул тергин,  
Сурай ҳаёт завқини,  
Ҳам қўшиқлар шавқини.  
Кўксим бўлсин чин бўстон,  
Баҳра олсин ҳар бир жон.

## V

Шундай қилиб уч ўртоқ  
Сўз битишди ушбу чоғ,  
Йўл олишди Сир томон,  
Сув берар, деб бегумон.  
«Сир» қўйнида бу вақт  
Одатдаги ур-йиқит.

Тоғлар билан олишиб,  
Тошлар билан солишиб,  
Барин отиб қирғоққа,  
Қия боқмай ҳеч ёққа,  
Оқар эди йўлида,  
Шамшир — асов қўлида.  
Баъзан, кесиб қирғоқни,  
Уриб-сочиб қумлоқни,  
Оқар эди қир бўйлаб,  
Баъзан ёқимли куйлаб,  
Жўр бўларди қушларга,  
Эш бўларди тушларга.

Баъзан босиб тўқайни,  
Қувиб луқма — ҳалолни  
Арслон каби туюқиб,  
Дев сингари ютоқиб,  
Олға босар ўшқириб,  
Баъзан тошар жўш уриб.

Уч дўст соҳил келганда,  
(«Сир» буларни билгандай)  
Бўшаштирмас оқишин,  
Қўймас мағрур боқишин.  
Кетар ҳамон йўлида,  
Шамшир — асов қўлида.  
Қимса йўлни тўссин-чи,  
Ёки ошиб ўтсин-чи...  
Йўқ-йўқ, бўшга оқиш, бас.  
Бир Оролга боқиш, бас.  
Инсон сени нўхталар!

Телбалигинг тўхталар!  
Юриб янги йўллардан,  
Боғ-бўстонлар очасан,  
Сув билан нур сочасан.  
Ишга чиқди улуғ халқ,  
Билакда куч тўлиқ халқ.





## ҲАМИД ҒУЛОМ

Ҳамид Ғулом 1919 йил 13 декабрда Тошкент шаҳрида музика муаллими Убайдулла Ғуломовнинг оиласида туғилди. Дадаси 1921 йилда вафот этгандан кейин, то олий ўқув юртини битирганга қадар онаси — «Қизил тонг» фабрикасининг кекса ишчиси Қория Темурованинг тарбиясида бўлди.

Ҳамид Ғулом Форобий номидаги ўрта мактабни ва Ўрта Оснё Индустриал институтининг ишчилар факультетини тамомлагандан кейин, аввал Индустриал институтининг тоғ факультетида, кейин Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетида ўқиди. У ўқишни битиргандан то шу вақтга

қадар адабиёт ва журналистиканинг турли жанрларида қалам тебратиб келади.

Ҳамид Ғулом ижоди 1936 йилдан бошланган. Биринчи тўп-лами 1942 йилда «Қасосим бор» номи билан босилиб чиққан эди. Улуғ Ватан уруши йиллари шоирнинг «Ҳайкал», «Салют», урушдан кейин эса «Янги боғ», «Даламизга келинг», «Қўшиқларим», «Ғалаба йўлида» ва «Қитъалар уйғоқ» каби поэтик китоблари нашр этилди. 1958 йилда Ҳамид Ғуломнинг шеър, поэма ва ҳикояларини ўз ичига олган бир томлик «Танланган асарлар»ни босилиб чиқди.

Ҳамид Ғуломнинг проза, драматургия ва бадий таржима соҳасида ҳам хизмати катта. У «Олмос қизи», «Езёвон» повестлари, «Машъал» романи ва «Фарғона ҳикояси» пьесасининг авторидир.

Ҳамид Ғулом 1954 йилда ҚПСС сафига қабул қилинди.



## АССАЛОМ, ЮЛДУЗЛАР!

**Б**алки сизда йўқдир тунлар, кундузлар,  
Балки сиз симоб ранг коинотдирсиз;  
Беинсон, бечочоқ, беҳаётдирсиз...  
Барибир биз учдик! Салом, юлдузлар!  
Қадим замонларда бошқа дунёдан  
Қема келган деган афсоналар бор.  
Нега у кемалар келмади такрор?  
Минг йиллар одамзод кутди самодан...  
Афсона пучлиги қуёшдай равшан.  
Фақат инсон ақлу қудрати билан,  
Меҳнати, ҳиммати, журъати билан

Она еримизни қилолди гулшан;  
Энди осмонга ҳам боқди у тикка;  
Ўрганди, англади, камол касб этди;  
Совет Иттифоқи илк бор жазм этди:  
Юрий Гагаринни юборди кўкка!  
Севинчдан ёшланди миллиардча кўзлар...  
Бу — Ленин нурлатган жаҳон зафари!  
Эҳ, сиз хурофотнинг пайғамбарлари,  
Йўқолинг!..

Ассалом, яқин юлдузлар!

## ЖОНИМИЗДА, ОНГИМИЗДА ЛЕНИН

Ильич режалари — мангулик, ҳаёт,  
Шунинг-чун ўлмасдир Лениннинг номи.  
Бугунги ҳаракат, эртаги ижод —  
Ленин ишларининг изчил давоми.

Ильич режалари — туганмас бир йўл,  
Юргинг кела берар  
                                юрганинг билан!  
Унда ёруғлик мўл,  
                                севги мўл,  
                                бахт мўл,  
Кўргинг кела берар  
                                кўрганинг билан!

Бу йўлга ишониб,  
                                ундан юрганлар  
Муродига етар,  
                                асло кам бўлмас.  
Ленинни севганлар,  
                                Ленин деганлар,

Худди Ленин каби  
абადий, ўлмас!  
Фахрлан,  
гуркира, ўзбеклар эли,  
Сени қардошларинг сўлмас боғ деди;  
Ижод намунаси,  
ҳаёт машъали,  
Келажак йўлида нур — чароғ деди.

Катта оилада бўлганинг учун  
Шунча эътиборли, шунча кўркамсан.  
Меҳнатда қаҳрамон, парвозда лочин,  
Иши чин, сўзи чин чаман ўлкамсан.

Сен катта йўлингда ғовларни букиб,  
Дўсту ёронларни дилшод этгувчи;  
Ленин таълимини дилингга тугиб,  
Мирзачўл даштини обод этгувчи!

Сен нур яратишда мардсан, хусусан:  
Довруғинг кетгандир ГЭСларинг билан.  
Бугун Қайроққумда дўстларинг билан  
Буюк дарёмизга ташладинг ўзан!

Ленин режалари сафар тонгида  
Барала янграган бонгимиздадир.  
Ленин режалари зафар тонгида  
Уйғонган, қуёшли онгимиздадир!

Ленин — ёнимизда,  
турмушимизда,

Уйимиз,  
    ҳиссимиз,  
            қонимиздадир.  
Ленин —  
    келажакни кўришимизда,  
Ақлимиз,  
    қалбимиз,  
            жонимиздадир.

## М А Н З А Р А

Тянь-Шань тоғларининг чўққисидаман,  
Ердан узоқдаман, қуёшга яқин.  
Қўзимга жаннатдай кўринар Ватан,  
Қўнглимда илҳомим — зўр ўтли оқин.  
Йироқда кўринар кумуш анҳорлар,  
Тоғ ён бағирлари, пастдаги сойлар,  
Шаҳарлар, қишлоқлар, боғлар, саройлар  
Тепамдаги қуёш нурида порлар.  
Нақадар баланддир бу ерда чўққи!  
Чўққики, қорларнинг асрий диёри.  
Чўққидан водийга тушган жилғалар  
Яшнатар ўлкамнинг ҳаёт баҳорин.

Атрофни тобора қизитар қуёш,  
Янги ҳосил учун жанг қилар инсон.  
Қуй янграб, ниҳоллар кўтаради бош,  
Ердадир юксалиш, турмуш ва жаҳон.  
Тоғлардан қанчалик баланд бўлмасин,  
Офтоб ерга чўзар зар кокилини;



Истарки, ҳаётнинг гули сўлмасин,  
Истарки, ёритсин одам дилини!  
Шўъла ерга чопар, унинг кетидан  
Дарёлар чопади кўтариб шовқин.  
Қуёш ўпар ернинг гўзал бетидан,  
Ўзи гўзалликни бергани учун!

## ҚУБИЗЧИ

Муҳтарам чол, қўбизни чертгил,  
Ҳикоянгни сен давом этгил.  
Украина олтин кунлари,  
Днепрнинг сўлим тунлари,  
Олчазорлар соғинтирибди,  
Хаёлингга элинг кирибди.

Сен куйласанг, жўш урар қалбим,  
Кўз олдимни босади Олпим —  
У тоғларим мовий, сарбаланд  
Ва хушайём дилни айлар банд.  
Соқоллари оппоқ, эй азиз,  
Нега хаёл сурасан ҳаргез?

Мен биламан: тўкилган қонлар,  
Юракларга тушган ҳижронлар.  
Саҳроларда дарбадар она,  
Тамом вайрон бўлган ҳар хона,  
Оҳ. чекувчи Днепр бу он

Юрагингга ташлар ҳаяжон.  
Муҳтарам чол, қўбизни чертгил,  
Ҳикоянгни сен давом этгил.  
Унда дегил: келур интиқом,  
Келур яна лолагун айём,  
Менинг мунгли қўбизим яна  
Шодон бўлиб, айлар тантана!

*1942*

## БАЙРАМ КЕЧИДА

Ҳар ким ҳар хил сезади ўзин,  
Байрам кечи шундай ажиб пайт...  
Сен-чи?

Менга тикилиб кўзинг,  
Аста дединг: бирор нима айт!  
Нима деяй?

Дил шодлигини  
Тил сўз билан айта оларми?  
Оиламиз ободлигини  
Ифодалаш учун сўз борми?

Бахтим чексиз,  
орзум ҳам талай,  
Айтиш қийин фақат сўз билан.  
Кел, яхшиси, термула қолай,  
Юрагимни очиб кўз билан!

Кел, яхшиси, қўш ўрим, узун,  
Сочларингни силаб қўяйин.

Кел, яхшиси,  
                  жонгинам,  
                  шу тун  
Жамолингга яна тўяйин.  
Енимизда қизлар, ўғиллар  
Қўшиқ айтсин,  
                  яйрасин,  
                  кулсин.  
Қалбдан тилак тилайлик,  
                  улар  
Худди биздек бахтиёр бўлсин!  
Худди биздек,  
                  соч оқарса ҳам,  
Қўнгиллари доим ёш бўлсин.  
Ўзаро дўст,  
                  иттифоқ,  
                  ҳамдам,  
Оилага биздек бош бўлсин!

Машаққатни енгиб биз каби,  
Катта йўлдан борсинлар дадил!  
Яна нима деяйин?  
                  Қалбим  
Қаршисида жуда ожиз тил...  
Бахтим чексиз,  
                  орзум ҳам талай.

Айтиш қийин фақат сўз билан.  
Кел, яхшиси, термула қолай,  
Юрагимни очиб кўз билан!

1954

\* \* \*

Дарё тўлқин,  
Сувлар тошқин,  
Ўтолмайман...  
(Халқ қўшиғи.)

Қорадарё нарёғида сен турардинг,  
Қорадарё бул ёғида мен юрардим,  
Қорадарё тўлқин отиб тошган чоғлар  
Ўтолмагаҳ қўзичоқдай мўлтиллердим.

Қорадарё тошган чоғи унга боқдинг,  
Пўртанали сув сатҳида аста оқдинг,  
Оқиб келдинг нури офтоб парчасидай,  
Сен бағримни ўтинг билан буткул ёқдинг:

Куйдира бер ишқ ўтида, лола тандир,  
Юрагимни кулча қилиб ёпиб ёндир,  
Ёндиргилу, ёқут лабинг булоғидан  
Сепиб-сепиб чанқоғимни бир оз қондир.

Олисларда мен соғиниб қоламанми,  
Бир кўриниш берсанг, жоним, қонаманми,  
Муҳаббатинг чинлигига ишонмасам,  
Оловингда шунча куйиб ёнаманми?

1955

## Б У Л О Қ

Тиниқликда — мусаффо кўзгу,  
Ширинликда бамисоли лаб,  
Тоғ бағрида тошлар оралаб  
Қайнаб ётар бир тегирмон сув...

Шу булоқдан чанқоғим қонди,  
Олис боқдим ярқирашига,  
Қулоқ солдим шарқирашига,  
Дилда шундай ҳавас уйғонди:

Менинг шеърим булоғидан ҳам  
Одамларнинг чанқоғи қонсин,  
Дилларида ҳавас уйғонсин  
Шу манбадек туганмас, кўркам!

1955

## У Р У Ш

*(«Қитғалар уйғоқ» балладалари циклидан)*

Тинчлик кунларида урушни ёзмоқ,  
Баъзилар фикрича — ақлдан озмоқ.

Аммо тинчлик нима?— Урушсиз турмуш,  
Турмушнинг ўзи-чи? Бахтдир, беуруш.

Уруш деган сўзни, майли, унутгил,  
Лекин даҳшатини ёдингда тутгил.

Қалбингда сўнмасин унга нафратинг,  
Сабабки, нафратсиз — пуч муҳаббатинг.

Уруш — инсонларни ютган аждаҳо,  
Халқларни беором қилур доимо;

Бадбуруш шарпаси соя солади:  
Гоҳ пайдо бўлади, гоҳ йўқолади;

Ҳамон санқиб юрар унинг шарпаси,  
Ҳамон битган эмас диллар яраси.



Жангнинг тирик қолган солдатларидан  
Сўрагил, урушнинг кулфатларидан;

Ҳар сўзи — бир фарёд билан баравар;  
Қон билан, жон билан олинган зафар.

Гарчанд, давлатимиз қудрати улуғ;  
Гарчанд, ойга етди бизнинг нурли туғ;

Гарчанд, олам тинчиб қолгандай буқун,  
Бироқ кул ичида милтиллар учқун.

Гарчанд, Америка юмшаган каби,  
Лекин генераллар ҳамон асабий,

Ҳамон миллиардерлар уларга улфат,  
Ажабки, «Ал-Аҳром» ёғдирар туҳмат...

Шунинг-чун бу сўзни майли, унутгил,  
Аммо даҳшатини ёдингда тутгил.

\* \* \*

Мевалар фарқ пишган, сув тиниққан чоғ,  
Бир боғга йиғилдик беш-олти ўртоқ;

Эски қадрдонлар эдик баримиз,  
Соғинтирган эди суҳбатларимиз.

Боғ ҳам боғ дейишга арзилик эди,  
Дастурхон анорлик, қазилик эди.

Узум шарбатидан озгина отиб,  
Ноз-неъматлардан қимтиниб тотиб,

Соз чалиб, куй куйлаб, аския айтиб,  
Роса маза қилдик кўнгил яйратиб.

Уруш эсда ҳам йўқ эди-ку, бироқ,  
Нечундир ундан сўз очди бир ўртоқ.

«Тинчлик яхши нарса!..»—деди шекилли,  
Хаёлда жонланди уруш йиллари.

Қирқ биринчи йилда пойтахтда парад;  
Днепр кечуви; Волгаград

Ленинградимиз, Орёл жанглари;  
Бизнинг «Катюшалар», немис танклари;

Одесса қамали ва Севастополь;  
Қўшин Берлингача босиб ўтган йўл;

Рейхстаг тагида Гитлер ўлиги,  
Ҳатто Черчилларнинг макри, қувлиги —

Ҳаммаси эсланди...  
янгилаб ярам,  
Мени ўртар эди бошқа манзара:

Тошкент вокзали. Қетма-кет состав.  
Болалар йиғларди, бошпана истаб;

Қувиб келган эди уларни уруш...  
Мумкин эмас эди совуқда туриш:

Буюқ юз-бурунни изиллатарди,  
Кўздан оққан ёш ҳам дарҳол қотарди.

Болалар!.. Ҳар бири тириклай етим..  
Йўлдош ота билан мен ҳам йиғлардим.

Улар минг-минг эди, беҳисоб эди  
Кўрпасиз, тўшаксиз, оч, бетоб эди,

— Бўталарим!—дерди ота, ёш тўкиб  
Вагондан вагонга чошиб, энтикиб:

— Бўталарим! Иссиқ уйларимиз бор.  
Ошингиз, чойингиз нонингиз тайёр.

Йиғини бас қилинг. Яхши кутамиз.  
Ҳозир ҳаммангизни олиб кетамиз!..

Ота етимларга кулиб боқарди,  
Лекин соқолига ёши оқарди.

Бошларин силарди ота эгилиб,  
Кўзлар жавдирарди унга тикилиб,

У ишора қилди. Тумонат одам  
Қатор вагонларга югурди шу дам.

— Оталар! Оналар! Азиз оналар!  
Булар ўз болангиз! Яхши болалар!

Бағрингизга босинг! Бу катта савоб!  
Халқнинг дарё меҳри бу сўзга жавоб.

Учтадан-тўрттадан бола етаклаб,  
Оталар тиларди яхши тилаклар;

Оналар қучоқлаб, ўпиб, суярди,  
Отини айтолмай, от ҳам қўярди;

Болам-бўтам, дерди, йиғларди ҳадеб,  
Аммо сўрамасди: миллатинг на?— деб;

Уксимасин дерди бола бечора,  
Уруш кулфатини унутса зора!..

Шундай кутиб олди ўзбеклар юрти,  
Етим қушлар янги ошиён қурди.

\* \* \*

Дўстлар фронтлардан сўзларди, бироқ  
Менинг кўз олдимда халқ чеккан фироқ:

Уйидан, қавмидан жудо бўлганлар,  
Айрилиқ дардида адо бўлганлар...

Ҳамон хаёлимни босади бутун  
Тошкент вокзали, ўша совуқ тун;

Гўдаклар ноласи; юпатган сўзлар,  
Бағрини очган халқ; ёш тўла кўзлар...

У вақт йигит эдик. Сочда оқ энди,  
Уй-хаёл кўнгилга яқинроқ энди.

Ажинлар мангла-ю юзимиздадир,  
Авлодлар иқболу кўзимиздадир.

Тинчлик кунларида урушни ёзмоқ —  
Уруш деганларга чуқур гўр қазмоқ!

*1960*

## ЭВАКУАЦИЯ КЎПРИГИ

*(Африка ҳақидаги балладалардан.)*

Минг хил товланади Нил сатҳида сув,  
Айниқса, оқшомлар мавжлари сулув;

Чироқлар нурида кумуш ранг бўлиб,  
Соҳилга чорлайди жилога тўлиб.

Оҳиста чайқалур унда елканлар,  
Лекин арқонларда бўйин-елкалар

Одамлар эгилиб кема тортади,  
Меҳнат машаққати шундай ортади...

Аммо беқиёсдир Нилнинг жамоли  
Дилни яйратади салқин шамоли.

Унда кўприклар кўп, оддий кўприклар,  
Гўё кўз устида узун киприклар.

Мавзу бўлмас эди кўприк шеърга  
Агар ўрнашмаса қалбга, шуурга.

Шофер Али менга айтган икки сўз  
Дилимни ёритди худди бир юлдуз.

— Қаранг, эвакуация кўприги!—деди:  
Кўприклар ичида эскиси эди:

Унинг на кўрки бор, на чироқлари,  
На неон нуридан оқ белбоғлари.

Бироқ арабларга азиз кўприк, бу,  
Унинг қутлуғ номи сочади ёғду.

Тарихда биринчи марта ортига —  
Ундан инглизлар кетган юртига;

Босқинчилар қайтган,— келган йўлидан,  
Узоқ босиб ётган Миср элидан;

Ўтган — аламини ютиб пичирлаб:  
Чириган ўпкадек танклар ғижирлаб;

Замбараклар ўтган,— оғзида парда,  
Сояси йўқолган тошқин сувларда...

Пиёдалар ўтган ҳорғин, ғуссали,  
Уларнинг олдида кичик жуссали

Манглайи тиришган, совуқ генерал,  
Энди Африкада бебурд, беамал.

Унга бундай ўтиш—кулгили кўрик.  
Аммо ўша кундан бу эски кўприк —

Халқ учун касб этган янги бир маъно,  
Чунки ўринлаган эзгу муддао.

Душман қўшинлари ўтган ўша кун  
Гезиро-спортинг<sup>1</sup> бўшаган бутун;

Соҳилни қоплаган бараклар битган,  
Уй-жой қурилиши бошланиб кетган;

Искандариянинг йўллари бўшаб,  
Миср арабларга ватанга ўхшаб,

Одамлар бемалол юра бошлаган,  
Ўзи ўз қисматин қура бошлаган.

Эвакуация кўприги!..

Бу от —  
Қанча шодликларга боғлаган қанот!..

Шуни эшитдим, қаерга борсам —  
Бир ўй эргашарди, кўприклар кўрсам.

Африка чиндан ҳам улуғ қитъадир,  
Мовий дарёларга тўлиғ қитъадир.

Унда қанча дарё,  
қанча анҳорлар...  
Аммо босиб ётар тажовузкорлар.

---

<sup>1</sup> Гезиро-спортинг — Қоҳирада инглиз ҳарбийлар ва тўралар истироҳатгоҳи бўлган.



Жуда хатарлидир кечув кўприклар,  
Уларда ўтади ҳарбий кўриклар;

Худди илон каби мудҳишдир улар,  
Уларда ажнабий соқчилар юрар.

Шунинг-чун улуғдир Африка учун  
Эвакуация кўприги  
касб этган мазмун.

Эвакуация кўприги!..  
Бундаги маъно  
Мазлумлар тақдири учун бебаҳо.

Бу ном дори учун қўйилган каби,  
Қалбларга нақш бўлиб ўйилган каби.

Шу кўприк остида қалққан сувлардан  
Ғунча очилгандай пок орзулардан

Ва шу орзуларнинг эгуси будир:  
Мустамлакачилик битсин — оғудир;

Мустамлакачилар — боғларда зоғдир,  
Мустамлакачилик вабодир! Битсин!

Майли, кўприклардан сўнг марта ўтсин  
Ва қайтиб келмасин;  
кетганча — кетсин!

Африканинг барча кўприклари ҳам  
Эвак кўприк каби очилсин кўркам.

Яшил соҳиллардан кўтариб тўшин,  
Кўприклардан кетсин босқинчи қўшин:

Кетсин — аламин ютиб, пичирлаб;  
Чириган ўпкадек танклар ғижирлаб;

Замбараклар ўтсин — оғзида парда;  
Сояси йўқолсин тошқин сувларда...

Эзгу орзуларнинг эзгуси будир: —  
Мустамлакачилик битсин — оғудир!

1960





## ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

Ў

збек совет болалар адабиётини ғоявий-бадий камолот сари йўллашда ўзига хос истеъдод соҳиби шоир Қуддус Муҳаммадийнинг катта хизмати бор. 1907 йили Тошкентда, деҳқон оиласида туғилган Қуддус Муҳаммадий ёшлигида ота-онасидан етим қолиб, болалар уйида тарбия кўради. 1930 йилда ўрта мактабни тугатгач, у, аввал, Тошкент Қишлоқ хўжалик техникумида ва, сўнгра, Ўрта Осиё Давлат университетининг биология факультетида ўқийди.

Қуддус Муҳаммадийнинг илк шеърлари 1928 йиллардан бошлаб республика газета ва журналларида нашр қилинган. Шоир ўттиз йилдан кўпроқ кечган ижодий меҳнат даврида ўзининг

жондан азиз китобхонларига — болаларга «Ўқувчига эсдалик», «Шеър ва эртактлар», «Синов», «Орзу», «Баҳор келди», «Қирқ ўғил, қирқ қиз», «Қандай бўлмоғим керак», «Танланган асарлар» каби юракдан ёзилган китобларини тақдим этди.

Қуддус Муҳаммадий улуғ рус адабиётида болалар учун ёзилган асарлардан талайгинасини ўзбек тилига таржима қилган ва унинг ҳам асарлари жондош СССР халқларининг тилларида янграмоқда.



## УҚУВЧИЛАРНИНГ ЙИГИРМА ҚОИДАСИ

**Б**ўлай десанг боғбон,  
Ё Ватанга посбон,  
Ё осмонда учувчи,  
Ё денгизда сузувчи,  
Нимаки қилсанг тилак,  
Барига ўқиш керак.  
Уқувчи, сендан талаб:  
Мақтабга бор эрталаб.  
Уқи, бериб меҳрингни,  
Қўйиб кўнгил, зеҳнингни.

Директор — командир,  
                                  бош,  
Муаллим — раҳбар,  
                                  йўлдош,  
Чиқма улар сўздан,  
Бор кўрсатган изидан.  
Далага борса деҳқон,  
Керак трактор полвон.  
Уқувчи мактаб борса,  
Китоби уйда қолса,  
Мумкинми, айтгин ахир?  
Бу иш ярамас тақир.  
Хўп йигитчасан ўзинг,  
Айб ювмасанг юзинг:  
Гул япроғин босса чанг,  
Шудрингдан кейин қаранг.  
Синфингни булғатма,  
Чанг-тўзон ичра ботма,  
Чалинганда қўнғироқ,  
Синфингда бўл, чироқ!  
Бошланса синфда дарс,  
Сергак бўлгин ҳар нафас.  
Анқайма ва лалайма,  
Тўғри ўтир шалпайма.  
Қочмасин хаёл, фикр,  
Мўлжалиннга нурдай кир.  
Муаллимнинг кўрганда  
Саломинг қилма канда.  
Синфга кирса агар,  
Тур оёққа баробар.  
Ижозат берса ўтир,  
Йўқласа ўрнингдан тур.  
Агарда берса сўроқ,

Қаддинг бўлмасин ўроқ.  
Жавоб берсанг қўл кўтар,  
Шовқинлама вақт ўтар.  
Паст баҳо асло олма  
Пок юзингга доғ солма.  
Уйингга берса юмуш,  
Лозимдир ёзиб қўйиш.  
Ота-онангга кўрсат,  
Ишлаб қўй ўтмай фурсат.  
Кўрсанг ўзингдан катта,  
Иззат қилгин албатта,  
Еқимтой бўл ҳар ерда:  
Мактаб, кино саройда.  
Ҳар сўзингдан бол томсин,  
Кўрган орзулаб қолсин.  
Уришма, сўкма, чекма,  
Обрўйинг ерга тўкма.  
Агар чексанг яшириб,  
Гулдай ўпканг тешилиб,  
Хириллайсан бўққандек,  
Кўксовга йўлиққандек.  
Чирманда эмас доска,  
Чалма уни ҳавасга,  
Бўрни қурт деб ўйлама,  
Чўнтагингни бўяма.  
Адабли юр ҳамиша.  
Кўрганлар десин: «Яша!»  
Ўсмирлар давлатимиз,  
Кексалар савлатимиз...  
Кўрсанг майиб ё хаста.  
Бўлгил кўмакчи — ҳасса.  
Яхшилар изини бос  
Эл қўйсин меҳр, ихлос.

Қари-ёшга бирдай бўл  
Донг кўтар ота-ўғил!  
Гард қўнмасин танингга,  
Лой тегмасин барингга.  
Ётоғинг бўлсин гулдек  
Ўзинг тур ёруғ кундек.  
Ўқувчи, билет — юзинг,  
Ҳар ерда ўткир сўзинг.  
Ёнингдан уни узма,  
Режани тагин бузма.  
Мактаб тану, сен жонсан,  
Бир юрагу бир қонсан.  
Сўз тегизма мактабга,  
Қолмагин ёмон гапга.

\* \* \*

Бу йигирма қоида:  
Ҳаммаси сенга фойда.  
Роса ўқиб ёдлаб ол,  
Ўқиб дилга жойлаб ол!



### ПАХТА ҚҰШИҒИ

Оқ пахта, оппоқ пахта  
Ипакдек юшкоқ пахта.

Чигитлари кўк экан,  
Пўсти момик, тук экан.

Шудгорни биз пишитдик,  
Кўк чигитни ивитдик.

Сеялкада экдик биз,  
Чиқишини кутдик биз.

Униб чиқди чигитжон,  
Шудгор кўксида маржон.

Яганалаб учтадан,  
Чиқмай нари пуштадан.

Окучкалар солдирдик,  
Пахтани авж олдирдик.

Меҳр қўйдик ғўзага  
Ўсиб етди тиззага.

Пуштасига нур сочдик,  
Милдир-милдир сув очдик.

Ғўза ўсар, шох отар,  
Ғунчалар қатор-қатор.

Гул ёзишди пушти, оқ,  
Ранг-баранг ҳам ним пистоқ.

Гуллар тугди кўсакча,  
Ҳай-ҳай ҳусни бўлакча.

Кўсак тўлиб пишади,  
Мева мағзи шишади.

Кўсак тўртга бўлинди,  
Кумуш пахта кўринди.

Биз теришга киришдик,  
Этак-этак теришдик.

Туздик қизил карвонлар,  
Ясаб қизил алвонлар.

Олиб бордик заводга,  
Чиқармай нес-нобутга.

Тўкилса бир толаси,  
Терди колхоз боласи.

Пландан ҳам оширдик,  
Қоп-қанорни тоширдик.

Раҳмат деди бригадир,  
Биз бўламиз ёш кадр.

1941

## ДУМ

Бир мактабда гап: миш-миш,  
Турғуннинг думи бормиш,  
Хўш, бу ажаб, қандай дум,  
Ҳеч кимда йўқ-ку бу дум?

Билсам воқеа ўзга,  
Илинмас қўлга, кўзга.  
«Икки» деган оти бор,  
На ўзи, на зоти бор.  
Турғуннинг билим қарзи,  
Судралиши дум тарзи.  
Рўдапо аччиқичак,  
Онг уйида ўргимчак.

Дум дея кўрманг зинҳор,  
Дум шаънига номус-ор.  
Ҳайвон қушлар сезмасин,  
Турғунжондан безмасин.  
Улар думи фойдалиқ,  
Иш берар қоидалиқ,  
Ҳар қайсин ўзига хос,  
Қаддига келишган мос.

Қушга учмоқ, құнмоққа,  
Молга чивин құрмоққа.  
Ҳашаротга тиф-яроқ,  
Йилқига чўтка-тароқ.  
Дум борки қайси жонда,  
Иши бор ҳар мақомда.

Аммо Турғун думи-чи,  
На боши бор, на учи.  
Эй Турғунжон, кўзинг оч,  
Дум — «икки»нгга қил илож.

*1945*

## Х И Р М О Н Т Е П А

Хирмонтепа ери деб  
Номи кетган бизнинг жой,  
Колхозимиз миллионер  
Ер, суви мўл, ғарчча мой.  
Мен дадамдан у кун  
Сўрадим нима учун  
Хирмонтепа дейдилар  
Бу жойни сабаб, нечун?  
Хирмонтепа қиссасин  
Дадам айтиб бердилар.  
Ики тотув дўстларнинг  
Хотираси дедилар.  
Эмиш тепанинг ўрни  
Бир вақт бўлган сайхон ер.  
Деҳқончилик қилишар  
Икки шерик тўкиб тер.  
Экинлари пишганда  
Хирмон қилиб шу жойни,  
Ғарамни янчибдилар  
Уйиб олтин буғдойни.  
Баб-баравар ғалвирлаб,

Хирмонни бўлишибди,  
Шамолласин бу кун деб  
Қопламай қўйишибди.  
Икки дўстнинг бирови  
Аёлманд, уй-рўзгорлик.  
Иккинчиси яккабош  
Бўйдоқ экан мард, орлик.  
Йигит келар хирмонга,  
Дилида ҳиммат жўшар.  
Акам аёлманд ахир,  
Ўзидан унга қўшар.  
У кетар, ака келар,  
Кўради ўсган хирмон.  
Укам ҳали ёлғиз бош,  
У ҳам қўшар меҳрибон.  
Бу сахий икки дўстнинг  
Ҳиммат донғи тарқалиб,  
Буларнинг эккан ери  
Хирмонтепа ном олиб,  
Шундан бери оғишмай  
Тилларда дoston бу ном,  
Дўстлик шундай қадирли,  
Шухрати ўчмас мудом.

*1950*

## БИЛИМ ОЛ, ҲУНАР ТАНЛА!

Ватанинг кутар сени,  
Уғлим яхши билиб қўй!  
Бахт йўлига бошловчи  
Китобингга меҳр қўй.  
Умрингнинг олтин даври  
Болалик чоғинг асл.  
Қайси ишга қўл урсанг,  
Мақсадинг бўлур ҳосил.  
Шундай гўзал ёшлигинг  
Фурсатни қўлдан берма.  
Қапалакдек лидиллаб  
Қўп ўйинга берилма.  
Шахтёрдек бўл тиришқоқ,  
Илм конини ковла!  
Юрагинг чиниқтиргин,  
Ақлинг пўлатдек тобла,  
Чиқ мактабнинг томига,  
Синчиклаб атрофга боқ.  
Кел,— дер дарё, тик тоғлар,—  
Хазинам ол, эй ўртоқ!  
Мунтазирлар йўлинига,

Кўз тикиб эртаю кеч.  
Қуёш чиқар, ой чиқар,  
Гўё дер: нурымиз ич.  
Кел, эй билимдон, мард,  
Бизни тезроқ эгалла! —  
Деб тургандек ҳамма ёқ,  
Билим ол, ҳунар танла!

*1958*



## КИЧКИНТОЙ ЛЕНИНЧИЛАР

Севикли ленинчилар,  
Аълочи ўқувчилар,  
Чақмоқни тутувчилар,  
Пойгада ўзувчилар,  
Байрамингиз муборак,  
Байроғингиз муборак!

Ленин каби ўқингиз,  
Илм-фан қанотингиз,  
Октябрат отингиз.  
Горни янгрatingиз,  
Севикли ленинчилар,  
Аълочи ўқувчилар!

Сиз кўзимиз нурисиз,  
Ватан ўғил-қизисиз,  
Гўзал ер юлдузисиз,  
Ленин бобом кўзисиз,  
Севикли ленинчилар,  
Аълочи ўқувчилар!

Эртага сиз пионер,  
Индинга-чи, комсомол,  
Бўласиз тез баркамол,  
Совет халқим бахтига  
Ҳар ишда бўлиб илғор  
Комсомол йигит донгдор.

Бирингиз ўткир мастер,  
Бирингиз-чи, министр.  
Ўқитувчи ҳам олим,  
Ишчи, агроном барин —  
Эгаллайсиз албатта,  
Мақсадимиз энг катта.  
Қурамыз коммунизм,  
Гуллатамиз ер юзин.  
Севикли ленинчилар,  
Аълочи ўқувчилар!

*1960*

## КОМСОМОЛ

Йигитларнинг йигити,  
Кўзида чақнар ўти.  
Қизларнинг ҳам гул қизи,  
Чеҳраси тонг юлдузи.

Қани ким бу? — Топ, Қамол!  
Беш орденли комсомол!

Қандай олган беш орден?  
Лениндек босган одим.  
Душманнинг берган додин,  
Сақлаган фарзанд номин.

Қани, ким бу? — Топ, Жамол!  
Солдат акам комсомол!

Қулочлаб болға урган,  
Завод, станок қурган.  
Қурилишда ғишт терган,  
Ватан бўйлаб иш берган.

Қани, ким бу?— Топ, Иқбол!  
Ишчи акам комсомол.

Қўлида қора тупроқ  
Бўлган ипак, олтин, ёғ,  
Дарёга солган сиртмоқ,  
Чўлни қилган бўстон — боғ.

Қани, ким бу? — Топ, Жалол!  
Деҳқон акам комсомол!

Чит тўқир Текистилда,  
Рўмоли учар елда.  
Донғи ёйилган элда,  
Чевар қиз номи тилда,

Қани, ким бу?— Топ, Камол!  
Чевар опам Ойжамол.

Ким кемирган фан тошин,  
Ишлаган ер қуёшин,  
Файрати чақмоқ — яшин,  
Учирган Ер йўлдошин,

Қани, ким бу?— Топ, Омон!  
Олим акам комсомол!

«ТУ» ҳайдаган осмонда,  
Кўмир қазиган конда,  
Сузар матрос океанда,  
Пойга ўзар майдонда,

Қани, ким бу?— Топ, Камол!  
Ботир акам комсомол!

Доим биз билан бирга,  
Мактаб, сарой, лагерда,  
Олиб борган тоғ, қорга,  
Олиб кирган кон, ғорга,

Қани, ким бу?— Топ, Қамол!  
Вожатиймиз комсомол!

*1960*

## ОҚ ТЕРАГИМ, КҰК ТЕРАГИМ

Оқ терагим, кўк терагим,  
Адл ўсган тик терагим.  
Азим дарахт зўр терагим,  
Япроқлари зар терагим.  
Зангори зарҳал баргим,  
Тозалар ҳаво чангин,  
Ярқироқ пўстлоқ рангинг,  
Кўкни ўпар кўкрагинг.  
Айт-чи, баланд ўсмоқдан,  
Нима севган тилагинг?  
Терак сўзлар шилдираб,  
Япроқлари ҳилпираб:  
— Менман сенинг керагинг:  
Тўғри ўсган терагинг.  
Билсанг, катта тилагим,  
Менинг кучли билагим,  
Гавдам жоним юрагим.  
Темирнинг йўлдошиман,  
Қурилишнинг бошиман.  
Мени севар уста акам,  
Йўнар силлиқ, мустаҳкам.

Иморат устуниман,  
Қўприклар тўсиниман.  
Бораман қурилишга,  
Қодирман ҳар бир ишга,  
Бинокорлар дўстиман,  
Пухта бўлиб ўсаман,  
Бўронларни тўсаман.  
Осмон ўпган уйларни  
Тутаман кўксимда ман.  
Қуёш нури биринчи  
Илинар қир учимга,  
Тўйиб, қониб ичаман,  
Куч қўшилар кучимга.  
Менинг уй — қучоғимда  
Минг-минглаб одам яшар.  
Наққош акам нақшлари  
Қоматимга ярашар.  
Шунинг учун шошаман,  
Ўсиб кўкдан ошаман.  
Мен сенинг керагингман,  
Қатор кўк терагингман.  
Буни яхши билиб қўй,  
Парваришлаб меҳр қўй.  
Оқ терагим, кўк терагим,  
Адл ўсган тик терагим...

1960

## ЙИГИТЧА БИЛАН ЧИГИТЧА

Йигитча билан чигитча  
Икки ёруғ юлдузча —  
Дерди колхозчи йигитча  
Эркалаб чигитчасин:  
Дум-думалоқ чигитчам,  
Очилмаган гулғунчам.  
Кичкина кон мойхумчам,  
Қишда мизғиб ётар жим,  
Жажжи ниҳол ғўзачам.  
Устида кўк тўнчаси,  
Тўн эмас, пўстинчаси,  
Совуқ бўрондан қўрқмас,  
Бўронсиз олар нафас,  
Ҳозир илдиз барги йўқ,  
Лекин жони мағзи тўқ.  
Атомдан ҳам бақувват,  
Менга ракета қанот,  
Ғарчча мой палов ёғим,  
Шулхаси сут-қаймоғим;  
Эрта кўклам уйғонар,  
Ҳусни юлдуздай ёнар,



Бўлажак полвон ғўзам,  
Кўсаги олтин кўзам;  
Жажжи ғўзам, чигитчам,  
Олтин ниҳол мимитчам,  
— Дейди деҳқон йигитча,  
Эркалаб чигитчасин.

*1961*

### САНДАЛ ВА ПЕЧКА

Бор эканда, йўқ экан,  
Сандал, печка бор экан.  
Сандал иғвогар экан,  
Печка даъвогар экан,  
Қўпдан бери иккиси  
Қўришолмай тураркан.  
Сандал иғвосин қўймай,  
Сасиб, биқсиб юраркан.  
Бир кун қишда иккиси  
Бир-бирини кўрибди,  
Иккаласи бир бўлиб,  
Ҳолу аҳвол сўрибди.  
Буларнинг ўртасида  
Хийла гап-сўз қочибди.  
Сандал писмиқ мақтаниб,  
Фисқу фасод сочибди:  
«Думалоқ дўндиқчаман,  
Очилмаган ғунчаман.  
Қиш бўлса ҳузуржонман,  
Севиқли сандалжонман:  
Қуроқ кўрпа тўним бор,

Гидам-шолча дўппим бор.  
Тўрт ёнимда кўрпача,  
Ҳамма менга интизор.  
Ҳамма мени севади,  
Уйларида тутади.  
Қўғирчоқдек ясатиб  
Қучоқлаб ўлтиради».

Навбат келди сўзлашга,  
Печка кулиб сўз бошлар:  
«Ортиқча гап керакмас,  
Ўз-ўзини мақташлар.  
Керак бир оз иш қилиш,  
Барчага маъқул бўлиш.  
Уртоқлар мақтасинлар,  
Сен ҳамон ишла, тириш!  
Дўстим, мени сўрасанг,  
Жуда оддий асбобман.  
Уйни иссиқ тутаман,  
Мен фақат қишга бопман...»

Булар устига келди,  
Бир пионер ўқувчи.  
Деди: «Ўзи нима гап,  
Ким ростчи, ким ёлғончи».  
Пионер очиб берди,  
Ҳақиқатни бирма-бир:  
(Сандал ғижиниб турди,  
Безгакдек гўё дир-дир).  
«Бултургача бизлар ҳам,  
Сандал тутиб келганмиз.  
Сандал зиёнқунанда,  
Ундан ўтдек куйганмиз.

Бир ширин укажоним,  
Сандал исидан ўлган.  
Қўшнимиз чақалоғи  
Сандалда куйиб қолган.  
Мен ўзим ҳам сандалдан  
Қатта жабр кўрганман.  
Бир йил бўлиб қичима,  
Сўнг сандалдан куйганман.  
Ҳеч ёдимдан чиқмайди,  
Сандалнинг бир қилгани:  
Ешлигимда бир куни,  
Кўрпага ўт қўйгани.  
Қоқ ярим кеча эди,  
Ширин уйқу олардик,  
Онам қарс уриб қолди,  
Бизлар чуввос солардик.  
Кўрпа ёнар ловуллаб,  
Шипга яллиғ урарди.  
Сув сепардик пақирлаб,  
Ўт эса гувилларди.  
Зум этмай келди чопиб,  
Пожарний карнай чалиб.  
Оловнинг додин берди,  
Ҳаммадан раҳмат олиб.  
Шундан бери онам ҳам,  
Сандалдан безор бўлган.  
Бизлар печка қурганмиз,  
Уйимизга нур кирган.  
Печка уйни бир текис  
Ёз каби иссиқ тутар.  
Печкали уй соф, кирсиз,  
Бир ёқда овқат пишар.  
Сандал бўлган кунларда,

Уй ивирсиб турарди.  
Бургалар диконглашиб,  
Қонимизни сўрарди.  
Ис-тўзонлар дастидан,  
Йўталиб бўғилардик.  
Тошқўмир сассиғидан.  
Кўз ачишиб йиғлардик.  
Айниқса кўрпа шўрлик,  
Жулдур-жулдур, қирқ ямоқ.  
Сандалдан ўтдек куйган,  
Қир босиб кетган, қасмоқ.  
Сандал қўпол, беўхшоқ,  
Ўлтиришга қулайсиз.  
Қаддингиз мисли ўроқ,  
Хат ёзишга ўнғайсиз.  
Энди китоб мазасин  
Чақиб роҳат оларда,  
Сандал бирдан писиллар,  
Қиши қолар аламда.  
Ё ўт бозиллаб кетар,  
Оёқ куяр бетоқат.  
Ташқи совуқ, изғирин  
Елкадан уриб ҳар вақт.  
Баъзан қилар зотилжам,  
Ёки оёқ терлама.  
Баъзан палаж, мажолсиз  
Соғлиққа берар зарба...  
Сандалнинг кирдикорин  
Айтаверсам тугамас.  
Сандал мараз-юқумли,  
Одамга фойда бермас.  
Ўртоқ янги турмушлар,  
Сандални энди қўйинг.

Печка гўзал, ҳузуржон.  
Буни сиз одат қилинг» —  
Деб пионер сўзини,  
Шу ўринда битирди.

Пионер сўзин қутлаб,  
Уй-рўзғор тилга кирди.  
Лаган-товоқ, қошиқлар,  
Электр лампочкалар,  
«Битсин эски турмуш» деб,  
Атрофдан қичқирарлар.  
Стол, стул, мебеллар,  
Каравот, тошойналар,  
Дукур-дукур толпиниб,  
Артистдек мақом қилиб,  
Печкани қутлашарди,  
Вақтини хушлашарди.  
Устига келиб қолди,  
Думи куйган мўшук ҳам.  
Сандалга ёпишиб олди:  
«Думимни тўла тездан,  
Ешлигимда аямай,  
Учини куйдиргансан,  
Думимни чўлтоқ қилиб  
Сен ҳуснимни бузгансан!»  
Қип-қизариб лол, бўлиб,  
Сандал қочар эшикдан.

Бургалар диконглашиб  
Қочишарди, тешикдан.  
Пионер қувиб кетди,  
Эшикдан чиқмай тутди.  
Сандал дод деб бақирар,

Кулги ҳар ённи тугди:  
«Энди нима қиламиз,  
Ўтин қилиб ёқамиз;  
Яллиғига исиниб,  
Кулин кўкка қоқамиз».  
Бир оғиздан кўпчилик,  
Ёқамиз дейишдилар.  
Сандални бузиб тик-тик,  
Печкага ёқишдилар.

1937

## ТЕМИРЛАР ТАНЦАСИ

Темирлар жаранг-журунг,  
Уйнашиб диринг-диринг,  
Дейишар: юринг, юринг!  
Тушдилар қизиқ танца,  
Сакрашиб асса-асса.  
Синиқ перо дикиллаб,  
Бузуқ ручка ликиллаб,  
Узуқ занжир, калта сим:  
«Биз қачон бўламиз ЗИЛ».  
Чир айланар ғилдирак,  
Ортидан эски челак,  
Чўлоқ кетмон оқсоқлаб,  
Ошпичоқни қучоқлаб,  
Думалар пачоқ бонка,  
Ирғир пучуқ воронка.  
Занг босган мих уйғонар,  
Дарз тоғора тўлғанар.  
Йўрғалар эски қулф,  
Майдон бўйлаб югуриб,  
Калит ҳам чикка-пукка,  
Мен ҳам турмайман якка,



Тракторга винт бўлай,  
Пахта майдонни кўрай.  
Айб-ку бекор турмоқ,  
Майдонни хира қилмоқ.  
Биз ҳам темир конданмиз  
Қурилишга борамиз.  
Дик-дик ўйин тушдилар,  
Самолётдек учдилар.  
Шу он келди Алишер,  
— Темирларим қайда!— дер.  
Темир ишин биламан,  
Қайда кўрсам иламан,  
Мактабга топшираман,  
Заводга ошираман.  
Тўпланса темир парча.  
Тонналаб қанча-қанча.  
Хўплайди домна печка  
Минут қолмасдан кечга,  
Симоб каби эритар —  
Заводларга тез элтар.  
Машина бўласизлар,  
Вағиллаб юрасизлар.  
«Победа», «ЗИЛ», трактор,  
Полвон экскаватор,  
Мотоцикл, бульдозер,  
Паравой печка ҳузур.  
Электр солқа симлар,  
Троллейбус, дизеллар,  
Поезд, вагон, пўлат из,  
Дарёни шарт тўсган ГЭС.  
Ўроқ, болға ҳам болта;  
Дазмол консерва банка.  
Ҳаттоки қисқич челақ,

Тегирмонда симэлак,  
Паловимиз капгири,  
Човли, кастрюль — бари.  
Қонимиз ҳам темирдан,  
Чеҳрамиз қизил сиздан.  
Темир меҳнаткаш дўстим,  
Эгалла тезроқ постинг!  
Қани, кетдик заводга,  
Миниб станок отга,  
Қурилишга борамиз,  
Ўз ўрнимиз оламиз.  
Темирлар жаранг-журунг,  
Уйнашар диринг-диринг,  
Дейишар: юринг, юринг.

1960





## АСҚАД МУХТОР


Ўзбек социалистик реализм адабиётининг назм ва наср жанрларида дадил, кўламни кенг олиб ижод этаётган ёзувчилар дастасида Асқад Мухтор мустасно ўрин тутади.

1920 йили Фарғона шаҳрида темир йўл ишчиси оиласида дунёга келган Асқад Мухторнинг таълим биографияси етим болалар уйи, ўрта мактаб ва В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетида кечган. Бўлажак адибнинг меҳнат ва ижод фаолияти 1938 йилдан — университетнинг филология факультетини тугатиб, Андижон Педагогика институтида ўзбек адабиёти кафедрасининг раҳбари вазифасида ишлай бошлашдан тарих олади. Сўнгги йилларда у «Еш ленинчи» ва «Қизил

Ўзбекистон» газеталарида ишлади; ҳозир эса, Ўзбекистон Езувчилари союзининг секретари ва «Шарқ юлдузи» журналининг масъул муҳаррири вазифасини ўтамоқда.

Асқад Мухторнинг 1938—1961 йиллар орасида яратилган шеърий тўплам («Ҳамшаҳарларим», «Раҳмат, меҳрибоним», «Чин юракдан») ва поэмалари («Бизнинг авлодлар», «Пўлат қуювчи», «Катта йўлда»), повесть ва романлари («Дарёлар тутаган жойда», «Қорақалпоқ қиссаси», «Опа-сингиллар»), ҳикоя ва бадиий таржималари, адабий-танқидий ва публицистик мақолалари ҳаёт ва адабиётда ўз мавқеини эгаллашдек юксак шарафга эришди.

Адабиётнинг қайси жанрида қалам тебратмасин, Асқад Мухтор кўкрагида, даставвал, шоир қалби уради. Унинг 1958 йилда нашр этилган «Танланган асарлар»и бу фикрнинг чиройли далилидир.



## Е Ш Л И Г И М

**К** улбасида бизни меҳмон қилди  
Афиналик партизан хотин.  
Бир ўғли, бир қизи бор экан,  
Олег, Зоя қўйибди отин.  
Сени эсладим мен  
Чеҳрасин кўриб  
Ўша қизнинг, ўша ўғилнинг:  
Туғилганигдаёқ  
Бутун дунё учун  
Сен  
Келажак бўлиб туғилдинг.

Доя бўлиб улуғ, оловли йил  
Йўргаклади сени бинт билан,  
Ёшлигим, комсомол ёшлигим,  
Авлодларга улан.

Окопдан окопга сакрадинг гўё,  
Йиллар ўтар экан оловдай қизиб;  
Йўллардагина эмас,  
Умрларда,  
Юракларда қолди ўт изи.

Ўттизга кирмасдан, соч оқи  
Походлар чангидай чакканга қўнди.  
Ўттизга кирмасдан, халқинг, Ватанинг  
Шон-шуҳратга кўнди.

Севсанг, ғазаблансанг — жон аямадинг,  
Интилсанг — янчдинг ҳар қандай ғовни,  
Йиғласанг — кўз ёшинг тошни ёндирди,  
Қувонсанг — кўз нуринг кўр қилди ёвни.

Туғилганигдаёқ  
Бутун дунё учун  
Сен  
Келажак бўлиб туғилдинг.  
Туғилганигдаёқ  
Ленин ғоясининг  
Порлоқ нури билан йўғрилдинг.

Сафарда дўстларинг кўп бўлсин.  
Мағрурлансин улар сен билан.  
Ёшлигим,  
Комсомол ёшлигим,  
Авлодларга улан!

\* \* \*

Икки нарса оғир кўнглимга асли,  
Икки нарса учун йўқ менда бардош:  
Бири— душманимнинг шодон қаҳқаҳаси,  
Бири — дўст кўзида мўлтиллаган ёш.

1945

## КРЕМЛЬ АРЧАЛАРИ ГУРКИРАР МАНГУ

Водим шаббодаси,  
Сендан илтимос:  
Ипак қанот қоқиб шимолга учгин,  
Кремль арчаларин аллалаб қучгин,  
Қайноқ лабларингни баргларига бос.

Уларни халқ меҳри мангу кўқартган.  
Оламни яшартиб турар ҳар бири.  
Баргларида шабнам —  
Муҳаббат билан  
Тижилган миллионлаб кўзларнинг нури.

Қучсанг — соф нафаси урар кўксингга,  
Тайга аёзидай тиниқ, беғубор.  
Кезган ўлкаларинг тушар эсингга,  
Жийдагул фаслининг хушбўйи ҳам бор...

Бу — буюк Россия табиатининг  
Сокин салобати, улуғвор ҳусни;  
Бу — ҳаёт, халқ меҳри.



Сақлар бетиним  
Мавзолей ёнида муқаддас постни.

Янги йил арчаси ҳар хонадонда —  
Ёшлик, абадийлик тимсолидир бу.  
Шундай,  
Олам тўри — Қизил майдонда  
Янги аср арчаси гуркирар мангу.

*1951*

\* \* \*

Умрим узоқ бўлар  
(Сезиб турар кўнгил)—  
Баракали бўлар, шубҳасиз.  
Кумуш чўққисига қарайман дадил;  
Мен бормасман унга туҳфасиз.  
Қандайдир «иккинчи умр»ни қўмсаб  
Зое кетказгим йўқ хаёл кучини.  
Фарзандлик, гражданлик, шонли бурчини  
Адо этмоқ учун берилган фурсат  
Кам деб нолимайман.  
Умрим бўлар узун,  
Бирор дақиқаси беҳуда кетмас.  
Аммо  
Шу юртимни  
Кўриб тўймоқ учун,  
Севиб тўймоқ учун етмас,  
Йўқ, етмас...

1951

## РАЙКОМ

Уни баланд жойга солишган,  
Районнинг энг кўркам биноси.  
Пештоқи ярқирар олис-олидан,  
Фозгон мрамаридан зинаси.  
Қизил байроқ турар тепасида  
Осмон денгизида чайқалиб,  
Параднийнинг икки чеккасида  
Ленин — доҳиймизнинг ҳайкали.

Шўъла оқимидай равон йўллар,  
Қон томири каби симлар минг тармоқ.  
Оддий кўзга кўрингани булар,  
Кўринмаганлари яна ҳам кўпроқ:  
Кўз нурлари,  
Қалб туйғулари...  
Ҳаммаси шу ерга келиб туташган,  
Шийпон, хонадонлар, колхоз уйлари,  
Элеватор, шахта, ўтов ва даштдан —  
Ҳаммаси шу ерга келиб туташган.  
Бир жойда юз берса мушкуллик ё дард,  
Ёки шодлик бўлса яқин-йироқда,

Бир жойда туғилса зафар ё фарзанд —  
Дарров сезилади юракда...  
Райком ухламайди,  
Деразасида  
Район ҳаётининг ўчмайди қўри.  
Бўлғуси боғларнинг майин баррасида —  
Кўчат баргларда йилтилар нури.

Райком ухламайди — меҳнат юртининг  
Ором нафасини сезади.  
Районнинг эртанги ижодкор кунин  
Тонг нурлар билан чизади.  
Бу режада — қалблар кўркемлиги  
Ёшу кексаларнинг ўйи, туйғуси...  
Ана СХМ нинг ёш механиги  
Абажур тагида ҳамон уйқусиз.  
У ариза ёзар,  
Унинг кўзларида  
Қасам вақтидаги ҳаяжон.  
Умр йўлин кўрар ёзган сўзларида —  
Эрта улуг сафдан олар жой...  
Унинг кўз олдида райком биноси,  
Фозгон мраммарида зинаси..

Тунги хирмонлардай тўлишиб ҳар дам  
Далалар уфқида тонг оқаради.  
Бу пайт пахтакор чол —  
Қошида шабнам —  
Мраммар зиналардан чиқиб боради.  
Еруғ.  
Қош чимириб кирди отахон,  
Юзига ранг қўнди қизил гиламдан.  
Секретарь аппарат ёнида,

Телефон  
Марказий Комитет билан уланган.  
Секретарь кўзида жиндек ҳаяжон  
Гўё сўрар эди отадан шу пайт:  
«Нима жавоб қилай отахон?»  
— Бажарамиз, ўғлим. Қатъий. Айт.—  
Бахтли бир ўй билан, тикилади чол,  
Киприкда йилт-йилт нур — гўё кўз ёшлар.  
Шу бугун  
Марказком билан,  
Эҳтимол,  
Москва сўзлашар...  
Пахтакор қалбидан чиққан бу қасам  
Шундай қатъий янграр Кремлда ҳам.

Ишон, эй жонажон улуғ пойтахт,  
Қаттиқ ишона бер райкомимизга,  
У яхши билади халқ ўйин ҳар вақт,  
У — ҳам ақл, ҳам виждон, ҳам юрак бизга.

1952

## Т Е Р И М Д А

Бункерини ағдаради Латиф,  
Этак тутган қизлар солади гапга.  
У пичинг аралаш қўшиғини айтиб  
Яна машинасин бурар эгатга.  
Чамалаб кетади ҳар келганида—  
Хирмон ўсган сари кўнгли барқ урар...  
СХМи денгиз елканидай  
Олислардан кўм-кўк ярқирар.  
«Одамлари софдил,  
Пахтаси шиғил»—  
Латиф қувонади ўйлаган сари:  
Ажойиб колхозга тушди-да бу йил,  
Зап ўнгидан келди ишлари.  
Иш мундоқ бўпти-да!  
Ҳаммасидан ҳам  
Қизларини айтинг, ҳай-ҳай-ҳай...  
Бири биридан шўх,  
Ишда олов  
Кўркам,  
Борингки, саралаб қўйгандай.

Шундай ўйнаб-кулиб ишлар эди у,  
Ухшамасди сира мунглига.  
Кутилмаган воқеа бўлди-ю  
Бир ғулғула тушди кўнглига.  
Рулга ўтирганда бир кун эртал?б  
Бункер биқинига боқса бош эгиб,  
Қиррали тош билан

Биров

Тимдалаб

Байт ёзиб кетибди:

«Чиройли йигит,

Кўнглингиз тош экан, парво қилмайсиз,

Юракнинг дардини кўздан билмайсиз.

МТС қизлари шайдо қилганмиди,

Қолхоз қизларини кўзга илмайсиз?»

Аввал жаҳли чиқди Латифнинг:

— Ия!

Қўлига чипқонлар чиққур, кимикин?

Шундоқ яппа-янги машинани-я...

Шўхлик эвида-да!...—

Деди-ю, лекин,

Яна бир ўқиди — жиз этди қалби.

Рули титраб кетди қўлида.

Гўё машинаси бўйсунмай қолди —

Чиқиб кетай деди йўлидан...

Ўйнаб-кулиб

Ишлаб юарди у.

Ухшамасди сира мунглига,

Мана шу воқеа бўлди бўлди-ю

Бир ғулғула тушди кўнглига.

Ҳардам ўқиб қўяр.

Ёд олди бутун  
Ҳар бир ибораси, калимасини.  
Қайси бири ёзди?  
Меҳрисимикин!  
Салимасимикин, Ҳалимасими?  
Ҳалимаси бўлса кошкийди...

*1953*



## И У Л Д А

Ястанган кўк яйлов,  
Бир учи тоғда.  
Эгнида баҳорнинг гулдор кўйлаги.  
Йўлдан ўта туриб шўхчан шаббода  
Этагин тортқилаб ўйнади...  
Кейин,  
Девор ошиб,  
Боққа кириб бирдан  
Безовта қилди-да қариган тутни,  
Тагида  
Қўшни қиз унутиб қолдирган  
Кўнгил дафтарини варақлаб ўтди...  
«Бўри болалайди» узоқ дарада,  
(Гўё деразамнинг ипак пардаси).  
Ёмғир чорлагандек  
Худди шу орада  
Кумушдай шилдирар тоғ шаршараси.  
Ана тасма-тасма олтин камалак  
Товус патин ёйди водий 'устиди.  
Афсус, машинамиз туrolмас андак,  
Қараб тўёлмадим ҳуснига.

Бу водий ҳуснига  
(Ичай қасамёд)  
Тўймади бир умр кўзини тиккан.  
Аммо бир дақиқа,  
Баъзан,  
Умрбод  
Севиб қолмоқ учун кифоя экан!..

*1954*

## РАҲМАТ, МЕҲРИБОНИМ

Сой бўйида мактаб.  
Худди оппоқ булут.  
Осмон парчасидай деразалар...  
Жим.  
Гўё кўк кўз билан  
Менга боқар кулиб  
Кечагина ўтган шўх болалигим.  
Ўғлим ҳам тикилди кўзлари ёниб,  
Мен ҳам  
Тўйиб-тўйиб  
Узоқ қарадим.  
— Раҳмат, мактаб.  
Раҳмат, меҳрибоним,  
Ватан хизматига ярадим.  
Қанча дарё кечдим,  
Қачон, неча марта  
Қаскани, гоҳ танни тешиб ўтди ўқ —  
Барин эслолмайман.  
Аммо ўша эрта,  
Ўша куз эртасин унутганим йўқ.  
Унутганим йўқ мен,

Анна Григорьевна,  
Илк бор сочларимни силаганингиз.  
Биринчи синфга етаклаб кириб,  
Унингчида  
Оқ йўл тилаганингиз.  
Меҳр тўла эди қарашингиз ҳар вақт,  
Бир умр дилимда шўъласи қолди.  
Ҳаётимда бўлган  
Ҳар қувонч,  
Ҳар бахт  
Ҳамиша сизни ҳам ёдимга солди.  
Нурли чехрангизда қолдиргандир из  
Болалигимизнинг шўх бебошлиги.  
Лекин кексаликмас кумуш сочларингиз,  
Бу —  
Мендек мингларнинг сўлмас ёшлиги.  
Сиз тилаган бахтнинг ўзи деб билдим  
Яна сиз томонга тушган йўлимни:  
Мен ўз бахт йўлимдан  
Етаклаб келдим  
Етти ёшга тўлган тўнғич ўғлимни.  
Фахру ишонч билан толпинар болам  
Сизга,  
Гўзал ёшлик санъаткорига.  
Сиздан миннатдорман —  
У бир ғишт қўйса ҳам  
Улуғ коммунизм пойдеворига.

1954



Умрин тикканини ўйлаганмидинг?  
Қайдан илинтирдинг енгилтак гапни?  
Шу гўзал лабларинг қандай жуфтлашди?  
Қим ўргатди сенга,  
Ёш қиз,  
Қим ўргатди  
Олий, соф туйғуга туфлашни?

1956

### ҚУЁШ ПАРЧАСИ

Қора булут қоплаб олган осмондай бўғиқ  
Султон Аҳмад жомесининг<sup>1</sup> қора гумбази.  
Дилни судрар узлатларга ёруғ дунёдан  
Ингроқ аза йиғисидай имомнинг ваъзи.

Сўнаётган дил ўтидай шамлар пирпирар,  
Букчайганча тебранишар қора соялар;  
Соя эмас, бурчакларда сужудга кетган —  
Қора ридо кийган юзлаб шўрлик аёллар.

Туфлисини ечиб кирди бизнинг Ҳадича,  
Ловулларди Марғилоннинг ёрқин атласи.  
У бир қуёш парчасидай пайдо бўлганда  
Титраб кетди хира шамлар заиф шарпаси.

Унинг учун бу маросим — қадим бир музей.  
Аммо дили нега мунча орзиқиб кетди?  
Нега фарёд тошиб келди кўксин ёргудай,  
Кўзи тиниб, изтироби поёнга етди?

---

<sup>1</sup> Истамбулдаги жоме.

Чунки азиз оналарни, дугоналарни  
Бундай жонли экспонатдай томоша қилмоқ  
Сира, сира хаёлига келган эмасди,  
Кўз солди-ю, пок қалбига гўё тушди доғ.

Чунки бу қиз Ленин очган Университетнинг  
Қуёшли кўк гумбазидай баланд залида  
Ўз муқаддас ҳуқуқлари, эрки ҳақида  
Мароқ билан лекциялар тинглаганида.

Бу жаҳонда мунча бўғиқ, бундай қоронғу,  
Зиқ бурчаклар борлигини ўйламаганди,  
Қаердадир она кўнгли, қиз орзусига  
Жаҳон мунча торлигини ўйламаганди.

Ҳа, Ҳадича, тарихдаги ўрнимиз шундай  
Қи, Данкодай қалбин машғал этган йўлчимиз.  
Қўп тақдирлар тўғрисида ўйламоқ керак,  
Бу ҳам бизнинг ҳуқуқимиз, виждон бурчимиз.

1956



## БРЯНСК УРМОНИДА

Барг тўшалган ўрмон сўқмоқлари.  
Кўз шошади, дил ҳовлиқади,  
Олисдан келганим билган сингари  
Азим қайрағочлар пешвоз чиқади.  
Бахмал каби майин шовуллаши  
Гўё салобатли ҳуснин ардоқлар.  
Бирдан йўл устига тўгарак, яшил,  
Гулдор пояндозин ёзар ўтлоқлар.

Аммо дилни чулғар хазин бир туйғу,  
Титраб толпингандай барглар бесабр,  
Қимнинг сўлган гули,  
Қимники экан бу  
Қайин соясида чўққайган қабр...  
Солдат бўлсанг, тийиб нафасим,  
Манглайимни босай қабрингга.  
Балки мени қучган шу дуркун фасл  
Бир вақт куртак бўлган сенинг қалбингда.

Гуркиранг, қайинлар,  
Сўлдирманг гулларни,  
Унга соя солинг қаддингиз эгиб.  
Баҳрингизни очган сарин елларни  
Дуддан софлагандир балки шу йигит...

1956

\* \* \*

Баъзида ёшимга ёш қўшадилар,  
Қўнглимга олмайман ҳамон мен.  
Қариликдан эмас,  
Дунё кўрганликдан;  
Дунё кўрган бўлсам ёмонми?  
Эртароқ ярапман, демак, турмушга.  
Ёш кутар, аммо иш кутарми?  
Уйлаб кўринг ахир,  
Қирққа кирмасдан  
Қирқни яшаганга етарми?

1957

### КОММУНИСТИК АСР ОДАМИ

Тўлқинланиб, ичга тушиб дами,  
Жигарпорасига халқим кўз тикар.  
Қувончдан, ё ҳаяжонданми —  
Кўзга ёш келади, юрак энтикар.  
Фазоларга «Шарқ» учмоқда бу дам,  
Тарихнинг қонуний қадами.  
Миллиард йиллар зулматида чақнади  
одам —

Қоммунистик аср одами!  
У қайтиб, янги бир олам хабарин  
Партияга тетик гапирди;  
Бу — икки юз миллион, яна бир нафарнинг  
Тарихга жанговар рапорти!

1961

## ХУП ПУЛАТ ҚУЮВЧИ БУЛГАНИМ БУЛСИН

(«Пўлат қуювчи» поэмасидан парча)

— Қани ўлтиринг-чи, дўстим Шомурод,—  
Бошлиқ таклиф этди юмшоқ курсига.  
Курсининг бахмалин сийпаб кўрди-да,  
Суқланиб ўтирди аста бурчига.

— Цехларимиз тайёр,  
юргиздик ҳам.

Энди, оғайни, гапнинг дангали,  
Мана, беговотлик бўлиб қолдингиз,  
Ҳавасингиз ҳам бор касб ўргангали.  
Пўлат қуядиган бўласиз!

Кеча мастер сизни сўзлади.

— Мен! Пўлат қуювчи?—

Полвон ирғиб турди,

Соққадай очилди кўзлари:

— Йўғе, эплломайман.

Менинг ота-онам

Пўлат қуйиб юрган бўлмаса...

Бунақанги ваҳмали оловни

Ухлаб тушида ҳам кўрган бўлмаса...

— Пўлат деган нарса  
худди сизнингдай  
Забардаст қўлларни яхши кўради,  
Уролдан келган қиз —

(зуваласи пўлат!)

Кеча шогирдликка сизни сўради.

— А...—

деди Шомурод,

қизарди.

Гўё суҳбатдоши уқди сирини.  
Жиноят устида ушлагандай бўлди.  
Қандайдир андиша тутди тилини,  
Йигит бўлиб Полвон

муҳаббатнинг

Завқига толгани йўқ эди ҳали,  
Ўз умрида бирор қиз кўнглига  
Қўлини солгани йўқ эди ҳали.  
Ишқ ўти юрагин ўртаган эмас,  
Қизларга гулдаста тутмаган.  
Қалбида яшириб висол умидин,  
Оқшомлар бировни кутмаган.  
Ёзмаган соғинчли муҳаббатнома,  
Ҳижрон изтиробин татиб кўрмаган,  
Севгили юракнинг товшини тинглаб,  
Тунлари қиз сочин ўрмаган.  
Билмайди уйқусиз тунларни,  
Сирли хаёлларга бўлмаган асир,  
Севгининг сеҳргар, сўзсиз қўшиғи  
Навқирон қалбига қилмаган таъсир.  
Аmmo...

Бошлиқ билан машинада келган  
Қўнғироқ кокилли ўша қиз...

Кўзига чўғ каби кўринганди-ю,  
Яшириб дардини тортарди ёлғиз.  
— Хўп денг.

Бу чўлларда завод бино бўлди,  
Тўнғич металлург ҳам туғилсин.  
Шодланиб бошлиққа қўл берди Полвон  
— Хўп.

Пўлат қуювчи бўлганим бўлсин!

### МАРТЕН ЁНИДА

Цехнинг ўртасидан ўтган паровозни  
Эритгудай бўлиб мартен ёнади.  
Шомурод полвоннинг тер босган юзи  
Ёлқин шўъласида яллиғланади.  
Ана Мария қиз, олов ҳукмдори,  
Манглайига қалққан меҳнатнинг зўри.  
Қаршисида етмиш мурват бор,  
Ҳар бирида кўзининг нури.  
Бирига тегизди чакқон қўлини,  
Чириллаб чарх урди минг пуд ғилдирак.  
Яшиндай чақнади рубильникда ток,  
Ҳайбатли машина юрди гулдураб,  
Азамат панжаси билан чангаллаб,  
Ўн тоннали яхлит темирни  
Мартен оловига улоқтирганда  
Жаҳаннам даҳшати босар бу ерни.  
Баъзан ваҳимага тушади Полвон,  
Зўр пўлат қуюни оқади.  
Кўк кўзойнак оша  
баъзан у печга,  
Баъзан Марияга пастдан боқади.

Баъзан ерга қараб ўзининг —  
«Полвон» лақабидан гўё қилар ор;  
Баъзан ўз-ўзича пичирлаб, дейди:  
«Зуваласи пўлат деганича бор.»  
Ҳарорат минглардан ошганда,  
Пўлатнинг сифатин текширмоқ учун  
Чарм қўлқопини авайлаб кийиб,  
Лавага ботирди узун чўмичин.  
Биринчи пўлатни қўлда дадил тутди;  
Аммо цемент полга тўкканда уни  
Кўзин қамаштирди, бошин гангитди  
Қатиқдай сачраган пўлат қуюни.  
Чеккадан Мария кузатар экан,  
Шогирднинг ҳолидан бўлди хабардор.  
Қўпол ва бақувват қўлларига боқди —  
Хаёлчан кўзида сирли қувонч бор...  
«Ҳай, йигит, пўлатга қон бериш керак.  
Биласизми, бундан

танк қилади-я!

Биласизми,

бунинг ҳар томчиси —

Қизил Армияга ҳадя.

Газни кўп берибсиз, мана

бери келинг,

Учқунидан қўрқманг, тегмайди...

Бунда олов билан бирга ёниш керак,

Пўлат қўрқоқликни

севмайди».

Шомурод бошини қуйи солиб турди,

Қизармасам дея хавф тортиброқ;

Мартен қаршисида билинмади,

чунки —

Барибир қип-қизил эди ҳамма ёқ.  
Олов...

Олов...

Олов...

рудалар —  
Сутдай оппоқ бўлиб эрийди,  
Шомурод ўйларди,  
шу олов ёнида  
Мариядай  
дадил  
турсам, дер эди.

#### ҲУНАР ВА УСТОЗ

— Яна кўк чой беринг, самоварчи,  
— Қаққа ичяпсан, Шомурод полвон?  
Юрак-пурагингга ўт кетдими дейман,  
Тўртта дамлаб бердим, чой дейсан ҳамон?  
— Ўчоғингиз эмас, мартен дейди уни.  
Саккиз соат турдим рўпарасида.  
— Айтгандай, хўш,  
қалай,  
жўн касб эканми?  
Миш-миш тарқалибди эл орасида.  
— Жўн бўлганда қандай!  
Биласизми —  
Биз қуйган пўлатдан танк қилади-я.  
Ҳа, ишонаверинг,  
бунинг ҳар томчиси  
Қизил Армияга ҳады.  
Қўйиб юборасан ихтиёрига  
Қанчаки куч-қувват бўлса билакда,  
Пўлат қуюнидай жўшмоғи керак



Қанчаки ҳарорат бўлса юракда.  
Кўзларинг саккизу, қулоғинг саккиз,  
Кўкрагинг тоғ қадар бўлса унда оз.  
Оловда аждардай тўлғанасан.

Яхши.

...Менга бир нарсаси ёқмади, холос...

— Хўш?

— Уни даставвал Пўлатов билан  
Цехга келганида кўргандим.

Аслида шўни деб кирдим мартенга.

Ундан яхши ҳунар ўргандим.

— Хўш?

— Нима хўш? Ёқмади — тамом.

Ҳадеб сўрай берасизларми?

— Айтинг, ахир.

— Айта берган билан

Бировнинг дидини биров биларми.

Э-э... Қиз эмас, барзанги йигит.

Қиз деганда жиндек ноз бўлади-да.

Қиз деганнинг қўл-пўли бундоқ

Юмшоқроқ бўлса соз бўлади-да.

Гаплари ҳам дағал,

нима дейди денг:

«Дарров хафа бўлар экансиз.

Хўрозқанд ушлатиб касб ўргатмаймиз,

Гул ҳам бўлмайди-ку, тикансиз...»

Ким сўрабди ундан хўрозқандди.

Бундайроқ гапирса қайтади?

— Менга қаранг, Полвон, тушунмабсиз,

Ҳадди сиққанидан айтади.

— Эҳтимол шундайдир...

лекин-чи, ота,

Бир чеккаси ўзим ҳам қойил.  
Яна бировларга айтиб юрманг-а,  
Рост гап: кўнгил қурғур шу қизга мойил.

#### МУҲАББАТ

Салқин хиёбоннинг рўпарасида  
Олти деразали муҳташам уй бор.  
У — Пўлат шаҳрининг зеб-зийнати.  
Қўлинг дард кўрмасин, эй меъмор!  
Дарчанинг ҳаво ранг панжарасига  
Еш терак чўзилиб шохин уради.  
Бунда Беговотнинг тўнғич мартенчиси  
Металлург, Шомурод туради.  
Ана, пешайвоннинг катта деразасин  
Кенг очиб ўй сураб йигит шом чоғи.  
Шаҳарнинг бор ҳусни кўринар бундан.  
Боғлари, сойлари, ёрқин чироғи.  
Бугун Шомуроднинг завқли хаёллари,  
Бугун агрегатни бошқарди ўзи.  
Қалбини чулғади бир умрлик қувонч  
Қуйган пўлатини кўрганда кўзи.  
Меҳр билан қўлин сиқди устоз  
— Раҳмат, раҳмат...— деди Мария.  
Бутунлай ўзини йўқотди йигит:  
Пайқамаган бўлса майли-я...  
Мария... Бунчалик латофат билан  
Ўтда туғилгансан чамаси,  
Мартенга гувлатиб ўт ёққанинг бас,  
Қалбга ўт ёққанинг нимаси?..  
Она меҳри каби унинг меҳри кенг.  
Гулнинг ҳусни каби ҳусни беғубор,

Пўлат оқинидай қудрати чексиз,  
Иродаси пўлат, доно, улуғвор.  
Дилда қувонч.

    Ҳар ерда қувонч, нур.  
Толларнинг барглари садаф каби соф.  
Ҳаётбахш оқшомда ҳар нарса гўзал,  
Қушлар товушидан янграйди атроф.  
Шодлик! Кўзлардан ёш чиқарар шодлик —  
Қалбда зўр муҳаббат бор бўлганидан,  
Шу лазиз умрнинг уфқи йўқ каби —  
Оташин бир орзу ёр бўлганидан.  
Шомурод, қўнғироқ сочларни эслаб  
Уни кўрмоқ бўлиб юмади кўзин,  
Ҳа, улуғвор,

    устоз ахир, унга —  
Айтиб бўлармиди муҳаббат сўзин...  
Кўнглида орзуси шу қадар зўр билса,  
Шу қадар кўп билса гаплари,  
Салобатли устоз — гўзал Марияга  
Нечук ишқ сўзини айтсин лаблари?..

#### МУСОБАҚА

Меҳнат билан гувлаб ўтди дамлар.  
Анҳорлар тўпланиб сой бўлиб кетди.  
Жанговар кунлар ҳам жамланиб  
Шонли, ғулғулалари ой бўлиб кетди.  
Шомуроднинг қуйган асл пўлати  
Танк бўлиб, ҳайқириб кирди жангларга.  
Меҳнат билан гувлаб ўтди дамлар,  
Оқшомлар улашди тонгларга.  
Фарҳод чўққилари кўринмай қолди

Девқомат корпуслар ўсиб бағридан.  
Сирдарё тўлқини ўйнар шўълаланиб  
Пўлат шаҳарининг чироқларида.  
Қулоч ёзиб элга байрам келди,  
Тинч денгизга бурди кемани дарға.  
Хусндор, чароғон Пўлат шаҳари  
Шомурод қўлидан байрамга совға.  
Шомурод тонналаб пўлат тоблайти.  
Тўкилган ҳар қатра қон учун,  
Элга ғолиб қайтган солдат шарафига,  
Жангда фидо бўлган азиз жон учун.  
Энди у трактор пўлатин тоблар,  
Кеча колхозидан олди хат:  
Шунда кўп қадрдон туюлиб кетди  
Бу меҳнат, бу завод, муҳаббат...  
Айтгандай... Байрам кун севганин кўрди,  
Ҳатто хиёбонда сайр этиб юрди,  
Аммо қалб сирини ҳеч ечолмади.  
Умрига етгулик шодликлар кўрди-ю,  
Бир шу ҳавасидан воз кечолмади.  
Қандай айтсин устоз ахир, устоз...  
Кўрганида ердан ололмас кўзин.  
Шундай салобатли, гўзал Марияга  
Айтиб бўлармиди муҳаббат сўзин?

Бугун ҳамма шошиб кузатар  
Устоз билан шогирд мусобақасин.  
Биров ишонмайди, биров қойил қолар,  
Бировлар ушлайти ёқасин:  
— «Мариянинг ўзи чақирибдими?  
Ҳазиллашдимикин, ростданми?»  
— «Шомуродга йўл бўлсин, эҳ-ҳе,  
У билан баҳслашиш осонми?!»

Аммо Шомуроднинг ўйи бошқача,  
Яхши ният,— дейди,— ярим мол.  
Ҳеч бўлмаса тенглашиб олар-ку,  
Ютиб кетиши ҳам эҳтимол.  
Шу баҳона билан ўрганиб қолса-ю,  
«Яшин тезлиги»да қуюлса пўлат,  
Ҳазил эмас ахир, бу деган гап —  
Ҳар кун и ўн тонна ортиқ маҳсулот.  
Иккинчи томони бор бунинг яна.  
Буниси, албатта, анчайин ҳавас,  
Ўзи-ку ҳеч кимга айтмайди буни,  
Бир учин чиқарсак зарари бўлмас:  
Борди-ю, ютқизса Мария...

уни...

Бир карра табриклар қўлин тутуди,  
Ўшанда қўлини қўймасдан...

Ўшанда...

Ғолиблик ғурури ортиб шогирд ҳам  
Дилидагин айтса ҳадди етади.

Ширин хаёлларни бировга айтмай.  
Яхши ният, дея, ярим мол,  
Шомурод астойдил боғлади белин,  
Ютиб кетиши ҳам эҳтимол.

#### УЙЛАБ, ХАЕЛИМДА ЯРАТАРДИМ

Ўша оғир, жанговар кунларда  
Ўрол домнасидан сачраган учқун  
Асрлик тоғларни ларзага солиб  
Бунда ёлқинланиб ёнади бугун.  
Бунда ҳижрон тортган ота, келинларнинг  
Полвон йигитларнинг маҳорати бор.

Ғазабли, умидли, ўчли юракларнинг,  
Ўтли юракларнинг ҳарорати бор.  
Пўлат бизга азалдан қадрдон —  
Бизнинг иродамиз унга ўхшайди,  
Атакага борган жангчи қўлида  
Кундай ярқираган ўшайди,  
Асл пўлат қайнаб оқади...  
Шомурод юзида шаррос тер.  
— Етти соат ўтди...  
— Эй, эй машинист!  
Олов! Олов керак.

Газдан кўпроқ бер!  
Асл пўлат қайнаб оқади...  
Шомурод қўлидан тушмас кураги.  
Саккиз соат бўлди...

Полвон бетоқат.  
Мартен оловидек шошқин юраги.  
Асл пўлат қайнаб оқади...  
Саккиз ярим...  
Тўққиз...

Эҳ, тўққиз ярим!  
Қайси бир мартенда қуйилди пўлат:  
Цехларни зилзила босди.

Қайда? Қим?  
— Қим у? Ҳей!

Мария.

Тўққизу, қирқ беш!  
Полвон манглайига қарс этиб урди.  
Тўққизу элликда улгурди пўлат —  
Шомурод мартеннинг дастасин бурди.

Улар уйга кетдилар бирга,  
Кеч эди. Боғларда шодон яллалар.

Дарё шов-шувини олиб келган ел  
Ширин туйғуларни аллалар.  
Гўё бир-бирига айтгали сўз йўқ.  
Индамай юрдилар аста қадамлаб;  
Асли ҳар бирининг кўнглида  
Айтиш зарур бўлган дунё-дунё гап.  
Шомурод бош эгиб аста сўз очди,  
Гўё шундан ўзга йўқ эди чигал:  
— Менга айтинг, Мария Павловна,  
Беш минутни қандай ютдингиз бу гал?  
Шу маҳал Мария шундай боқдики,  
Уятчанг шогирдининг юзига,  
Шомурод бошини кўтарган эди,  
Олов чақнагандай бўлди кўзида.  
Бехосдан оташин лабларнинг изи  
Йигит ёноғини куйдириб олди.  
Шомурод бўйнининг иссиқ билакларга  
Чирмашиб кетганин пайқамай қолди.  
— Мария... Машенька,— деди Шомурод,  
Забардаст қулочин очди ёрига.  
Олов қизи билан олов йигити  
Отилди туйғулар ихтиёрига.  
— Рост айтсам, мен ўша Уролдан  
  сенинг  
Бу ерда борлигинг билиб келганман.  
Йўғе, қандай қилиб?  
— Кўнглим сезган,  
Кўнглим аниқ сезган, билганман.  
— Борди-ю, мен бунда бўлмаса эдим.  
Нима қилар эдинг, Мария?  
— Худди сени излаб топар эдим.  
— Излаб тополсайдинг майли-я?

—Излаб тополмасам ҳаётда сени,  
Уйлаб, хаёлимда яратардим...

Кел.

Қўнғироқ сочларни тўзғитар эди  
Дарё шов-шувини олиб келган ел...

*1947*






## МИРМУҲСИН

**У**стеъдодли шоир ва прозаик Мирмуҳсин (Мирсаидов) 1921 йилда Тошкентда кулол оиласида туғилди. 1938 йили Қуйбишев номидаги ўрта мактабни ва 1941 йили Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлади. У институтни тугатгандан сўнг, ўрта мактабда адабиёт муаллими бўлиб, Тоштрамда чиқадиган «Мотор» газетаси редакциясида, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлимида, Ўзбекистон радиокомитетида, Ўзбекистон Ёзувчилари союзи аппаратида ишлади. Шунингдек, Мирмуҳсин бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг масъул секретари ва сўнгра «Шарқ юлдузи» журналининг масъул муҳаррири вазифа-

ларини ҳам ўтаб келди. Ҳозир «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида ишламоқда.

Мирмуҳсин 1937 йилдан шеърлар ёза бошлаган. Адибнинг «Вафо» (1945), «Уста Ғиёс» (1947), «Яшил қишлоқ» (1948), «Фарғона» (1948), «Қадрдонлар» (1954), «Меҳмонлар» (1955), «Шеърлар ва поэмалар» (1955), «Танланган асарлар» (1958), «Ирмоқлар» каби шеърӣ тўплам ва поэмалари, «Юлдузлар» (1949), «Лола» (1951), «Юлдузчалар, нур сочинг!» (1951), «Олхўри ва ўрик» (1952), «Жонли хат» (1954), «Жамила» (1957) сингари повесть ва ҳикоялари, ниҳоят «Зиёд ва Адиба» шеърӣ романи нашр этилди. Унинг бадий таржима соҳасида ҳам катта хизматлари бор.

Коммунист-шоир ва прозаик, публицист ва таржимон Мирмуҳсин икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотланган.



## КОММУНИСТЛАР

**Д** гар мендан сўрасалар:— Ким сенинг яқин  
дўстинг?

Кимга сен ишонасан тақдиру ҳаётингни?  
Ижодингда ким билан маслакдошу йўл босдинг?  
Ким сенинг зарҳал билан ёзди кулол отингни?

Оғир кунлар келганда ким сенга ёр бўлди?  
Шодликда кимни эслаб фахр этдинг номи билан?  
Ким сабаб, чекка ўлканг тенг, озод диёр бўлди?  
Даланг яшнаб барқ урибди кимнинг инъоми билан?

Ўзга олис элларда сайёҳ бўлиб кезганда,  
Қим сенга мадор берди, чарчамай йўллар ўтдинг?  
Шу ёшга кириб қанча одамлар кўрганингда  
Қимларни ёдда сақлаб, ҳамиша қалбда тутдинг?

Шоир ёлғон сўз демас, ёлғон деса шоир эмас,  
Халқ энг яхши фарзандларин қандай ном билан атар?  
Қим меҳнатда доим ғолиб, курашда ёвқур, қўрқмас?  
Қим жангларга қурбон бўлган, элга тушганда хатар?

Коммунистлар деб айтаман, фахр этаман жаҳонда,  
Коммунистлар деб айтаман, бу ном яшайди жонда!

## ҚИШЛОҚ ВРАЧИ

Уни  
Доктор опа, дейишар,  
Барча уни танир қишлоқда.  
У ҳар доим тайёр,  
эрта-кеч  
Йўқдир унинг маълум иш вақти,  
Доктор опа, дейди, кекса-ёш...  
Унинг оти асли Мукамбар.  
Мана ўзи!  
Чуст дўпписига,  
Чилвир сочин қилибди чамбар.  
Кабинети ёруғ, озода,  
Стол,  
термометр,  
каравот.  
Атлас кўйлагининг устидан  
Кийиб олган эди оқ халат.  
Ўрта бўйли,  
қорачадан келган,  
Қоши, кўзи попукдек қиз ул.  
Кулгичи бор икки ёноғида,

Икки ёноғидир қип-қизил.  
Далаларда юрар,  
                                тиними йўқ,  
Элнинг ғами тушган юракка.  
Узоқ ҳовлилардан гоҳ «Москвич» да,  
Гоҳо ўзи қайтади якка.  
Беморларга бўлар парвона,  
Кеча демас ва демас кундуз  
Болаларга бўлар эди она,  
Оналарга бўлар эди қиз.

Кечагина қўрчоқ ўйнар эди,  
Қора сочи эди жамалак.  
Бир тўп бўлиб қўшни боғидан,  
Териб қочишарди наъматак...

Беморларнинг,  
                                худди ўзи каби,  
Юқтирмайди бир ерига гард.  
Кириб келганида уни кўриб  
Беморлардан қочиб кетар дард.

Томир ушлар,  
Термометр қўяр,  
Аҳвол сўрар  
                                ва берар далда...  
Одамларнинг меҳри тушган унга,  
Уни ҳамма севар далада.

Доктор опа, дейди катта-кичик...  
Таърифи зўр,  
Дориси асл.  
Қишлоғидан дардни қувмоқчи —

Соғлом ўссин укалар... васл.  
Чарчаб,  
узоқ колхозларга борар,  
Гоҳ иш бўлиб қоларди жадал,  
Халққа хизмат қилиш орзуси —  
Мукамбарой йўлида машъал.

*1947*

## СЕЛЕКЦИЯЧИ

Кўм-кўк боғ бор Тошкент четида,  
Уни «Мўъжиза боғ» дейишар...  
Бунда: қишда — ёзу, кузда — баҳор,  
Бунда ажиб ғўза етишар.  
Бунда кранлардан ёмғир ёғар —  
Ёндирганда оламни қуёш;  
Бунда юз хил ғўза нави бор,  
Бунда ғўза гуллайди қийғос...

Мана, оқ уй. Кабинет, стол.  
Микроскоп ёнида Мавжуда.  
Кеча, пахта терарди шу қўл  
Меҳнатига берилиб жуда.  
Гоҳо микроскопнинг ёнида  
Узоқ ўйлаб қолар Мавжуда:  
«Шундай уруғ бўлса, эрта лишса,  
Ҳам ҳосили мўл бўлса жуда...  
Толалари бўлса узун-узун,  
Қўсақлари бўлса беҳисоб.  
Ана шундай ғўза керак бизга,  
Эй Мавжуда, шундай навни топ!»



У ўйлайди, ишлайди, излайди...  
Узоқ тунлар келмас уйқуси,  
Ватан учун керак кўп пахта  
Чунки Мавжудада эл кўзи.  
Гоҳ боғаро кезади енгил,  
Гоҳ микроскоп устида киприк.  
Салом сенга, эй олима синглим,—  
Янги йилинг бўлсин муборак.  
Янги шеърим битди, кўтараман қадаҳ,  
Яшасин деб «Муъжизакор боғ!»  
Ҳосил, деб эл ишқида ёнган  
Дала олимлари бўлсин соғ!

1948

## ЧАНДРАЛИКА

Баҳор ойи эди у чоғ...  
Меҳмон бўлдинг элимга.  
Гуллар тутдик қучоқ-қучоқ,  
Қўл бердинг сен қўлимга.  
Тагор шеърин зўр жаранги,  
Ҳинду тунин ёруғ тонги —  
Чандралика,  
Чандралика.

Рақс этасан... Сен сузасан  
Гўё маржон қасдида.  
Балиқлардан ҳам ўзасан  
Зангор денгиз остида.  
Бенгал рақсин юлдузисан,  
Ҳинду халқин ўз қизисан,  
Чандралика,  
Чандралика.

Икки юз йил елканг сенинг  
Эди лорду, тахту тож.  
Бой ва сероб ўлканг сенинг,

Қолдинг сен оч-яланғоч.  
Халқинг филдай улкан сенинг,  
Юртинг бойликка кон сенинг,—  
Чандралика,

Чандралика.

Зулук каби сўрган ётлар  
Эзилган халқ қонини.  
Сен рақс этсанг, халқинг ёдлар  
Очларнинг фиғонини.  
Дукур-дукур чопган отлар,  
Бўғовларни бузар, ҳатлар!  
Чандралика,  
Чандралика!

Ҳиндистонда очилган гул,  
Хуш келибсан элимга.  
Дўстлигимиз бўлсин мангу,  
Қўлингни бер қўлимга!  
Уланова каби юксал,  
Бахту камол топгил, гўзал —  
Чандралика,  
Чандралика.

1954

## ҚОРА КҰЗОЙНАК

Бизнинг улуғ юртни кўрмакка  
Меҳмон бўлиб келди жаноб Макк.  
Эркаклаган пиёздай тикка,  
Кўзларида қора кўзойнак.  
Ҳа, хуш кўрдик... Нозу неъмат тўла —  
Дастурхонни ёздик столга.  
Тақдим этдик бир қучоқ лола,  
Енгил машинада чиқдик биз йўлга;  
Тинч аллея ва асфальт йўллар...  
Биоларнинг нақшин пештоқи...  
Унг ва сўлда ранг-баранг гуллар,  
Машинамиз боради оқиб...  
У боқади қора кўзойнакни —  
Олмай туриб гуллар ҳуснига.  
Қизил гулни, яшил баргларни  
Қора қилиб кўради нега?  
Биз кирамиз катта театрга —  
Эртакдаги ажиб бир сарой...  
Биз борамиз колхозга бирга,  
Далаларда тенги йўқ чирой.  
Нега олмас кўзойнакни у,

Кундузини ўхшатар тунга.  
Айлангандек кўмирга ер-сув  
Оқ булутлар қора тутунга...  
Аммо бир кун қора ўрнига,  
Бирдан тақиб олди оқини.  
Микроскопдай... Оқ кўзойнакда —  
Вагранканинг олов ёлқини...  
Кўз пахтаси чиқади нега?  
Кўзойнакни артиб қўяр ҳам,  
Янги станокка, деталларга,  
Янги чертёжларга боқаркан.  
Қайтиб келгач, зиёфат ва дам;  
Узум, анор, кабобу рюмка...  
Қора кўзойнакнинг ортидан —  
У тикилар менинг юзимга.  
У тикилар... Балки, қора қилиб  
Боқмоқ истар оппоқ юзимни.  
Негрга ўхшатар... Негр билиб —  
Сўник кўрмоқ истар кўзимни.  
Негр инсон! Инсонлиги ҳақ!  
Инсонлигин билади жаҳон,  
Бизда фақат ажратади халқ —  
Қалби қора бўлганда инсон.  
Оқни қора кўрувчи жаноб,  
Шаҳримизда бўлди беш кунча.  
У жўнади. Кузатдик шу тоб —  
Дипломатия қондасича.

1954

### ЯНГИЧА ЕР-ЕР

Қолхозимга ярашган,  
Тўйларингдан, ёр-ёр.  
Келин бўлган Анорхон,  
Бўйларингдан, ёр-ёр.

Шилдир-шилдир қамишга,  
Тушди сирғам, ёр-ёр.  
Йиғит ва қиз севишган,  
Кўрмасин ғам, ёр-ёр.

Данғиллама уй муборак,  
Дилда ҳузур, ёр-ёр.  
Данғиллама уйга керак,  
Телевизор, ёр-ёр.

Телевизор тезроқ келсин,  
Бурар эдик, ёр-ёр.  
Муқаррамхон ўйинини  
Кўрар эдик, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Дўнғалакми, ёр-ёр,

Куёв поччам сўзламайди,  
Гунгалакми, ёр-ёр?

Папиросни олиб қўйгин,  
Куёв почча, лабингдан.  
Анорхонга вино қўйгин,  
Эштайлик гапингдан!

Сен тутилдинг, Анорхон —  
Бир боққанда, ёр-ёр  
Папиросни бурқитарсан,  
Чўт қоққанда, ёр-ёр.

Беланчакни тайёрлаб қўй,—  
Деди янга, ёр-ёр.  
Яқин кунда эшитилар  
Инга-инга, ёр-ёр.

Айта берсак шод ўлан,  
Тугамагай, ёр-ёр.  
Қўшиқ айтган тилингдан,  
Мен ўргилай, ёр-ёр...

1954

### ЧИРЧИҚ СУВИ

Ширин сувларни ичдим,  
Биллурий қадаҳларда.  
Гулоблар ичдим лим-лим  
Кечқурунлар боғларда.  
Баъзан бўлганда ташна  
Чанқоқни босди чашма.  
Лекин муздек, сал лойқа,  
Тоғ ҳидини берувчи,  
Далада тошиб оқар —  
Нон таъмин бериб пичи.  
Оқиб ётган бетиним,  
Умр бўйи ичганим,  
Чирчиғим бебаҳосан!  
Узоқдан келаману,  
Йўл қурумин артмасдан,  
Пиёлани тўлдириб,  
Муздек ичаман, шу дам  
Йўқолади тамоман,  
Чарчаш ҳам, ташналик ҳам.

1955



### СЕВИБ

Қаттиқ севиб қолиб ёндим ишқида,  
Ёндирмоқ — севгининг одати азал.  
Ҳижронни ўлим-ла енгмоқ яхшими?  
Ё яшаб, кўйида ёнмоқми афзал?

Майли, иккинчисин танладим қатъий!  
Ёндир, ёнишларга беролгайман тоб.  
Ёндирса ҳам ахир, барибир, ўзи —  
Ҳаёт бағишлар-ку инсонга офтоб.

1956

### Ш А Л О Л А

Қорли чўққиларда доимий сукут,  
Адирларда гилам — қип-қизил лола.  
Лекин қоя оша гўё оқ булут,  
Гумбурлаб ҳамиша тушар шалола.

Тоғларни қулатар, тошларни чақар,  
Қирғоқларга сапчир, момақалдироқ...  
Тенги йўқ кучи бор, қирларга чопар,  
Гоҳ отдек депсинар — ёллар оқ бароқ.

Шалола, сен қоя қулатиб, оқиб,  
Хонамда порладинг — нур сочган чироқ.  
Сен оқдинг, ғўзалар қониб, симириб,  
Оппоқ пахта бўлдинг хирмонда тоғ-тоғ...

Атрофда баҳайбат қорли чўққилар,  
Адирларда бўлса гиламдир лола.  
Тоғлар сукутини бузиб, шариллаб  
Тинмай оқиб ётар улкан шалола.

1956

## БИТТАГИНА СЌЗ УЧУН ҚЕЛДИМ АТАЙ...

*(Халқ йўлида)*

Қўлдан ўрдак учганда бўйнин эгар,  
Қанотига қамишлар барги тегар,  
Биттагина сўз учун келдим атай,  
Гапларимга қулоқ сол, азиз жигар!

Севмак, девдинг ўзинг, мардликдан нишон...  
Ишқингда юрак ёнар, жоним ишон!  
Келарсан, деб кутдим сой қирғоғида,  
Келмадинг, ёр нечун қилдинг паришон?

Анов тоғнинг бошидан олдим қайроқ,  
Мен шошиб бедов отга миндим яйдоқ,  
Жон каби севолмаган бўлсам сени,  
Бир умр ўтиб кетгум бўлсин бўйдоқ!

Йигирма баҳорни кўрган ёшим бор,  
Ун бешта диёримда қардошим бор,  
Йўлбарслар ўз изидан қайтмагандай,  
Бу йўлдан қайтмайдиган бардошим бор!

Қўлдан ўрдак учганда бўйнин эгар,  
Қанотига қамишлар барги тегар,  
Биттагина сўз учун келдим атай,  
Гапларимга қулоқ сол, азиз жигар!

## ЎЗБЕК И С Т О Н

Ўзбекистон, юртим, шарқли паҳлавон —  
Ўтмишда хор эдинг, сийнанг дилпора.  
Танингни чирмовиқ каби ўраган  
Қуллик занжирларин қилдинг чил пора.

Уч хонлик қирғини, жангу талашлар,  
Покиза сийнангдан оқизди кўп қон.  
Жаллодлар қўлидан думалаб бошлар,  
Топтади заминни ҳар бегу ҳар хон.

Мазлум Шарқ ўғлийдинг, эл паҳлавони,  
Россияга боқдинг Ўн еттинчи йил.  
Ленинни тингладинг — халқ қадрдони,  
Партияга бўлдинг содиқ, сидқидил.

Эзилган халқлар-ла бир сафда бориб,  
Қурашда бахтингни олдинг қўлингга.  
Тахту истибодни янчдинг ағдариб,  
Октябрь нур сочди иқбол йўлингга.

Тенг халқлар ичида тенгсан, озодсан,  
Боғларингга кирди мангулик баҳор.

Шаҳарлар юксалди, бойсан, ободсан,  
Паҳтанг халқлар аро миллий ифтихор.

Ўзбекистон, юртим, қуёшли ўлкам —  
Совет Шарқида порлоқ, нурафшон.  
Ҳур меҳнат қучоғи — боғларинг кўркам,  
Туғилган она ер, жон Ўзбекистон.

*1957*

## ОСМОН КАБИ ЧЕКСИЗДИР ИНСОННИНГ ТАФАККУРИ

Ҳарки шаъмаш зи илм дар гирад  
То абад доғи марғ напзирад<sup>1</sup>

(Бедил)

Осмон каби чексиздир инсоннинг тафаккури,  
Ҳеч нарса йўқ дунёда инсон онгидан буюк.  
Юлдузларга етолди бу элда илм нури,  
(Қалбсиз тану онгсиз бош — инсон учун бир қоп юк).

Кеча юртимдан учди қўл-ла яратилган ой,  
Ҳар кун ўн бор куррани айланиб учмоқдадир,  
Юлдузлар ҳайрат билан боқмоқда очиб чирой,  
Инсон яратган юлдуз чарх уриб учмоқдадир.

Бу, менинг ватандошим — олимлар ихтироси,  
Бу, фаннинг юксалиши, бу зўр илмий мўъжиза.  
Қолоқлик, жаҳолатнинг тамоман инқирози,  
Юлдузлар оламида Инсон юлдузи сузар...

Фалакда уча берсин сайёрамиз ҳамма вақт,  
Бу — камол, бу — тинчликдир, бу — фандаги буюк  
ШОН.

Илм-фаннинг ривожини, инсоният учун бахт,  
Фан билан чироғ ёққан завол топмас ҳеч қачон!  
1958

---

<sup>1</sup> Илм шаъмидан нур олган кимса тоабад ўлим кўрмайди,

## АЖРАЛМАС ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Саратон ёндирса ҳам, қаҳратон қақшатса ҳам,  
Довулларга дош бериб элимда ўсди чинор.  
Она ер озиқ берди, илдизлари мустаҳкам,—  
Ўлмас бўлиб юксалди, минг асрлик умри бор...

Илдизу ер ажралмас, бир-бирига чирмашган,  
У тирик томирлари ҳеч қачон узилмайди!  
Чиноримдай чиниқиб, мангуликка бирлашган,  
Рус ва ўзбек дўстлиги ҳеч қачон бузилмайди!

Илдизни суғурмоқлик — қалбни тандан юлмоқлик,  
Бу қардошлик қадрига етмас фақат кўрнамак.  
Қалбимизда барқ урсин самимий иттифоқлик,  
Бу қардошлик — рўшнолик, тенгликдаги бахт  
демак!

1961

## МУРАББИЙ

Партия! Инсонни чин инсон қилган  
Улуғ мураббийсан, йўлинг — бахт, камол...  
Сени қуёш деймиз, нур олура олам,  
Сендан башарият топади амал.  
Қарилик билмовчи ёшликни бердинг,  
Умр бердинг, асло ўлимни билмас.  
Ҳамма вақт халқимиз бахтини кўрдинг,  
Сенинг эккан гулинг ҳеч қачон сўлмас.

Юксалгани каби бинолар ердан —  
Халқ билан биргамиз. Бизлар ишчимиз,  
Қуррани кўтара олура бу гардон,  
Тенги йўқ, беқиёс бизнинг кучимиз...  
Дунё кўп эскидир, уни янгилаб,  
Халқ бахтига мослаб, қайта қураммиз.  
Қурраммиз яшарар чўллар енгилиб,  
Дарёларни янги изга бураммиз.

Мен оддий бир ўзбек ўғлийдим, қадим  
На илғор гоёни, бахтни билардим  
Ва на минг йиллик бу юртим тарихин...



Ломоносовни ҳам, Берунийни ҳам  
Биздан узоқ тутди жаноблар ҳар вақт.  
Навоий, Пушкинни қилмасдан ҳамдам,  
«Авом кўзин очма!» деган тожу тахт.  
Ғариб эди, юртим, чўкиб нураган  
Қолоқ маҳаллалар бўй чўзмай ердан.  
Ботқоқ кўчаларда фонус кўтарган  
Ўша кунлар наҳот чиқар хотирдан...  
Биз ўсиб, қитъалар кезган одаммиз,  
Ҳақни, ноҳақликни сезган одаммиз;  
Зил юк билан оққан у Нилни кўрдик,  
Ғам билан эзилган минг дилни кўрдик...  
Мустамлакани-ю найрангни пайқаб —  
Занжирларни узиб, сувларни чайқаб,  
Сариқ иблисларга тик қарамоқда —  
Африка озодлик сари бормоқда...  
Башарият чамани — Коммунизмда  
Бизлар ҳам яшаймиз, қалбларда шуур.  
Партия! Сен инсонни чин инсон қилган  
Улуғ мураббийсан, сенга ташаккур!

1961

## ЛЕНИН КОЛХОЗДА

*(«Уста Ғиёс» поэмасидан парча)*

Чигит экиб бўлгач, кўчма кино  
Келиб қолди бизнинг колхозга.  
Одамларга тўлди шинам бино,  
Стуллар ҳам етишди зўрға...

Кечга яқин бозор бўлиб кетди —  
Идоранинг олди — кенг майдон  
Саркотиб-чи? Стул етказолмай,  
Чаккасини қашлади ҳайрон.

Идорадан стул ташиб чиқди,  
Жой солинди супага дарҳол.  
Қатор ўтиришди раис, Тўғон ота  
Уста Ғиёс, котиб, Аппон чол...

Бирин-кетин қиз-жувонлар келди;  
Ўсма-тасма, гул, ясан-тусан...  
Томоқ қирди кимдир. Қўзи бежо,  
Олма кесак терарди Дўсан.

Орифлайлақ четдан ўз ерига  
Қайтиб келиб ўтирди яна.

Зухур — фасон ўтиб қолди; ғарч-ғурч...  
Чой қоғоздек шилдираб, ана!  
Болалар кўп, кўкдан ёғилгандек,  
Шовқин, чапак, қийқириқ, ҳуштак...  
Аппон чолнинг невараси ҳам  
Шовқин солар, бўлса ҳам муштдак.  
Залу майдон тўла,  
Дарчада ҳам одам,  
Ёш-яланглар турарди тикка.  
Уста Фиёс секретарга боқди:  
Секин туртди;  
— Қандай картинка?  
— «Ленин Октябрда».  
— Ҳа, балли...

Чироғ ўчди,  
Зал қоп-қоронғи.  
Шовқин-гурунг тўхтади бирдан,  
Оқ экранга тушди заррин нур;  
Қуйма ҳарфлар:

«ЛЕНИН ОКТЯБРДА»

— Ленин бобо!— деди табелчи,  
— Уртоқ Ленин!— деди Ойимхон.

Тўғри, ана, табассум-ла, Улуф  
Ленин бизга қаради шу он.

Ҳамма тикиларди бир нуқтага,  
Лениндадир барчанинг кўзи.  
Уста аппаратни ва экранни,  
Техникларни... Барин унутди.

Кино эмас, Лениннинг ўзи!  
Ана Ленин  
Сўл қўли билан  
Ушлаганди костюм ёқасин.  
Колхозчилар орасига кирди,  
Юриб келди Устага яқин.  
Бирдан ҳамма турди,  
Ленин ўртада...  
Ҳамма ўйлаб қолди ўз ишин.  
Раис таклиф қилди далага:  
— Марҳамат, Владимир Ильич,  
Ишларимиз билан танишинг.  
Ҳамма юрди аста дала томон,  
Азиз меҳмон Ленин ўртада.  
Унда раис,  
Сўлда Уста Фиёс,  
Тўғон ота, Аппон чол, Бўта...

Ана, текис пахта майдонлари,  
Қатор тутлар,  
Қўрғонлар,  
Зовурлар...  
Гув-гув учар тинмай асалари,  
Колхоз тегирмони гуриллар.  
Ленин билан бора туриб йўлда  
Уста қалби бирдан шув этди,  
«Агар бултур келганида Ильич,  
Роса уялардик  
Тоза қизарардик...»  
Лекин Уста хаёлин бўлиб,  
Бирдан туртиб қолди Аппон чол:  
Ёппирай, ҳув идорамиздаги  
Суратларин худди ўзи-я.

Навбаҳорда, гўзал кунларда  
Ленин бўлди колхозда меҳмон.  
Колхозчилар ғоят шод бўлишди,  
Юракларда яшар ўша он.

Ленин ҳурматлади кексаларни,  
Ардоқлади аёл ва ёшни.  
Колхозчилар билан суҳбатлашди,  
Узоқ суҳбатлашди,  
Ширин суҳбатлашди...

Далаларни кўрди Ленин бобо,  
Маслаҳатлар берди бир талай.  
Боғимизга кирди, бизнинг боғ  
Гуллаб ётар эди. Дала бой.

Шундан бери колхозда юрар  
Ленин ҳақида ажиб ҳикоя.  
Колхозчилар қўшиқ тўқиганлар  
Қўшиқларга йўқдир ниҳоя.

#### ХАЛҚ ҚЎШИҒИ

Ленин колхозга келди,  
Тўпладик барча элни.  
Деди: колхоз гулласин!  
Маҳкам боғладик белни.

Колхоз юксалсин дея,  
Ишда билак толмади.  
Кўп яшасин партия,  
Келди халқнинг омади.

Дўппи тикдим тўрт гуллик,  
Гуллари турлик-турлик  
Давримиздан ўргулай,  
Қизларга берди ҳурлик.

Қолхозимда илғорман,  
Меҳнат куним ортиқдир.  
Минг-минг тонна оқ пахта  
Давлатимга тортиқдир.

1947





## РАМЗ БОБОЖОН

**Т**алантли шоир ва драматург Рамз Бобожон 1921 йили Тошкентда хизматчи оиласида туғилган. У Тошкентдаги «Ҳаёт» мактаби ва В. И. Ленин номидаги педагогика билим юртида таълим олди. Тошкент кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тамомлади.

Рамз Бобожоннинг меҳнат ва ижодий фаолияти 1938 йилдан бошланган. Шоир Ўзбекистон Давлат нашриёти ва Радиокомитетида редактор, Ўзбекистон Ёзувчилари союзида адабий консультант, «Ленин учқуни» газетасининг масъул муҳаррири, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида адабиёт ва санъат бўлимининг раҳбари бўлиб ишлаган. Ҳозир у Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг секретарларидан биридир.

20 йилдан кўпроқ ижодий ҳаёт фаслида Рамз Бобожон ўз китобхонларини «Шеърлар» (1939), «Ҳадея» (1940), «Олтин камалак» (1949), «Водийни кезганда» (1949), «Хитойга хат» (1950) каби шеърӣ тўпламлари, «Қадрдон дўстлар» (1949) ҳам «Назми ва Турғун» (1953) поэмалари, «Тоға-жиянлар» пьесаси билан қувонтирди. Унинг А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. А. Некрасов, Т. Г. Шевченко, М. Алигер ва А. Твардовский асарларидан қилган таржималари айрича диққатга сазовордир.

Коммунист-шоир Рамз Бобожоннинг «Танланган асарлар» китоби 1958 йилда нашр этилган эди.





## РАҲМАТ!

**Ғ** урурим чексиздир — сиғмас юракка,  
Совет кишисиман,  
  чинакам инсон.  
Шарқда машъал бўлиб кўринган ўлка  
Менинг республикам —  
  ҳур Ўзбекистон.  
Тўкин дастурхонда нон-насибам бор,  
Қардошлар тенгдоши,  
  жигарбандиман.  
Бахтлилар ичида мен ҳам бахтиёр,  
Қатта оиланинг бир фарзандиман.

Шон-шуҳрат,  
                  меҳнат,  
                          эрк,  
                                  илму маърифат,  
Орзу-тилак бизнинг оилага хос.  
Оила шарафин оқламоқ бурчим,—  
Ота-боболардан яхши бир мерос.  
Оила — мамлакат,  
                          жонажон Ватан,  
Октябрь қуёши нур сочган тупроқ.  
Миллатим,  
                  фарқи йўқ!  
Шунча меҳрибон  
Рус,  
          украин,  
          ўзбек ва қозоқ,—  
Жангларда қуролдош,  
          меҳнатда ҳамкор,  
Ижодкор, ўз сўзли, бахтиёр ва ҳур.  
Халқлар бир оғиздан такрор ва такрор  
Улуғ оғасига айтар ташаккур:  
— Раҳмат, рус халқига,  
                          бизни курашга,  
Енгишга ўргатди,  
                          қозондик зафар.  
Зулматдан қутқариб,  
                          оқ йўл кўрсатди,  
Коммунизм сари бошладик сафар.  
Босқинчи ёвларни этдик тору мор,  
Тинчлик-чун курашдик,  
                          қурдик,  
                                  яратдик.  
Сирдарё қўйнида қад кўтарди ГЭС

Пахта водийсига нурлар таратдик.  
Металл заводида пўлат қуювчи —  
Ўзбек

Рус оғадан ўрганди ҳунар,  
Йигит-қизларимиз зўр ҳавас билан  
Буюк Москвага —

МГУ га жўнар.

Ильич офтобидан хонамиз ёруғ,  
Нурлари сингари умримиз узун,  
Павлов тажрибасин ўзбек олими  
Бир мактаб биледи ўз иши учун.  
Пушкин мисраларин яхши қўшиқдай  
Тилидан қўймайди ўғлонларимиз.  
Мичурин илмининг хосиятини  
Ҳосилда кўради деҳқонларимиз.  
Бари рус халқининг мурувватидан,  
Доно партиямиз даҳосидандир.

Лауреат,

қаҳрамон бўлган ўзбеклар  
Азиз оғамизнинг баҳосидандир.  
Ҳаётим хатарда қолган дамда ҳам,  
Сиз кафил турдингиз,

сиз қўлладингиз.

Раҳмат қадрдоним,

улуғ рус халқи,

Саодат боғига сиз йўлладингиз

## О К Т Я Б Р Ъ

Кечаги шеъримда етмас бир рақам,  
Бугун роппа-роса ўттиз ёшинг бор.  
Сен билан эгизак туғилган одам  
Кўз очиб бахт кўрди,  
бахти шу диёр.

Ўша кун қонларга беланган байроқ  
Бугун ҳилпирайди дарвозамизда.  
Партиямиз бош бўлиб гуллаган тупроқ  
Ўз нақлин тополди овозимизда.

Далада буғдойлар келар бел бўйи,  
Пахтазор, боғу роғ — бари бизники,  
Хирмонда бошланмиш колхознинг тўйи,  
Сўнгсиз қизил карвон ўғил-қизники.

Юртимиз нақадар азиз, муқаддас,  
Тупроғида бордир Лениннинг изи.  
Зафар ҳамроҳимиз, баҳор ҳамнафас,  
Энди минг йилларнинг ўтди ўттизи.

Сенинг тенгдошларинг жангга кирганда,  
Босқинчи галалар бермади бардош.  
Тоғ ошиб, сув кечиб ёвни қирганда,  
Гўёки зулматни емирди қуёш.

Уруш оловини ёқувчи иблис  
Бугун алмаштирмиш кийим-кечагин.  
Балки бу хавфлидир, аммоки хунрез  
Ўзгарта олмайди халқ келажагин.

Эртага дунёда бўлмас қора, оқ,  
Ҳабаш тозаламас лорднинг этигин.  
Олтинни қўлида ўйнатган олчоқ  
Сотиб ололмайди халқлар эркилин.

Жаҳонга долларин қилган билан пеш.  
Ҳаттоки чиқмайди мушук офтобга.  
Халқлар бир-бирига меҳрибон ва эш,  
Ишонмас жаноблар тўқиган лофга.

Атомлар дўқидан голиблар қўрқмас,  
Заррача ҳайиққан — сотқин, мунофиқ.  
Қарвон ўтаверар, ит ҳурар бирпас,  
Тинчлик сақланажак шартга мувофиқ.

Октябрь кунлари қизарган байроқ,  
Умрбод ҳилпирар дарвозамизда.  
Партиямиз бош бўлиб гуллаган тупроқ,  
Ўз нақлин тополди овозамизда.

1947

## СЕН ТУҒИЛГАН КҮН

Сени тилга олиб ушладим қалам,  
Хаёл денгизида бошланди тўлқин.  
Беш юз йил оралаб дўстлар жамулжам,  
Қадимий Тошкентда, сен туғилган кун.  
Ҳар кимнинг атаган ўз туҳфаси бор,  
Ҳар кимнинг қалбида бир дунё шодлик.  
Хуросон ўлкаси кўрмаган баҳор  
Бизнинг элимизда топди ободлик.  
Шеъримиз юксалди бахтимиз каби,  
Илму маърифатда янги бир маъно.  
Ҳамон Астробод қақрайди лаби,  
Бекобод чўлида айқирар дарё.  
Минг йиллик биёбон очди кўзини,  
Янги одамларни кўрди ўзида:  
Чаккага қўндириб чувт, тегдўзини  
Йигитлар турарди айтган сўзида.  
Сирдарё бўғилди, ўжар Сирдарё,  
Юрт энди баҳраманд унинг кучидан.  
Аму йўлида бу бир бекат, гўё —  
Патир ясай олдик хамир учидан.  
Темирдан урanni қилоламиз фарқ,

Пўлат тобламоққа ўз кўрамиз бор.  
Эй, улуғ Навоий, биз яшаган Шарқ,  
Сен хаёл этгандан кўра бахтиёр.  
Шаҳрисабз боғлари қулф урган, пайваст,  
Эгатларда унар чигит донаси.  
«Самарқанд сайқали рўйи заминаст»,  
Улғайди Улуғбек расадхонаси.  
Водил воҳасига ташласанг назар,  
Чўлни обод қилмиш бунда бир аёл:  
Адолат! «Хамса»га янги боб қўшар,  
Ҳам жасур, ҳам доно, ҳам соҳибжамол...

Нақадар элимиз ўзгариб кетди,  
Ҳар ўтган кунимиз бир дорилфунун.  
Ўзбекнинг боши нақ осмонга етди,  
Дўстларни чорлайди сен туғилган кун.  
Ўзимиз хўжайин ўз еримизга,  
Эркимиз, номимиз, ҳуқуқимиз бор.  
Қофия танласак гар шеъримизга,  
Кела берар — қувват, бахту ифтихор...

Етти хил нур бордир қуёш нурида,  
Сенинг мисраингда етмиш хил бўёқ.  
Яхши шеър катта тўй шоир умрида,  
Замонлар замондан қилади сўроқ.  
«Чор девон» ўтади хонама-хона,  
Қалбига сиғмайди шогирдлар ҳисси.  
Бугун шеър байрами, сенсан баҳона,  
Шеърларда янграйди иқбол кулгиси.

1947

### ВОДИЙНИ КЕЗГАНДА

Гўзал Фарғонани кездим неча бор,  
Тўймадим,  
                    орзиқдим янгидан-янги.  
Шу ердан бошланар ҳар йили баҳор,  
Файзу фароғат-ла отади тонгги.  
Тонг оппоқ,  
                    осмон кўк,  
                                    водий ям-яшил,  
Чексиз,  
                    кенг далалар менга қадрдон.  
Боғлардан ўтилар пахтазорларга,  
Чўллардан борилар БФК томон.  
Йўлларда кўраман кетмончи қизлар  
Меҳр қўйиб ишлайди эгат ичида.  
Мардлик,  
                    маҳоратдан кўкрак уфқини —  
Олтин юлдуз безар кузак кечида.  
— Ҳорманглар!  
— Йўл бўлсин!  
Меҳнат дарёсига  
Ирмоқдай қўшилиб кетайин дейман.



Халқим ижод қилган мўъжизаларни  
Тер тўкиб,

тараннум этайин дейман.

Фарғона,

Фарғона,

гўзал Фарғона,

Элларда донгги бор ажойиб диёр!

Чилла кириб чумак урар чиллаки,

Ажабо,

эримас тоғларингда қор.

Пилла ўрагандек ипак қуртлари

Бойлигинг ҳақида тўқилар қўшиқ.

Инсон яратолган чаманзорларга

Ўжар табиатнинг ўзи ҳам ошиқ.

Кўсадек тап-тақир биёбонларда

Пахта экиб,

ҳосил етилтиролдик.

Қувасойдан тортиб салқи, йўғон сим,

Олис-олисларга нур келтиролдик.

Ям-яшил воҳалар кўзни олади,

Ҳуснига қарайман Шоҳимардоннинг.

Ҳамза Ҳакимзода қишлоқларида.

Ажиб лавҳаси бор боғу бўстоннинг.

Шафтоли шохида бодом пишади,

Ток кесиб юради мичуринчилар,

Бир ёнда водийни шовқинга тутар

Кучли «Универсал»лар, донгдор мингчилар.

Пахтазор чайқалар кўм-кўк денгиздек,

(Эски ўхшатиш деб куларсиз балки...)

Пахта денгизида бу ер бир орол,

Шифобахш Қримдан йўқ сира фарқи.

Оқ олтин водийси кўркам нақадар,

Бир кезиб чиққаннинг очилар баҳри.

Уч ботир ўғлондек туради мағрур:  
Фарғона,

Андижон,

Наманган шаҳри.

Текстиль гул босган ранго-ранг читлар  
Олмос боғларидан олармиш чирой.  
Ўз сўзли пахтакор қизу йигитлар  
Ҳурмат тахтасидан эгалламиш жой.  
Қўш палла тарози қўйилса кузак,  
Шунда бир палласин тўлдирад водий.  
Ўзбек пахтасининг ярми елкада,  
Ярмини кўтарар,

шу қасамёди.

Бу шундай водийки, юрт ифтихори,  
Капитал шарқига қилгудай кўз-кўз.  
Ҳа, Эрон бир ариқ сув интизори,  
Бир ариқ сув учун одам ўлар юз.  
Алқисса, пахта ҳам экади Эрон,  
Бизнинг бир сельсовет ҳосилига тенг.  
Фарғона водийсин билади жаҳон,  
Пахтамиз шуҳрати Америкада, денг!  
Бу шундай водийки, жўш урар ҳаёт,  
Ҳаракат тўхтамас ҳаттоки тунда.  
Полвонтош кўксида нефть булоқлари,  
Доҳи номидаги канал ҳам шунда.  
Шу ердан бошланар ҳар йили баҳор,  
Файзу фароғат-ла отади тонгги.  
Гўзал Фарғонани кездим неча бор,  
Тўймадим, орзиқдим янгидан-янги.

1949

## ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КҮН

22 апрель, тонг отар  
Уғлим билан боққа кирдик иккимиз:  
Жамбил, садарайхон қулф уриб ётар,  
Ҳавас-ла бирига тегди илкимиз;  
Узиб олай десам, кўз ҳеч қиймади,  
Ташлаб кетай десам, юрак қўймади,  
Туйғулар жанг қилди, босди ҳаяжон,  
Бир шона гул учун шунча тўполон!

Ҳолбуки, боғ ичра гул чаман-чаман,  
Ҳолбуки, боғ ичра жаннатнинг ўзи...  
Уғлим эркаланиб сўради мендан:  
— Нега бунча гўзал бугун наврўзи?  
Нега бунча гул кўп бугун боғчада?  
Нега бунча бугун қушлар сайроқи?  
Нега нур ўйнайди ҳар япроқчада,  
Боғбоннинг дўпписи бугун қайтоқи?  
Нега бунча тиниқ офтобнинг юзи?  
Нега бунча бугун шарқирайди сув?  
Кўкда ўчмай қолган кимнинг юлдузи,  
Нега бунча бугун тонг отар сулув?

— Уғлим, бугун Ленин туғилган кундир,  
Тарихга нур йўғрилган кундир.  
Шунинг-чун коинот бугун ўзгача,  
Ҳовлимиздан тортиб дала-тузгача...  
Бугун боғимизда сеп ёзган кўклам  
Сенга гул узатар қучоқ ва қучоқ.  
Бугун Кремлнинг юлдузлари ҳам  
Ҳар кунгидан яна порлар равшанроқ.  
Бугун Етти йиллик паҳлавонлари  
Ҳар кунгидан яна ишлайди жадал.  
Пахтакор ўзбекнинг қиз-ўғлонлари  
Тер тўкиб ҳосилга қўяди таъмал.  
Бугун баланд учар ернинг йўлдоши,  
Ленинни қутлашга эрта турар эл.  
Зафар билан қутлар юрт кекса-ёши,  
Сен ҳам мактабингдан «аъло» олиб кел,  
Уғлим, бугун Ленин туғилган кундир,  
Тарихга нур йўғрилган кундир.

1960

## ОНА РОССИЯГА

Эй, менинг Россиям,  
Она Россиям,  
Мен ўгай эмасман сенга,  
Меҳрибон!  
Ўз жигарбандингман,  
Ўз фарзандингман,  
Мен Совет Шарқидан—  
Бахтли,  
Ҳур инсон.

Бобом туғилганда  
Қайси бир айём,  
Биринчи рус келган  
Ўзбек уйига.  
Юзга кирар эди  
Улмаса бобом,  
Ўша рус оғасин  
Чорлаб тўйига.

Дўстлигимиз ипи  
Ниҳоят узун,  
Қардошлик тарихи  
Бир асрга тенг.  
Россия,  
Россия,  
Мен сенга мафтун,  
Нақадар буюқдир  
Жозибанг,  
Севгинг.

Сени деб кезганман  
Ўрмонларингни,  
Қаҳратон қишинга  
Берганман бардош.  
Ҳимода сезганман  
Армонларингни,  
Йигит-қизларингга  
Бўлганман йўлдош.

Сени деб шиддатли  
Жангга кирганман,  
Энг оғир дамда ҳам  
Қолганман омон.  
Босқинчи ёвларни  
Бийдай қирганман,  
Бурчингни ўташга  
Тайёрман ҳамон.

Россия,  
Эй, улуғ она-Ватаним,  
Қаерда йўқласанг,  
Шу ерда борман:  
Дастгоҳда ишчиман,  
Далада деҳқон,  
Олимман,  
Чўпонман,  
Кўкда шунқорман...

Қаерда йўқласанг,  
Шу ерда борман,  
«Лаббай» деб  
Онажон,  
Бераман жавоб.  
Бурчингни ўташга  
Доим тайёрман.  
Ҳар қандай мушкулга  
Бероламан тоб.

Чорлай бер,  
Йўллай бер  
Истиқбол сари,  
Манзил-манзилларда  
Ёқаман чароқ.  
Буюк Етти йиллик  
Олтин дафтарин  
Шонга тўлдираман  
Варақма-варақ.  
Буюк Етти йиллик  
Баҳодирларин —

Бириман,  
Азизим,  
Ўз фарзандингман.  
Мен Совет Шарқидан,  
Ўзбек элидан,  
Эй, она Россия,  
Жигарбандингман.

*1960*



### ЛУМУМБА ЮРАГИ

ООН минбарида мен уни кўрдим,  
Ҳолбуки, ораси озмунча эмас!  
Мен уни тингладим, лол бўлиб турдим.  
Ҳайҳот! Чидолмадим, етмади нафас.

Бу, ўша —

Қонгонинг асл фарзанди,  
Улим азобини енгган қаҳрамон.

Бу, ўша —

довюррак, мардларнинг марди,  
Эркинлик ҳажрида жигар-бағри қон...

Бу, ўша —

қузғунга чанг солган бургут,  
Ернинг йўлдошидай баланд парвози.

Бу, ўша —

сотқинлар ўч олган йигит,  
Ҳамон қулоқларда янграб овози.

Бу, ўша —

Лумумба,  
ўлмаган,  
тирик!

Африка устида юрар шарпаси,  
Жазирама қитъанинг офтобидек  
Юзларга урилар иссиқ нафаси...  
У ҳамон ёлғонни чиқариб пучга,  
ООН минбаридан сўйларди мағрур.  
Қирқилган юраги сиғмай ҳовучга,  
Бирдан тушиб кетди,  
зал қўзғалди «гур»...

Хаммаршельд қўрққандан жой тополмади,  
Тиззаси қалтираб, на чополмади,  
Юлдуз отилгандек қоп-қора тунга  
Лумумба юраги сапчиди унга,  
Совуқ терга ботди, еган каби мушт —  
Қўзлари олайди, йиқилди беҳуш...  
Аммо соф виждонли оломон бирдан  
Унинг нопок танин босиб ўтса ҳам,  
Лумумба юрагин кўтарди ердан...

Лумумба ўлмайди, элга муҳтарам.

1961





## *МАМАРАСУЛ БОБОВ*

**М**амарасул Бобов 1911 йилда Каттақўрғон шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. 1931 йилда Бухоро қишлоқ хўжалик техникумини тамомлаб, Самарқанд педагогика академиясида ўқиди. Сўнгра Тошкент педагогика институти сиртқи бўлимига кириб, унинг тил ва адабиёт факультетини 1938 йилда битирди.

М. Бобов ўрта ва педагогика билим юртларида адабиётдан дарс берди. Улуғ Ватан уруши йилларида Совет армияси сафида хизмат қилди. 1946—1960 йилларда «Шарқ юлдузи» журнали, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакцияларида ва Ўзбекистон ССР Давлат бадий адабиёт нашриётида ишлади.

М. Бобоев 1933 йилдан шеър ёза бошлаган. Унинг дастлабки шеърлари «Оқ олтин», «Ватан шаънига» тўпламларида эълон қилинган эди. Шоир тобора адабий традиция ва бадий маҳоратни эгаллаб, ўзининг энг яхши сатрларини совет кишиларининг маънавий фазилатларини, олижаноб фикр ва ҳисларини акс эттиришга бағишлади. У «Шодиёна» (1950) «Қуёш йўли» (1951), «Жанубий нуқтада» (1953), «Севган қўшиқларим» (1956), «Танланган асарлар» (1958), «Янгра, рубоб!» (1961) китобларида, Совет Ватани қудрати ва камолатини, коммунизм сари буюк юришини, совет кишиларининг бахтиёр ҳаёти ва меҳнати нашидасини, севги ва садоқатини, дўстлик ва оналик меҳрини, партиямизнинг ленинча тинчлик сиёсатини ўзига хос овоз билан куйлади.

М. Бобоев поэтик асарларнинг уста таржимони ҳамдир. У, М. Лермонтовнинг «Демон» поэмасини, Н. Некрасовнинг «Шеърлар»ини, К. Симоновнинг «Дўстлар ва душманлар», Муса Жалилнинг «Маобит дафтари» асарларини, А. Сурков, С. Вурғун, А. Кулешов, С. Шчипачев ва бошқа шоирларнинг шеър ва поэмаларини ўзбек тилига таржима қилган.

Коммунист-шоир Мамарасул Бобоев «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланган.



## УЗБЕКИСТОН

**Б**оғларингми чиройинг, юртим?  
Чаманингми, э гўзал диёр?  
Ундай десам, кўп юртлар ўтдим:  
Ҳар ўлкада бор боғу гулзор.

Ё қуёшнинг ёруғ манзили —  
Осмонингми очган ҳуснингми?  
Ё тоғларинг чирой, азмими —  
Мағрур қилиб безаган сени?  
Шафтолизор, олмазорларнинг  
Гул фаслими, ё хирмоними?

Ёки тенгсиз, сўлим чиройнинг  
Ишкомларнинг хиёбоними?

Гўзаллигинг, юртим, камолинг —  
Дарёларинг, ирмоқларингми?  
Ёки порлоқ ёруғ жамолинг —  
Юлдузларинг, чироқларингми?

Булбул куйин кўп тинглаганман  
Боғларингда ой шўъласида,  
Хуснинг, балки булбулдай ёнган  
Ошиқларнинг ашуласида?..

Қайда чолғинг майин янграса,  
Юрагимни создай чаламан.  
Ҳофизларинг ашула қилса,  
Гўзаллигинг шу деб қоламан.

«Юртимизнинг тупроғи гўзал!»—  
Дўстларимдан кўп бор эшитдим.  
Мен ҳам даланг кезганда ҳар гал  
Бу фикрни куй қилиб ўтдим...

— Муте эмас одамга одам,  
Қалби озод,  
Меҳнати озод!  
Ана шундан юртим, сен обод!  
Ана шундан гўзаллигинг ҳам!  
Бахтинг порлар,  
Қудратинг ошар,

Юксал, мағрур тутиб бошингни!  
Юртим, бу эрк, бу бахтни берган —  
Улуғ Ленин ўзи олқишлар  
Бугун сенинг йигит ёшингни.

## СҮЗЛАРИНГ СЕНИНГ

*(Ҳамшира қизга)*

Яраландим. Бошим ёстиққа етди,  
Дард чангали бориб юракни тутди,  
Жанговар қаторим, учар тулпорим,  
Фарзандим ва ёрим кўзимдан ўтди.  
Қаршимда намоён юзларинг сенинг...

— «Ором ол, танингга югурмоқда қон,  
Зафар байроғидай юзларингда шон,  
Куч ол, олға кетди сен тушган карвон,  
Душманни ўлдирмай, ўлмоқлик ёмон!»—

Кўзларимга нур берди сўзларинг сенинг...

1943





Унинг асовлиги анча босилган,  
Бандга тушган шердай бизга боқади.

Баланд кўтарилар пишқириб, аммо  
Бўйнида ғолиб қўл борлигин, пайқар,  
Бетон деворларга суртиб манглайин,  
Турбинлар ичига ҳайқириб оқар.

Пўлат парракларни чир айлантриб,  
Ўлка томирига бериб ётар қон,  
Хоналарга ёруғ, водийларга фэйз,  
Паҳлавон шаҳарлар белига дармон;

Ҳаёт ва нур ташиб қатраларида  
Шу ердан йўл олар Мирзачўл ёққа  
Унда: «Шу ердан оқ!» деганлар яшар,  
Улар айлантриар чўлни гулбоққа!..

Унда, яшил ўрмон этакларида —  
Осмон кенглигидай олтин пахтазор.  
Унда Ленин эккан ниҳоллар ўсар,  
Унда абадийдир ҳаёт ва баҳор...

Узун трубалар, қоматдор уйлар,  
Шўьлалар қўйнида мағрур Бекобод.  
Ана, Пўлат шаҳри,  
Мана, нур шаҳри,  
Ўсмоқда ҳар ёнда гуркираб ҳаёт!

Ленинобод ёққа тортилган симлар —  
Ям-яшил қишлоқлар, адирлар ошган;

Булар — ўзбек қалбин қон томирлари —  
Қардош юрагига бориб туташган...

Қадим бу ерларда янтоқ, тош, шамол,  
Пастда — телба Сирнинг ўзи бор эди:  
Элда бир афсона,

Ширинсой,

тоғда —

Фарҳод тешасининг изи бор эди...

На Фарҳод бўлган, на Ширин, фақат  
Чанқоқ халққа боқмас замон бор эди!  
«Бир ботир бўлса-ю, дарёни бўғса,  
Чўлларга сув!»—деган армон бор эди.

Шу армонни ечди бизнинг ҳур замон,  
Қудрат берди халқнинг қизи, ўғлига.  
Тоғни талқон қилди, чўлни гулистон,  
Асов дарёларни солди йўлига.

Мана шу мингларнинг биридир Сафар,  
Қора соч, қора кўз, оддий бир ўзбек.  
Бу иншоот гўё унинг онаси,  
Меҳнати нурига йўғриб олгандек.

Гўзал

Асакада туғилиб ўсган,  
Ер чопган, боғ қилган, пахтакор йигит,  
Бугун дўстлари ҳам зўрға танийди,  
Гидротрубинага моҳир машинист.

Шунинг қўлидадир Фарҳод ГЭСдаги  
Ажойиб, қудратли зўр машиналар,

Бармоқ босса,  
Чирчиқ юраги уриб,  
Миллион хоналарда ёнар машъаллар.

Сафар устозини қўлтиқлаб олган,  
Туғишгандай иноқ — бир тану бир жон,  
Шу дўстликдир бизга берган эрк ва бахт,  
Ўзбек ўлкасини этган чароғон!

Пўлат дарвозалар устида уч дўст —  
Сайр этамиз. Пастда гувиллар дарё,  
Қирғоқларни ўпиб лопиллайди сув,  
Улкан пароходда сузамиз гўё!..

Чироқлар порлаган соҳилда Ленин  
Қўл кўтарган,  
Олға! — дейди бизларга  
Ва ўзбек дарёси бўйида ёнган  
Порлоқ коммунизм машъалларига!

1949

## 22 ИЮНЬ 1941 ИИЛ

Эсда:

шу ой, шу кун,  
                    қирқ биринчи йил;  
Оғир ташвиш босди юртнинг сийнасин.  
Гўё тинч денгизга урилди тўфон,  
Чайқаб турди тўрт йил ҳаёт кемасин...

Ҳеч ким унутмайди ўша тун, тонгни,  
Эл меҳнат, роҳатда эди осуда.  
Боғлар,  
                    хиёбонлар,  
                                    фаровон уйлар —  
Худди бугунгидай бахт оғушида.

Сўлим ёз кечаси, табиат гўзал,  
Ой нурига чўмган ҳар гулзор, ҳар уй.  
Ердаги шодликнинг акси садоси —  
Эди кўк — гумбазда тўлган қўшиқ, куй.

Олим, ихтирода сўнги жумбоқни  
Ҳал этиб,  
                    бесабр, тонгни кутарди,

Ишчи мускулига дам бериб, яйраб,  
Мусаффо ҳавони тўймай ютарди.  
Колхозчи кетмони тол айрисида,  
Ўзи шийпонида ёз гаштин сурар.  
Бадавлат Ватаннинг яйловларида  
Ухларди пишиллаб қўйлар, қўзилар.

Созининг энг нафис пардаларида  
Янграрди янги куй — хурсанд бастакор,  
Тонг отарда ҳориб, бош қўйган шоир  
Тунги мисраларин қиларди такрор.

Уйқуда тамшанган ўспиринларнинг  
Лабида биринчи бўсанинг тами.  
Ойдай балқиб ётган қизлар тушида  
Эртанги иш, шодлик ва висол дами...

Оналар бағрида гўдаклар яйрар,—  
Келажак ҳуснида ғам йўқ эди ҳеч;  
Шу қўшалоқ қалб, шу муқаддас жуфт  
Тинч эди,  
демакки, Ватан қалби тинч!

Аммо тонгда барин босди оғир ғам,  
Гўё тинч денгизга урилди тўфон.  
Ишчи шинель кийиб, югурди илдам,  
Қиличини қайраб, отланди деҳқон.

Бастакор торидан янгради ғазаб,  
Шоир қаламида — найзанинг дами.  
Ёрини узатди эрталаб қизлар,  
Барининг қалбида она юрт ғами.

Жанг!..

Ким жон берди, ким пұлат сандиққа  
Тўплади беҳисоб доллару олтин...  
Охир, кенг оламни тонгдай ёритди  
Рейхстаг томидан ол байроқ — ёлқин!..

Оқибат не бўлди?— Оқибат (қурбон,  
Вайроналар сонин айтмай, кечиринг),  
Қурра айланмоқда тинч меҳварида,  
Ҳаёт юксалмоқда яна бежирим.

Оқибат, тарихда урушқоқлардан  
Икки машъум нарса қолди «ёдгор»:  
(Бугунги жаллодлар унутмаса бас),  
Заҳар шишалари, Нюрнбергда дор!..

Оқибат, оламга кўринди равшан:  
Россия, ғалаба, эркинлик, тенглик!  
Демакки, хитойми, немисми, ҳиндми,—  
Бутун башарият истар бахт, тинчлик.

Бу сафлар ўсмоқда, жанговар сафлар,  
Бўлолмас дунёга зулмат ҳукмрон.  
Қелажак наслнинг тинч уйларида  
Оталар — бўламиз фахрли меҳмон.

Бу ой, сониялар, қуёш умридай,  
Безавол айлансин, кўрмасин моне,  
Ҳар сафар оламнинг ҳар бир бурчида  
Келтирсин инсонга тинчлик,

эрк,

толе!

1950

## БАҲОР

Гўзал баҳор келди...  
Ҳар кимнинг —  
Жон-танига ёқимли баҳор!  
Аммо менинг севганлигимнинг  
Яна муҳим боиси ҳам бор:

Эслайман мен шундай наврўзни:  
Бирга эдик,  
Ёш эдик...  
Кўклам.  
Қирлар ёнар  
Қаршилаб бизни,  
Йўлимизга лоладан гилам —  
Тўшагандай қип-қизил, кўркам...

Баланд тоғнинг устида қуёш,  
Пастда — колхоз боғи, майдони,  
Қушлар сайрар, яшнар тоғу тош...  
Тўлиб куйлар бу гул айёми:  
«Юртинг гўзал!» деган маънони.  
Қизғалдоқдай ёнар юзларинг,

Майда терлар лабингда...  
Шу он —  
Завқинг тошиб, кулиб сўзладинг:  
— Қандай яхши бу гўзал айём!—  
Гўё бердинг бахтимизга ном.

Ботинолмай сенга боқардим,  
Қуволмасдинг сен ҳам ҳаёни;  
Қўшиқ айтиб анҳор оқарди,  
Такрорларди шундай маънони:  
«Сев, сев жондан бу шўх барнони!»

Шунда ўзни танидим илк бор,  
Шунда жондан севдим ёримни,  
Шундан бери бу озод диёр  
Бахти учун умрим, боримни —  
Бахш этганман, ҳатто жонимни!

Гўзал баҳор келди...  
Ҳар кимнинг —  
Жон-танига ёқимли баҳор!  
Аммо менинг севганлигимнинг  
Шундай муҳим боиси ҳам бор.

1956



## БАТАН ЮЛДУЗЛАРИ

Ҳовлида —  
Тўшакка чалқанча ётиб,  
Севардим ёшликда юлдуз санашни.  
Ҳатто ой ҳам ухлаб қоларди ботиб,  
Улар тарк этмасди менга қарашни.

Фақат шовиллаши келарди сойнинг,  
Кўкда порлар катта-кичик юлдузлар.  
Ҳар кеч бирга юрар «Етти оғайни»,  
Дер эдим: ажралмас дўст экан улар!

Уйлар эдим, бундай гўзал юлдузлар  
Ҳеч қайда топилмас, ҳеч қайда бўлмас.  
Гоҳ кулиб одамдай ненидир сўзлар,  
Гоҳ барқут осмонда ёнарди — олмос.

Хаёлимдай узун сомон йўллари,  
Юлдузчалар оқар қувишиб шўҳ, шан.  
Шоирликнинг сўнгсиз узоқ, ўйлари  
Бошлангандир, балки, менда ўшандан?

Ҳамон менинг билан биргасиз, сергак,  
Сизга боққан сайин қалбим қувонар.  
Ахир, сизни севган чоғдан бу юрак  
Ватаним ишқида сиз каби ёнар...

Ошиқ йигитлигим ширин оқшомин  
Нур билан беади порлоқ кўзингиз.  
Бу озод халқимнинг севинч ва ғамин  
Содиқ тортганимга гувоҳ ўзингиз.

Юлдузлар! Окопда, душман юртида  
Найзамнинг учига нурингиз сочиб,  
Дилимга солдингиз мардлик, ур-сўрда  
Ватан деб югурдим ёвга ўт очиб!..

Бугун, ёшлигимда ётган тўшакда  
Чалқан ётиб, сизни тинч кузатаман,  
Унутиш мумкинми сизни, юракда —  
Ватан ишқи урса, иссиқ турса тан!

1957

### ЭРОН ГИЛАМИ

Устахона! Таги цемент ертўла.  
Ҳайрон бўлдим: ертўлада лиқ бола.

Жим бўлишди хўжайинни кўрибоқ,  
Ҳаракатлар бўлди яна чаққонроқ.

Бизни кўриб саркор бўлди ҳангу манг,  
Ўсиқ қоши, кипригини босган чанг.

«Тўқир-тўқир»—

бунда гилам тўқилар.  
Кўз олдимга келаётир нималар?..

Алвон гилам худди чўғдай ёниб ўртада турар,  
Бозордамас,  
ҳали бунда — тўқилади дастгоҳда.

Ертўлага шўъла сочиб алангадай товланаё...  
Мамнуният табассуми хўжайин нигоҳида.



Бу —  
тасодиф тирик қолган гўдаклар  
Яна нега азобланар бу қадар!

Гилам қизил,  
ранглар сўлғин, қаҳрабо,  
Ўз қони-ла тўқишарми, ажабо!..

Иккисидан бири шилпиқ,  
бири сил,  
Басма-басга йўталишар муттасил,

Дедиларки, кўпи сотиб олинган,  
Баъзилари уйдан ўғирланган...

Қўлларида оғир-оғир тароқлар,  
Тиним билмас — зирқирайди бармоқлар.

Тўқир-тўқир —  
йиғлаб тўқир болалар,  
Шу азобга туққанмикан оналар?!

Гилам ёнар. Йўқ гиламмас, муқаддас кўринди  
шу он!

Жумбоғимга жавоб бўлди гўдакларнинг зўр  
ғами:

Бу санъатда танҳо машҳур гўзал бўлиб  
кўринган Эрон —  
Фарзандларин қони билан тўқир экан гиламни!..

Гилам ёнар.  
Бу гиламмас,  
болаликнинг ўзидир!

Панжалари каби нозик ундаги нақш ва гуллар,  
Жилоланиб товланиши —  
улар кўзин нуридир,  
Сочларидай тарам-тарам гирдидаги попуқлар.

Гилам ёнар!

Билармикан гўдақлар:  
бу гиламлар

Миллиардерлар салонида безак бўлиб туришин?  
Билармикан, болалигин ўғирлаган ёвларнинг,  
Хоинона қадамида поёндози бўлишин?

Гилам ёнар!

Йиғлаб-йиғлаб тўқир ўғил-қизчалар,  
Буни ерга тўшаб бўлмас,  
бу гиламмас, ҳаёт, хун!  
Оталари шонли жангда адолат ўрнатган кун,—  
Арзир,  
булар гиламларин байроқ қилиб чиқсалар!..

1952

### ЯНГРА, РУБОБ!

Рубоб! Бугун бунча торларинг янгроқ?  
Акссодо берар сенга дала, боғ?

Бугун куйинг бунча жарангли, унли?  
Пардаларинг бугун бунча тўлқинли?

Шодлик қуши бўлиб қанот қоқасан?  
Юракларга бунча нафис оқасан?

Тилларингда ширин сўзлар ўйнарми?  
Ё шўх мақомингга қизлар ўйнарми?

Бугун куйларингдан бошлар чайқалар,  
Чайқалар кўлларда зумрад ҳалқалар!..

Бунчалик ҳеч қачон куйлаганмисан?  
Ёки қалб торимга уланганмисан?..

Мен-ку илҳомимга асирман бугун,  
Халқим шодлигига тамоман мафтун.

О, билдим, қалбимнинг асли нусхаси,  
Сендан ҳам янграркан бу шодлик саси.

Кел, жўр бўл қалбимга, эй майин рубоб,  
Қуйланг эл зафарин баланд, бобма-боб!..

Бу эл битта сўзлик ўзбек элидир,  
Битта сўзлик қилган виждон, дилидир.

Бу сариқ тупроқдан олтин ундирмоқ,  
Ватанни безамоқ, халқни кийдирмоқ —

Унинг улуғ бурчи! Бу сенга аён,  
Бугун шу улуғ бурч ўталган айём...

Қишлоқ, шаҳарларда шодлик, тантана,  
Жарангдор янграсин торларинг яна...

Кел, жўр бўл қалбимга, эй майин рубоб,  
Қуйланг юрт зафарин баланд, бобма-боб!

1959







## ШУКРУЛЛО

**Л**ирик шоир Шукрулло (Юсупов) 1921 йилда Тошкентда туғилди. У, ўрта мактаб ва В. И. Ленин номидаги Тошкент педагогика билим юртини битиргач, Тошкент кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқишни давом эттирди. 1944 йилда институтни тамомлаган Шукрулло, ўз ҳаёти ва қалбининг бор ҳароратини сўз санъатига бағишлади.

Шукруллонинг чин инсоний самимият ва лирик қалб нашъалари билан битилган «Биринчи дафтар» (1948), «Қалб қўшиқлари» (1949), «Ҳаёт илҳомлари» (1956), «Танланган асарлар» (1958) ва «Умрим борича...» (1960) шеърӣ китоблари, «Коммунизм бўсағасида» (1949), «Россия» (1958) ва «Икки қоя» (1959—1961) поэмалари ўзбек совет шеърятининг катта ютуғидир.



### УМРИМ БОРИЧА...



аёт! Баҳор! Мунча жонбахш, тошқинсан!  
Ё бу қувонч тўла қалбим аксими?  
Ватаним! Илҳомдек мунча жўшқинсан:  
Бир онни, бир тангги каптар рақсини  
Куйласам, тўймайман умрим борича!

Капалаклар учар...  
Гул атрофида  
Асалариларнинг сибизғалари.  
Лола тақиб қизлар баҳор тобида

Эркин меҳнат қилар. Буларнинг барин  
Сўзласам, тўймайман умрим борича!

Шу кичик манзара бахтиёр, эркин  
Одам тасвирининг мисоли кўркам.  
Бахтли, эркин бўлсанг кўнглингга сиғар  
Болари куйи ҳам, гул ҳам, баҳор ҳам;  
Бахтим — сўлмас чаман умрим борича!

Заррада ҳаёт бор.

Улуғ Ватаннинг

Ҳар бир заррасида бахт олам-олам.  
Бахту эркин ҳаёт, боғларга нашъа  
Берган сен, Партиям!

Азиз Партиям,

Қуйлайман сени мен умрим борича!

## МЕНИНГ СЕВГИМ

Ҳеч нарса йўқ, мен билишимча  
Қуёш каби қаримас, улуғ.  
Майли булут, майли тўфонлар,  
Ушбу олам нурга тўп-тўлиқ.  
Чалғимайди асос йўлидан  
Кечирса ҳам миллионлаб йилни,  
Шунинг учун коинот аро  
Топмиш шуҳрат, қиймат-қадрни...  
Нечук одам севган ёрини  
Йиллар ўтгач ишқни тарк этур!  
Нечук одам ўз онасини  
Улғайганда қадрин унутур!  
Унутилса, наҳот, тонг отгач  
Тунги ваъда, бўсалар тоти,  
Унутилса менга қалб бўлган,  
Ўртадаги оқ сут ҳурмати!  
Ватан! Менинг ишқ, муҳаббатим  
Қуёш каби асло қаримас.  
Мен ҳаётман, то ўлгунимча  
Юрак — осмондан аримас!

1945

### КУЗ

Кундуз. Осмон юзин буркади булут,  
Гүё чироқ ёнгач туширилди парда.  
Кўча түпроғидан кўтарар қуюн  
Шамол, табиатга қилгандек зарда.

Терак учларига қўнмоқчи бўлиб  
Осмони-фалакда қушлар чийиллар,  
Йўлидан чалғитиб, шохларни силкиб,  
Олтин япроқларни тўзғитар еллар.

Ёмғир шивалади, бир тўп болалар,  
«Уй-уй»га, дея таралиб кетди.  
Толзорларни кезган кўм-кўк анҳорнинг  
Ёмғир қамчисидан қаварди бети.

Кўпикларга боқиб кутган дўстларим  
Шунда етиб келди кўп қилмай муштоқ.  
Самовар навоси, тарнов шарроси,  
Улфатлар базмига айтилган машшоқ.

Баҳордан кам эмас куз фазилати,  
Қўра молга тўла, дон-дунга омбор.  
Бугун яқунланиб ёзги меҳнати,  
Ҳар бир хонадонда, жамулжам дўст-ёр.  
1945

## СЕВГИ

Гулшанда тонг эди...  
гунча,  
капалак.  
Бир ўпич устида тутдим иккисин.  
Капалак узр этди,  
қаноти билан  
Димоғимга уриб гулларнинг исин.

Яна учиб қўнди,  
бир пушти гулга,  
Гўё истар эди шундан бўсани.  
Чунки айланарди унинг қошида,  
Севар экан дедим  
мен ҳам ўшани.

Аmmo,  
кўп ўтмади,  
тарк этиб уни,  
Ўзга гулга севги айлади изҳор.  
Менинг муҳаббатим,  
меҳрим мутлақо,

Уникидай эмас  
кўчма,  
беқарор.

Иккимиз умид-ла ошиён қурдик.  
Жужуқлар саноғи бармоқлардан кўп.  
Яшасин уйимиз ва оиламиз —  
Ватандан бир парча жонажон маҳбуб!

*1945*

\* \* \*

Кун қизариб ботди. Қор босган томлар,  
Тутлар шохидаги қорларда шафақ.  
Терак тепасида етти кунлик ой,  
Анҳор бўйидаги толларда шафақ.

Анҳорнинг қирғоғи тизза бўйи қор,  
Атроф кийган гўё оқ шоҳи яктак.  
Далани айланган кўк — тиниқ анҳор  
Гўё осмони ранг янги белбоқдек.

Шафақ қизиллиги ўчди атрофда,  
Аёзда ярқирар ойнинг ўроғи.  
Қуёшдек ёнарди, аммо, шу топда  
Сувга чиққан қизнинг икки ёноғи.

Сув баҳона бўлди — йигит билан қиз  
Сухбат қилишдилар, отишдилар қор.  
Гул отгандек бўлди иккиси шу кез...  
Севги фасли кўклам демаклик бекор.

1957



### МАҚБАРА ОЛДИДА

Ленин мақбараси!.. Ленин тирик-ку!..  
Мақбара деб қандай атамоқ мумкин!  
Ахир, халқлар билан суҳбатлашар у,  
Жаҳон халқи келар кўргани ҳар кун.

Мана, мункайган чол тикилганича  
Мақбара олдида турар, оғир дам.  
Вақт ўтгани сари наздимда шунча  
Қомати тикланиб бўларди бардам.

Ленин дам оларди, балки ухларди,  
Москвада эрта тонг эди ҳали.  
Мармарларга кўзин тикканича чол  
Турарди кутгандек қабул маҳалин.

Минг бор ўтганлар ҳам Қизил майдондан  
Яна тўхтамасдан ўтмайди бир дам:  
Чунки, ўтганида ўрнак олади  
Лениннинг ишидан, камтарлигидан.

Чолнинг қаршисида мармар девормас,  
Ленинни акс этиб турарди кўзгу.  
Мармарларни тешиб қалб меҳри билан  
Лениннинг олдига кириб чиқди у.

*1959*

## ДУСТЛИК ҲАҚИДА

Соқоллари оппоқ, оппоқ сочлари,  
Кийимлари оппоқ қалбларисимон.  
Икки коммунистнинг ёшлик чоқлари,  
Дўстликлари тилда дostonдир ҳамон.

Ёнма-ён жанг қилган ёшликда ёвга,  
Бирга колхоз тузган, бирга ишлаган.  
Шодлик, қайғуни ҳам бўлишган бирга,  
Дўстликни қасамдек маҳкам ушлаган.

Маҳалла, кўй-гузар иккисин кўрса,  
Ҳавас билан сўзлар булар дўстлигин.  
Етмишдан ҳам ошган ёшлари эса,  
Дўстликлари бўлса қаримас лекин.

Ҳа, ўзинг кекса-ю, дўстлигинг бироқ  
Шундай бўлсин экан доим навқирон.  
Навқирон бўлсангу, сендан олдинроқ  
Дўстлигинг қариса, аммо, бу ёмон.

1959

## ТИРИК ҚАЛЬ

*Шоир Ҳамид Олимжон хотирасига*

Мен Жиззахга тушдим тонг чоғи...  
Қўз илғамас пахтазор, боғи,  
Қорли тоғлар, баланд қоялар  
Атрофимни ўраб турибди,  
Ажиб бир куй янграб юрибди...

Мен атрофга соламан қулоқ,  
Атроф менга беради сўроқ:  
Сени мафтун ва лол айлаган  
Бу ажиб куй қайдан келади?  
Оппоқ ўрик гулин ўйнаган  
Бу тонг ели не деб елади?  
Қўрмоқдасан боғларда кимни?  
Сўрмоқдасан қоядан кимни?

Бу сўроққа излайман жавоб,  
Қўз олдимга аммо ўша тоб  
Ўлмас шоир келиб туради,  
Назаримда бошлаб юради.  
Мана водий, тошқин Зарафшон,  
Шоир каби жўшқин, ўйноқи.

Бошлаб чиқди қоя бошига,  
Қоя шоир умридек боқий.  
Тоғ бағридан кўм-кўк водийга,  
Пахтазорга тикилдим узоқ.  
Чаманлардан, хиёбонлардан  
Ўрикзордан, атрофдан шу чоқ:  
«Бахтинг бор деб қушлар чийиллар,  
Бахтинг бор деб эсади еллар».  
Ўлмас шоир, ўлмас куйларинг  
Қўшиқ бўпти қушлар тилида.  
Еллар сенинг номингни куйлар,  
Халқ сақлайди тирик дилида.

1959

## ОНА ВА ТИШ

«Тишинг ҳам тушибди, барвақт қарибсан...»  
Дўстлар ҳазиллашиб қилади кулги.  
Ёшлик ўзи нима? Кексаймоқ нима?..  
Наҳот, тиш тушиши қаришга белги!

Ахир, тиш тушади саккиз ёшда ҳам.  
Саксонда садафдек туриши мумкин.  
Қаридим деярман, қўлимдан қалам  
Йжод қилолмасдан тушиб кетган кун.

Сочинг оқариши, бел букилиши,  
Тиш тушиш қаришга бўлолмас нишон,  
Бемеҳнат яшаган йигит йигитми!  
Меҳнаткаш чол ундан минг бор навқирон.

Йиллар ўтар балки, туғма тишимдан  
Саксонда нишон ҳам қолмайди буткул.  
Қаридим демайман, агар қаламим  
Синмасдан олмосдек қололса ўткир.

Тишлардан не фойда, ҳаёт неъматин  
Меҳнат билан топиб, чақмаса мағзин

Бўрининг тишидан фарқи йўқ.  
Бундан  
Она сутин эммай ўлмаклик лозим.

Мен ёлғиз ўғилман.  
Ҳали ёдимда  
Онам айтиб берган кичик ҳикоя.  
(Буни сўзлаб берди марҳум онамнинг  
Номидан барҳаёт туғдирган доям.)

Онам қувонибди мен туғилганда,  
Бахт билан тўлгандек унинг қучоғи.  
Бундан ҳам зиёдроқ қувонган экан  
Милкимдан гурунчдек тиш чиққан чоғи.

Ҳатто қувонибди қўғирмоч қилиб,  
Тишлаган вақтимда унинг сийнасин,  
Менга боқим бўлмай, энди ҳаётдан,  
Топар бўлди дея ўз насибасин.

Ақл тиши чиқди жодидай маҳкам,  
Бақувват тишларда кўмик кемирдим.  
О, нақадар лаззат! Бу кўмик эмас,  
Гўё ҳаёт мағзин тотип шимирдим.

Тишларим мукамал бўлганда, аммо,  
Онамнинг милкида қолмабди сира.  
Ҳаёт лаззатини сен тота қол деб,  
Гўё берган каби менга бир сира.  
Мана йиллар ўтди.

Энди менинг ҳам  
Иккита тишимнинг тушганлиги рост.

Бунга ачинмайман, набираларга  
Онам берган тишни айладим мерос.

Саксонга кирарман, ҳаммаси тушар.  
Қайтадан бўларман гўё бир гўдак.  
Олтиндан қўярман.

Аммо ёдимдан  
Мутлақо чиқмайди, она, у кўкрак!

*1960*



## ИНСОН ВА ЯХШИЛИК

Инсонни куйлайман! Буюксан, Инсон!  
Буюклик на касбу, на жинсу ирқда.  
Беинсон на кўрку, на завқдан нишон.  
Азизсан, Инсон!

Инсонсиз бу дунё бўларди саҳро.  
Чаманлар, шаҳарлар яратгувчисан.  
Бадавий чўлларда қасрлар барпо...  
Сенга тасанно!

Дилгир чоғларимда қалбимга малҳам,—  
Оромбахш куйларни сен яратгансан.  
Яшашга ҳавасни уйғотувчи ҳам  
Сен, азиз Одам!

Ҳаётнинг гаштию ороми, файзи  
Марҳамат, меҳнатинг яхшилигингдан.  
Гўзаллик, ободлик, орзунинг рамзи  
Сен, азиз Одам!

Чин инсон дунёни қилади обод.  
Яхшилик, марҳамат Инсон ҳунари.

Наҳот, Инсон қилса ҳаётни барбод!  
Бу даҳшат, ҳайҳот!

Патрис Лумумбани ким қилди қатл?  
Пок қалб шоир эди, меҳрибон Инсон.  
Қотилни инсон деб атагандан, тил,  
Минг бора кесил!

Вайронлик, ободлик, қон кечиш, тинчлик,  
Барчаси инсондан, бари ичсондан!  
Яхшилик, фироқ, дод, оқибат, жондан  
Севиш ҳам сендан.

Чин Инсон мадҳини куйлайман мангу.  
Сендан буюк, азиз ҳаётда не бор!  
Гагарин чин Инсон нелигини у  
Қилди бир кўзгу.

Чин Инсон — инсондан аямайди жон.  
Инсон фазилати, қадри, ҳурматин  
Бир совет кишиси жаҳонга аён  
Қилди намоён.

Сен шундай улуғки, қилганда парвоз  
Оёгинг остида буюк осмон ҳам  
Минг зина паст тушиб, бўлди поёндоз.  
Ҳали бу ҳам оз.

Бир деҳқон фарзанди, бошингни осмон  
Қилган буюкликни қаердан олдинг?  
Қаердан қаноту шунча шараф-шон  
Тополдинг Инсон?

Апрелда туғилди улуғ Ленин ҳам,  
Апрелда фазони забт этди Инсон.  
Қадр, қиймат топди одаму олам.  
У туғилган дам.

Фахрга тўл, қалбим, ҳайқир, қанотлан!  
Инсон фазилатин, қудратин куйла!  
Ойга учувчин ҳам шарҳига отлан,  
Шу қатор ёдлан!

Совет кишисидан фахрлан, жаҳон!  
Фахрлан, кенг фазо! Совет кишисин —  
Номи билан бугун аталмиш осмон.  
Яша, эй Инсон!

1961

---

## РОССИЯ

*(Поэмадан парча)*

### I

. . . . .  
Сахро ортда қолди. Белоён  
Ўрмонзсрга шўнғиди поезд.  
Икки томон кўк қанотсимон,  
Ўрмон бўйлаб кетган тикка из.  
Поезд учар, айланар ўрмон,  
Кўкда қуёш кўзин тиндирар,  
Ўрмон худди кўк денгизсимон,  
Уфқларга туташ, кунгура.  
Гоҳ узоқда ялтиллайди, ҳу,  
Рус тўшидек яхлит, кенг дарё.

Кўк чамбарга ўралган кўзгу,  
Тиниқ кўллар атрофда гўё.  
Қучоқ сиғмас сершоҳ дарахтлар  
Устида нур, тагида соя.  
Милтиллайди гажак ирмоқлар...  
Гўзалликка йўқдир ниҳоя.  
Кўл устида қушлар галаси  
Кўтарилиб тиниқ осмонга,  
Патирлашиб, нурда ҳаммаси  
Айланаркан бир олтин ранга,  
Бутун атроф зар ва гавҳардан  
Ясалгандек туюлар гўё.  
Гўё мавжуд бўлгандек бирдан  
Эртақларда куйланган дунё.

## II

Ҳисларимни солмоқ-чун куйга,  
Завқни босиб толгандим ўйга,  
Бирданига тўхтади поезд.  
(Баландликда кичик бир разъезд.)  
Теварагим бепоён ўрмон.  
Ва мен тушдим.

Аммо ўша он,  
Бир учидан тортилган ипдек  
Ўрмон ичра поезд йўқолди.  
Тепаликда бир мен ўзим тек,  
Кечки қуёш, гўзал қиз қолди.  
Мен турган ер гўё денгиздан  
Кўтарилиб чиққан тик тўлқин.  
Нурга чўмган Сибирь ҳаммаси  
Кўринарди шу ердан ёрқин.

Баландликдан қуёш ботишин  
Кузатишни ўзи бир ҳузур.  
Қуёш ўзин кўрмайсан, лекин  
Ўрмон кўкда олтин, шафақ-нур.  
Мен ўзимни унутиб бугун  
Муродига етган ботирдек  
Қувончимга сиғмасдан лекин  
Қишлоқларни кузатардим тек.

### III

Қуёш ботди бу вақт ичида  
Жарлар, сойлар олди кумуш ранг.  
Сонсиз қушлар шохлар учидан  
Кўтарилди қолдириб оҳанг.  
Бу фурсатда атроф манзара  
Минг турланиб, минг рангга кирди.  
Ел қўзғалиб ўрмонзор аро  
Янги куйга, оҳангга кирди.  
Қуёш сўнги нурлари билан  
Сайҳонларни аста пийпаслаб  
Сафарини у тамомларкан  
Қишлоқ узра жимгина пастлаб,  
Еғоч уйлар кул ранг тус олиб  
Яйловларда қалқиди тутун.  
Подаларнинг шовқин-сурони  
Тўрт томонни қоплади бутун

. . . . .

Уйга толиб тикилдим узоқ,  
Мен бормоқчи бўлганим қишлоқ  
Балки шудир... Балки ёнимдан

Паҳлавон қад, нуроний соқол ,  
Сибирь отин миниб ўтган чол  
Уни танир... Балки ҳамқишлоқ,  
Отасидир...

Чунки мен шу чоқ,  
Ҳар бир русда унга ўхшашлик,  
Фазилатин, меҳрибонлигин,  
Унинг қалбин кўрардим лекин.  
Ўрмонзордан чиқиб келган қиз  
Балки унинг сингли, қондоши?  
Сергей номин сўрашга шу кез  
Не учундир қалбим бардоши —  
Етмас эди...

## VII

Этик кийган шу қиз эмасми,  
Тандан қоним силқиб оққанда.  
Қолганимда ҳушсиз, бемадор,  
Ўз меҳрини қилмасдан канда,  
Туни бўйи бошимда бедор  
Госпиталда парвариш қилган?  
Тикиламан унга,

ўша дам

Тирик каби кўринди Зоя.  
Гўзаллиги, ёшлигини ҳам  
Шунга ташлаб кетганди гўё.

Кетаётган шу қиз эмасми  
Ҳалигина чексиз ўрмондан,  
Кумуш дарё, олтин хирмондан  
Теваракка янгратган қўшиқ?  
Очиқ кўнгил, ҳазилкаш ва шўх.

Унга қараб,  
                    аксида шу он  
Анна Васильевна азизим,  
Фан, онг берган она — муаллим  
Кўз олдимда бўлди намоён.  
Унинг хулқи, доно сўзлари  
Бари шунда барқарор эди.  
Севги тўла боққан кўзлари,  
Унинг битмас меҳри бор эди.  
Унга қараб қувноқ ёшлигим,  
Хушчақчақ тонг ва гўзал баҳор,  
Пушкин шеърин ёд олганлигим  
Хаёлимда мавж урди такрор.  
Мен шуларни эслаган маҳал,  
Гўзалликнинг сирин қилдим ҳал:  
Рус кишисин шу фазилати,  
Инсон учун вафодорлиги,  
Муҳаббатда бир гўзал эмас,  
Жанг, меҳнатда мададкорлиги,  
Мафтун қилиб минг сулув каби  
Уйғотганди қалбимда севги.  
Бундан ортиқ гўзаллик борми?  
Қалби билан гўзал эди у...

1958








## ТУРОБ ТЎЛА

**Ш**оир Туроб Тўла 1918 йили Тошкент яқинидаги Турбат қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Болалар уйида тарбияланди. 1934—1937 йилларда Тошкент Кечки пединститутида ўқиди. Кейин «Еш куч» (1938) журналида адабий ходим, «Еш ленинчи» газетасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади; «Қизил Ўзбекистон» газетасида, Радиокомитетда ва «Ўзбекфильм» киностудиясида хизмат қилди.

Туроб Тўланинг биринчи шеъри 1934 йилда босилди. Шу ўтган давр ичида Туроб Тўла китобхонларга «Шеърлар» (1939), «Шодлигим» (1941), «Табассум» (1944), «Бахт тонготари» (1949), «Қанотлан, қўшиқларим» (1955) каби шеърий тўпламларини ва «Танланган асарлар»ини тақдим этди.

Туроб Тўла шеърлари самимийлиги, жўшқин ва мусиқийлиги билан ажралиб туради. У талайгина ўйноқи ва лирик қўшиқлар авторидир. Туроб Тўланинг кино санъати ва бадий таржима соҳасида ҳам катта хизматлари бор.

Коммунист-шоир, кинодраматург ва публицист, таржимон ва журналист Туроб Тўла, ўзбек совет адабиётининг ривожига маълум ҳисса қўшган ёзувчидир.



ДАЛА ШИЙПОН, ҲОВУЗ БУИИ, ОСМОН  
ТУЛИБ УЧГАН ҒОЗ...

**Б**угун жуда ёниб кетди  
Худди осмон кўраси,  
Темирчининг босқонидай  
Повиллади, чоғимда.  
Чойгум бўлиб шигиллади  
Ҳароратдан ғўзалар,  
Шийпондаман ўт-ўланлар  
Ёнди сўлу соғимда.

Лим-лим ҳовуз тубларида  
Жим-жим ўйнар қатор тол.

Салқин супа, ипак гилам  
Олачадан поендоз.  
Қирдан келган қалдирғочлар  
Ўтишади тўш ўриб,  
Соя ташлаб ўтиб қолар  
Осмон тўлиб учган ғоз.

Салмон ака самовари  
Қайнаб ётар жағиллаб,  
Нариоқда биқиллайди  
Қирққулоқли зўр қозон.  
Почтальон ташлаб ўтди  
Бирваракай газета,  
Чўяндайин қорайтибди  
Бугун уни саратон.

У ўтади эгат босиб  
Ўигитларнинг ёнидан,  
Жаз олади оёғини  
Эгатларнинг кесаги.  
Қун тиғида ёниб-ўчиб  
Қўринади кетмонлар,  
Қўкрак урган ғўзаларнинг  
Қўринмайди эгаги...

Тўрт қиррали кўмир қалам,  
Қордай қоғоз қўлимда,  
Шовқин тўла кенг даланинг —  
Суратини чизаман.  
Кўм-кўк дала,  
Кўм-кўк осмон,  
Кўм-кўк ғўза олами,

Ғўза қийғос очилмишди,  
Гуллари чаман-чаман.

Ху... пайкалда йигит келар,  
Елкасида кетмони,  
Кўркам қомат, пахса яғрин,  
Чайир мускул, қалқон тўш.  
Қаддини бир ростлаб олди  
Ўрталикда бир аёл,  
Ҳайдаркокил тушиб кетди,  
Боғлаганми экан бўш...  
Бир томонда қизалоқлар  
Ғўзаларнинг ичидэ,  
Худди тиллакапалаклар  
Учиб қўнишар эди.  
Ху... тепадан от устида  
Райим-раис кўринди,  
Ўрдак каби алпанг-талпанг  
Пастликка тушар эди.

Чап томондан эсиб қолди  
Салқин, ғир-ғир шаббода,  
Олиб ўтди қанотида  
Қовунполиз ҳидини.  
Тўлиб кетди бутун шийпон  
Чўгирининг ҳидига,  
Салмон ака мақтаб қолди  
Райимжоннинг дидини:  
«Раис оға нариги чекка —  
Талай қовун экдирган,  
Қаранг, бутун пахтазорга  
Ҳиди анқиб ётади.

Бизнинг ёқлар ана шундай...  
Колхозчиси кузакда  
Меҳнатининг ҳосилига  
Ғарқ бўлади — ботади...»

Девор соат занжирини  
Бир қулочлаб тортди-да,  
Шошиб бориб зангни урди,  
Янграб кетди кенг водий.  
Ерга тегай-тегай деган  
Ўрикдаги бу зангдан —  
Бутун меҳнат водийсига  
Бир ажиб овоз ёғди.

Узум келди челақ-челақ,  
Саватларда иссиқ нон.  
Қўвачада айрон тўла,  
Қўзаларда яхна чой.  
Юмалади шакарпалақ,  
Анаслар ҳовузга,  
Деҳқонларни кутар эди  
Шинам супа, салқин жой.

\* \* \*

Қалавланиб йиқилди мағрур,  
Азиз тупроқ узра қўйди бош.  
Сўнди ҳассос кўзидаги нур,  
Кипригида икки қатра ёш.

Босиб тушди энг улуғ танни,  
Чангалида муқаддас тупроқ.  
Бермас бўлиб она-Ватанни  
Қучоқлади яна маҳкамроқ.

Яраланган Ватан томирига  
Қуйди иссиқ юрак қонини.  
Шу муқаддас ер замирига  
Қони билан ёзди шонини.

*1944*

## С А Н О Б А Р

(Қўшиқ)

Сунбул сочингга гулми, гул лолами тақибсан,  
Гул лола мисли яшнаб дилларга хўп ёқибсан.  
Мазмуни, баъзиларни ишқ ўтида ёқибсан,  
Айтгил ўзинг, Санобар, қаер экан маконинг,  
Фарғона, Тошкент ё Қўқонми бўстонинг?

Қўксингга тўлдирибсан шону шараф нишонин,  
Қўксинг-ла баҳс этармиш юлдузлар осмони.  
Бахтингга, бахтимизга боқий Совет замони,  
Айтгил, гўзал Санобар, қаер чаман маконинг?  
Хоразм ё Бухоро, Наманган бўстонинг?

Нозик назокатингда — бир соҳиби чеварсан,  
Эзгу хонишлигингдан — санъатда ифтихорсан,  
Қўксингда юлдузингдан — шарафли пахтакорсан,  
Билсам, гўзал Санобар, бир боғ экан маконинг,  
Бахту баҳори кулган ватандир бўстонинг.

1948



## ИТ ҲУРАДИ, КАРВОН УТАДИ

*(Халқаро минбардан)*

Бунча жаврадингиз, «муҳтарам» жаноб,  
Бунча асабийсиз, депсиб юрасиз.  
Дунёнинг нариги бурчида туриб,  
Бунча чиранасиз, бунча ҳурасиз?  
Чарчамадингизми ғийбат қилмоқдан,  
Айниб кетмадимиз чиркин миянгиз?!  
Ахир ўттиз йил-ку, ўттиз кун эмас!  
Токай ғивирлайди қора уянгиз?!  
Ўттиз йилдан бери «Финаншиэл таймс»  
Тинмади,  
Жавради,  
Вайсади ҳадеб.  
Ўттиз йил ҳайқирди «Нью-Йорк таймс»  
«Қўрқманг, большевизм умри қисқа», деб,  
Черчилль ўттиз йилдир жазаваси тутиб  
Махфий тайёрлайди машъум замбарак.  
Россияни қўйиб унинг оғзига  
Отиб юбормоқдан «беради дарак».  
Бунча қийналасиз ўзингизни уриб,  
«Большевизм» дейсиз чинқириб сатта,  
Ҳали Оксфордда, ҳали Фултонда

Асабий сўйлайсиз...

(«Қийин албатта!»)

Ғарбий Европадан шаллақи нотикнинг  
Безори овози эшитилмоқда.  
Қандайдир фитналар овози бўрон —  
Ичида Шарққача етиб келмоқда.  
Қон ҳиди анқийди Испанияда,  
Ҳамон бурқимоқда Мадрид тутуни.  
Маланг, Сурабая ёнмоқда, гўё —  
Уруш оловининг қуруқ ўтини.  
Париж, Афинада, Техрон, Истамбулда  
Уолл-стритнинг бозори чаққон.  
Бу мудҳиш бозордан харид қилинмоқда  
Зулм ва истибдод,

очлик ва бўҳтон!

Ҳали мунофиқлик, ҳали ғийбат, ҳали —  
Тилёғламалик ҳам қилиб кўрасиз.  
Қани хамелеондан фарқингиз сизнинг,  
Минг хил турланасиз бир онда бежиз.  
Сизга ёқмай қолди Ғарбининг ҳар жойидан —  
Барала янграган ҳаққоний овоз:  
Демократия!

Ҳа!

Шу кучли хитоб

Сизни қийнаб қўйди шекилли «бир оз...»  
Яна ер юзида изғиб қолдингиз,  
Яна фирибгарлик,

яна фитнами?

Молдек сотилсинми Эрон деҳқони,  
Шумиди кўрмаган куні, бир ками?  
Қайси халқ бўш келса, занжир соласиз,  
Қўйнига кирасиз илондай секин.

«Маршалл плани»га ишқаб бурнини,  
Тап-тақир қиласиз текиндан-текин.

Нима гуноҳи бор бечора халқнинг,  
Сизнинг-ку тамоман бошқа дардингиз,  
Хайрият, бахтига СССР ғолиб,  
Бўлмаса батамом еб қўярдингиз.  
Қандай доғулисиз «муҳтарам жаноб!»  
Нақадар мунофиқ,

нақадар қаллоб!

Худди дунё ғами сизга тушгандай  
Яна ўдағайлаб лоп урасиз, лоп.

Шуни яхши билинг:

Ўтган кунларнинг

Аччиқ ҳақиқати ўчганмас, ахир!

Россия ёнғини,

Париж фожиаси

Солдат қасамидай ёдимиздадир.

Тинчлик деб тўкилган ҳар мўътабар қон

Ҳаёт ва осойиш сўрайди бу кез.

Бироқ, ёдингиздан Нюренберг суди —

Кўтарилибдими дейман жуда тез!

Эслаб кўрасизми нима бўлди Гитлер,—

«Туя қиламан» деб Совет нонини?!

Совет Армияси, Совет қудрати —

Оғзидан келтирди қора қонини.

Хотирангиз, мистер, жуда ёмон экан,

Кечани бу кундан қилолмайсиз фарқ.

Кимнидир мўлжаллаб Баҳри муҳитга

Ва лекин ўзингиз бўлмоқчисиз фарқ!

Ҳаддингиздан ошманг,

Етар шунча ғавғо!

Қўйиб юбордингиз ортиқ тилингизни.

(Наҳот чарчамаса Херест мухбирлари...)  
Койитмайди, қўрқманг, СССР сизни.  
СССРнинг сиздан бўлак ҳам, мистер,  
Ўзига яраша кори-хайри бор.  
Халқини севади, халқ эса уни!  
Миллатлар тенг, иноқ, ундан миннатдор.  
Ўзбекни кимлардир эламас эди,  
Танимас эдингиз ҳаттоки сиз ҳам.  
Энди ўзбек деса, дегулик чоғи,  
Анча қизиқиброқ қолибди олам.  
Тўғри, ким эди у,  
ҳозир у озод!

Ҳа! Озод!  
Қудрати зўр, бениҳоя!  
Буни билмоқ учун халқи олдида  
Бир оддий ўзбекнинг қадри кифоя!  
Унинг юрагида Ватан,  
Москва,  
Партия мўътабар,

Шунинг ўзи бас!  
Унга бутун ўлка,  
қанча-қанча миллат  
Мангу туғишгандай қондош, ҳамнафас!  
Бу мамлакат шундай:

унинг замини,  
Орзуси, ғояси кўп олижаноб.  
Хомтама бўлмангиз,  
заминингиз сизнинг —  
Нураб бораётир «муҳтарам жаноб!»  
Сақлаб қололмайсиз тарих ҳукмидан,  
Халқлар тинчлик учун берган қўлга-қўл!  
Жаҳонни муқаррар коммунизмга —  
Олиб бораётир букун ҳамма йўл!!!

**ҚАЙНАРБУЛОҚ, АСКАР ИГИТ, СОҶИБЖАМОЛ  
БЕНОМ ҚИЗ**

Аскарликдан келмоқдаман,  
Остимда тўриқ отим.  
Отим чарчоқ, отим чаман,  
Учмоққа йўқ қанотим.

Боғ кўчадан ўтмоқдаман,  
Икки ёғим яшил боғ.  
Кўз олдимда чаман-чаман  
Яшнаб ётибди қишлоқ.

Қун найзада, хомуш боқар  
Хаёлпараст мажнунтол.  
Гулдур-гулдур анҳор оқар,  
Шоҳсупа, ғир-ғир шамол.

Азиз қишлоқ соғинтирган,  
Юрагим ўртанади.  
Уни десам, уринган тан —  
Жоним роҳатланади.

Шодлигимдан, тушиб гоҳи  
Етаклайман отимни.  
Салом, азиз кенг даргоҳи  
Меҳр-муҳаббатимнинг!

Мана қишлоқ, мана тошлоқ,  
Қайнарбулоқ, кекса тол.  
Тол тагида турар қувноқ  
Бир мунис соҳибжамол.

Қараб турар оғиб эси,  
Қани энди кўз олса.  
Бир қўлида ёғлоғиси,  
Бир қўлида кўзаси.

Салом бердим, ерга боқиб  
Салом, деди оҳиста.  
Нафис қошлар қанот қоқиб  
Сувга тушди бирпасда.

Сув сўрадим отдан тушиб,  
Чўкдим сув қирғоғига.  
«Хўп» дедию, қушдай учиб  
Кириб кетди боғига.

Қараб қолдим бир хил бўлиб  
Орқасидан мен танҳо.  
Бир нафасда яна кулиб  
Пайдо бўлди у барно.

Енгинамда тўхтади жим,  
Бир бош узум қўлида.

Узум эмас, балки қалбим,  
Ҳатто ўзим қўлида.

«Олинг,— деди,— йўловчига —  
Сувдан кўра бу маъқул».  
«Раҳмат»,— дедим сийловчига,  
«Яшанг,— дедим,— минг-минг йил».

Ортиқ бир сўз деёлмадим  
Андишалик бу ишдан.  
Лекин отда уялмадим  
«Хайр, жоним» дейишдан.

Ранжимади, қараб қолди  
Сув бўйида у ёлғиз.  
Қараб қолди, қараб қолди  
Соҳибжамол, беном қиз.

Қойимади, чунки менинг  
Қалбим қолди қўлида.  
Мен ҳам мангу содиқ унинг  
Муҳаббати йўлида...

1949

### ШИРМОНОИ ҚЎШИҒИ

Эй, субҳи-сабоҳ еллари, тўхтанг, менга навбат,  
Тингланг мени Поп ерлари, тўхтанг, менга навбат,

Куйлай далалар созини, созим унга ҳамсоз,  
Серзавқ дала булбуллари, тўхтанг, менга навбат!

Ширмон дея, Ширмон дея куйлаб ва этиб лол,  
Келтирди хушон йўллари, тўхтанг, менга навбат.

Топсин ғўзалар бағрида яширин ғазалимни  
Толмас ва тарам қўллари, тўхтанг, менга навбат!

Ошифта бу дил сатрини сайқалласа зора  
Бўстон бўйи кокиллари, тўхтанг, менга навбат.

Куйлай, қўшиғим домини тутсин унга мангу  
Сир еллари, соҳиллари, тўхтанг, менга навбат.

Қўй, токи Туроб юртини куйлаб маза қилсин,  
Яйраб яна кўнгиллари, тўхтанг, менга навбат!

1960





## САИД НАЗАР

(1909—1959)

**П**оэзия, проза драматургия, публицистика ва журналистика соҳаларида яхшигина танилган Саид Назар, 1909 йилнинг сентябрида Хива шаҳрида туғилган эди. У Шиносий тахаллуси билан шеърлар ёзган отасидан беш ёшида етим қолади. Ун икки ёшигача эски мактабда, сўнг совет мактабида ўқийди. 1935—1937 йилларда Самарқанд Давлат ўқитувчилар институтида, 1937—1940 йилларда Кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида таълим олади.

Саид Назар 1925—1935 йилларда халқ маорифида, рабфакда, 1940—1959 йиллар давомида Самарқанд газеталари редак-

циясида, шунингдек Ўзбекистон Ёзувчилари союзи Самарқанд область бўлимининг раиси вазифасида хизмат қилган.

1940 йиллардан бошлаб ёзувчи сифатида китобхонларимизга танила борган Саид Назарнинг «Саодат» (1939), «Эрнафас» (1940), «Муҳаббат ва нафрат» (1941), «Висол ва ҳижрон» (1943), «Ваъда ва амал» (1948) каби поэмалари, «Лавҳалар» (1943), «Баҳор» (1949), «Забардаст кишилар» (1949), «Дўстларим» (1950) сингари китоблари, «Қаҳрамоннинг қайтиши» (1943), «Қиз қалъаси» (1957) пьесалари ва «Яшил бойлик» (1957) романи ўзбек совет адабиётининг ривожига қўшилган жиддий ҳиссадир.

Коммунист-ёзувчи Саид Назар 1959 йилнинг февралида Москва шаҳрида бевақт вафот этган.



### ЗАРАФШОН МАВЖЛАРИ

**К**ирғоғингда тик туриб, тикиламан юзингга,  
Ярқирайсан қуёшда кумуш ойна сингари.  
Кўпик сочиб, пишқириб интиласан илгари,  
Баҳор ўтиб, ҳали ҳам келмадингми ўзингга!

Майли, тошиб, маст бўлиб, кўпикларинг сочавер,  
Томчиларинг дур бўлур бизнинг қадоқ қўлларда.  
Чаманларга ҳаётбахш қучоғингни очавер,  
Боғлар чечак отади сен югурган йўлларда.

Сен ҳайқирсанг кўпириб, ғунча табассум этар,  
Булбул қўшиғи билан бўстон жаранглаб кетар  
Жиловингдан тутибди пўлат қўл билан инсон  
Мақсад сари етаклар, қолмас дилингда армон.

Сигмай қирғоққа оқдинг, Зарафшон, кўп асрлар,  
Лекин сочган зарингдан юрт сандиғи тўлмади.  
Сенга соя тушириб, тикланди зўр қасрлар,  
Аммо деҳқон кулбаси асло обод бўлмади.

Фақат элга қарадинг, биз ушлагач қўлингдан,  
Зийнат берди ҳаётга, дилга шифо мавжларинг,  
Чаман-чаман гулистон қилар чўлни авжларинг,  
Тўлқинланиб оқавер, сира қайтмай йўлингдан!

### ХУШ КЕЛДИНГ

Сен кетдинг, хаёлим сен билан бирга,  
Кўнглим кўзгусида суратинг қолди.  
Сен билан бўлажак келгуси умр,  
Истиқбол юракдан маҳкам жой олди.  
Ажралиш йиллари тўхтамай бир-бир  
Оғир карвонлардек секин ўтдилар.  
Сен келдинг зўр жонга музаффар бўлиб,  
Юракда севинчлар тошиб кетдилар.  
Қалбингда Ватаннинг кучли севгиси,  
Бутун борлигингни ўраган ғайрат.  
Сен учун асрадим ойнадек тиниқ,  
Ҳароратли қалбда сўнмас муҳаббат.  
Сени кутди очиб қучоғин баҳор,  
Хуш келдинг, элу юрт сендан миннатдор.

1945

## КОМСОМОЛ

Йиллар ойнасида кўринар юзинг,  
Мардлик, садоқату кураш ва баҳор,  
Ёшлик гўзаллигин тимсоли ўзинг,  
Халққа хизмат қилиб топдинг эътибор.

Юксак интилишлар, олий тилаклар  
Мусаффо қалбингни айламиш равшан,  
Кураш ва ижодда бўлдинг музаффар,  
Кўркам қиёфангни акс этар гулшан.

Ёшлик ҳарорати қуёш нуридан —  
Қолишмай ўлкани қоплаган бугун,  
Ҳаёт олға босар ғайрат зўридан,  
Мағрур ёшлигимиз, Ватан, сен учун!

Комсомол — келажак, ўсиш ва ижод,  
Тошқин дарё каби мавж урган ёшлик;  
У билан чиройли ва қувноқ ҳаёт,  
Урмимиз узундир, кўнгил қуёшли.

1948

## БОЛЬШОЙ ТЕАТРДА

*(Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси хотираларидан)*

Биллур қандилларда электр шамлар,  
Юлдузлар чамани каби яшнайти.  
Шўълалар мавжланиб, тилла деворлар —  
Нақшида жимжима ясаб ўйнайти.  
Одам юрагига нур қуйилади.

Меҳр гулин чизган бу ерга наққош,  
Ҳар лавҳада санъат табассуми бор.  
Тунлари порлайди бу залда қуёш,  
Бу рус маҳорати акс этган диёр,  
Ўлмас мастерига шуҳрат мангу ёр.

Бу ерда ҳамиша йигитлик, баҳор,  
Ранг-баранг товланиб кўрсатар жамол.  
Инсонда қанчалар асл туйғу бор,  
Ҳаммаси шу ердан топибди камол,  
Э кўзим, ҳуснига тўйиб-тўйиб ол.

Бу ерда саодат, қудрату чирой  
Санъат либосида намойиш этар.

Буюк коммунизм руҳи билан бой  
Куйлар жаҳон бўйлаб жаранглаб кетар,  
Ҳаётга бардамлик, осойиш етар.

Дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳамиша ғоя,  
Жаҳон тинчлигидир мақсаду амал.  
Ҳар куй шу ғояни қилар ҳимоя,  
Тинчлик каптарининг парвози ҳар гал  
Бу ерда энг баланд ва энг мукаммал.

Бу куйларда ғолиб, музаффар инсон,  
Қалбининг шодлиги, сурури бордир.  
Меҳнат ва курашда шарафи ортган  
Шонли халқимизнинг ғурури бордир,  
Яшашнинг ҳаловат-ҳузури бордир.

\* \* \*

Вақт яқинлашиб берилди сигнал,  
Чироқлар кўзларин қисди, тинди сас.  
Сезилар сал қаттиқ олинса нафас,  
Шунча диққат билан тикилмоқда зал.  
Парда очилмоқда ярқираб зарҳал.

Саҳна бирданига жонланиб кетди,  
Қириб келди ана шод Ўзбекистон.  
Гўзаллик минг рангда жилва кўрсатди,  
Саодат барқ уриб бўлди намоён.  
Кулиб боқди чаман-чаман гулистон.

Шонли партияга қанча ташаккур,  
Қанча миннатдорлик изҳор қилсак оз.  
У қанот берди-ю, кўтарилдик ҳур,  
Санъат чўққисига айладик парвоз.  
Бу улуғ саҳнада янграб кетди соз.

1951



## К У К Л А М

— Ҳали ер устида қор турар жилмай,  
Ҳали кўкат гилам ёзилганча йўқ,  
Шалола шовқини қулоққа келмай,  
Кўклам эшигин қоқибсиз тўқ-тўқ.  
Этакни белбоққа уриб олган чол,  
Ҳайрат кўзи билан тикилиб қолди:  
— Оламдан беҳабар, ўғил, қулоқ сол,  
Бизнинг баҳоримиз етилиб қолди.  
Қор юпқа, ер наму қумоқ ва юмшоқ,  
Бодом гуллашини кутиш на ҳожат?  
Ишласанг баракат беради тупроқ,  
Беғамлик одамга ахир хижолат.  
Дуруст, уйқудадир табиат ҳали,  
Дарёлар кўпириб маст бўлган эмас.  
Қалдирғоч келишга бор фурсат ҳали,  
Ҳали қиш совуғи нутилганмас.  
Лекин биз руҳланиб улуғ бурч билан,  
Баҳор дарвозасин очдик эртароқ;  
Ҳамма ишга тушган, далага бир боқ,  
Буюк жасорату, зўр хуруж билан.  
Ўғит ортиб келар тинмай машина,

Бетиним қатнайди аравалар ҳам,  
Забардаст меҳнатдан ларзада саҳро,  
Жадал отин минган ёш-қари бардам.  
Фурсат ғаниматдир, минутлар қиммат,  
Ўтган бир нафасни қайтариб бўлмас.  
Мард бўлсанг, дилингда бор бўлса ҳиммат,  
Ғайрат қил, йўқ эса, омборинг тўлмас.  
Барвақт битган ишнинг бордир шарафи,  
Кечикса бўлади катта дардисар.  
Тонгнинг манглайида орзу садафи  
Эрта турувчига бўлар муяссар.  
Кунлар бизга эмас, биз унга пешвоз,  
Узоқ келажакни яқин қиламиз.  
Қурол ҳам, ҳунар ҳам бизда жуда соз,  
Бобош табиатни йўлга соламиз.  
Барвақт амал ишқи ғайрат, маҳорат, —  
Қўринар далада ҳар кекса-ёшдан.  
Чунки биз оламиз нур ва ҳарорат  
Кремлдаги у ёруғ қуёшдан!

1952

## У Й Н А Р

Бу эрка гўзал қизни кўринг гул била ўйнар,  
Гул ишқида соз этгувчи булбул била ўйнар.

Ойдин кечалар юрса агар боғу чаманда,  
Ҳар лаҳза қаро сочлари сунбул била ўйнар.

Иш устида ихчам қўлига кўз тика қолсанг,  
Бир нашъали туйғу шу замон дил била ўйнар.

Ҳар кеча кўрардим уни мен олмали боғда,  
Ой юзлари тун сингари кокил била ўйнар.

Ухшатмангиз асло уни бир нозли сатангга,  
Жанг ичра олиб найзани дулдул била ўйнар.

## ТИНЧЛИК — МУҚАДДАС ҲУҚУҚИМИЗ

Меҳнат,  
иждо,

одам шарафи,  
Дил ёруғи, ҳаёт қувончи —  
Ҳаммасининг асли манбаи  
Сен Ватаним—тинчлик таянчи.  
Биз тинчликни курашиб олдик,  
Унинг учун фидо қилдик жон.  
Осойишта яшасин дедик  
Ер юзида меҳнаткаш инсон.  
Тинчлик билан ҳаётдир кўркам,  
Меҳнат самарали, ош лазиз,  
Одам ҳурматлидир ва азиз,  
Истиқболга қарар шод, бардам.  
Юксак кўтарилган бу байроқ  
Буюк совет халқи қўлида.  
Дунёдаги миллион-миллион халқ  
Бир жону тан унинг йўлида.  
Тинчлик—бизнинг муқаддас ҳуқуқ,  
Ҳеч ким уни тортиб ололмас.

Жангда қўлга киритилган ютуқ  
Мустақамдир, асло йўқолмас.  
Қасам ичдик: тинчлик деб ғоя,  
Чекланмаймиз фақат гап билан,  
Шу ғояни қилиб ҳимоя  
Туражакмиз пўлат саф билан.



Қимга кулиб боқса қуёшли даврон,  
Саодат ўлкаси бўлса диёри,  
Бўлмас юрагида заррача армон,  
Яшнар меникидай кўнгил баҳори.





## ШУКУР САЪДУЛЛА

**Ў**збек совет шеърлятида бахтиёр болаларга—келажак авлодга атаб битилган жажжи асарларнинг авторларидан бири шоир Шукур Саъдулладир. У 1912 йилда Жиззах шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1931 йилдан буён Ўзбекистон нашриётларида ишлаб келади.

1929 йилда Жиззах ўрта мактабини тугатган Шукур Саъдулла Самарқандга бориб, аввал Педагогика билим юртида ва сўнгра Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида таълим олади.

Шукур Саъдулланинг ижод биографияси 1930 йилдан бошланган. Унинг «Ҳайқирӣқ» (1932), «Айёр чумчуқ» (1936), «Сен

нима қилдинг» (1942), «Шоҳиста» (1944), «Ширин кун» (1946). «Бизнинг байрам» (1953), «Шеърлар» (1955), «Улуғ шаҳар» (1951), «Шеър ва эртақлар» (1958) тўпламлари, «Бизнинг жанг-чимиз», «Гулхан», «Далада байрам» пьесалари ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Шукур Саъдулла А. С. Пушкин, Л. Толстой, Б. Житков, С. Маршак, К. Чуковский, Ж. Родари, С. Михалков, А. Барто асарларини ва В. Осеевнинг «Васёк Трубачев ва унинг ўртоқлари» повестини ва бошқа бир қанча асарларни ўзбек тилига таржима қилган.

Болаларнинг севиқли қўшиқчиси Шукур Саъдулла тичмай янги-янги асарлар устида ишламоқда.





## МЕНИНГ ОРЗУМ

**Ж**уда яхши бўлар эди,  
Москвага борсам мен.  
Кремль юлдузларини  
Кўзим билан кўрсам мен.

Сира эсдан чиқмас эди  
Кенг кўчада юрганим.  
Музейларни, боғ-паркларни,  
Ҳайкалларни кўрганим.

Уттизинчи қаватга мен  
Чиқар эдим эрталаб.

Майдонларни, саройларни  
Кўрар эдим битталаб.

Ер остига тушар эдим,  
Метромизни кўрардим.  
Вагонларда сайр қилардим,  
Завқини хўп сурардим.

Қизил майдонга борардим,  
Катта байрам бўлганда;  
Бизнинг Совет давлатига  
Яна бир ёш тўлганда.

Мавзолейга кирар эдим  
Қадам қўйиб оҳиста.  
Ленин бобомга атаб,  
Қўяр эдим гулдаста.

**ОЧ БҮРИ, ШҮХ ҚҰЗИ ВА  
ҚИРЧАНҒИ**

Қорни очиб, кучи қочиб келарди Бўри,  
Дер эдики: — Йўлиққаннинг қуриydi шўри!  
Не бўлдию қаршисидан чиқди бир Қўзи,  
Севинчидан чиқаёзди Бўрининг кўзи.

Бўри деди: — Очман, ҳозир сени егайман.

Қўзи деди: — Майли, лекин бир сўз дегайман:

Гўштим кабоб, ёғларимни жизза айласанг,

Мурчга пиёз ўлдириб, сўнг мазза айласанг.

Бу дунёга бир келасан, шундай қил, Бўри!

Бўри деди:— Сўзинг маъқул, кенташинг тўғри.

Бўри пиёз, мурч учун овулга борди,

Қўйчивонлар уни уриб, тумшуғин ёрди.

Қайтиб келиб Бўри кўрса, йўқдир Қўзичоқ,

Аламидан деди: — Мени алдабди чатоқ.

— Чатоқ ўзинг! — деди ўтлаб юрган Қирчанғи,

Бўри деди: — Энди сени ейман, эй шанғи!

От дедик:— Мунча қўпол бўлмасанг, нодон.

— Ёлғон! — деди Бўри,— менман катта

билимдон.

От дедики: — Туёғимда бор эди бир хат  
Буни ўқи, отанг сенга ёзган... васият...  
Хат ўқимоқ бўлиб Бўри ортга қайрилди,  
Қалласидан тепкини еб, жондан айрилди.

*1942*

## ЕМҒИР ҒАЛОҚ

Емғир ғалоқ  
Ям-яшил ұтлоқ,  
Энди экинлар  
Чиқарар қулоқ.

Тарновдан ошиб  
Тушади шошиб,  
Сўнг жилғалардан  
Оқади тошиб.

Ариқлар тўлар,  
Зўр анҳор бўлар.  
Сув сероб экан,  
Кўп пахта унар.

Емғирдан фойда  
Майсага, донга.  
Юрт сероб бўлар  
Оқ буғдой нонга.

Емғир ғалоқ,  
Томчи-юмалоқ.  
Емғир тинганда,  
Чиқар камалак.

1950

### ҚАЛДИРҒОЧ

Қалдирғоч, қалдирғоч,  
Уқдай уч, ёз қулоч.  
Юртимизда гул баҳор,  
Уйимизда ин тайёр.

Кел, бизларга меҳмон бўл,  
Шодликда сен ўйна, кул.  
Вижир-вижир сайрагин,  
Қанот қоқиб, яйрагин.

Тухум қўй, бола оч,  
Эркин уч, ёз қулоч.  
Уйимизга соч қувонч,  
Қувончимиз — қалдирғоч.

1952

## ОҚ ОЛТИН

Бизнинг колхоз — пахтакор,  
Республикада донгдор,  
Минг гектар даласи бор,  
Ерлари яхлит.  
Ҳар йил баҳор келганда,  
Илиқ шамол елганда,  
Трактор ер тилганда,  
Экилар чигит.

Бир оз фурсат ўтади,  
Деҳқон ер юмшатади  
Ва роса кўз тутади,  
Чигит унсин деб.  
Ўза чиқар патиллаб,  
Қулоқлари ялтиллаб,  
Деҳқон тарошлар хиллаб,  
Яҳши ўссин деб.

Бизнинг ота-оналар,  
Опалар ва акалар,  
Янгалар ва холалар  
Ишлашар бирга. . . . .

Эртадан то кечгача  
Даламизда ҳамиша —  
Культиватор машина  
Куч тўкар ерга.

Биз бошлаган ягана  
Тугаб қолади, мана,  
Чопиқ қиламиз яна,  
Ғўза ўсар соз!  
Кўтаради баланд қад,  
Қувонч тўлади беҳад,  
Юқтирмаймиз унга гард,  
Келар олтин ёз.

Ғўза кираркан гулга,  
Дала ўхшар кўк кўлга,  
Қарарканман ўнг-сўлга,  
Нуқул чаманзор.  
Гуллар сариқ капалак—  
Худди қўниб тургандек,  
Шарбат эмиб юргандек,  
Ер сатҳи зангор.

Тонг отгандан отамлар,  
Акам, опам, онамлар,  
Хуллас: ҳамма одамлар  
Ишлар мардона.  
Коллектив аҳил бўлсак,  
Меҳнат қилсак, тер тўксак,  
Ғўза тугар кўп кўсак;  
Удир дурдона.



Кўсак ўсиб кунсайин,  
Чоғроқ бир тухумдайин  
Олтин бўлиши тайин,  
Ёз тугар чоғи.  
Очилса кўсак эти,  
Даланинг оппоқ бети,  
Кўринмас боши-кети —  
Оқ олтин боғи.

Машиналар ёнма-ён,  
Юриб, тўхтамай бир он,  
Теришар хирмон-хирмон,  
Дала карвони.  
Ёз бўйи меҳнат қилган,  
Меҳнатни роҳат билган,  
Қолхозчи ишлаб келган,  
Қолмай армони...

Биз ҳаммамиз ҳамжиҳат,  
Пахта келтирди роҳат,  
Шодлик билан ҳаловат,  
Қувончимиз чин.  
Элимиз ғурурисан,  
Дилимиз ҳузурисан  
Ва кўзимиз нурисан:  
Яша, оқ олтин!

1954

## ТУРТ ФАСЛ

### I

Милт этиб чикди қуёш,  
Деди: — Дўстлар, қиш одош!  
Кўрсак, йўқ қора булут,  
Ер юзи кўк гилам—ўт;  
Дарахтлар жуда кўркам,  
Барг ёзар, чунки кўклам.  
Жонланган бор табиат,  
Қайнар ғайрат ва меҳнат.  
Трактор дала бўйлаб  
Юрар ер суриб, куйлаб.  
Чигит экар пахтакор,  
Чунки ҳар ён гулбаҳор.

### II

Келди кўклам каби соз  
Бизлар суйган иссиқ ёз.  
Экин ўсди ерларда,  
Буғдой пишди қирларда.  
Қип-қизарди олчалар,  
Узар ёш болачалар.

Полиз тўла бодринг.  
— Боғбон ота, тез беринг.  
— Сабр қилинг, сиз андак,  
Сўйиб берай ҳандалак.  
Қуёш кўкдан нур сочар,  
Янги дунёлар очар:  
Ўрик пишар етилиб,  
Ерга тушар ситилиб.  
Олма, анор, нок, бодом,  
Тўймайди еб ҳеч одам.  
Ёз бўйи бизда ҳар йил  
Мева пишар тўқсон хил.

### III

Гир-гир шамол елади,  
Буни ҳамма билади.  
Ўгиради елга юз:  
— Марҳамат. Кел, олтин куз!  
Мактаб борар қиз-ўғил,  
Қўлда китоб ҳамда гул.  
Олтин оқар даладан,  
Тонг ёришган палладан.  
Қуёш тушар тафтидан,  
Қўрқиб қишнинг афтидан,  
Сарғаяди кўкатлар,  
Барг тўкади дарахтлар.  
Ҳосил йиғиб олинар,  
Қишга замин солинар.

### IV

Дала-тишда тинди иш,  
Келди меҳмон бўлиб қиш.

(Қиш эмас, у— Қорбобо,  
Совғалари бор бобо.  
Уйда безоғлиқ арча,  
Тепасида ой парча,  
Худди ёздай, баҳордай —  
Илиқ, кузги наҳордай.)  
Қор ёғар кеча-кундуз,  
Сув совқотиб кийган муз.  
Дала-дашт — оппоқ тилам,  
Қоқиб бўлмас сира ҳам.  
Орам берар қор ерга  
Дам-бадам тушиб терга,  
Кела қолса гулбаҳор,  
Эриб кетар ердан қор...

1956





## ХОЛИД РАСУЛ

**Ш**оир Холид Расул 1911 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1927 йилда унинг «Биз ёш юраклар», «Октябрь» сарлавҳали шеърлари ва 1931 йилда «Қалб қўшиғи» номли биринчи шеърлар тўплами нашр этилди. Шундан сўнг Холид Расулнинг «Темир қанот» (1935), «Шеърлар» (1938), «Умр баҳори» (1939), «Ҳаёт илҳомлари» (1949) ва «Бахт нашъаси» (1960) шеър тўпламлари, «Райҳон» ва «Тарас» поэмалари, «Шоирнинг орзуси» шеърый драмаси каби қатор асарлари бирин-кетин яратилди.

Холид Расул «Зокиржон Фурқат ижоди» (1954), «Фурқат— маърифатпарвар, демократ шоир» (1954), «Фурқат» (1959) номли илмий асарларнинг ҳам авторидир.



### БАХТ НАШЪАСИ

**Б**инафша сингари хушбўй илк кўклам  
Порлоқ истиқболдан келтириб дарак,  
Шинам боғимизга қўйганда қадам,  
Кўз очди ҳар япроқ, ҳар нозик куртак.

Ҳилпираб елларда чайқалар гўё  
Духоба сингари далалар мавжи.  
Юракка қуйилар этиб маҳлиё  
Булбуллар қўшиғи—куйларнинг авжи.

Олтин қўлларда чўл — Янгиер бўстон,  
Сабзалар бетида еллар бўсаси.  
Шовулар тераклар, кўм-кўк хиёбон,  
Тинчимас юракда бахтнинг нашъаси.

Май тонги... беғубор теварак осмон,  
Кўкламдан завқланар кўнгил ҳар лаҳза;  
Мен бораман Ленин майдони томон  
Елкамда жонгинам, қизим Фируза:

— Ада, кўрдингизми, бобомиз Ленин.  
— Ҳа, қизим, элга у нур сочар порлоқ.  
Бир қуёш сингари мазлумлар йўлини  
Еритди, яратди бахтдан чаман, боғ.

Кўчалар лиқ тўла безанган одам,  
Нақадар мусаффо юрак ойнаси.  
Мавж урар бахтимиз шу қадар кўркам,  
Истиқбол кўркининг чин нишонаси.

## ГЕОЛОГ

Тоғу тош, дарёлар тинмай кезибсан,  
Нечун кўзларингда теран бир хаёл?  
Бир сиқим тупроқда нелар бор экан,  
Куларми ўшанда порлоқ истиқбол?

Чарчамай кезибсан ер сийнасини,  
Кузатиб чўл, адир, фируза сувлар...  
Қидириб Ватаннинг хазинасини,  
Ёки тўкилганми ерга инжулар?..

— Йўқ, дўстим, инжулар тўкилган эмас,  
Фикр бисотини топмоқ истадим.  
Қидириб бу азиз ердан туганмас —  
Табиат бойлигин очмоқ истадим.

Бир замон тупроқни олиб кўраркан,  
Юзи табассумда, ҳузурда қўли.  
Қидириш ҳисси-ла юрак ўйнаркан,  
Тушунар берилиб: ойдиндир йўли.

Ором олмасинми қўли, юраги  
Қимматли тупроқни бирдан кашф этса,



Кукраса нефть ҳиди, кулса истаги —  
Йил бўйи ўйлаган тилакка етса!

Топти у ўлканинг қора олтинин  
Қўшиб табиатнинг ҳуснига зийнат.  
Очди Андижоннинг жўшқин нефтини,  
Шуълалар ичида яшнар мамлакат.

Фикр чироғини юлдузлар каби  
Ёндирди ёш олим излашда бутун.  
Ихтиро мулкида дилнинг талаби  
Олди ўз ўрнини ва этди мамнун.

Муборак тупроқда нурнинг макони  
Бор экан, шундадир порлоқ истиқбол.  
Чексиз тушунчалар, ўйлар жаҳони  
Қўйнида топмишдир бахт, толе, иқбол.

*1947*

## I

### КОММУНИЗМ МАГИСТРАЛИ

Волга-Дон канали қурилиб бўлди,  
Бепоен қирғоғи ҳуснга тўлди:  
Сувларда акс этар қуёш зарраси,  
Урлади осмонга халқлар урраси.  
Тўғонлар устида ҳилпирар порлоқ  
Лениннинг сурати акс этган байроқ.

Кемалар шлюзлар дарвозасидан  
Утаркан,  
хушxabар овозасидан  
Кўнгилда севинчлар ёзади қанот,  
Кўркини кўрсатар фаровон ҳаёт.  
Аён кўрмоқдамиз нур болқишини,  
Мардлар шарафига халқ олқишини.

Тош-метин тўғондан чайқалиб сувлар  
Жўшар, тўлқинланар гўё туйғулар.

Ижодий меҳнат-ла қурилган канал,  
ГЭС тайёр. Қуввати симларда жадал —  
Юради. Чироғлар — Ильич нурлари —  
Советлар юртининг сўнмас дурлари.  
Сувлар кўтарилар тинимсиз, баланд,  
Халқлар орзусига этилиб пайванд.  
Қардошлик қўлини чўзгандек гўё  
Қўшилди бу икки қудратли дарё.  
Инсон меҳнатидан жўшиб Волга-Дон,  
Тўлқинлар шовиллар, сўнг оқар равон.

Туташган беш денгиз, ўнлаб дарёлар  
Устида порлайди ёрқин зиёлар.  
Мавжланиб бирлашган сув силсиласи —  
Қўйнида кезади дўстлик кемаси.  
Волга-Дон сувидан чўллар баҳраманд,  
Олтиндай бугдойнинг ҳосили баланд.

Мустаҳкам тўғонлар, қирғоқлар бўйлаб  
Каналнинг сувлари чайқалиб куйлаб:  
Бу ерда тинч меҳнат таратди шуҳрат,  
Инсонга бўйсунди ўжар табиат.

Кўкламлар кезмоқда чўлларда мангу,  
Улуғ халқ ишининг тантанаси бу.  
Халқларнинг энг буюк меҳрибонининг,  
Навқирон умрлар чароғбонининг  
Номига қўйилган бу халқ канали —  
Коммунизм тонгин магистрали.  
Нур-ла улуғланган Ленин номини,

Унинг халққа берган зўр илҳомини  
Асрлар, замонлар тилга олар шод,  
Толеи ярқираб бахтиёр авлод,  
Абадий юксалиб ленинча ғоя,  
Бу кунлар ҳақида қилар ҳикоя.  
Коммунизм юртин шонли маёғи —  
Советлар халқининг тинчлик байроғи  
Истиқбол йўлларин ёритиб ҳар чоқ,  
Волга-Дон устида ҳилпирар порлоқ.

1952

## ТАБИАТ ЛИРИКАСИ

Илинар қуёшнинг сўнги шуъласи  
Сада, чинорларнинг кўм-кўк баргига.  
Юрак торларининг ҳар бир пардаси  
Қўшилар сувларнинг шаршарасига.

Йигит, қизлар қайтиб кенг пахтазордан  
Орттирар қишлоқнинг шукуҳин, файзин.  
Ильич чироқлари деразалардан —  
Боқиб уялтирди кўкнинг юлдузин.

Қишлоқ кўчасига тўлиб изма-из  
Ўтлоқдан маърашиб қайтади пода.  
Юракка яқин бу манзара чексиз  
Колхоз бойлигини қилар ифода.

Қатор теракларнинг остида уйлар  
Ярқираб кўринар ёруғ, зиёда.  
Ҳавони тўлдириб жаранглар, куйлар,  
Барча ором олар колхоз боғида.

1954

## Қ И З И М Г А

Қизим — Саодатим, ухламоқдасан,  
Балки тушлар кўриб тўлғанмоқдасан,  
Юзингда табассум очиб гул гунча,  
(Қизгинам, тушларинг ширинми шунча,) —  
Ҳозир соат неча Тошкент вақти-ла?  
— Соат икки ярим — қоқ ярим кеча.  
Бутун шаҳар халқи сокин уйқуда,  
Ором олмоқдасан сен ҳам осуда.  
Мен эса шу онда улуг Россия  
Кўкида учаман бир заррасимон,  
Ана у Москва, кенг гардиш осмон —  
Ильич нурларида болқиди шу он.  
Қуёш ғарбга ботган пояма-поя,  
Қип-қизил шафақлар лола сингари,  
Уфқ чеккасида бўлиб ҳошия —  
Чопарди ранг-баранг силсилалари.  
Москва ҳузурбахш худди офтобдай,  
Жаҳонга ёйилар ол шуълалари.  
Дарёлар ялтираб гўё симобдай  
Шаҳар четларида уқа сингари.  
Ҳозир ҳамма ёқда судраледи тун,

Лекин бунда ёруғ, чексиз мусаффо —  
Ватаннинг юраги гўё катта кун —  
Нурлари оқади зўр, азим дарё.  
Ана шу тинчликнинг гўзал пойтахти,  
Эркесвар оламнинг умиди, бахти —  
Тепасида, юксак фазода учиб,  
Энг тоза ва хушбўй ҳавони қучиб,  
Яйрайман, роҳатда тин олар жаҳон,  
Сен ҳам тинч ухлайсан офатдан омон.  
Қизим, Шарқ тонгининг сулув чоғида  
Уйғониб, қийқириб, ўйнаб-куласан,  
Бахтимнинг яшнаган гулзор боғида  
Улғайиб ақлга, кучга тўласан.

1956

\* \* \*

Инсоннинг идроки, фикри парвозда  
Очар фариштасиз осмон сирини.  
Қандай ҳаёт боркин Зухра юлдузда,  
Қўҳликми ўрмони, чўли, қирими?

Инсоннинг қудрати сайр этар гўё:  
«Еттиламчи» осмон — «тангри даргоҳин»  
Афсона пардасин йиртиб нур — зиё  
Юборар ракета Ернинг ҳамроҳин.

Совет илми чексиз, кенг коинотда  
Фаннинг чақмоғини ёриб кашф этар;  
Юлдузлар чамани — фалакиётдан  
Келажак асрга тухфа бахш этар.

1960







## РАЪНО УЗОҚОВА


(1916—1947)

**У**стедодли шоира Раъно Узоқова Сурхондарё область, Жарқўрғон районининг Оққўрғон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган эди. Ота-онадан ёш етим қолган Раъно бошланғич маълумотни интернатда олиб, сўнг, 1927 йилда Термиз таълим-тарбия техникумига ўқишга киради. Техникумда ўқиб юрган йилларида унда поэзияга қизиқиш пайдо бўлади ва у ҳар бир ёш шоирларга хос ижодий поғоналарни босиб ўтади.

Самарқанд адабий муҳитида ижодий камолат сари борган Раъно Узоқованинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган мардона асарлари, айниқса катта аҳамиятга эгадир. Унинг 1942 йилда нашр этилган «Мардона юринг» поэтик китоби социалистик

Ватан озодлигини ва мустақиллигини барбод қилишга уринган душманларга ўтли нафрат, бутун кучини ғалаба қозонишга сафарбар қилган совет кишиларига чексиз муҳаббат туйғуларининг гўзал ифодасидир.

Афсуски, самимий қалб ва нозик поэтик талант соҳиби Раъно Узоқова 1947 йил 10 сентябрда Самарқанд шаҳрида бевақт вафот этди.



\* \* \*

С адоқатни мерос билган  
Жонлар лабидан,  
Аҳди аниқ, кўзи ёниқ  
Ерлар қалбидан  
Ёздим висол қўшиқларин  
Олтин баҳорда.  
Ҳаётимиз мадҳин айтдим  
Шу ниҳол торда.  
Лекин шеърим хазинаси  
Сочолмаса дур,  
Бу ҳаваскор шоирангиз  
Сўрайди узр.

### СЕВАМАН ЖОНДАН

Ер бағрини қоплаган оқ қор  
Эриганда,  
Сувлар тошганда;  
Тоғдан тушган кумуш ирмоқлар  
Қаҳқаҳаси ҳаддан ошганда,  
Дарахтларнинг сийдам шохлари,  
Ҳув... яланғоч гул булоқлари —  
Куртак очиб, чечак отаркан,  
Сўнг лолалар нозли боқаркан,  
Уни еллар ўпиб қочганда,—  
Тебранишин севаман жондан.

Ложувард кўк юзида булут  
Қарвон бўлиб сафар қилганда,  
Кўк чодирин кўтариб қуёш  
Шуълалари нозли кулганда,  
Кенг оламга атир ҳид сочиб  
Ёмғир шаббадаси елганда;  
Духобадан яшил тўн кийган  
Майсаларнинг чеҳраси хандон.

Ана шунда  
Марварид томчи  
Озор бермай аста тушаркан,  
Гунча лабин очаркан шунда,—  
Гул хандасин севаман жондан...

Дилим жўшқин,  
Дилим шалоладай,  
Ҳаёт баҳорининг куйчиси.  
Чечак очган буюк умидимга  
Совуқ қишнинг етмайди кучи.  
Севгим илиқ,  
Худди офтобсимон,  
Изғиринни писанд қилмайди:  
Қор-бўронни кўзга илмайди,  
Севгим оламининг зўр қуёши  
Қора булут ичра кирмайди.  
Шу сабабдан унинг чечаклари  
Сўлмас бир баҳорда жилмайди.  
Мен севаман шу-чун  
Гулбаҳорни,  
Севаман оҳ, севаман жондан.  
Бу севишлар, жўшқин муҳаббатлар  
Лаззат эмган вафоли тонгдан.  
Вафо демак: севги оламининг  
Тириклиги, суви, қуёши,  
Вафо бўлса,  
Муҳаббат аҳлининг  
Томмас қатра-қатра кўз ёши.  
Қуёш юзин очиб  
Гул баргидан  
Ширин-ширин бўсалар олса,  
Кўнгил қуёши ҳам сочини силаб

Эркалатса, яйрата қолса;  
Оҳ, шу чоқда қизил ғунчаларнинг  
Тўлғанишин севаман жондан.  
Ишқ шаробин ичган  
Ғунча лабдан  
Бол томишин севаман жондан;  
Гулга қўнган  
Ошиқ булбулнинг ҳам  
Шўх хонишин севаман жондан.

*1940*

## ЯХШИ БОР

Яхши бор, эй шаҳло кўз дилдор,  
Севгим бўлур жангда мададкор.  
Наъра тортиб ўтли майдонда  
Шум тилакли ёв юрагин ёр!

Айрилиқни истамас эдим,  
Сени жангга қистамас эдим,  
Жудоликдан жон қийналса-да,  
Паҳлавоним, жангга бор, дедим.

Чунки жангга кетмасанг бўлмас,  
Кўксинг қалқон этмасанг бўлмас.  
Элга ажал уруғин сепган  
Ёвни талқон этмасанг бўлмас.

Фашизмнинг йиртқич панжаси,  
Жаллодларнинг қонли найзаси,  
Чаманзорни мазор қилмоқда,  
Эшитилар етимлар саси.

Гитлер амри дор тикиш бўлди,  
Озод элда қон тўкиш бўлди.

Қасос отин миниб қардошлар  
Ёвга қарши оёққа турди.

Сен ҳам отлан отингга, ёрим,  
Қатордаги бир шеру-норим.  
Ватандошинг Қўчқордек кураш,  
Сўзи ширин, кўзи хуморим.

Ғанимларга вабо бўлиб бор,  
Эл дардига даво бўлиб бор.  
Ажал тортиб келган фашистга  
Бу белоён дунё бўлсин тор.

Бўлсанг агар бир марди майдон,  
Номинг тилда қилурлар дoston,  
Мен ҳам сенга қилай фидо жон,  
Ёвни енгиб қайт эсон-омон.  
Боғда битган гулим, яхши бор,  
Менинг жону дилим, яхши бор!

*1941*



## ФАРЗАНД

*(Кўчириб келтирилган гўдакка)*

### I

Фарзанд, фарзанд... қандай ширин сўз,  
Тилга олсанг, дилинг қувонар.  
Қўлга олсанг, булбулигўё,  
Боқсанг, кўзда меҳр ўти ёнар.

У умринг фасли, меваси,  
Келажакни қўлда кўрасан.  
У, бир ойна, унга термулиб,  
Ҳаётингга оро берасан.

Она жондан севар фарзандин,  
Ҳар нарсадан унга шу азиз.  
Шунинг билан яшамоқ ширин,  
Шунинг билан ҳаёт бол — лазиз.

### II

Мана мен ҳам бугун онаман,  
Талпинади қўлимда қизчам...  
Яна қийқир, ўйна-кул, қўзим,  
Умримга сен ҳусн, қундузчам.

Тўғри, кимдир узоқ элатда,  
Шод бўлгандир туққанда сени,

Бағри тўлиб чаман ҳаётда  
Жондай асраб тутгандир сени.

Қувонгандир сен билан кун-тун,  
Саҳарларда алла айтгандир.  
Даданг чўзса қўлини, бермай  
Талпинтириб, кўз-кўз этгандир.

Совуқ елни раво кўрмасдан  
Момиқларга ўраб тутгандир,  
Ўтмасин деб бошингдан офтоб,  
Қипригини соя этгандир.

Қани энди у туққан онанг,  
Қайда унинг иссиқ бўсаси?  
Сен «она!» деб талпинган чоқда  
Онагинанг ўзи бўлсачи...

Йўқ, у энди кўролмас сени,  
Уни фашист ҳалок айлаган,  
Заҳарланган ханжари билан  
Пок сийнасин чок-чок айлаган.

Сен ўксинма, кўзимнинг нури,  
Бағримда сен, етим эмассан.  
Маъюс бўлиб, ҳарён термулиб:  
— Қани менинг онам?— демассан.

Менда жўшиб оналик меҳри,  
Эркалайман, бошинг силайман.  
Совуқ елдан ва гармселдан  
Асраб сенга бахт тилайман.

Гўдаккинам, умрлар бўйи  
Эслагаймиз Ватан қурбонин.  
Қасос олиб онанг-чун, ёвнинг  
Қиражакмиз аблаҳ авлодин.

1942

### УНУТМАДИМ МЕН ҲАМ

Қаранг дўстлар қандай чиройлик  
Ёр қўли-ла ёзилган бу хат.  
Қувончларим сиғмай оламга  
Нега энди айлайин фарёд,  
Унутмабди, мен унутайми?

Тўтиёдек кўзимга сурсам,  
Арзир унинг ҳар бир мисрасин,  
Шунчалиқдир севгига вафо,  
Шундай бўлур йигит сараси;  
Унутмабди, мен унутайми?

Неча ойлар, йиллар ўтса-да,  
У сақламиш ишқим дилида,  
Жон олиб, жон берган дамларда  
Такрорламиш исмим тилида,  
Унутмабди, мен унутайми?

Фироғида интизор кўзлар  
Мана энди ўтдек ёнади.  
Юрак эса, гўдақ сингари

Севинчидан чапак чалади.  
Унутмабди, мен унутаимми?

Галабага чалинди карнай,  
Днепрдан ўтиб келди ёр.  
Баҳодирни табрик этгали  
Ўз жонимни айладим нисор.  
Унутмадим, ҳеч унутмасман.



## ШУҲРАТ

**Ш**уҳрат (Ғулом Алимов) 1918 йилда Тошкентда касиб оиласида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, 1936 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида таълим олди.

Адабиётга бўлган қизиқиши жуда эрта уйғонган Шуҳратнинг илк шеърлари 1935 йилдаёқ матбуотда кўрина бошлади ва 1940 йилда «Меҳрол» поэмаси нашр этилади. Худди шу йили шоир «Орзу ва қасос» поэмасини ҳам яратди.

1941—1944 йилларда Улуғ Ватан уруши фронтларида қатнашган Шуҳрат катта ҳаёт мактабининг босиб ўтди. Шоирнинг Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тинч яратувчан халқ меҳ-

нати ҳақидаги туйғулари «Ҳаёт нафаси» ва «Қардошлар» каби китобларида ўз ифодасини топган.

Шуҳрат проза жанрида ҳам муваффақият билан ишламоқда. «Балоғат» номли ҳикоялар тўплами ва 1958 йилда ёзиб тугатилган «Шиңелли йиллар» романи бу фикрнинг далилидир.



### МУЪЖИЗА

**В**ужудимни титроқ босди,  
Ҳаяжондан тилим лол.  
Кўзларимни ишқаб кўрдим,  
Тушимми, деб эҳтимол.  
Йўқ, ҳақиқат! Ҳақиқатдир!  
Ҳақиқий бу муъжиза!  
Бу ҳақиқат қаршисида  
Афсоналар гунг, изза!  
Афсонани халқнинг ўзи  
Яратганди бир маҳал,

Бугун яна унинг ўзи  
Бу жумбоқни қилди ҳал!  
Инсон ақли! Инсон ақли  
Қуёшдан ҳам нурлидир.  
Шоир бўлсанг, сўз конингдан  
Тасвирига дур қидир!  
Инсон боши кўкка етди,  
Ердан узиб оёғин.  
Фазоларда силкиб ўтди  
Тафаккурнинг байроғин!  
Бу лаҳзани ғойибона  
Кўрган эди Ленин ҳам,  
«Аврора»нинг илк залплари  
Мағрур нидо берган дам!  
Инсон боши кўкка етди!  
Қандай шараф, тантана!  
Оёғингга бошим қўйиб  
Дейман:— Раҳмат, эй она!  
Она-Ватан! Сенинг меҳринг  
Фарзандингга қанотдир.  
Сенинг меҳринг муъжизадир,  
Сенинг меҳринг ҳаётдир.  
Мард Гагарин ер юзидан  
Оёқ узиб кетганда,  
Афсонавий бўш фазонинг  
Меҳварига етганда,  
Ўзинг эдинг йўлларида  
Машъал бўлиб ёнган нур.  
Ўзинг эдинг мардлигига  
Айтиб турган ташаккур.  
Ўзинг эдинг мадаккори,  
Ўзинг эдинг йўлдоши.  
Фақат, фақат сен туфайли



Бўлди Қуёш элдоши!!  
Адаштирамай таниб турди  
Фазода ҳам ерингни:  
Улкан дарёнг, кенг ўрмонинг,  
Боғу роғинг, қирингни!  
Сенинг меҳринг соғ-саломат  
Ерга уни қўндирган.  
Сенинг меҳринг юрагида  
Мардлик ўтин ёндирган.  
Фазо энди бўшлиқ эмас,  
Гагариннинг изи бор.  
Изи эмас, сўзи эмас,  
Мард инсоннинг ўзи бор!  
Қандай бахтки, Гагаринга  
Ватандошман ва ўртоқ.  
Ватандошлик шавқи билан  
Бугун қалбим бўлли тоғ!  
Вужудимда ғурур кезар.  
Кўзларимда хаяжон.  
Мағрурлансам ҳаққим бордир,  
Ажабланма, эй жаҳон!  
Биз иккимиз бир байроқни  
Маҳкам тутган элатмиз.  
Нақ бир данак ичидаги  
Қўш мағиз-ялакатмиз!!  
Тонгимиз бир, донгимиз бир,  
Бирдир ёруғ юлдузи.  
Бир тупроқдан озиқ олган  
Иқболимиз илдизи!  
Фикру, зикру, ўйимиз бир,  
Бир дарахтнинг баргимиз.  
Бир кечада туғилгандир  
Бахт-саодат, эркимиз!

Шундан бери ўртамизда  
Неъмат тўла дастурхон!  
Ҳавас қилсанг арзир сен ҳам  
Бу қисматга, эй жаҳон!  
Яша, дўстим, асрдошим,  
Ўлкадошим Гагарин!  
Севинчимдан кўкда бошим,  
Елкадошим Гагарин.  
Яша! Яша, афсонавор  
Умринг бўлсин пойидор.  
Жумла жаҳон сенга қойил,  
Хизматингдан миннатдор.

### ТАЪНА ҚИЛМА

«Нега мунча сочларинг оппоқ»,—  
Ҳар кўрганда қиласан таъна.  
Ҳар кўрганда термулиб узоқ,  
Дейсан яна:— «Қорасин сана!»

Майли, отсанг таъна тошини,  
Майли, қилгил истасанг ҳазил,  
Майли, сочинг Қазбек бошини  
Эслатади десанг муттасил.

Тўғри, сочим оппоқ қорсифат,  
Ҳар толаси жанглардан ёдгор.  
Эл бошига тушганда кулфат  
Қилич тутдик қўлларга такрор.

Жанг фурсати хилма-хил, эркам,  
Оқ туширар ҳолатлари бор.  
Сочимда қиш, кўнглимда баҳор,  
Шунинг ўзи қандайин кўркам.

### ШАУМЯН ҲАЙКАЛИ ҚАРШИСИДА

Бир қучоқ гул билан қошингга келиб,  
Қаршингда бош эгиб, тиззамни букдим.  
Ҳаётинг йўлидан миннатдор бўлиб,  
Бир томчи ёш билан қалбимни тўкдим.

Қалбимда бор эди меҳрим, ҳурматим,  
Шу меҳр қошингга етаклаб келди.  
Шу меҳр қалбимга гўлгула солди,  
Йўлларнинг уфқига қараб турмадим.

Ассалом! Бургут кўз, оташин юрак!  
Ассалом! Қавказнинг шонли шунқори!  
Сен кураш байроғин тутиб юқори  
Истиқбол тонгига боқдинг кўп тийрак!

Қўзингга қарасам, қўзингда ҳамон  
Улмаган қалбингнинг ўти ёнади.  
Қўзингга қарасам, бу ёруғ жаҳон  
Бахт билан тўлғаниб, минг товланади!

Қўзингда ҳаётга ҳали тўймаган  
Инсоннинг кураши, муҳаббати бор.

Кўзингда ёв кўзин тубдан ўймаган  
Баҳодир жангчининг ўч, нафрати бор.

Қўлингга қарасам, кафтингда ҳамон  
Ленин қўлларининг иссиқ тафти бор.  
Кўксингга қарасам, кифтингда ҳамон  
Жанг-кураш юки бор, голиб забти бор!

Кўзимга нур тўлди боқсам кўзингга,  
Қалбингдан қалбимга журъатинг оқди.  
Суқланиб боқаман шонли изингга,  
Изинг кўп шарафли, изинг порлоқдир.

Майлига курашда ўртансам, ёнсам,  
Майлига элликка етмасин ёшим!  
Майлига сен каби қонга белансам,  
Ўқлардан ғалвирак бўлса бу тўшим!

Сен қилган хизматнинг юздан бирича,  
Шаумян, қилолсам халқимга хизмат,  
Миннатдор бўлардим умрим борича  
Ҳаётдан, бахтимдан, тақдирдан беҳад!

1959

## ҚИЗ ҲАЙКАЛИ

Тбилисида шаҳарнинг ҳамма еридан кўринадиган баландликка бир қўлида пиёла, бир қўлида қилич тугган гуржи қизининг ҳайкали қўйилган. Бу Гуржистон рамзидир.

Бир қўлингда шароб тўла пиёла,  
Бир қўлингда тиғли қилич ярқирар.  
Кўзларингда на ҳасрат бор, на нола,  
Кўзларингда шонли ҳаёт барқ урар!

Мен биламан одатингни, жасур қиз:  
Ол шаробинг дўстинг учун тортиқдир.  
Қимки келса ватанингга шум, ёвуз —  
Ният билан қилич унга бир тиғдир!

Ишонч билан юриб бордим қошингга,  
Кўзларингда ҳаёт кўрдим, шон кўрдим.  
Ўтмишларнинг алами бор тўшингда,  
Ўтмишлардан қиличингда қон кўрдим.

Табассум-ла кутиб олдинг, май тутдинг,  
Мен симирдим, шароб эмас мисли нур.  
Дўстлигимга ишондингу қайд этдинг,  
Ишончингга минг ташаккур, ташаккур!

Ишон, синглим, бизнинг дўстлик метиндир!  
Тошлар эриб, денгиз қуриб кетса ҳам,

Қилт этмасдан турар мангу мустаҳкам  
Бу юраклар истагидир, ўтидир!!

О, Гуржистон рамзи бўлган гўзал қиз,  
Бахтинг билан мангу яша, чўкма тиз!

*1959*

### Б И Л О Л М А Д И М

Гўзал Қавказ, о, Гуржистон, айта қол.  
Мен келганда баҳормиди, ёзмиди?  
Кўлларида куни бўйи бемалол  
Сузиб юрган ўрдакмиди, ғозмиди?

Йўлларида қатор-қатор кўринган  
Сурх қоматлар теракмиди, толмиди?  
Чўққиларда оппоқ бўлиб суриган,  
Билолмадим, булутмиди, қормиди?

Тоғдан тоққа енгил-енгил сакраган  
Тоғ эркаси оҳумиди, шермиди?  
Чой баргида сал ел билан титраган  
Шудрингмиди, мардлар тўккан термиди?

Қизларингнинг ол лабига нур берган  
Адаш тушган нуқтамиди, холмиди?  
Лабларида қатра-қатра эриган,  
Билолмадим, шакармиди, болмиди?



Анормиди, олмамиди тўшида  
Кўз-кўз қилиб олиб юрган нарсаси?  
Ўтган ҳафта, янги ойнинг бошида  
Совғамиди менга берган нарсаси?

Билолмадим. Билолмасдан доғдаман,  
Билолмасдан қайтиб кетдим юртимга.  
Изоҳлашга ваъда берсанг қайтаман,  
Қор ёғса ҳам, дўл ёғса ҳам ортимга!!

1959

---

## КЕКСА КОММУНИСТ ҲИКОЯСИ

(Баллада)

«Аврора»дан отилган ўқ  
    Ҳали янграр қулоқда;  
Ҳали борар қонли жанглар  
    Шаҳар, дала, қишлоқда.  
Ҳарбий ҳолат ҳукмидайди  
    Ҳали шонли Петроград.  
Бир-бирига ўқ отарди  
    Зулм билан ҳуррият.  
Ҳам заводда ишлардигу,  
    Ҳам шу ерда ётардик.  
Тўғри келса станокнинг  
    Ортидан ўқ отардик.

Мижжа қоқмай узун-узун  
Кечаларни ўтардик.  
Толиқардик, бош қўйдикми,  
Бир тош каби қотардик.  
Постда эди ишчи отряд:  
Кўприк, бино, заводда.  
Қишилиқнинг тонги отиб  
Келар эди жанг — ўтда!  
У маҳалда мен ёш эдим,  
Куч кўп эди билакда.  
Жўш урарди ғалабага  
Бўлган ишонч юракда.  
Биз ёшлардан танлаб-танлаб  
Туздилар бир зўр отряд:  
Бир отрядки, ўлимга ҳам  
Дейди:— «Тўхта, йўқ фурсат!»  
Смолийда постда турдик,  
Менга тегди коридор.  
Коридорки, ҳаёт қайнар.  
Бир ҳаётки, жуда зўр;  
Шунда эди революция,  
Ғалабанинг юраги.  
Шунда эди бош кўтарган  
Россиянинг тираги!  
Қуни бўйи постда бўлдим,  
Қолиб кетдим тунда ҳам.  
Не учундир келмас эди  
Алмашмоққа бир одам.  
Неча кундир ухлмасдим,  
Толиққандим жуда ҳам...  
Тонгга бориб оёқ тинди  
Коридорда бирмунча.

Бир оз кўзим мизғиб қобди,  
Шу оғир тонг ўтгунча.  
Бир вақт кўрсам, кимдир қўяр  
Елкам узра қўлини.  
Гўё аста уйғотарди  
Ота севган ўғлини.  
Кўзим очиб чўчиб кетдим:  
Ленин турар қаршимда!  
Кўзларимни пирпиратдим  
Кўрдимми деб тушимда.  
Хаёлимдан ўтди шу дам:  
Берар ҳозир у койиб!  
— Постда ухлаш мумкинми?— деб,  
Кулди фақат жилмайиб.  
— Йўқ, мумкинмас, ўртоқ Ленин!  
Бу менинг зўр хатоим,—  
Дедим зўрға қип-қизариб,  
Ва бошимни эгдим жим.  
Постда ухлаш яхши эмас,  
Кечирилмас бир ҳолдир!  
Аммо, лекин нечораким,  
Бўлган эди бу содир!  
Ҳар жазога тайёр эдим,  
Турар эдим эгиб бош.  
— Нега сизга келмади-кан  
Шу чоққача бир алмаш?—  
Деди Ленин менга бир-бир  
Бошдан-оёқ кўз тикиб.  
Мен турардим номус букиб,  
Терга ботиб, бош эгиб.  
Алмаш сўраб менга ўзи  
Комендантга сим қоқди.

Мени эса кабинетга  
Таклиф этиб, жим боқди.  
Мен ортидан аста юрдим,  
Қириб бордим кетма-кет.  
Ўзи каби жуда оддий,  
Қамтаргина кабинет:  
На дабдаба, на бир ҳашам,  
На кўз куяр жиҳоз бор.  
Ленин шунда ишлар деса,  
Ишонмасдим ҳеч, зинҳор...  
Ўзи стул олиб, мени —  
Таклиф этди диванга.  
Менинг кўзим қадалганди  
Қитоб тўла жавонга.  
Ленин мендан суриштирди  
Оиламни, ўзимни.  
Диққат билан қулоқ солди,  
Сира бўлмаи сўзимни.  
— Отам,— дедим,— «Арсенал»да  
Ишчи эди ёшликдан.  
Уч йил бурун вафот этди  
Оғир меҳнат, очликдан.  
Икки акам жанг-фронгда  
Дом-дараксиз йўқолган.  
Уйда эса бемор онам,  
Уч кичик синглим қолган.  
— Уйда қачон бўлгандингиз?  
— Ўн беш кунлар муқаддам.  
— Шунчалик ҳам бағри қаттиқ  
Бўладими ҳеч одам!  
Яхши эмас! Ҳозир кетинг,  
Хабар олинг ҳолидан.

Она сўзи тотли, аъло  
Минг чаманнинг болидан.  
Тез-тез кўрмоқ зарур эди,  
Бемор экан айниқса.  
Яхши эмас, сизни кутиб  
Йўлингизга кўз тикса.  
Биз ўлкани она-Ватан  
Дейишимиз бежизмас.  
Яхши фарзанд жондан севар,  
Шаънига доғ тегизмас!  
Ленин узоқ суҳбат қилди,  
Сўзлаб берди кўп нарса.  
«Келгусимиз қандай порлоқ,  
У айтгандек иш борса»,—  
Дедим ундан чиқаётиб  
Ўз-ўзимга, қувониб.  
Йўлим равшан кўринарди,  
У сўзлардан нур олиб.  
Ўша куни кетолмадим —  
Уйга, зарур иш чиқиб.  
Индинига борсам онам  
Қарши олди хуш боқиб.  
Руҳи енгил, гўё дарди  
Танасидан ариган.  
Уни кўрган киши энди  
Демас:— Бевақт қариган!  
Қарашлари ўтли, равшан  
Ҳаракати шўх, тетик.  
Синглим билан кўз тўқнашиб,  
«Ўзи нима гап?» дедик  
(У ҳам ишдан келган эди  
Менинг билан кетма-кет.)

Онамизни ўраб олдик,  
    Ўтиришдик бетма-бет.  
Онам ҳеч вақт юрган эмас  
    Шу даража қувониб.  
Сабабини сўзлаб берди,  
    Кўзларида ўт ёниб.  
Кеча тушда эшик қоқиб  
    Икки одам келибди.  
Бири врач, бири ҳарбий,  
    Гўё меҳмон бўлибди.  
Врач уни обдан кўриб,  
    Дори-дармон қилибди.  
Ҳарбий киши бир қопчада  
    Совға-салом берибди.  
— Қаердансиз?— дебди онам  
    Ишонмай ўз кўзига.  
— Смольнийдан,— дебди ҳарбий  
    Кулги қўшиб сўзига.  
Аммэ у ҳеч айтмабди ким  
    Юборганин уларни.  
Фақат дебди у:— Сиз учун  
    Олиб келдик шуларни.  
Онам ҳамон билмас эди  
    Ким юборган совғани.  
— Минг ташаккур айтар эдим  
    — Дерди,— билсам, оҳ, қани!  
Шундай ғамхўр, меҳрибон зот  
    Ким бўлдийкин-а, ўғлим?  
— Ким бўларди, ўртоқ Ленин!  
    Ундан ғамхўр инсон ким!  
— Ўртоқ Ленин?— деди онам,  
    Бир лаҳзага жим бўлди.

Кулиб турган кўзларига  
Севинч ёши лиқ тўлди.  
Умр бўйи онам тўккан  
Жуда кўп ёш, албатта.  
Чунки унинг умри ўтган  
Муҳтожликда, гурбатда.  
Аmmo бу ёш ўхшамасди  
У ёшларга сира ҳам.  
У ёшларда мавжуд эди  
Қайғу, ҳасрат, ғам-алам.  
Бу ёш эса қалбдан чиққан  
Миннатдорлик, ташаккур.  
Бу ёшларда мавжуд севги,  
Бахт, тантана, порлоқ нур!  
Аввалгидек бу ёш бўлмас  
Кўзларида зўр парда.  
Бундай ёшни у тўкарди  
Ўз умрида илк марта!  
— Ленин... Ленин..., — дерди унинг  
Лаби аста ўзича.  
Онам завқдан ухлолмади  
Тонг отгунча шу кеча!  
Тонгда туриб уй тўрига  
Осди унинг расмини.  
«Унга содиқ бўлинг!»— дея  
Улғайтирди наслини.

1957



## МЕҲРИБОН ҚҰЛ

Ҳаёт кўриб, ақлим таниб,  
Санабманки ёшимни,  
Бир меҳрибон, шафқатли қўл  
Силар доим бошимни.  
(Бош силаса, бўй ўсади,  
Кўнгил бўлар мисли тоғ.  
Уфқ йўли равшан бўлур,  
Тунинг ёруғ, тонгинг оқ!)  
Шу қўл мени ёшлигимдан  
Мақтаб сари йўллаган.  
Оғир-оғир имтиҳонда  
Тирак бўлган, қўллаган.  
Тоққа чиқсам, конлар излаб,  
Қўлтиғимдан ушлаган.  
Чўлга ҳаёт кирганида,  
Йўлни ўзи бошлаган.  
Унинг ўзи тозалаган  
Чўп-хаслардан йўлимни,  
Доим тетик, бардам тутган  
Бу навқирон дилимни.  
Мен фронтда ёв қувганда  
Куч бахш этган шу қўлдир.  
Жангдан ғолиб қайтганимда  
Гул ҳам тутган шу қўлдир.

Шу қўл менга чироқ ёққан  
Энг қоронғи тунларда,  
Шу қўл менга бахт тилаган  
Зўр синовли кунларда.  
Шу қўл менга қанот бўлди  
Учсам космос — фалакка.  
Шу йўл мени олиб келди  
Энг муқаддас тилакка.  
Денгизларда сузганимда  
Маёқ бўлган шу қўлдир.  
Мен танлаган музаффар йўл  
У кўрсатган кенг йўлдир.  
Шу қўл ҳамон кўрсатади  
Истиқболим уфқини.  
Унга мангу бахш этилган  
Юрагимнинг ёлқини!  
Бу қўл сенсан, жон партиям,  
Букилмайсан ҳеч қачон.  
Сенинг азму қудратингга  
Қойил жумлаи жаҳон.  
Идрокимсан, виждонимсан  
Ва коллектив ақлисан,  
«Коммунизм боғи ана!»—  
Деган ёрқин уфқимсан.  
У уфққа етмоқ шараф,  
Бошла халқим измингга.  
Башарият бахти, кўрки,  
Истиқболи азмингда.  
Узинг ёққан чироқдандир  
Йўлимизга тушган нур.  
Сенга дермиз умр бўйи  
Минг ташаккур, ташаккур!

1961




## АДҲАМ РАҲМАТ

**А**дҳам Раҳмат 1909 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. У ёшлигида болалар уйида тарбияланди. Сўнгра Тошкент медицина техникумини битириб, ўқитувчилик қилди; «Янги Фарғона» газетасида, Ўзбекистон Ёзувчилари союзи Қўқон бўлимида, Ўзбекистон Давлат нашриётида, «Еш ленинчи» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталари редакциясида, Ўзбекистон радиокомитетида ишлаб келди.

30-йиллардан бошлаб республика вақтли матбуотида Адҳам Раҳматнинг мақола ва шеърлари босила бошлади. Унинг «Бахтли ёшлик» (1936), «Дум» (1937), «Завқли аллалар» ва «Шеърлар» (1940) тўпламларидаги ашула, шеър ва поэмалар болаларнинг севимли асарларига айланди.

Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларидан бошлаб Адҳам Раҳмат Совет Армияси сафида хизмат қилди, фронт газеталарида ўз очерк, шеър ва мақолалари билан қатнашиб турди.

Улуғ Ватан уруши тугагач, Адҳам Раҳмат яна қувноқ совет болаларига атаб шеър, эртак, ҳикоя ва пьесалар яратиш устида самарали ишламоқда. Сўнги вақтда унинг «Бизнинг боқчамиз», «Шеър ва эртаклар», «Танланган асарлар» китоблари босилиб чиқди. Езувчининг «Абдулла Набиев» драмаси Охунбоев номли республика ёш томошабинлар театрида ва Андижон, Қўқон, Каттақўрғон театрларида қўйилди.



### О И Л А М И З

**Б**изнинг қишлоқ ва колхоз —  
Мен туғилиб ўсган жой,  
Бу жойларда илгари  
Бўлган экан тўқай-сой.

Ҳозир эса бу қишлоқ  
Қолишмайди шаҳардан,  
Шаҳар каби бу ерда  
Ҳаёт қайнар саҳардан.

Оппоқ уйлар қурилган,  
Тунлари ҳам кундуздек,

Электр чироқлари  
Чақнаб ётар юлдуздек.

Ерларимиз ҳайдалар  
Электрнинг кучидан.  
Қўриқларга сув чиқар  
Насосларнинг учидан.

Боғларимиз чамандек,  
Уйнаб, яйрар қушчалар.  
Қушлар бизнинг дўстимиз  
Завқланамиз учсалар.

Катта йўлнинг бўйида  
Қолхозимиз гулбоғи.  
Ғозу ҳамда ўрдакка  
Тўла дарё қирғоғи.

Пахтазори поёнсиз,  
Адирларда буғдойи.  
Яйловларга сиғмайди  
Сигир, қўйи ҳам тойи.

Қандай завқли далада  
Тракторлар наъраси.  
Гала-гала поданинг —  
Қўзиларнинг маъраши.

Канал суви суғорар  
Қолхозимиз ерларин.  
Томчи сув деб деҳқонлар  
Тўкмас энди терларин.

Бизнинг колхоз жуда бой,  
Миллионер деб аталар.  
Бадавлатдир биздаги  
Ёшу, қари оталар.

Утган йили гектардан  
Қирқ центнер олишди.  
Бу йил эллик олишга  
Барча кучни солишди.

Полизига сиғмайди  
Қовуц, тарвуз, ҳандалак,  
Эрта ёздан кузгача  
Яшнаб ётар кўк палак.

Узоқлардан кўринар  
Колхозимиз мактаби.  
Болалари аълочи,  
Кетган унинг мақтови.

#### О Т А М

Менинг отам колхозда  
Звенонинг бошлиғи.  
Пахта тилин ўрганиб,  
Утган унинг ёшлиғи.

Канал қазиш чоғида  
Чиққан унинг шуҳрати.  
Газетада босилган  
Тўғондаги сурати.

Мен ҳам билиб олганман  
Пахтачилик ҳунарин,

Етказса ким мўл ҳосил  
Кўп даромад унарин.

О Н А М

Онам боққан қуртлари  
Бешга кирар бир ойда.  
Икки марта қурт боқса,  
Келар ундан кўп фойда.

Шоҳи кўйлак, рўмол ҳам  
Ҳилпилловчи байроқлар.  
Бўйнимдаги галстук  
Шу пилладан, ўртоқлар.

Колхозимиз ҳар йили  
Пахта каби пиллани  
Икки ҳисса ошириб,  
Бажаради планни.

Онам чопса ғўзани,  
Икки қилар нормани.  
Пахта терса тоғдайин  
Бўлар унинг хирмони.

Отам-онам бақувват  
Колхозимиз жон-тани,  
— «Бизни,— дейди,— ёш қилган  
Улуғ Совет Ватани».

А К А М

Улуғ Ватан жангида  
Берлингача у борган.



Ифлос фашист ёвларни  
Юртдан қувиб юборган.

Акам кетган чоғида  
Отам ёзди унга хат.  
Ҳар хатида дер эди,  
Ботир бўлгин, деб, фақат.

Ҳозир акам колхознинг  
Темирчиси, устаси,  
Пешлаганда асбобни  
Писанд эмас юзтаси.

о п а м

Қичик опам кўп чаққон,  
Унинг исми Санобар.  
Пахта терса у билан  
Ҳеч ким бўлмас баробар.

Икки қўллаб теришни  
Қойил қилиб ташлайди.  
Барвақт туриб ҳаммадан  
Пахта тера бошлайди.

Териб солар этакка  
Пахталарни саралаб.  
Зум ўтмайин эгатни  
Териб чиқар оралаб.

Бир мавсумда терибди  
Ўн икки минг килони.  
Уч ҳиссадан ошибди  
Унинг терим плани.

Опам терган пахтадан  
Анча буюм бўларкан.  
Фақат читнинг ўзига  
Бир магазин тўларкан.

Унинг номи ўчмайди  
Доим ҳурмат тахтадан.  
У дейдики, Ватаним  
Кучли бўлар пахтадан.

## М Е Н

Оиланинг кенжаси,  
Эркатоийи бўламан.  
Отам-онам, акам-ла  
Севинчларга тўламан.

«Бормайман» ҳам «қилмайман»  
Деган одат менда йўқ.  
Шунинг учун уларнинг  
Мендан кўнгли жуда тўқ.

Табелимга ёзилган  
Ҳамма фандан «беш» баҳо.  
Мактабимни албатта,  
Тугаллайман мен аъло.

Қатор-қатор уйларнинг  
Биринчиси бизники.  
Меҳмон бўлиб келсангиз,  
Уйнинг тўри сизники.

Ёз ойлари келингиз  
Каникулга чиққанда.

Қолхозчилар полиздан  
Қовун-тарвуз йиққанда.

Биргалашиб чиқамиз  
Далаларга, тоғларга.  
Узум, анжир, анорлар  
Пишиб ётган боғларга.

### АРЧА БАЙРАМИ

Ҳамма ёқда оппоқ қор,  
Югуришиб чопамиз.  
Боғчамизга борганда  
Кутиб олар опамиз.

Шамол оппоқ қорларни  
Қувиб-қувиб хўп елди.  
Бизга узоқ ўрмондан  
Арча меҳмонга келди.

Қандай яхши Қорбобо,  
Қандай яхши қўғирчоқ.  
Арчаларга ярашган  
Турли-туман ўйинчоқ.

Қорбобомиз кўп яхши,  
Бизга совға келтирар.  
Чироқларнинг нурида  
Ўйинчоқлар ялтирар.

Ҳамма ёқда оппоқ қор,  
Югуришиб чопамиз.  
Боғчамизга борганда,  
Қутиб олар опамиз.

*1948*

ҚАЛДИРҒОЧ, ИЛОН ВА  
БЕШИКТЕРВАТАР ҲАҚИДА ЭРТАК

I

Қанотлари пирпираб,  
Ғиз-ғиз учар қалдирғоч.  
Гоҳ баландга, гоҳ пастга  
Чиқиб тушар қалдирғоч.

Ез ойлари бизларга  
Келар узоқ эллардан,  
Денгиз оша, тоғ оша  
Тақир саҳро ерлардан.

Ўзи жуда меҳнаткаш,  
Хашак ташиб уй қурар.  
Эрта тонгдан сойлардан  
Лой қидириб югурар.

Уясини кўрсангиз,  
Пиёлага ўхшайди.  
Аммо тўсин ёғочдан  
Ҳеч узилиб тушмайди.

Кўриб қолса пашшани  
Ушламайин қўймайди.

Ҳашароту қуртларни  
Еган билан тўймайди.

Чуғур-чуғур қўшиқни  
Кундузлари айтади.  
Кеч кирганда ғизиллаб,  
Уясига қайтади.

## II

Тухум босиб қалдирғоч,  
Бола очиб чиқарар.  
Болалари уйчада  
Чуғурлашар, чирқираб.

Овқат берар уларга  
Навбат билан онаси.  
Онасини танийди  
Ҳатто кичик боласи.

Қалдирғочнинг боласин  
Илон яхши кўради.  
Емоқ учун уларни  
Доим пойлаб юради.

## III

Болаларни тўйдириб  
Учиб кетди онаси.  
Илон,— деди севиңиб:  
«Келди энди хонаси».



Ёпишганча харига  
Урмалади ин томон.  
Оҳ, онаси келмаса,  
Иш бўлади кўп ёмон.

Илон аста чиқарди  
Харига хўп қапишиб.  
Болачалар ухларди  
Бир-бирига ёпишиб.

Бўйнин чўзиб келарди  
Ейман дея у ҳамон.  
Оҳ, онаси келмаса,  
Иш бўлади кўп ёмон.

Шунда бирдан ўқдайин  
Учиб келди онаси,  
Кўриб қолиб илонни  
Учди эсу хонаси.

Болалари чирқиллаб,  
Тезда қатор бўлишди.  
Онасига ёлвориб  
Бўйинларин чўзишди.

Она шўрлик учарди  
— Дод! — деганча ҳар ёққа.  
Болалари қичқирар:  
— «Кел, онажон, бу ёққа».

Қайдан билсин болалар  
Илон келаётганин.  
Ҳали кичик, тушунмас,  
Онасининг айтганин.

#### IV

Шошилгандан қалдирғоч  
Қўнди баланд токчага.  
У ерда ҳам туролмаи  
Учди сўнгра боғчага.

Чипор илон вишиллаб,  
Ҳамон чиқиб борарди.  
Баъзан тўхтаб, атрофга  
Аста-секин қарарди.

Она бўлса боғчада  
Қанот силкиб учарди.  
Гоҳ баландга, гоҳ пастга  
Қийғоч уриб тушарди.

Тўхтамайин бир ерда  
Ҳар томонга кетарди.  
Бўлса бешиктерватар,  
Унга ёрдам этарди.

#### V

Бирдан чиқди олдидан  
Дўсти бешиктерватар.  
Уни кўрган қалдирғоч  
Йиғлаб бошин тебратар.

Деди: — «Тез юр, ўртоқжон,  
Инга келди бир илон.  
Агар тезроқ бормасак,  
Иш бўлади кўп ёмон.

Болаларим ҳали ёш,  
Қанот қоқиб учолмас.  
Уячадан нарига  
Ҳатто учиб тушолмас.

Биласан-ку илонни,  
Доим бизни қийратар.  
Бизга ёрдам этгувчи  
Сенсан — бешиктерватар.

Менинг арзи-додимга  
Сен етмасанг ким етар.  
Агар тезроқ бормасак,  
Болаларни еб кетар».

Елкасига ўтқазиб  
Учди дарҳол ин томон.  
Етиб келди опичлаб,  
Парвоз этиб шу замон.

Уячада индамай —  
Турди бешиктерватар,  
Илон аста бошини  
Инга қараб узатар.

Болаларни ейман деб,  
Ростлаганда ўзини,  
Бирдан бешиктерватар  
Ўйиб олди кўзини.

Илон кўздан айрилиб,  
Тушди ерга юмалаб.  
Бир тешикка кирди у  
Ўзин зўрға амаллаб,

Шундай қилиб қушчалар  
Қутулишди ўлимдан.  
(Севингандан қалдирғоч):  
— «Яхшилик-чун, яхшилик  
Келур,— деди, қўлимдан.

Ётиб қолгин бу кеча  
Сени меҳмон этаман».  
Деди бешиктерватар:—  
«Раҳмат, дўстим, кетаман.

Мен бундайин жойларда  
Ётиб қолган эмасман.  
Мени меҳмон қилмадинг —  
Деб,— ҳеч гина қилмасман».

Терватарни опичлаб,  
Унга раҳмат айтди у.  
Гул шохига ўтқазиб,  
Уясига қайтади у.

1948




## ЭГАМ РАҲИМ

**Ш**оир Эгам Раҳим 1918 йилда Хоразмнинг маркази Урганч шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Урта мактаб ва Урганч ўқитувчилар институтини битиргач, «Хоразм ҳақиқати» газетасида адабий ходим, 1953 йилдан редактор бўлиб ишлаб келмоқда.

Эгам Раҳимнинг ижодий биографияси 1941 йилдан бошланган. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами — «Бахт йўли» 1951 йилда нашр этилди. Сўнги йилларда Эгам Раҳим ўз китобхоналарига «Хоразм қўшиқлари» (1955), «Янги қадам» (1958) каби шеърый китобларини тақдим этди. Унинг гражданлар уруши давридаги қаҳрамон комсомоллар ҳаётига бағишланган «Маърифат қурбонлари» (1956—1957) поэмаси ўзбек совет адабиётида катта традицияга эга бўлган поэма жанрининг ривожига қўшилган ҳиссадир.

Бахт ва шодлик куйчиси Эгам Раҳим ҳозир аини ижодий камолот даврини кечирмоқда.



## ЯНГИ ҚАДАМ



унги соат ўн икки... Кремль соатидан,  
Бутун дунёни тутган босим овоз янгради.  
Бир овозки, инсоннинг бахти саодатидан,  
Янги хабар келтириб, ашула соз янгради.

Бир садоки, қалбимиз тўлдирди илҳом билан,  
Йиллик тантанамизни шу овоз бошлаб берди.  
Минг тўққиз юз эллик икки деган ном билан  
Янги йилга қадамни Кремль бошлаб берди.

Ҳаётий ғояларнинг мазмун-мундарижаси,  
Тобора аниқ бўлди соатларда-кунларда.

Тунов куни чизилган буюк ишлар режаси,  
Бугун равшан кўринди мукаммал якунларда.

Тарих унутарми ҳеч Волга қирғоқларида  
Буюк иншоотларга пойдевор тушган дамни.  
Эрта-индин қарасак ГЭСлар чироқларида,  
Бемалол аниқ кўриб бўлур бутун оламни.

Булар кечаги ишнинг бугунги якунидир,  
Эртанинг вазифаси бўлур яна улуғроқ.  
Уфқда ёриётган коммунизм кунидир —  
Чаманга бурканмоқда бизнинг бепоён тупроқ...

Ҳаётимиз йил ошди, демак улғайдик яна,  
Кучига-куч қўшолди қаҳрамон, баҳодир халқ.  
Зўр қудрати ҳар куни қилаётган тантана,  
Озод халқ, бахтиёр халқ, ҳар бир ишга қодир  
халқ.

Урушга — ўлим дейди, — тинчлик унинг қарори,  
Зулматнинг қаршисида порлаб турган қуёш у.  
Халқларнинг озодлиги муддаоси — шиори  
Бўлган минг-миллионларнинг курашларида  
бош у.

Жонажон партиянинг муборак номи билан,  
Башар қуёши каби сўнмас илҳоми билан  
Қудратланиб, уюшиб, дадил қараб илгари,  
Янги қадам ташладик улуғ манзилгоҳ сари.

## ДУСТЛИК

Айтсам куч оламан дўстлик сўзидан,  
Бу сўзда ўтилган йўллар намоён.  
Бу сўзда кўраман келажагимни, —  
Маъноси, қўйингчи, бутун бир жаҳон.

Дўстлик яшар бизнинг ҳар ишимизда.  
Абадий йўлдошдек юрак умрга.  
Яшайди роҳату ташвишимизда —  
Кураш, ғалабада биз билан бирга.

Бирга туғулдигу, улғайдик бирга,  
Курашда, бирликда камол тополдик.  
Нияту мақсад бир эди, — Бирликда  
Жангларда жадаллаб илгари бордик.

Ватан шинель кийган ташвишли дамда,  
Биз қуrolдош бўлиб ёвларни қирдик.  
Келажакни кўриб ҳар бир қадамда  
Қаҳратон қишларда шаҳарлар қурдик.



Дарёларни бурдик ўз ҳукмимизга,  
Чўлу саҳроларга келтирдик баҳор.  
Табиат тан берди меҳнатга — бизга,  
Асрлик орзулар тополди қарор.

Дўстлик, ҳамкорликнинг энгилмас  
кучин,

Биз улуғ ишларда кўриб турибмиз.  
Буюк манзилимиз — коммунизм сари  
Жадал юришларда кўриб турибмиз.

Фидокормиз меҳнатда — режа амалга  
Ошган, кўкларгача қурамыз уни.  
Кексалар роҳати, чақалоқларнинг  
Табассумларида кўрамыз уни.

Қатъий планларда, ғалабаларда,  
Ҳар бир ишимизда ҳамиша бор у.  
Тинчлик деганларнинг — бахт

деганларнинг  
Қурашида доим зўр мадақкор у.

Жон Қомпартиямиз яратди уни,  
Ўстирди қудратли куч қила олди.  
Инсон гўёки ўз бахти йўлида  
Қўлига энгилмас бир қурол олди.

Тарих яралади, аср ўтади,  
Бу қурол яшайди, яшайди тирик.  
Бу қурол яшайди кўкда офтоб  
Ҳаёт нурларини сочиб тургандек.

Бу қурол бор экан, ҳаёт бор экан,  
Биз хавфдан холимиз, эсон-омонмиз.  
Улуғ мақсад — коммунизм йўлида,  
Ҳар биримиз энгилмас қаҳрамонмиз!

1949

## БАХТИМИЗ ЙЎЛИ РАВОН КЕЛДИ

Асрлар орзиқиб минг кўз бўлиб кутган замон келди,  
Замонки ёдимизда мангу яшнар бир жаҳон келди.  
Темир йўл Хоразмнинг қалбида орзу эди доим,  
Чиқиб рўёбга энди бахтимиз йўли равон келди.  
Қорақум бағрида бахтим, дея тер тўкди мард халқим,  
Бўлиб қутлуғ қадамлар ўлкага шавкат ва шон келди.  
Униб гул ҳар қадамда яшнагуси барқ уриб бўстон,  
Азалдан қақраган чўлларга жон, юртимга шон келди.  
Бу водийким пўлатдан белига қўш камар тақди,  
Дема йўл, Хоразмга янги иқбол, янги шон келди.

*1950*

---

## АМУ БЎЙИДАГИ ҲАЙКАЛ

*(«Маърифат қурбонлари» номли поэмадан парча)*

Барханларни бўрон қувади,  
Упиради тепаликларни.  
Қирғоқларни Аму ювади,  
Ич-ичидан кемириб жарни.  
Нор ўрқачин туширар эсга,  
Дарё бўйидаги тепалар.  
Бирдан қумни учириб шамол,  
Сув устида элар-сепалар.  
Бунда шамол олиб учади,  
Тўлқинларга қумнинг гардини.

Аму оқар оғир ва мунгли —  
Қуйлагандай ўтмиш дардини.  
Бир мамлакат кекса, жафокаш,  
Қадим давлат, қумлар ўлкаси,  
Не-не машаққатлар чекмаган,  
Унинг ўша яғир елкаси.  
Ялпоқ-ясси тепалар унинг  
Ажин босган пешонасидир.  
Бунда ҳар бир тепалик, жарлик  
Жангу жадал нишонасидир.

Тоғдай баланд қум этагида,  
Танҳо ўсган дарахт тагида,  
Шу водийга кўзу қош бўлиб,  
Аму билан дўст-сирдош бўлиб.  
Узоқ сафардаги йўлдошдай,  
Булут ёриб чиққан қуёшдай,  
Қад кўтарган битта ҳайкал бор —  
Жар ёнида турар улуғвор.

Бамисоли ер ёрилгану,  
Ҳайкал қирга уриб чиққан бош.  
Кенг водийга киришдан аввал,  
Унинг билан учрашар қуёш.  
Қирралари ўйма нақшли,  
Тепасида юлдузи ҳалдай.  
Атрофга нур сочади доим,  
Тунда оловланган машъалдай.  
Узоқ-узоқларга қарайди,  
Мишжа қоқмай тикканча кўзни.  
Қулоқ бериб тинглаётгандай  
Суҳбат чоғи айтилган сўзни.

Хотирами, кимларга? Бундан  
Қайси карвон йўли тушибди.  
Ажабо, ҳеч гиёҳ кўрмаган  
Қумлоқларда гул етишибди?!  
Бу ҳайкалдир! На ер ёрилган,  
Ва на тушган эмас осмондан.  
Жангу курашларда яралган,  
Қад кўтарган суякдан, қондан.  
Бу — курашда тарих яратган,  
Ёвга ўзин ўқ қилиб отган,  
Ўлим билан олишганларнинг,  
Жангда қонга қоришганларнинг  
Ҳайкалидир! Кураш ёдгори —  
Меҳнат севган халқ ифтихори.  
Бир курашки, ўсиб, улғайиб  
Меҳр билан қалбларга кирди.  
Достон бўлиб бахшилар билан  
Маъракаю тўйларга юрди.

Қирғоқларни емирган Аму,  
Тоғу тошни кемирган Аму,  
Яна минг йил оқиб ётса ҳам,  
Минг йил қирга тўлқин отса ҳам,  
Ғазаб ичра ўртаб инсонни,  
Қирғоғига тўкилган қонни  
Юволмайди! Яшайди бу қон,  
Унутилмас бу кураш, қурбон.  
Ҳаёт боғи қилгандай ханда,  
Бир умрга қолур жаҳонда.

Бу қон тоза, қутлуғ қон эди,  
Ҳар томчиси бир жаҳон эди.  
Қалби мардлик, кучга тўлганлар —

Авлодларга ҳайкал бўлганлар —  
Шулар иши, хотирасига  
Бағишладим бу дostonимни,  
Бошим кўкка етар ўқувчим  
Манзур кўрса армуғонимни.

*1956*





## ЁНҒИН МИРЗА

Ёнғин Мирза (Худойберган Мирзаев) — Улуғ Октябрь революцияси билан тенгдош шоир. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиб юрган чоғларида, 1935 йиллардан бошлаб у шеър ёзишга қадам қўйган.

Ёнғин Мирза «Ленин учқуни», «Ёш Ленинчи», «Қизил Ўзбекистон» ва «Ўзбекистон маданияти» газеталари редакциясида ишлаган вақтларида ҳам, Улуғ Ватан уруши майдонларини шинель кийиб кезган йилларида ҳам ижод этди, шеър ва қўшиқтар, публицистик мақола ва бадий очерклар яратди. Шоирнинг «Қапалак» «Хурсанд», «Менинг Ватаним», «Ўғил меҳри» ўпламлари шу ҳаракатнинг баракатидир.

\* \* \*

**U**шқинт билан сочларимни тарайман,  
Хумор бўлиб йўлларингга қарайман,  
Бир умрлик йўлдошликка ярайман,  
Оқшомлари юлдузларни санайман.  
Йўлларингга шаҳло кўзим интизор,  
Кўзим эмас, жоним, ўзим интизор.

Айрилиқда ўтса ҳамки кун, ойлар,  
Меҳнат билан чўлга кирсин чиройлар;  
Майли, ҳозир ўстиравер, буғдойлар,



Юрт севгиси қалбни чамбарчас бойлар.  
Ботир йигит, бедор бўлиб кутаман,  
Келсанг меҳрим чечакларин тутаман.

Сен келганда очилади гул-лола,  
Сен келганда бахтим бўлар шалола,  
Сен келганда майга тўлар пиёла,  
Ўзим соқий бўлиб айлай ҳавола!  
«Келар йўлинг супурай сочим билан,  
Чанги чиқса сув сепай ёшим билан!»

Бир юракмиз, битта чароғ, битта тор,  
Ўртамизга чўккан дарё, тоғлар бор.  
Сен Олтойда, мен Тошкентда интизор,  
Қўриқ ерда топдинг шараф, эътибор.  
Хатларингни юрагимда сақлайман,  
Ҳурматингни юрагимда сақлайман!

Йўлларингга шаҳло кўзим интизор,  
Кўзим эмас, жоним, ўзим интизор.

## ПОСТДА ТУРГАНИМДА

Паға-паға ёғар эди қор,  
Бир салобат улуғ шаҳарда.  
Юрагимда Ленин меҳри бор,  
Постда турдим эрта саҳарда.

Шамол увлар Қизил майдонда,  
Нина санчар совуқ беомон!  
Мен турган шу ердан ҳар онда  
Фронтларга учади фармон!

Ҳамма ёқ қор... Шохин тутолмай,  
Эгилибди кўм-кўк арчалар...  
Менинг постим — мармар Мақбара,  
Ленин ухлар... Ёруғ дарчалар.

Юртни сақлар эди ўғиллар,  
Жанг борарди узоқда шу вақт.  
Мен-чи, қўриқлардим Ленинни,  
Солдат учун бу энг улуғ бахт.

Ухлар бахтимизнинг боғбони,  
Жанг борарди узоқ-узоқда...  
Қўлда милтиқ, постда бедорман,  
Ленин ҳаёт бўлган тупроқда.

1943

## ТУГМА

Гўзал Вена — қадимий шаҳар,  
Бугун ғолиб солдатдек шодон!  
«Уруш битди» деган хушхабар  
Тез таралди юртга ногихон.  
Сўнги марта отди замбарак,  
Милтиқларнинг овози тинди.  
Чанг-тўзондан ювилди фалак,  
Уруш қушин қаноти синди.  
Ертўладан, зах кулбалардан  
Кўчаларга чиқди қари, ёш.  
Шу сўз учар эди лаблардан:  
«Бор экан-ку фалакда қуёш?»  
Қўлга ушлаб бир бойлам чечак,  
Чопиб келди сочи паришон,  
Оёқ яланг гўзал келинчак.  
Танк устидан сакрадим шу оң,  
Оғушимга ташланди жувон,  
Босим ўпти икки юзимдан.  
Вужудимни босиб ҳаяжон,  
Томчи томди икки кўзимдан.  
Пешонасин силадим аста,

Боқиб қолди нечун мовий кўз?  
Жабр кўрган келинчак, хаста  
Айтди русча бир калима сўз:  
— «Раҳмат ўғлон, нотаниш насл.  
Асрадингиз юртни қазодан.  
Умр боғи гуллар муттасил,  
Эл қутулди мотам-азодан.  
Кулбам вайрон, аммо дил обод.  
Кўп кутдик биз, тунлар қилдик ёд!»  
— «Раҳмат синглим, шу сўз, шу бўса  
Шу гулдаста баридан афзал.  
Меҳр майингдан тутдинг лим коса,  
Гўё тўқдинг бошим узра зар».  
— «Ўтинчим бор халоскор жангчи,  
Эсдаликка бир нима қолдир!  
Шарқдан келдинг ғариб юртимга,  
Айт, атаган совғанг ҳам бордир?»

Мен нимани айлайман ёдгор,  
Бошим қотди... қисилди нафас.  
Хижолатдан қутқарди нигор:  
— «Бир тугмангни узиб берсанг, бас!»

— «Бу тугмага жо бўлган юлдуз —  
Саодатнинг рамзи ва нақши.  
Йўлинг равшан мисоли кундуз,  
Ҳаёт бўлур баҳордек яхши».

Эсдаликка бердим тугмани,  
У, тугмамас, саодат олди;  
Мен куйдирдим кўксида ғамни,  
Дилда меҳр учқуви қолди.

1945

### СЕН УХЛАГАНДА...

Мен заводдан қайтганда оқшом,  
Ором олар болишда бошинг.  
Бахтли қўзим, мен ўйлаб боқсам,  
Икки баҳор кўрибди ёшинг.

Сен ухлайсан тинч, фароғатда,  
Тамшанасан, куласан майин...  
— Уғлим умри ўтсин роҳатда!  
Шунинг учун ишлай тинмайин.

Сен ухлайсан, келажагинг-чун  
Пўлат қуяр кенжа Бекобод.  
Олис-олис ерларда бу тун  
Инсон чўлни этади обод.

Сен ухлайсан, аммо пахтакор  
Ғўзасига сув берар шу чоқ.  
Сенга қўшиқ тўқир бастакор,  
Шоир шеър ёзади уйғоқ.

Сен ухлайсан, аммо Марғилон  
Сенга атаб тўқийди шоҳи.

Чегарада бедордир посбон,  
Бахтинг асрар сезгир нигоҳи.

Фарҳод ГЭСда балқимоқда нур,  
Томирларга оқар қон бўлиб.  
Тегирмонда тортилар буғдой,  
Пиширилар ширмой нон бўлиб.

Сен ухлайсан, Ватан ухламас,  
Тунда сўнмас меҳнат машъали,  
Тўйиб ухлаб, ол эркин нафас,  
Оппоқ тонгга фурсат бор ҳали.

Улғай ўғлим, ғолиблар насли,  
Бургут каби баланд қил парвоз.  
Коммунизм — саодат қасри,  
Шу бинога бер яхши пардоз.

Ширин ўғлим, фароғатинг деб,  
Саҳар кетиб, оқшом қайтаман.  
Сенинг порлоқ гул ҳаётинг деб,  
Халқим барпо қилмоқда чаман.

1948

### Ж А В О Б

- Нега барвақт соч-соқолга тушди оқ?
- Сабабини билиш мумкин бесўроқ.
- Демак, элдан кетганмидинг кўп йироқ?
- Сабабини тополмадинг, эй чироқ!
- Севган ёринг дилга солдими фироқ?
- Душман топтаб, инграганда зар тупроқ,  
Ардоқладим, ўтаб виждон юмушин,  
Шунда зафар сочди бошдан кумушин.

1957

## АЁЛЛАР ҚАСИДАСИ

Ҳаётимиз фаслининг гул баҳори — аёллар,  
Коммунизм асрининг ифтихори — аёллар,  
Баҳодирлар наслининг мададкори — аёллар!  
Юртимизнинг ғурусисиз аёллар,  
Муҳаббатнинг сурусисиз аёллар,  
Йигитларнинг кўз нурусисиз аёллар!  
Минг ташаккур, минг тасанно ақли расолар!

Шопирасиз хирмонда пахталар булутини,  
Топширасиз бидонда гавмушларнинг сутини,  
Ардоқлайсиз бўстонда нозик ипак қуртини.  
Ёноғингиз ҳусни гул лолаларда,  
Томчи терлар — шарбат, пиёлаларда,  
Пок қалбингиз рамзи шалолаларда,  
Минг ташаккур, минг тасанно меҳри дарёлар!

Шифокор олимасиз, Ватанга нодирасиз,  
Санъаткор раққосасиз, бахтлисиз чодирасиз,  
Садоқатда Зухрони ҳайратда қолдирасиз.  
Юртимизнинг ғурусисиз аёллар,



Муҳаббатнинг сурури сиз аёллар,  
Йигитларнинг кўз-нури сиз аёллар!  
Минг ташаккур, минг тасанно, кўзи шаҳлолар!

Бор турмушда изингиз, бор чинор илдизингиз,  
Бор Турсуной қизингиз, юртда ёруғ юзингиз,  
Ҳалол тотган тузингиз, иссиқдир юлдузингиз.  
Сиздан мамнун замонамиз, аёллар,  
Яхши шеър, таронамиз — аёллар,  
Бойлигимиз, дурдонамиз — аёллар!  
Минг ташаккур, минг тасанно, иши аълолар!

1960

\* \* \*

Боку менинг кўзимга қуёш бўлиб кўринди,  
Денгиздаги тўлқинлар сирдош бўлиб кўринди.  
Файзли хиёбонлари, бахтиёр инсонлари,  
Қора кўз жононлари оташ бўлиб кўринди.  
Дилрабодир субҳидам, шоҳи гул тарам-тарам,  
Яшил боғларда шабнам кўз ёш бўлиб кўринди.  
Ҳар кўчаси кенг, равон, ошиқлар тўқир дoston,  
Юзга кирган ғазалхон кўп ёш бўлиб кўринди.  
Латиф денгиз қирғоғи, тўлин ой чиққан чоғи,  
Қайиқларнинг ёноғи оқтош бўлиб кўринди.  
Қават-қават иморат, бир-биридан аломат,  
Озарбайжон валломат наққош бўлиб кўринди.

1960





## ИЛЁС МУСЛИМ

**И**лёс Муслим 1909 йилда Фрунзе шаҳрида туғилди. Тошкентга келиб, Механика техникуми ва эрлар билим юртини тамомлагандан бери, узлуксиз Ўзбекистон нашриётларида ишлаб келмоқда. Улуғ Ватан урушида иштироки учун Қизил Юлдуз ордени ва медаллар билан мукофотланган.

Ижодий биографияси 1928 йиллардан бошланган Илёс Муслим, ўзининг ёш китобхонларига «Ўсиш» (1932), «Заҳархандалар» (1932), «Шод бўғинлар» (1934), «Шеърлар» (1938), «Турналар» (1952), «Бизнинг мактаб» (1954), «Сенинг совғанг» (1957), «Тиллақўнғиз» (1960) каби китобларини — ёшлик ва ватанпарварлик туйғуларини куйлаган асарларини тақдим этиш шарафига эришган.

Рус ва бошқа қардош халқлар болалар адабиёти асарларини ўзбек тилига таржима қилишда ҳам шоир Илёс Муслимнинг катта хизматлари бор.



## РАКЕТАМИЗ ЧИҚДИ ОЙГА

**Б**еш қиррали юлдуз тақиб,  
Ракетамиз чиқди Ойга.  
Кенг фазода чақмоқ чақиб,  
Хабар берди ҳамма жойга.

Қашфиётда тарқатди донг  
Совет фани ер юзига.  
Зафар билан отгач ҳар тонг,  
Қон қуйилар ёв кўзига.

Янги-янги ихтиролар  
Қашф этамиз ҳали яна.

Олам биздан ўрناق олар,  
Юртда бўлар кўп тантана.

Зафарлардан зафарларга  
Бошлаб борар Партиямиз.  
Марсга — шонли сафарларга  
Элтар бир кун ракетамиз.

## ТУРНАЛАР

Турналар, ҳай турналар,  
Пастлаб учингиз!  
Бизнинг кўл ва дарёлар  
Бағрин қучингиз!

Бизларни хурсанд қилиб,  
Келдингиз шу чоқ.  
Кўкимизда тизилиб,  
Солинг арғимчоқ!

Эркин-эркин учингиз,  
Осмонни бўйлаб.  
Қўрқмай ерга тушингиз,  
Сайрашиб, куйлаб.

Бизлар кўл, денгизларни  
Этдик хўп обод.  
Сиз ҳам тушиб бизларни  
Қилинг жуда шод.

1950

## БОЛАЛАР БИЛАН ҚУШЛАР

Б о л а л а р :

— Қушлар, бизнинг гулбоққа  
Тезроқ тушингиз.  
Чуғурлашиб ҳар ёққа  
Қувнаб учингиз!

Сизлар учун ясадик  
Жажжи уйчалар.  
Боғчамизни безадик,  
Уйнанг, қушчалар!

Қ у ш л а р :

— Хайрлашиб кетгандик  
Бултур кузақдан.  
Жуда соғиниб сизни  
Келдик узоқдан.

Ин ясабсиз бизларга,  
Яйраб кирамиз.  
Раҳмат айтиб сизларга,  
Сайраб берамиз.

1951

## Б О Й Ч Е Ч А К

Ерда эримасдан қор  
Дала, қирда гулбаҳор.  
Чиқар митти гул-чечак,  
Майга элчи бойчечак.

Аскар каби турар тик,  
Барглари яшил, тетик.  
Унинг ранги сариқ, оқ,  
Бошида кумуш қалпоқ.

1952



## Ш И Р И Н А К

Дам олиш кун полизга  
Чиқиб келдик саҳардан.  
Қовун сўйишди бизга,  
Ширин чиқди шакардан.  
Битта деҳқон амаким  
Кўрсатди ўнта қовун:  
— Қайси ширин, айтар ким?  
Қани, танланг бировин!  
Замира ўйламасдан:  
— Сарифи ўткир,— деди.—  
Ширинак ўйнамасдан —  
Сўйгину, еб кўр!— деди.  
— Рангидан билиш қийин,  
Замира, бўлма ўсал! —  
Деди-ю Қарим кейин  
Кўрсатди:— Бу қанд, асал.  
Шу чоғ деҳқон амаким  
Сўйди ўша кўкчани.  
Бир карчини еб Ҳаким —  
Деди: — Асал, енг қани!  
Танлаб олди қовундан

Ва сўйди янги хилин.  
Бу ҳам қолишмас ундан,  
Ёрарди киши тилин.  
Деҳқон сўзлайди мағрур.  
Кўрсатаркан полизин:  
— Колхозимиз қовуни  
Бири биридан ширин!

*1956*

### ТУКИН ДАСТУРХОН

Яна келди янги йил,  
Ёзилди кенг дастурхон.  
Болалар тотув-аҳил,  
Ўлтиришар шод-хандон.  
Мева, тухум, сут, асал  
Дастурхондан олди жой.  
Тўрда эса шу маҳал  
Қопларда арпа-буғдой.  
Қириб келди Мукаррам,  
Қаради у ён-бу ён.  
Қучоғи тўла карам,  
Боршчин ичсанг ҳузуржон.  
Ёш чорвадор келтирган —  
Қўзи, қуён ҳам шунда.  
Қантдек ширин, етилган —  
Тарвуз-қовунлар шунда.  
Қаддин ростлаб турибди  
Бир чеккада металл-лом.  
Қуён чопиб юрибди,  
Уни боққан Дилором.  
Сарабдроқ — жўхори,

Лаганларда помидор.  
Севиб ейди ёш-қари,  
Жуда маза, тотиб кўр!  
Ҳамма нози-неъмат бор  
Дастурхонни кўрсангиз:  
Олма, узум, нок, анор,  
Қани меҳмон бўлсангиз!  
Меҳнат қилди чарчамай,  
Бу ёш меҳнатсеварлар.  
Меҳнат — олтин, ғарчча мой,  
Раҳмат сизга, чеварлар!

1959





## САИДА ЗУННУНОВА

Саида Зуннунова 1926 йилда Андижонда хизматчи оиласида туғилди. Саида ўрта мактабни битиргач, 1941 йилдан Андижондаги ўқитувчилар институтига кириб ўқиди. У 1947 йилда Тошкентга келиб В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетида таълимини давом эттирди.

Шоира Саида Зуннунованин «Қизингиз ёзди» (1948), «Янги шеърлар» (1949), «Гуллар водийси» (1955) каби шеъррий тўпламлари унинг сергак таланти эгаси эканидан дарак беради.

Адиба бадий проза соҳасида ҳам қалам тебратиб, «Гулбахор» (1956) номли ҳикоялар тўпламини, «Янги директор», «Гулхан» повестларини — буюк давримизнинг ажойиб қурувчилари ҳақидаги асарларини яратди.



## КОММУНИСТЛАР ПАРТИЯСИГА

**Б**ир ўзбекнинг қизиман, бутун бахтиёрлигим  
Бугунги қўшиғимнинг завқи шавқидан маълум.  
Бахтимнинг чин боиси: туғилдим шу ўлкада  
Ва ўзинг бердинг менга чин инсонликдан таълим.

Оддий қалб ташаккури қанча оддий бўлса ҳам,  
Самимияти билан шунча қадри баланддир.  
Эй менинг жоним, шоним, саодатим партиям,  
Бутун бахту шодлигим ёлғиз сенинг биландир.

Ҳар қандай мушкул чоғи, одамнинг жон қулоғи  
Ўрганган сендан тинглаб, ҳаёту енгиш йўлин.  
Сен бош бўлдинг, улуғ рус меҳрибон ака каби  
Қатта, кичик халқларни етаклаб тутди қўлин.

Ҳали бола эдим мен, шу мустаҳкам сафларнинг  
Солдати бўлмоқликни қанча қилганман орзу.  
Ўша вақтдан бошлаб ўзинг бўлдинг, партиям,  
Қимлигимни ўзимга танитмоқликда кўзгу.

Сен бўлмасинг чўридан ўзга кимса бўлмасдим,  
Ўлмай ўлимтик бўлиб ўтар эдим оламдан.  
Чиммат остида юзим баҳор кўрмай сўларди,  
Қаддим букилар эди ниҳол вақтида ғамдан.

Сен борсанки, куйимда эшитилмас фиғон, зор,  
Сен борсанки, тинчликнинг қўрғони ҳеч қуламас.  
Сен борсанки, келажак қуёш каби мунаввар,  
Гулшанимга малъун ёв яқин келмас, йўламас.

Нега куйламай ахир, зулматни янчган қуёш  
Қалбимни ёритса-ю, шеъримга боқиб турса.  
Истайманки, шу қуёш бутун ҳарорати-ла  
Шеъримнинг томирида ҳамма вақт оқиб турса.

Ўзинг берган умримни бутун мазмуни билан,  
Ўзингга бағишласам, сира армоним қолмас.  
Орзу учун айб йўқ, гарчи зарра бўлса ҳам,  
Бу зарра зафарларда яшар, ҳеч вақт йўқолмас.

Оддий қалб ташаккури қанча оддий бўлса ҳам,  
Самимияти билан шунча қадри баланддир.  
Эй менинг жоним, шоним, саодатим партиям  
Бутун бахту шодлигим ёлғиз сенинг биландир.

### КУЗ

Кул ранг тоғлар этагидан аста юксалди қуёш,  
Пахтазорни чулғаб олди кокили лента каби.  
Водий бўйлаб меҳр билан бисот ёйган куз—наққош  
Ҳар япроққа тегиб ўтган ёзнинг оловли лаби.

Худди нурдек товланади олтинсимон олмалар,  
Шохлар ўзин кўтаролмас жийда маржонларидан.  
Умр бўйи шарватининг мазаси лабда қолар,  
Бир шингилни еб кўрсангиз узум ишкомларидан.

Машиналар пахта терар, демак бу ҳосил пайти,  
Далада ҳам олимларнинг ҳиссаси, кўзи бордир.  
Руль ушлаган йигитнинг мунча хушнуддир кайфи,  
Балки, ёрин шу кузакда тўй қилар сўзи бордир,

Қўшиқ куйлашиб ўтди турналар чуғур-чуғур,  
Лекин, тарозибоннинг қарамоққа йўқ вақти,  
Шу пайтда ҳазил билан битта қизи тушмагур  
Келиб унинг чаккасига оппоқ барака тақди.

Шараф, ғурур, саодатга тўлган ҳаётнинг тонгин  
Ана шундай бошлаб берди азиз пахтакор деҳқон.



Дала бўйлаб қанот қоқди озод меҳнат оҳанги,  
Турна қатор йўлга тушди оқ олтин ортган карвон.

Термуламан худди расмин чизмоқчиман рассомдай  
Ҳар бир тулнинг, ҳар япроқнинг бўёғи ёдда қолар,  
Мукамал бир ғазал учун басталанган мақомдай  
Бутун борлиқ қалб-қалбимга сингиб кетгандай  
бўлар.

Ана шундай туғилади шеър айтмоққа иштиёқ,  
Ана шундай яралади қофия, қўшиқ, ғазал.  
Термуламан: олам гўзал, ҳаёт гўзал ва бироқ,  
Ҳаммасидан шу ҳаётни яратган инсон гўзал.

1954

### СЕН ҲАМ ШУНДАЙМИДИНГ...

Бир вақтлар ўлтириб ўйлардим гоҳи,  
Қизиқ, ким бўларкин умр йўлдошим.  
Кўнглим, ҳисларимни англарикидан у,  
Койитиб тўкмасми кўзимдан ёшим?

Билмасдим ким ўзи ва яшар қайда,  
Лекин ҳурматини сақлар эди дил.  
Ёнимда сезардим уни ҳар жойда,  
Истардим кўзига боқсам деб дадил.

Сен ҳам шундаймидинг, айт-чи, азизим,  
Севганмидинг мени кўрмасдан туриб.  
Сувлар ёқасида хаёл суриб жим,  
Излармидинг мени боғларда юриб.

Гулларга шивирлаб ишқинг, сирингни,  
Вафо, садоқатдан сурганмисан ўй?  
Йўқса мақтамагин менга кўнглингни,  
Йўқса, муҳаббатдан гапирмаёқ қўй.

1957

## ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ

Эҳ, Тошкент гуллари, ранг-баранг гуллар,  
Бир ғубор топмайсиз япроқларида.  
Қизлардек мулойим, қизлардек маъсум,  
Қизлар кулгиси бор ёноқларида.

Анвойи ранглари энтиктиради,  
Диллар яшаради, кўзлар яшнайти.  
Эҳ, гуллар, ҳамиша сизга ташнаман,  
Юрагим ҳамиша сизга ташнайти.

Узиб тутмагунча азиз дўстларга  
Таъриф қилолмайман жамолингизни.  
Ҳидлаб, юзин суртмай япроғингизга,  
Ҳеч ким ҳис қилолмас камолингизни.

Ҳиёбон кезаркан кўнглим, хаёлим  
Ювилган, топ-тоза баргларида қолди.  
Ўзим қўшиқ бўлиб қайтдим уйимга,  
Хотирам озода паркларда қолди.

Бир хаёл сингари сархуш, бахтиёр,  
Қаламга тутиндим келиб оҳиста.  
Эҳ, Тошкент гуллари, ранг-баранг гуллар,  
Меҳрим, муҳаббатим ҳамиша сизда.

*1959*

### ҚИЗИМ НОДИРАГА

Уйқуга зор бўлиб, мудраб тепангда,  
Ярим юмуқ кўзимни кўзингдан узмай,  
Шу азоб лаззатин шеърга соламан,  
Ҳатто пичирламай, тинчингни бузмай.

Битта ижирғансанг нима қилсам деб,  
Юпатиш кўйида минг тўлғанаман.  
Гоҳ ётиб, гоҳ туриб ҳар бир шарпангдан,  
Юз бор мизғийману, юз уйғонаман.

Тун ярим, қушлар ҳам уйқуда ҳозир,  
Сувлар ҳам тингандай... жимжит ҳамма ёқ  
Гўё шабада ҳам япроқда мудраб,  
Қалбим алласига солади қулоқ.

Фақат мен уйғоқман, ҳорғин, бахтиёр,  
Хушбўй нафасингга тўймайман ҳидлаб.  
Охир чидолмайман, уйқунгни бузиб,  
Юзингга оҳиста тегизаман лаб.

Ана, сўнгни юлдуз хиралашди-ю,  
Кўкда эриб кетди, тонг отди оппоқ.

Ойнага қарайман ҳолимдан кулиб,  
Қўйлақларим гижим, сочларим пахмоқ.

Аmmo ўзим тетик, яхши посбондай —  
Мамнунман, қалбимда виқор тошади.  
Шу элнинг кичкина гражданини  
Сафга қўшмоқ учун кўнглим шошади.

Онаман, истайман, етук бўйини,  
Ақлу идрокининг камолин кўрсам.  
Кўнглида, кўзида, иши, сўзида  
Инсон деган номнинг жамолин кўрсам.

Қизим жилмаяди уйқу аралаш,  
Гўёки ҳисларим беради ҳузур.  
Оппоғим, уйқусиз ўтган шу оқшом,  
Езилган шеър учун сенга ташаккур.

1960






## СУЛТОН АКБАРИЙ

**Ш**оир Султон Акбарий 1923 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1939 йили ўрта мактабни битиргандан сўнг, журналистика билан шуғулланди. 1942—1946 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилди. Ҳозир Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриётида ишламоқда.

1940 йиллардан эътиборан шеърлар ёза бошлаган. Султон Акбарийнинг биринчи «Тинчликни олқишлайман» тўплами 1951 йилда нашр қилинди. 1954 йили унинг «Ижодкорлар» деб аталган шеърлар тўплами китобхонлар қўлига тегди. 1959 йилги Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадасига

атаб шоирнинг «Кўнгил оҳанглари» ва рус тилида «Вихри» («Гирдоб»), «Пламя» («Аланга») тўпламлари нашр этилди. 1961 йили «Меҳригиё» номли шеърлар тўплами чиқди. Султон Акбарий «Мирзачўл дафтари», «Фарзанд», «Гирдоб», «Тавба», «Менинг маҳаллам» поэмаларининг авторидир.





## ВАТАН

Ш

амол бўлиб, водийларингда  
Куй шивирлаб юрсам гулингга.  
Чанқоғингни боссам чашмадек,  
Селдай қайнаб оқсам чўлингга.  
Ёмғир бўлиб, артиб қўйсаму,  
Инжу томса япроқларингдан.  
Қуёш бўлиб, шира боғлатсам,  
Аримаса бол боғларингдан.

Ой бұлсаму, тун бүйи уйғоқ,  
Дийдорингга тўёлмай ботсам.  
Бўрон бўлиб, ғанимларингни  
Қояларга кўтариб отсам.

## БАҲОР

Шабада сийпалаб гулни уйғотди,  
Болари ғўнғиллар — оғзида боли.  
Оёғим тагида хас ташиб ўтди  
Рўзғорга чиниққан деҳқон чумоли.

Қампирлар эшитди яллиз дарагин,  
Бинафша бўйини келтирганда ел.  
Болалар ширачлаб дака варрагин  
Баҳорни чақирар: «Боғи шамол, кел!»

Қир кўкни соғинган кўзларда савол:  
Аччи кўл бўйида лола бормикан?  
Боғбон қиз сувдаги суратига лол —  
Тикилар: баҳордай беғубормикан?

Қут ёғди. Гоҳ «бўри болалаб» кетиб,  
Томчилар юмалаб тушар ҳовучга.  
Келинлар ўрикнинг шохини эгиб,  
Лабини қимтийди: нордон довучча!

Майсалар учини чимтир молу жон,  
Чоштгоҳда сигирлар қайтарар ковуш.

Қамиш най чаляпган қайси Алижон,  
Водийни янгротган қанақа товуш?

Юзими сийпалар гулни уйғотган  
Қалдирғоч қаноти — дала шамоли.  
Қалбимда бир дунё ҳавас қўзғатган  
Тол попук фаслнинг тиниқ жамоли.

Гуллай бер шафтолим, қантак ўригим,  
Кўкариб ўса бер барра ўт, майсам.  
Баҳорим — меҳнатга катта кўригим,  
Хуснингга тўймайман дала айлансам.

1958

## Е Ш Л И К

Умр карвонида  
Кетган ёшлигим,  
Нега тутолмайман,  
Бир шўъламинг?  
Ёки шивирлаган  
Шамолдай енгил,  
Оҳанрабо, дилбар  
Ашуламинг?  
Қани, сен айтган у  
Чўпчак, топишмоқ?  
Қани, сен учирган  
Шокилда варрак?  
Қани, сен ишқомда  
Чўзилиб ётиб,  
Чуғурчиқ қўриган  
Ёғоч тартарак?  
Қани, сен оқизган  
Қоғоз қайиқча?  
Қани, сен офтобда  
Ясаган лой уй?  
Қани, сен куйлаган

«Емғир ёғалоқ»?  
Қани, ҳайрон бўлиб,  
Деганинг: «вой-бўй»?  
Боққа кирсам, кўчат —  
Бўлиб кўриндинг,  
Тоққа чиқсам, турдинг  
Янги қоядай.  
Сойга тушсам, оқдинг  
Қайнаб, шарқираб,  
Енбошимда доим  
Юрдинг соядай.  
Ҳамма ерда сени  
Кўрдиму аммо,  
Тутолмадим оппоқ  
Этакларингдан.  
Мамнунман умримдан,  
Ешлигимдан ҳам:  
Териб қолдим эккан  
Чечакларингдан.

1959

## БАХТ

Асрларнинг қора довони бахтнинг  
Елиб қўйган эди тавақасини.  
Эшигимдан туёқ кирармикан деб,  
Остонага кўмдим от тақасини...

На қуръони шариф, на инжил, таврот,  
На пайғамбар ва на азиз авлиё,  
На осмондан олов олиб тушган у —  
Прометей менга беролди зиё.

Бахт истадим. Лекин орзудаги бахт  
Хазонрезги каби сўлиб кўринди,  
Арвоҳ капалаги қўнган номозшом  
Зулмат қабристонни бўлиб кўринди.

Бахтни қидирардим чаққанда чақмоқ,  
Бахтни қидирардим эсганда баҳор.  
Бахтни қидирардим бағри қон лола —  
Очилган пайт, шошиб оққанда анҳор.

Бирдан... Октябрнинг чўғ байроғида  
Олам янгилашиб, нурланиб қолди.

Кулхонада ётган бахтимни тарих  
Ленин қўллари-ла кўтариб олди.

Йўқ, мен «Тиллахумча» деган эртакни —  
Қидирмадим; Ленин сўзин қидирдим  
Ва Инсоннинг тоза руҳидаги у  
Ҳаёт партиясин ўзин қидирдим.

Фақат иккисининг тафаккуридан  
Қалб ёришиб, буюк орзу ушалди.  
Бахтинг чечагини кўр деган каби  
Йўлларимга зилол баҳор тўшалди.

Бахт— ўзимман. Ҳаёт дарчаларини  
Қадоқ қўлларим-ла шошиб очаман.  
Чақмоқ шеърларимда варақма-варақ  
Инсон севгисини гулдай сочаман.

Бахт кўп. Улашсанг гар етар жаҳонга;  
Мевалари ширин. Келинг, татининг.  
«Ўқинг, ҳавас қилинг, гражданиман —  
Мен улуғ Советлар мамлакатининг».

1959



## НУР ОДАМ

Чақмоқлар ёнига чиққан у,  
Қуёш панжасини сиққан у,  
Дулдул эмас, учар дев эмас;  
Қалбим, афсунларни «сев!» демас,  
Одам учди, нур одам учди!  
Хаёлидай ҳур одам учди!  
Учди юлдузларни овлаган кўзларим,  
Ушшоқ замонларда ёнган сўзларим.  
Учди армонларим кенг қанот қоқиб,  
Етти қават осмон ҳужрасин ёқиб,  
Учди қўмсаганим, бола эртагим,  
Лозимдир инсонга салом бермагим:  
Олам тилсимига киргани учун,  
Тирикликка нафас ургани учун,  
Худони ҳам синаб кўргани учун.  
Қўкдан тушолмаган,  
Инсон қўлин ушлолмаган  
Худо худомасдир — ожиз афсона.  
Мен Инсонни худо дегум мардона,  
Худо дунёси эмас бу дунё.  
Инсон дунёсидир. Бугун ё —  
Эрта Зухроларга қўниб у,

Уй солишга ёғоч йўниб у,  
Уларда ҳам янги кўчалар очур.  
Атиргуллар сочур,  
Еттинчи қитъа деб атар осмонни,  
Нур ёғилиб ётган ошённи...  
Одам учди!  
Этим жимирлар,  
Ҳаяжондан лабим зўрға қимирлар.  
Қувончдан йиғласам йиғлагудекмен.  
Ишончдан йиғласам йиғлагудекмен.  
Балли хаёл парвозларига!  
Балли ҳаёт пардозларига!  
Балли нур одамлар наслига!  
Балли яшаришлар фаслига!  
Балли Гагариннинг ўзига!  
Балли Ватанимнинг чақмоқ кўзига!  
Совет кишисига офарин!  
Ақл олқишига офарин!

1961





## *ПЎЛАТ МЎМИН*

**Б**олалар шоири Пўлат Мўмин 1922 йилда Тошкентда камбағал деҳқон оиласида туғилди. У Педагогика билим юртини, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини (1944 йил) битирди, ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таълим олди.

Пўлат Мўмин киноактёрлар мактабида адабиётдан дарс берди. «Ленин учқуни» газетаси редакциясида, Ўзбекистон ССР давлат нашриётида, Ўзбекистон Езувчилари союзининг аппаратида ишлади.

Пўлат Мўмин шеърлари 1944 йилдан матбуотда кўрина бошлайди. Унинг «Сайранг қушлар» (1949), «Олтин бошоқлар», «Тонг куйлари (1951), «Гул тайёр» (1953), «Тиш чўтка, атир со-вун ва порошок ҳақида эртак» (1954), «Офтоб чиқди оламга» (1956), «Хўнардан унар» (1959) китобларини болалар севиб ўқишади. Шoir Пўлат Мўминнинг ҳунар мактаби ҳаётидан олинган «Ўринбосарлар» поэмаси (1954) ва рус тилида «Дўстларим» (1955), «Дадил қадам ташлаймиз» (1958) тўпламлари ҳам нашр этилгандир.



## ПИОНЕР ҚҰЛДОШНИНГ ҚУЕШ БОБОГА АЙТГАНИ



Танийсанми, бобо Қуёш?  
Танишайлик, отим Қўлдош.  
Нур бергансан китобимга,  
Раҳмат берган офтобингга.  
Мен ўқийман олтинчида,  
Бўшанг эдим олдин жуда.  
Тутиб олдим ўзимни тез,  
Дарсларимнинг ҳаммаси «беш».  
Астроном бўлай деган  
Истагим бор, қалай экан?  
Ёки катта кетаманми,

Тилагимга етаманми?  
Бўлиб олсам астроном,  
Улуғбекдай қозониб ном.  
Осмонларнинг илмин билиб,  
Сен томонга этсам парвоз,  
Эҳ, жудаям бўларди соз!  
Биласанми, бобо Қуёш,  
Биз учирдик сенга йўлдош.  
Хайр, дея Ерда менга,  
Ойдан салом элтди сенга.  
Илм ўрганиб китобингдан,  
Айланмоқда атрофингда.  
Бундан хурсанд бўлдим беҳад,  
Мен ўйлаган орзу, мақсад  
Кўз олдимда кулди башанг.  
Олимларга дедик:— Яшанг!  
Лекин бобо, мен кечикдим,  
Бунинг учун сен кечиргин.  
Аммо айтган сўзим битта,  
Билим олиб мен, албатта,  
Ҳузурингга чиқмоқчиман  
Бўйнимдаги галстукдан  
Мен бўйнингга тақмоқчиман.

## ДАРСЛАР МАЖЛИСИ

Тунов куни барча дарслар  
Мажлис қилиб қолишди...

Адабиёт гап бошлади:  
Янги фикр ахтариб:  
— Мен дарсларнинг бурросиман,—  
Дер дарровдан мақтаниб,  
— Турли-туман китобларим  
Барча севиб ўқийди.  
Менинг учун катта-катта  
Шоирлар шеър тўқийди.  
Ёшлар мендан ўрганишар  
Қаҳрамонлик йўлини.  
Ўрганганлар тўғри юрар  
Топиб ўнгу сўлини...

Адабиёт гапидан сўнг  
«Тарих» туриб сўзлади:  
— Мен бўлмасам билмасдингиз  
Улуғ Ватан тарихин.  
Айтадирман ўтган замон

Ва келгуси таърифин.  
Нотиқ «Тарих» сўзларига  
Ҳамма қулоқ солди жим.  
Раис бўлган «Рус тили» дер:  
— Дўстлар яна сўзлар ким?

«Она тили» туриб деди:  
— Сўз беринг, бизга, қани?  
Ўз тилини билмай туриб,  
Билиш қийин бошқани!  
Биринчидан, савод керак  
Ўрганишга ҳар фанни,  
Фикрлари равон оқар  
Тилни яхши билганнинг...

«Ботаника» дер:— Ҳар бола  
Билсин мени яхшироқ.  
Асли менинг илмим билан  
Гулга тўлар ҳамма ёқ.  
Мичуриннинг таълимоти  
Халқ дилини қилди чоғ.  
Бу асосда шимолда ҳам  
Яратилди боғи-роғ.  
«Ботаника» сўзлаб бўлгач,  
Ирғиб турди «Физика».  
Лампочкалар нур сочарди  
Бутун синф юзига:  
— Физиканинг илми билан  
Дарёлардан чиқар нур.

Шу билимнинг асосида  
Техникамиз юксалур...



Биласизми, атомларим  
Тинчлик учун хизматда.  
Қани айтинг инсоф билан,  
Қай фан турсин иззатда?  
Мана, менинг хизматимдан  
Завод, ГЭС ва фабрика...  
«Физика»нинг сўзлари ҳам  
Лойиқ бўлди табрикка.  
Физикага раҳмат айтди  
«Ҳисобжон» ўз гапида:  
— Мен тураман хизматим-ла,  
Физиканинг сафида.  
География ёйди —  
Каттакон харитани.  
Шошмай туриб бошлади сўз,  
Кўрсатиб Москвани:  
— Мана бизнинг пойтахтимиз,  
Бу — бепоён юртимиз,  
Мана бундай шаҳарлардан  
Ғалабага юрдик биз.  
Мана Донбасс, бу — Фарход ГЭС,  
Мана темир, мис, олтин.  
Ер остининг бойликларин  
Билиш керак энг олдин.  
Мана мен-чи, «Химия» ман,  
Ҳар соҳада ҳиссам бор...  
Мен кўрсатган усул билан  
Дори-дармон ясалар....

Интизом-ла қўл кўтариб,  
«Физкультура» турди тик.  
Қомати ҳам келишган заб,

Кўриниши мард, тетик:  
— Уртоқ дарслар, биласизми  
Физкультура ишини?  
Бола агар соғ бўлмаса  
Биларми ўқишини?  
«Соғлом танда — соғ ақл».  
Билиб қўйинг бу нақл.

Баъзи дарслар мақтанишиб,  
Гапни роса қийишди.  
«Мени яхши ўргансин» деб,  
Даъволар ҳам қўйишди.  
«Рус тили» дер:  
— Шошманг, дўстлар.  
Масалан, бир ўқувчи:  
Кўп дарслардан «беш», «тўрт»и бор,  
Тилдан-чи, «кки», «учи»,  
Хўш, яхшими, шундай билиш?  
Ярамайди бу асло.  
Ҳар ўқувчи барча дарсдан  
Ўқий олсин «беш» — аъло.  
Ҳамма дарслар баравармиз,  
Вазифамиз ҳар турли.  
Барчамизни тўлиқ билган  
Боланинг йўли нурли...

«Рус тили»нинг маслаҳатин  
Маъқуллашди чинакам  
Гуриллатиб чапак чалди,  
Сўзламаган «Расм» ҳам.

1948

### ЭХ, РОСА ШИРИН ЭКАН!

Тонгда дадам уйғотиб,  
Деди:— Ухлама қотиб,  
Қовун сотиб олгани —  
Бормоқчийдик юр, қани.

Севинч чақнаб кўзимда,  
Тайёр бўлдим бир зумда.  
Атрофимизда шу дам  
Айланиб қолди укам,  
Эргашди бораман деб.  
Боришин кўрмасдим эп.  
У ялинди ўтиниб,  
Сўнг йиғлади ўтириб.  
— «Москвич»да сенга тез  
Қовун олиб келамиз, —  
Десам кўнмади қурғур.  
Дадам деди:— Майли юр.

Жўнадик учаламиз,  
Йўлда физ-ғиз учамиз.  
Дадам ҳайдашга уста.  
Машинамиз кўк тусда.

Етиб келдик бозорга,  
Гўёки қовунзорга.  
Олайлик деб саралаб,  
Юрдик бозор оралаб.

Босволди тарам-тарам,  
Тўн кийгандай беқасам.  
Қуёш нусхали чўтир,  
Асал солгандай оғир.

Қовуну тарвузлар тоғ,  
Кўриб кўнглинг бўлар чоғ.  
«Дидинг бўлса мени ол,  
Ичим тўла лиқ-лиқ бол,  
Майли мени сўйиб е,  
Деҳқонимга раҳмат де»,—  
Дегандек кўк ананас,  
Қўзғар иштаҳа — ҳавас.  
Чеккароқда бир деҳқон

Қовунин мақтар чунон:  
— Келиб қол, эй, харидор,  
Вақтинг ўтмасин бекор.  
Бу Мирзачўл қовуни,  
Қимки олмаса буни —  
Тушиб қолади пули.  
Эҳ, еганлар дармонда,  
Емаганлар армонда!  
Олиб қол, шинаванда,  
Қоқ эрталаб шудрингда  
Узганман сув қўймасдан,  
Олмасангиз ҳам иним,  
Еб кўринг-а, бир тилим.

Мисоли қўй сўясиз,  
Тилимига тўясиз.

Татиб кўрдилар дадам:  
— Ширин экан жуда ҳам.  
Меҳнат қилибсиз роса,  
Қани тортинг бўлмаса, —  
Дедилар дадам аста.  
Биз қарардик ҳавасда.  
Майда-майда тўни бор,  
Бир метрча бўйи бор.  
Ўзи каттакон харсанг,  
Ичимдан бўлдим хурсанд.  
Тортувдик бир қовунни  
Ун беш килодан ошди.  
Кўтаролмай ҳеч уни  
Ағрайиб ақлим шошди.

Дадам дедилар:—Бай-бай,  
Шунга кучинг етмаса,  
Буёғи бўлди қандай?  
Зарядкага дангаса —  
Бўлишлик оқибати.

Шу ҳолга тушиб бирдан  
Кўзни олмасдим ердан.  
Дехқон-чи, шу заҳоти,  
Ўз ўғлига:— Алишер,  
Ўртоғингга ёрдам бер,—  
Дея қилди ҳавола.  
Қовунлар ёнида жим  
Ўтирарди бир бола.  
Мен унга қараб турдим.

У бола кела солиб,  
Қовунни ердан олиб,  
Мени қилгандай изза,  
Кўтариб кетди ғизза,  
Машина сари тезда.  
У — мендан хипча, кичик,  
Ҳайронман, нега кучлик?

Мақтаниб қолди деҳқон:  
— Бизнинг ўғилча полвон.  
Ота ўғли чинакам  
Доим беради ёрдам.  
Меҳнат билан пишиган,  
Барча хурсанд ишидан.

Жўнадик ҳовли томон  
Ғаш эди кўнглим ҳамон.  
Машина ичида ҳам  
Ўтирардим индамай.  
Мени мазах қилгандай  
Қараб қўярди укам.  
У ҳали кетарми жим?  
Кўзига кўринса ким  
Роса чалса-я карнай?  
Гапга қоламан, бай-бай.

Келдик-да, ҳовлимизга,  
Барча қовунни атай —  
Ташлаб қўйдик ҳовузга,  
Бўлсин дедик-да муздай.  
Қовунлар ҳовуз бўйлаб  
Сузишар балқиб, ўйнаб.  
Бувим, ойим ва дадам

Супада бўлдик-да жам,  
Кечга яқин шу куни  
Бувим катта қовунни  
Сўйиб бердилар аста,  
Қилдилар тилим, коса,  
Бувим сўйишга уста,  
Эҳ, ширин экан роса.

Гап очиб қолди укам:  
— Эй, бувижон, бувижон.  
Бу қовунни-чи, акам —  
Кўтаролмади.  
— Қачон? —  
Дея сўради бувим.  
Мен эса қолгандим жим.

Барча гап-сўзни шу дам  
Айтиб бердилар дадам.  
Дедилар:— Бундан буён  
Зарядка қилгин ҳар тонг.  
Ҳар кимнинг ҳам оғзида  
Қолди унинг мазаси.  
Аммо баъзи-баъзида  
Бу қовун воқеаси —  
(Мирзачўл қовунини  
Ердан узолмаганим)  
Тушиб қолса ёдимга  
Ғалати бўлиб таним  
Қарар эдим ёнимга.

1957

### ГАЗПОЛВОН ЭРТАК АЙТАР

Газ плита устида,  
Зангори ранг тусида  
Олов ёнарди лов-лов,  
Гапирган бўлиб биров  
Қулоқ солсам шу замон,  
Сўзлар эди оловжон:  
«Эй, болакай, тур нари»  
Деб полвонлар сингари  
Бошлади эртагидан:  
— Билиб қўй, оғайнижон,  
Чиққанман ер тагидан  
Менинг номим Газполвон,  
Қара, яйраб ёнаман.  
Иссиғимда ошу нон  
Пишириб еса инсон,  
Мен бунга қувонаман.  
Эртақ айтай ўзимдан,  
Билиб олгин сўзимдан, —  
Етти қават ер ости,  
Маконим эди асли.  
Мени билмасди ҳеч ким,



Эдим жуда бой тилсим  
Устимдан-чи, чўлу қум  
Таппа босиб ётарди.  
Талай йиллар ўтарди.  
Ўйлар эдим: «Қим озод  
Қилса мени умрбод —  
Ўшанинг хизматини,  
Қилардим иззатини,  
Роса давр сурардим»  
Деган шартни қўярдим.  
Қалбимдаги орзуни  
Эшитгандай бир куни —  
Улуғ совет одамин  
Етди менга қадами.  
Илми, кучи туфайли  
Чиқдим ернинг юзига,  
Қирдим унинг сўзига.  
Қайга бошласа юриб,  
Қувур йўлдан югуриб,  
Яшаяпман хизматда,  
Обрўйим жуда катта.  
Эритаман темирни —  
Уялтириб кўмирни  
«Минг бир кеча»даги дев  
Қаршимда ечолмас ип,  
Роса мақтанаркан деб,  
Тагин қолмагин айниб.  
Мен шундай Газполвонман.  
Ҳеч енгилмас полвонман,  
Ҳам кўринмас полвонман.  
Кучим кўпдир вулқондан,  
Зўр чиқаман бўрондан.  
Етмиш бир хил моддаман,

Аслим жуда соддаман  
Баъзан бўлса асовман,  
Жуда иссиқ оловман.  
Жаҳлимдан эҳтиёт бўл,  
Ёнмай қолсам-чи агар,  
Ёмонман, заҳрим тегар,  
Аҳволинг бўлар мушкул.  
Кимёгарнинг қўлида  
Юраман-да йўлига,  
У истаган буюмга  
Айланаман бир зумда.  
Бўёқ ё дори-дармон,  
Асбоб, ўйинчоқ, гармон  
Ёки копток ё энгил,  
Хоҳласа галош, шахмат  
Бўлиш менга еп-енгил.  
Илмимни билган фақат, —  
Ўзин йўлига солар,  
Минг турли фойда олар.  
Эшитдингми эй, ўғлон,  
Эртагимда йўқ ёлғон.  
Бухоро чўлига юр,  
Боргин-да, конларни кўр,  
Газ илмини ўқигин,  
Ишлаб қўшиқ тўқигин,  
Мени топган оловкор,  
Улардан бўл миннатдор.

1961





## САМИҒАБДУҚАҲҲОР

**С**ами Абдуқаҳҳор 1922 йилда Тошкентда туғилди. Тўлиқсиз ўрта мактабни битиргач, у 1937 йилдан бошлаб, «Муштум» журналинда, сўнгроқ эса «Ленин йўли» газетасида адабий ходим бўлиб ишлаб бошлади, 1939 йилда Ўзбекистон Давлат университети-нинг филология факультетига ўқишга кирди. 1941—1946 йилларда Сами Абдуқаҳҳор Совет Армияси сафида хизмат қилди. Армиядан қайтгандан сўнг, у «Ленин учқуни», «Қашқадарё ҳақиқати» ва «Ёш ленинчи» газеталари редакциясида, «Муштум» ва «Шарқ юлдузи» журналларида ишлади.

Сами Абдуқаҳҳор ўзбек совет адабиётида масал жанрини ривожлантириш йўлида самарали ижодий иш олиб бормоқда.

Шоирнинг «Масаллар» (1954) тўплами ва республика вақтли маъбуотида босилиб турган масал ва ҳажвий шеърларида совет кишиларини коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш ва баъзи одамлар психологиясидаги капиталистик сарқитларга қарши ўт очиш масалалари ўз бадиний ифодасини топмоқда.

Сами Абдуқаҳҳор проза жанри соҳасида ҳам талайгина асарлар яратган.

## ДАРЕ БИЛАН ЖИЛҒА

**Б**ирдан шаррос қуйди баҳор жаласи,  
Бўғотга беркинди чумчуқ галаси.  
Дам ўтмай қирдан кўпириб, тошиб,  
Шиддати зўр, керилиб, ошиб,  
Тушиб келди кичик бир Жилға  
Узи анча саёз, серкўпик, лойқа...  
Водийдан ўтарди Дарёи-азим,  
Вазмин оқишида салобат, виқор.  
Кўрдики, ёнидан кичик сув оқар.  
Деди:— Бизга бирлашмоқ лозим!

Бирлашиб водийга ҳаёт элтамиз,  
Нур бўлур шу элга ҳар бир қатрамиз...  
Наҳот якка қолсанг?!

Қара бўйимга!

— Қўшилмоқни келтирмайман ўйимга!

Нима қилдим сенга қўшилиб,  
Яхши эмасми ўзим оқсам жўш уриб?

Истасам ҳар томон суза оламан,

Истасам ғовни ҳам буза оламан.

Қудратимга ўзинг ҳам тан бер-да андак;

(Сув юзида фақат сузарди пўкак..)

Ўзбошимча кета берди...

Туну кун юрди.

Дуч келиб эртаси Жилға қумлоққа,

Сингиб кетди буткул тупроққа.

\* \* \*

Халқ мақоли: бирлашган ўзар,

Бирлашмаган тўзар,

Бормас узоққа!

1951

## УРГИМЧАК БИЛАН ЧИВИН

Баланд бир бўғотга кул ранг тўр илиб,  
Яшар эди яйраб-керилиб,  
Қари Ургимчак.  
Қориндор, савлатли, мисоли гупчак.  
У ҳақда юрарди миш-миш:  
Осмоннинг устунни бўлмоқчи эмиш...  
Бир куни Ургимчак шу ҳолни кўрмиш:  
Девордан чиқарди Чивин ўрмалаб,  
Дарҳол қарши олди уни эркалаб:  
— Ҳа, ҳа, бардамсиз, Чивинбой ошна?  
Сизни эдим кўпдан кўрмоққа ташна,  
Кеча сўзлаб берди Қовоқаримиз:  
«Ҳамжиҳат яшайлик, — дейди, баримиз,  
Бўлмаса ошнангнинг ёрдам, тираги,  
Шундайин ҳаётнинг борми кераги?!»  
Тўғри, ўзингиздан қилинг-чи қиёс,  
Муҳтожликда ўтар сизда қишу ёз.  
Сизга чўзай дейман ёрдам қўлимни,  
Ҳеч раво кўрмайман дўстга ўлимни!  
Келинг энди, олинг не истасангиз —  
Молу мулк, озуқам, ҳатто пулимни...

Бу гапдан Чивинбой эриб, гентираб,  
Гоҳ жилиб жойидан, гоҳ оёқ тираб,  
Бир дақиқа ўтмай розилик берди,  
(Ўргимчакка фақат шу керак эди!)  
Ип ташлади.

— Чирмаш, чиқа қол тезроқ!  
Тортиб олди уни тўрга зумдаёқ  
Сўнг сўра бошлади сахий мезбон —

Энди уқубатда Чивин берар жон! қон.

\* \* \*

Берилмоқда океан ортидан ҳар дам,  
Шундайин ёрдам!

1952



## АЙИҚ ВАЪЗХОН

Айиқполвон жондорларни ўрмонга тўплаб,  
Сўз бошлади салмоқ билан сув ҳўплаб:

— Лозим бўлиб қолди сизларни тергаш!  
(Ўтказарди каттакон кенгаш...)

Узун қулоқ Қуён!

Аланглама у ён-бу ён,

Сен савзини барги билан е!

Айтганимни барча қуёнларга де!

Сенлар ҳам, исрофгар Тулки, Қурбақа!

Сен-чи, Тошбақа,

Экинларни босма юрганда,

Қинғир оёқ ташлама йўл турганда!

Рост-да, исроф бўлса жон ачишади,

Баъзилар тежашдан қочишади...

Мунчоқ қилиб тақиб олинг сўзимни,

Ўргата бериб ҳалок қилдим ўзимни!..

Хулласи калом,

Ҳаммани койиди Айиқ номма-ном...

Кенгаш битиб барча тарқалди.

Айиқбой ҳам инга йўл олди.

«Тўхта!— деди,— қисқа бўлсин йўл!

Айланиб юришга вақт борми мўл?  
Кесиб ўта қолай артель полизин,  
Айлансам йўлим бўлар жуда ҳам узун!»  
Айиқбой кетди секин,  
Пайҳон этиб,—  
Босиб экин...  
Қўриқчи Қуён шу чоқ келди этиб,—  
Полизига,  
Кўзи тушди Айиқ изига.  
Нима ҳам дер? Тилсиз қолди шу он.  
(Маълум-ку, азалдан Қуён)  
Қараб қола берди Айиқбойнинг кетишига.  
Фазилатдир ҳар кишига  
Монанд бўлса сўз ишига!

1952

### ҚАЛАМ БИЛАН ҚОҒОЗ

Оппоқ Қоғоз билан оддий бир Қалам,  
Ёзув столида учрашди икков.  
— Афсус...— деди Қоғоз,— қандайин алам,  
Оқ эдим, қоп-қора демасди биров!  
Бекор мени, дўстим, қилдинг қоп-қора,  
Чиройим ҳам кетди, юзимга қара!  
— Э, бефаҳм!— Стол сўкинди тажанг,—  
Шоир қаламидан тўлди саҳифанг.  
Асрлар яшайсан, қимматинг ошар,  
Бўш эмас, мазмун бор, саҳифанг яшар!..

1958

## ЛАГАНБАРДОРНИНГ ХАВОТИРИ

Бошлиқ ҳузурида ўтирар Норқул,  
Оғзи қулоғида, илжаяр нуқул.  
Бошлиқ сўзин тинглар: вужуди — қулоқ!  
Оёғи остида мисоли тупроқ.  
Лекин бошлиқ Норқул «иззатин»,  
Лоқайд боқиб бошлиқ ўтар хизматин.  
Шу палла бир пашша виз этиб елиб,  
Норқулнинг юзига қўнади келиб,  
Эти жимирлашиб титради лаби,  
Ғаши келди ари талаган каби.  
Аммо қимир этмас мисоли ҳайкал,  
Тўкилиб кетгудай қимирласа сал.  
Бошлиқ сезиб деди:— Бузманг роҳатни,  
Ҳайданг юзингиздан у касофатни!  
Тортиниб, қимтиниб, жавоб берди у:  
— Ахир ўзларидан келиб қўнди-ку!

1960

### ЭКИШНИЯМ БИЛСАЙДИНГ ШУНДОҚ...

Бир кун йўлдан ўтиб бораркан Эшмат  
Кўриб қолди, эски ўртоғи Тошмат  
Ҳадеб болта урар азим теракка.  
Қора терга тушиб, ишларди якка.  
Кўзи тушиб унинг Эшматга шу чоқ,  
Мағрур мақтанди у:— Қани, ўзинг боқ,  
Қалай, устаманми дарахт кесишга!  
— Ҳа, хўп келишаркан қўлинг бу ишга!  
Кесишга-ку уста экансан, ўртоқ,  
Аммо экишниям билсайдинг шундоқ!..

1961



## Х А В О Т И Р

Мадрайим Хурракни билсангиз керак,  
Ишламас, ўқимас, отади хуррак...  
Яқинда юз берди қизиқ ҳодиса,  
Одамлар нима гап бўлибди деса,  
Уч кундан бери у ухламас эмиш...  
Ҳамма ҳайрон, сўрар: «— Бу қандай  
ташвиш?»

Алам билан дейди Мадрайим Хуррак:  
— Суғорган эмишман тушимда таррак!..  
Шу бўлди қўрқаман ухлагани ҳам,  
Не қиламан яна тушда суғорсам?!

1961





## ҚУДРАТ ҲИКМАТ

**К**удрат Ҳикмат 1925 йилда Тошкентда деҳқон оиласида дунёга келди. У 1944 йилда ўрта мактабни тамомлаб, киномеханиклар курси ва техникумида ўқиди. 1957 йилда эса Тошкент кечки педагогика институтини битирди.

Қудрат Ҳикмат «Еш ленинчи» газетасида адабий ходим, Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёти ва «Еш гвардия» нашриётларида редактор ва бўлим мудирини бўлиб ишлади.

Қудрат Ҳикматнинг ижоди 1945 йилдан бошланди. Шоир ўз ижодий фаолияти давомида боғча ва кичик ёшдаги мактаб болаларига «Менинг Ватаним» (1950), «Тинчлик—ободлик» (1953), «Дўстлик» (1954), «Москвага саёҳат» (1956), «Уч ўртоқнинг сов-

гаси» (1957), «Невара меҳри» (1959) китобларини туҳфа қилди. Унинг «Биз боғбонмиз» (1951), «Бахтли болалар» (1952), «Жонажон Ўзбекистон» (1955), «Янги китоб» (1958) тўпламлари рус тилида нашр қилинган.

Қудрат Ҳикмат кўпгина шоирлар — В. Маяковский, С. Маршак, С. Михалков, А. Сурков, М. Бажан, А. Барто, А. Воронко, П. Нехода, Ж. Родари, Николас Гильэн ва бошқаларнинг болаларга аталган шеърларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган.





## ҚАДРОН РАСМ

У

нсин холамнинг

Кенжаси хурсанд.

Қўлда алифбе,

Уқиш билан банд.

Китобчасини

Очса варақлаб,

Ильичнинг расми

Чиқди ярақлаб.

— Уғлим, бу ким?— деб,

Сўради она.

Балки дидини

Билмоқ баҳона.  
Ўзи кичкина  
Бўлса ҳам Ерқин,  
Мурғак дилига  
Доҳий энг яқин.  
Суратга боқиб:  
— Бобом Ленин!— дер.

Бир пайтлар мен ҳам  
Эдим пионер.  
«Ўқиш китоби»н  
Олиб жавондан,  
Ерқин укамдай  
Дўстлашиб жондан,  
Доҳий расмини  
Қилардим кўз-кўз,  
Фикру ёдимда:  
«— Ленин»— деган сўз.

## ЛАМПОЧКА

Тўлқинжоннинг нок нусха  
Лампочкаси бор эди.  
У патронга ўрнатгач,  
Уйнинг ичи ёриди.  
Четдан уни кузатиб,  
Ўйлар бола тушмагур:  
Қуёшнинг набираси  
Балки бундан сочар нур.  
Ундай бўлса осмондан  
Тушмас юлдуз донаси.  
Ёнларида гиргиттон  
Кезар офтоб онаси.  
Бўлмаса қандай қилиб  
Белампаёғ, бегугурт,  
Равшан ёнар лампочка,  
Тунлари ҳам ёруғ юрт.  
Кокил-кокил симлардан  
Нур дарёси оқарми?  
Ё кўринмас одамлар  
Келиб уни ёқарми?  
Тўлқинжоннинг хаёли

Тўрт ёққа тўзиб кетар.  
Фикрлар бир-биридан  
Пойгада ўзиб кетар.  
— Фаразларим хато!— деб  
Ўйланар бир дақиқа.  
Зеҳни ишлаб чақмоқдай  
Бирдан порлар ҳақиқат:  
— Сувнинг йўли бошланар  
Тоғларнинг қир учидан.  
Энергия олинар  
Шўх дарёлар кучидан.  
Мен ижодкор халқ ўғли,  
Афсоналар бўлмағур.  
Буни меҳнат яратган,  
Бу ҳеч қачон сўнмас нур!

## МЕНИНГ ВАТАНИМ

Қўкдай бепоён,  
Бойликларга кон,  
Кенг пахта майдон  
Менинг Ватаним.

Халқлар эркин, шод,  
Ленинчи авлод,  
Меҳнат-ла обод  
Менинг Ватаним.

Қўш ўроқ-болға,  
Бахт этиб совға,  
Бошлайди олға  
Менинг Ватаним.

Бош кўтарса ёв,  
Янчамиз дарров,  
Тинчликка гаров  
Менинг Ватаним.

1949

### УЧ УРТОҚНИНГ СОВҒАСИ

Кечқурун катта уйда  
(Мен ҳам бор эдим унда)  
Ўлтиришиб уч ўртоқ  
Суҳбат қилдилар узоқ.  
Навбат билан охири  
Деди улардан бири:  
— Гулбаҳорга энди сан,  
Нима совға этасан?  
Салмоқланиб Неъмат дер:  
— Бизнинг колхоз миллионер.  
Бор унинг катта боғи,  
Серҳосилдир тупроғи.  
Кўркамликда ягона,  
Тут кўчатдан юз дона —  
Экаман Хол бобомдек,  
Ўсиб олма, бодомдек  
Бўлсинлар яшил дарахт,  
Баргларидан ҳамма вақт  
Ипак қуртлар бахр олсин,  
Донғи элга тарқалсин.  
Мана менинг совғам шу.

Яна қизир тортишув:  
— Гулбаҳорга энди сан,  
Нима совға этасан?  
— Уртоқлар,— деди Эргаш,  
Боғда ишлаш тагин гашт.  
Ҳар хил рангли гуллардан  
Танлаб-танлаб улардан  
Мактабимиз ёнига,  
Дам олиш майдонига,  
Янги гулхона ясаб,  
Ўтқазаман сафма-саф.  
Шабдалар эрталаб,  
Ғунчаларни эркалаб,  
Ёқимли ҳидлар сочсин,  
Киши баҳрини очсин.  
Мана менинг совғам шу,  
Лекин осон эмас бу!  
— Гулбаҳорга энди сан  
Нима совға этасан?  
Қодиржон дейди:— Мен ҳам  
Қути ясайман кўркам.  
Қушлар унга ин солар,  
Яйраб ўсар қушчалар.  
Читтак, майна, булбуллар  
Бизга қалин дўст улар.  
Турли зараркунанда  
Ҳашоратни кўрганда,  
Аямасдан ҳар қатда  
Қириб ташлар албатта.  
Ўйнаб беҳи, олчада  
Юрсинлар кенг боғчада.  
Менинг совғам шу бўлар,  
Боққа ҳусн қўшилар.  
1957

### ЭЛЕКТР АРРАЧИ

Мен электр аррачи,  
Цехимга кир, қара-чи!  
Қирқаман ҳар ёғочни,  
Арча, дуб, қайрағочни.  
Аррам ўткир, тенги йўқ,  
Чаққон ишлар берсанг ток.  
Бир текисда тиш тиғи,  
Учрамас дарз, синиғи.  
Қўрсанг ҳавасинг келар,  
Ясаш учун мебеллар,  
Ғўлаларни тиламан,  
Фанер, тахта қиламан.  
Бўлай десанг моҳир қўл,  
Ўз касбингга уста бўл.  
Зарур шарти бор бироқ,  
Аввал ўқи яхшироқ!

1958



## БИРИНЧИ ДАРС

Кумушдек тонг. Тиниқ кўк.  
Чалинади звонок.  
Жиринг!  
Жиринг!  
Жиринг!  
Болалар, дарсга киринг!  
Биз учун янги парта,  
Китоб, дафтар ва карта.  
Ўтирамиз бўйсира,  
Ҳамма шунга бўйсунар.  
Меҳрибон муаллима —  
Раҳматова Ҳалима.  
Сўзлар мактаб ҳақида,  
Тинглаймиз мен, Ақида.  
Қизиқтирар ҳарф мени,  
Ўқиймиз «Алифбе»ни.  
Дугонамдан ҳам олдин,  
«о», «л» ни билиб олдим.  
Фикрим ошар ўрганиб,  
Келинг синаб кўргани.  
Кумушдек тонг. Тиниқ кўк.

Чалинади звонок.  
Жиринг!  
Жиринг!  
Жиринг!  
Болалар дарсга киринг!

**1959**

## ОНАЖОНИМ

Ишчану чаққон  
Онажоним...  
Ҳаммага ёққан  
Жонажоним.

Ипакдек юмшоқ.  
Сезгир яна.  
— Бўлма, — дер, — ушоқ,  
Маҳмадона.

Меҳнатни сев, ўс,  
Бўтам ҳардам.  
Кўрмайсан кам-кўст,  
Етил бардам!

Меҳри жонимда  
Онам сўзи.  
Кулиб ёнимда,  
Турар ўзи.

## М О Д Е Л Ч А М

Менинг моделчам  
Келишган, ихчам.  
Баланд кенгликка —  
Учади тикка.

Менинг моделчам  
Кичик бўлса ҳам,  
Самолётдан зўр,  
Мана, синаб кўр!

Менинг моделчам  
Чиниқиб кам-кам,  
Ўтар Шимолдан  
Қўрқмай шамолдан.






## ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ

**Т**алантли ёш шоир Жуманиёз Жабборов 1930 йилда Қашқарё областининг Пўлат қишлоғида туғилди. 1952 йили у, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини битиргач, аввал «Хотин-қизлар» журналі редакциясида, сўнгра «Шарқ юлдузи» журналі редакциясида ишлади.

Жуманиёз Жабборовнинг ижодий биографияси 1950 йиллардан бошланган. Шоирнинг «Ватанимни куйлайман» (1953), «Баҳор нафаси» (1956), «Мақсад йўлида» (1958) каби шеърій тўпламларини, «Гулшан», «Тоғлар садоси», «Она ер қўшиғи»

поэмалари унинг нозик лирик истеъдодига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Жуманиёз Жабборовнинг поэтик маҳоратининг ошишида таржимонлик фаолияти ҳам ёрдам бермоқда: М. Ю. Лермонтов, Т. Шевченко, В. Маяковский, М. Бажан, А. Сурков, Янка Купала шеърларини, Вера Инбернинг «Сув йўли» асарини ўзбек тилига таржима қилган.



БАРҚ УРИБ КЕЛГАНДА КҮКЛАМ...

А прель.

Намойишда жумла табиат:  
Бугун далаларим шундай кўркликки,  
Бугун бутун олам шундай кўҳликки,  
Қарайман,  
Юракда севинч қатма-қат.  
Сувлар  
Танасига сифмай оқади,  
Майсалар шабнамдан кўтармиш қадаҳ.  
Қуёш қизғалдоқлар ўтин ёқади,  
Уйғониш, улғайиш фасли серфараҳ.

Муаттар бўй билан тўладир атроф,  
Таралар қушларнинг эрка наъмаси.  
Бу чексиз яшиллик, боғу роғ, офтоб,  
Қаймоқдай соф ҳаво ҳамма — ҳаммаси  
Бугун бир ўзгача завқ бағишлайди,  
Қуйилиб келади шоирнинг байти.  
Нечун табиатда бу қадар байрам,  
Туғилган кунини нишонларми ё?  
Йўқ!

Ленин туғилмиш — энг буюк Одам,  
Ҳар йили барқ уриб келганда кўклам —  
Унинг ҳурматига безанар дунё.



## БИЗНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИК

Қуёшдан ёруғроқ,  
Тонгдан мусаффо,  
Балқиб уйғонмоқда ёрқин эртамиз,  
Улуғ Етти йиллик,  
Бу сен, марҳабо!  
Сени шарафларга элтамиз.  
Сен улуғ партия, улуғ Съезднинг  
Иродаси, сўзи бўлиб туғилдинг.  
Сен очган уфқлар бениҳоя кенг,  
Бахт юлдузи бўлиб туғилдинг,  
Бахтнинг ўзи бўлиб туғилдинг.  
Шоир айтганидай: олтин тарозу,  
Олмос тош ўлчайди ҳар бир дамингни.  
Сен меҳнат, сен суръат, журъат ва орзу.  
Гурс-гурс ташла чўнг қадамингни.  
Сен етти паҳлавон;  
Ҳар бир полвонинг  
Асрларни кифтда тутишга қодир.  
Ҳар бир ҳаракатинг, ҳар бир жавлонинг  
Тарих яратажак баҳодир.  
Сен қуёш; домнангда ёнган аланга

Қуяр коммунизм иморатини.  
Экасан,  
Қурасан,  
Она-Ватанга  
Бағишлаб қалб ҳароратини.  
Сен дарё; мавжларинг ўйнаб беором,  
Баҳор бунёд этар ташна саҳрода.  
Сен юрак қаърида туғилган илҳом,  
Жаранглайсан еру самода.  
Сен бойлик,  
Сен доврұқ,  
Сен чексиз имкон,  
Қатламлардан элаб олинган металл.  
Сен ҳаёт ҳақида буюк бир дoston,  
Қўлда компас, йўлдаги машъал.  
Шонли Етти йиллик,  
Бизга ғурурсан,  
Ғулғула соласан душман дилига.  
Сен олға интилган абадий нурсан,  
Зафар келтирасан совет элига.

\* \* \*

Қиш. Чимчилаб қочарди аёз,  
Машғул эдик биз қор ўйинга.  
Қиш бўлса-да, юракларда ёз,  
Қор отардик юзга, бўйинга.

Еноқларинг яшнаб лолагун,  
Ҳазил қилдинг, ўйнадинг чунон.  
Юрагимда дафъатан шу кун  
Ажиб бир ҳис бўлганди меҳмон...

Шунда билдим, ноҳақдир буткул  
Фақат кўклам ишқ фасли деган.  
Ўт солибсан қалбимга, эй гул,  
Севги фасл танламас экан.

1958

\* \* \*

Миллиард юлдуз билан боқади осмон,  
Бу кундуз кечани чизарми қалам?  
Чексизлик қаърига бир боласимон  
Ҳайратда боқаман кўз олмай бир дам.

Сергак посбон янглиғ олтин қозиги,  
Қўлда ўрнатгандай кўркамдир Ҳулкар.  
Бахмал тунга тортиб олтин чизиги,  
Зумда ёниб, ўчар неча юлдузлар.

Фазо, назаримда, буюк бир денгиз,  
Сомон йўли олтин кўприқдир бошда.  
Дейдилар, ундаги энг оддий юлдуз  
Миллион бор каттароқ эмиш Қуёшдан.

Маҳлиё бўламан... Инсоний ғурур,  
Аммо тошиб келар қалбимга бирдан,  
Мен эмас, осмон йўлимга боқур  
Миллиардча мунтазир уйғоқ кўз билан.

1960

## УЛУҒ ВАТАНДОШИМ

Бир зумда ер шарин айланди одам,  
Йўлда қолиб кетди чақмоқ суръати.  
Оламни лол этган бу нурли қадам —  
Буюк Ватанимнинг буюк журъати.

Бу — ўроқ болғанинг чин ҳамкорлиги,  
Озод, ҳур фикрнинг парвозидир бу.  
Бугун қанотланди минг йиллик орзу,  
Бу совет қудратин байроқдорлиги!

Гагарин! Рус ўғли, мард ватандошим,  
Сени қалбларимиз кўкка узатди.  
Фазолардан омон қайтсин деб бошинг,  
Миннатдор нигоҳлар сени кузатди.

Салкам икки соат ва йигирманчи аср  
Азиз номинг билан тагин нурафшон.  
Партиям вояга етказган насл  
Сенга абадиян бўлсин шараф-шон!

Оламни титратган бу дақиқалар  
Тарих ва қалбларда мангу бўлар қайд.  
Замон соатлари бугун таъкидлар:  
Келди юлдузларга учадиган пайт!

*1961*

---

## ОНА ЕР ҚҰШИҒИ

*(Поэмадан парча)*

Ўзбекистон Коммунистик партияси-  
нинг XVI съездига бағишлайман.

Баҳор! Қирда ёнар қизғалдоқ,  
Байроқ тутган қизлар мисоли.  
Қўз ўнгимда алвон ёзароқ,  
Яшнаб ётар яйлов жамоли.

Юз хил оҳанг ва юз турли ранг  
Тамомила этиб дилни ром,  
Сут дарёдай жимиллаган тонг  
Бағишларди нафис бир илҳом.

Нам майсага ботиб тизларим,  
Боладай шод сезардим ўзни.  
Сипқаргудай ташна кўзларим  
Мавж урган бу зилол денгизни.

Қуёш чиқар... шўъла селидан  
Эриб борар баргларда шудринг.  
Тинглар эдим қушлар тилидан  
Бир ажойиб, сеҳрли гурунг.

Тубсиз кўкда чарх урган бургут,  
Ут-ўланнинг турфа атри ҳам,  
Қарвон-карвон кўчган оқ булут,  
Поёни йўқ бу гўзал олам —

Акс этарди дил кўзгусида,  
Туйғуларга солиб ғалаён.  
Табиатнинг ноз кулгусидан  
Ижод дарсин ўқирдим аён.

О, она-ер, сезаман аниқ,  
Меҳринг танда қуёш ёқмоқда,  
Мен — ер ўғли бир Антей янглиғ,  
Сендан дилга қудрат оқмоқда.

Қуёш билан безанган осмон,  
Жо бўл кўзим қорачиғига.  
Шу осмонга тенг бўлган майдон,  
Она кўксин очдинг ўғлингга.

Ҳузурингда турибман бугун,  
Яшил далам, қалбим парчаси!  
Бир гиламсан чексиз ва гулгун,  
Ҳар бир гулинг — қалбим лахчаси.



Хаёлимда дадил бир парвоз,  
Уфқларга боқдим бехато.  
Қалбим гўё минг торли бир соз,  
Шамолингдан бергудай садо.

Сенга айтар кўп мадҳиям бор,  
Адо этсам фарзандлик бурчим.  
Мен биламан: қуруқ онт бекор,  
Севги изҳор қилмоқлик учун.

Не қилайки, улуғ ҳарб чоғи  
Сен учун қон тўколганим йўқ.  
Аммо дилнинг ғазаб чақмоғин  
Душманимга отдим худди ўқ.

Шунинг учун: «Биз енгдик»,— деган  
Хушxabарни эшитганимда,  
Рейхстагга ол байроқ тиккан  
Солдат завқин туйдим танимда.

Бу, шунчаки афсусим эмас,  
Юракдаги эзгу бир армон.  
Қалбим бурчин ўтадим демас,  
Сенга хизмат қилмай, онажон!

Болалигим олтин бешигин  
Тебратган ҳам сенинг қўлларинг.  
Ланг очдинг-да иқбол эшигин,  
Саодатга ўзинг йўлладинг.

Тонгда учган латиф бир куйдай  
Алланг ҳамон янграр қулоқда.  
Жон бағишлар муаттар бўйдай,  
Нафасинг ҳеч кетмас димоғдан.

Сени сўнмас бир учқунсимон  
Дил тубига мангу солганман.  
Сени уйғоқ бир тўлқинсимон  
Қонларимга қуйиб олганман.

Тавсифингдан яйрайди қалам,  
Улғайтаман дилда мадҳингни.  
Ҳатто уйда иш столим ҳам  
Эслатади сенинг сатҳингни.

Қайда бўлмай, хизмат ва бурчим —  
Йўлламасин мени қай томон,  
Сени жондан севганим учун  
Ҳар зафарга муҳайё имкон.

Сени жондан севган сабаби  
Ватан менга ҳаётдан улуғ.  
Қалбим қизил харита каби  
Ватанимнинг нақшига тўлиқ.

Мен кезганман Волга бўйида,  
Қувончимга тор келган жаҳон,  
Волгаград, ундан қуйида —  
Астраханда бўлганман меҳмон.

Меҳмон эмас... бир содиқ ўғил—  
Кабим қучдим она еримни.  
Ғурур билан тўлқинланиб дил.  
Асал қилиб қуйдим шеъримни.

Москвам бир оҳанрабодай  
Мудом дилни чорлаб туради.  
Юлдуз тўла ёрқин самодай  
Жаҳон узра порлаб туради.

Кезганимда пойтахт қучоғин  
Қалбимда сен бор эдинг, далам.  
Кремлнинг ёқут чироғин  
Мен орқали кўргандинг сен ҳам.

Невадаги шонли «Аврора»  
Эсга солди боболар шонин.  
Меҳрим дилда ортиб тобора,  
Мен ўқидим кураш достонин.

Ленин турар броневикда,  
Халқларга бахт ёғдирган инсон!  
Мис чавандоз сапчийди тикка,  
Рус қудратин қилиб намоён.

Тонг чоғида кумуш ранг «ТУ»да  
Қозон сари қилганман парвоз.  
Муса Жалил, Тўқай юртида  
Кўрдим дўстлик, ҳурмат ва эъзоз.

Бунда Ленин изини кўрдим  
Ва тингладим Горький сўзини.  
Дорилфунун олдида турдим,  
Толстойнинг кўрдим ўзини.

Гўзал Боку Каспий дилбари,  
Тошкентимдай қалбимга яқин.  
Фузулийнинг ўтли шеърлари  
Шалолами ё сўнмас чақин?!

Комиссарлар мўътабар хокин  
Кўзларимга қилдим тўтиё.  
Кўшиқлардан жаранглаб Боку,  
Юрагимга тўлдирди зиё.

Урмонларим кўркига боқдим,  
Тоғларимда сайр этдим хўп.  
Денгизимда балиқдек оқдим,  
Шаҳарларим, қишлоқларим кўп.

Қуёшгача— бир ёним Сибирь,  
Бир ёнимда ҳадсиз Океан.  
Мовий Болтиқ, азамат Помир —  
Савлати-ла кўркама икки ён.

Барин санаб улгуриш қийин,  
Бари дилга солади ғурур.  
Бу Ватанни бахш этган Ленин,  
Сенга бутун қалбдан ташаккур!

Яшил яйлов, дилрабо борлиқ,  
Ҳузуригда қиламан таъзим.  
Чайқал, гурла зўр денгиз янглиқ,  
Лола қирим, эй чўли азим,

Булут-булут ўрлаган пода,  
Дарё-дарё оққан қаймоғим —  
Саховатинг қилар ифода,  
Хазинамсан, қайнар булоғим!

Ўғлинг келди бағрингга учиб,  
Соғинч билан ўтиб қанча йўл.  
Сени жондан севганим учун,  
Ҳали дилда қўшиқларим мўл.

## II

Қизғалдоқзор қилиб ғарб уфқин  
Ботиб кетди қирмизи қуёш.

Сизиб келар қора бахмал тун,  
Юлдуз чақнаб, қорайганди қош.

О, нақадар сўлим кеча бу!  
Савлат тўкиб мудрайди қирлар.  
Димоғимга урилиб хушбўй,  
Мени масту ошифта қилар.

Тўйиб-тўйиб нафас оламан  
Она кўксин топган гўдакдай.  
Тун бағрига қулоқ соламан,  
Меҳрим тошиб юрак-юракдан.

Сурув-сурув қўйлар сурони,  
Чўпонларнинг қийқируви ҳам,  
Бир қўшиқдай тутиб ҳавони  
Қанотланар мағрур ва кўркам.

Истардимки, шу жўшқин нидо  
Оҳанг бўлса шеърим вазнига.  
Юлдуз билан безанган само  
Буткул кўчса шоир назмига.

Учоқларда оташ ялови,  
Тафти ўйнар менинг юзимда.  
Қани эди, шу ўт-оловни  
Кўчиролсам шеърим — сўзимга!

Яйлов билан қолиб мен ёлғиз,  
Яқин дўстдай сирлашаман шод.  
Кўтарилар уфқдан ой — қиз,  
Барра мавжлар бағрида ҳаёт.

Гўё чексиз парда очилиб,  
Улкан саҳна бўлар намоён.

Боши узра юлдуз сочилиб,  
Сою қирим кўринар аён.

Шу кўк чимга ёнбошлаб ўйчан,  
Боққан эдим қўю қўзимни.  
Арқон солиб қайгадир учган  
Турналардан узмай кўзимни.

Салт арғимоқ юлдузни кўзлар,  
Пойгаларда елганман илдам.  
(Очиғини айтганда, дўстлар,  
Неча марта йиқилганман ҳам.)

Ҳу, оқариб кўринган мактаб —  
Ҳарф танитган буюк устозим.  
Ҳурматини келтириб, мақтаб,  
Уни ҳали куйлашим лозим.

Шу оддий синф, оддий бинодан  
То Москва минбаригача,  
Босиб ўтган порлоқ йўл учун,  
Яшил далам, раҳмат мингларча!

Шеъриятга очган кўзимни  
Сенинг зумрад кўркинг эмасми?  
Қофияга солган сўзимни  
Садо тўла кўксинг эмасми?

Шодлигимни кўрардим баҳам,  
Қайғум бўлса берардинг таскин.  
Улғаярдим қадам-бақадам  
Ўқиб сендан бу ҳаёт дарсин.

Улғаярдим... кўксимда ногоҳ  
Тўлқинланди ширин бир туйғу.  
Бир қудратдан қилди-ю огоҳ,—  
Кўзларимдан йўқолди уйқу.

Шу яйловнинг эрка дилбари,  
Бирга-бирга ўйнаб ўсган қиз,  
Бир ўт бўлиб, қараган сари  
Юрак-бағрим ёнарди жиз-жиз.

Аввал сира қилмасдим парво,  
Кўзи кўкми, қора?— билмасдим.  
Бир қиз эди шуҳу бедаво,  
Ҳатто баъзан кўзга илмасдим.

О, кейин-чи! Уни кўрганда  
Бир «лов» этиб, бағрим бўлар чўғ.  
Жаранг солиб, нозли қулганда,  
Лабин гулга ҳеч қиёси йўқ!

Рўмолини эслатар кўк қир,  
Тунлар эса қора кўзини.  
Табиат ҳам бўлгандай асир  
Оёғига отмиш ўзини.

Қизартганди яйлов шамоли  
Тиқмачоқдай билакларини.  
Учар эди, кўрсам, хаёлим  
Гурс-гурс тепган кўкракларини...

Тонг нуридан йўғрилган у жон  
Назокати билан баркамол.  
Соддаликка ёрқин бир нишон,  
Гўзалликка порлоқ бир тимсол.

Қўл ургандай худди олмосга  
Шу қиз сочин илк бор тарадим.  
Қўзига тик боқа олмасдан,  
Тўйиб-тўйиб зимдан қарадим.

Илк бўсадан ёришди олам,  
Гўё қайта туғилдим бир қур.  
Бу саодат учун, эй далам,  
Энг аввало сенга ташаккур!

Гарчи сендан тушганман йироқ,  
Бироқ меҳринг дилда мукамал.  
Севмоқ учун яна кучлироқ,  
Соғинч билан келаман ҳар гал.

Мен яшайман улкан шаҳарда,  
Вакилинг бор пойтахтда — демак.  
Шарққа машъал бўлган шаҳарда  
Юрт ишқи-ла тепади юрак.

Кимки етмай оғзига кучи:  
— Ташлаб кетди даласин, деса,  
Шаҳар гўзал бўлгани учун  
Айтаяпти ялласин, деса,

Унутди-да, она қишлоғин,  
Еру дўстдан воз кечди, деса,  
Ёқтирди-да, шаҳар қучоғин,  
Биздан қишу ёз кечди, деса,—

Бу янглишдир, хато мутлақо,  
Енгил-елпи айтилган бир гап.  
Ишонмагил, онажон, асло,  
Бир таъна бу — тагсиз, бесабаб.



Мен — сеники, сен — меникисан —  
Юрагимнинг олий ҳукми шу.  
Тандан бу жон ажралмас экан,  
Сенсан менга қанот ва орзу.

Сувсиз яшай олмайди балиқ,  
Қуёшсиз ҳеч ўсмайди гиё.  
Менсиз сенинг яшашинг аниқ,  
Сенсиз менга ҳаёт йўқ аммо!

Мен севганман умрим борича,  
Қайноқ бағринг ва кенг феълингни.  
Ҳис этаман кундузу кеча  
Нафасимда тонгги елингни.

Гулхан ёқиб чўпонлар билан,  
Қумфон куйин тинглаганим бор.  
Тун завқига берилиб дилдан,  
Сухбат шовқин қилганман хумор.

Чўллаб келиб, муз айронимдан  
Қорсон тўла симирганим он,  
Ҳордиқ чиқиб, тану жонимдан,  
Равшан тортган кўзимга жаҳон.

Чим бўйини уфурган ҳаво,  
Узоқ қирдан ялт этган олов,  
Найдан учган сеҳрли наво,  
Тонг кўксида оқарган ўтов;

Ёз тафтидан етилган бўлиқ  
Бугдойзорнинг олтин мавжи ҳам.  
Комбайнлар товшига тўлиқ  
Саховатли шу улкан далам;

Хирмон боши, юлдузли тунда  
Деҳқонларнинг ҳосил суҳбати,  
Движокдан олмос учқундай  
Парпираган чироқ ҳурмати,—

Даштим, сени унутаё нега?  
Сен юрагим тепган сийнам-ку!  
Мен ўғлингман — бошингда эга,  
Сен онамсан — бошимда мангу.

Бепоендир бўйинг ва энинг,  
Чўли Малик — чўллар султони.  
Юз жаннатга бермасман сени,  
Сен табиат буюк эҳсони.

Сен ризқимсан — барака дарё,  
Очилмаган қат-қат қўригим,  
Бағринг пинҳон хазина гўё,  
Зар сандиқдай дурга тўлигим,

Қаерингга биз урмайик қўл,  
Фавворадек кўкка сапчир газ.  
Қаърингда нефть тошқинин бирйўл  
Ўлчов билан ҳисоблаб бўлмас.

Сен шундайин буюк бир жаҳон —  
Ватанимнинг олтин парчаси.  
Жой бўлади сенга кўп Юнон,  
Бельгиядан қанча-қанчаси.

Қалбим тошиб фахр-ифтихордан,  
Истиқболнинг куйлаш — муддаом.  
Шарққа машъал бўлган шаҳарда  
Ижод билан яшар дил мудом.

Заминсиз ҳеч кўкармас дарахт,  
Ҳаёт йўқдир бўлмаса ҳаво.  
Сен-ку, менсиз яшайсан ҳар вақт,  
Менга сенсиз ҳаёт йўқ асло!..

*1961*

## МУНДАРИЖА

### ЗУЛФИЯ

Биографик маълумот . . . . .	5
Партия, сенга салом . . . . .	7
Палак . . . . .	12
Баҳор келди сени сўроқлаб . . . . .	14
Ўғлим, сира бўлмайти уруш . . . . .	17
Юрагимга яқин кишилар . . . . .	20
Ўша қуёш парчаси эди . . . . .	22
Буюк туғилиш . . . . .	25
Рашк . . . . .	27
Мушоира . . . . .	29
Мен чизолмаган сурат . . . . .	35
Ўқувчимга . . . . .	37

### ТЕМУР ФАТТОҲ

Биографик маълумот . . . . .	39
Салом, Волга . . . . .	41
Баҳор . . . . .	43
Чироғлар . . . . .	45
Ёқут юлдузлар . . . . .	46
Йўлда . . . . .	47
Янги саҳифа . . . . .	49

Қардошлик . . . . .	50
Ленин туғилган шаҳар . . . . .	52
Жигули тоғлари . . . . .	58
Балли . . . . .	60
Коммунистик партия мадҳияси . . . . .	63

### ЗАФАР ДИЕР

Биографик маълумот . . . . .	65
Ғунчалар . . . . .	67
Кел, учайлик Шимолга! . . . . .	70
Арча қўшиғи . . . . .	73
Яхши ўқи! . . . . .	75
Она қўшиғи . . . . .	78
Яшна, Ватан! . . . . .	81
Сув билан суҳбат . . . . .	83
Ғунафша . . . . .	85
Баҳор келди, ўртоқлар! . . . . .	87
Юксак тоғ, кенг ўтлоқ ва мард ўртоқ ҳақида қисса . . . . .	89

### ҲАМИД ҒУЛОМ

Биографик маълумот . . . . .	97
Ассалом, юлдузлар! . . . . .	99
Жонимизда, онгимизда Ленин . . . . .	106
Манзара . . . . .	104
Қўбизчи . . . . .	106
Байрам кечида . . . . .	108
«Қорадарё қирғоғида сен турардинг» . . . . .	110
Булоқ . . . . .	111
Уруш («Қитъалар уйғоқ» балладалари циклидан). . . . .	112
Эвакуация кўприги (Африка ҳақидаги балладалардан) . . . . .	118

## ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

Биографик маълумот . . . . .	123
Уқувчиларнинг йигирма қондаси . . . . .	125
Пахта қўшиғи . . . . .	129
Дум . . . . .	131
Хирмонтепа . . . . .	133
Билим ол, ҳунар танла . . . . .	135
Кичкинтой ленинчилар . . . . .	137
Комсомол . . . . .	139
Оқ терагим, кўк терагим . . . . .	142
Йигитча билан чигитча . . . . .	144
Сандал ва печка . . . . .	146
Темирлар танцаси . . . . .	152

## АСҚАД МУХТОР

Биографик маълумот . . . . .	155
Ешлигим . . . . .	157
«Икки нарса оғир кўнглимга» . . . . .	159
Кремль арчалари гуркирар мангу . . . . .	160
«Умрим узоқ бўлар» . . . . .	162
Райком . . . . .	163
Теримда . . . . .	166
Йўлда . . . . .	169
Раҳмат, меҳрибоним . . . . .	171
«Севаман» . . . . .	173
Қуёш парчаси . . . . .	175
Брянск ўрмонида . . . . .	177
«Баъзида ёшимга ёш қўшадилар» . . . . .	178
Коммунистик аср одами . . . . .	179
Хўп, пўлат қуювчи бўлганим бўлсин! ( <i>«Пўлат қуювчи»</i> поэмасидан парча) . . . . .	180

### МИРМУҲСИН

Биографик маълумот . . . . .	193
Коммунистлар . . . . .	195
Қишлоқ врачл . . . . .	197
Селекциячи . . . . .	200
Чандралика . . . . .	202
Қора кўзойнак . . . . .	204
Янгича ёр-ёр . . . . .	206
Чирчиқ суви . . . . .	208
Севиб . . . . .	209
Шалола . . . . .	210
Биттагина сўз учун келдим атай . . . . .	211
Ўзбекистон . . . . .	212
Осмон каби чексиздир инсоннинг тафаккури . . . . .	214
Ажралмас дўстлик ҳақида . . . . .	215
Мураббий . . . . .	216
Ленин колхозда ( <i>«Уста Фиёс» поэмасидан парча</i> ) . . . . .	218

### РАМЗ БОБОЖОН

Биографик маълумот . . . . .	223
Раҳмат! . . . . .	225
Октябрь . . . . .	228
Сен туғилган кун . . . . .	230
Водийни кезганда . . . . .	232
Ленин туғилган кун . . . . .	235
Она Россияга . . . . .	237
Лумумба юраги . . . . .	241

### МАМАРАСУЛ БОБОЕВ

Биографик маълумот . . . . .	243
Ўзбекистон . . . . .	245
Сўзларинг сенинг . . . . .	247
Сув ва нур балладаси . . . . .	248

22 июнь 1941 йил . . . . .	252
Баҳор . . . . .	255
Ватан юлдузлари . . . . .	257
Эрон гилами . . . . .	259
Янгра, рубоб! . . . . .	263

#### ШУКРУЛЛО

Биографик маълумот . . . . .	265
Умрим борича . . . . .	266
Менинг севгим . . . . .	268
Куз . . . . .	269
Севги . . . . .	270
«Кун қизариб ботди» . . . . .	272
Мақбара олдида . . . . .	273
Дўстлик ҳақида . . . . .	275
Тирик қалб . . . . .	276
Она ва тиш . . . . .	278
Инсон ва яхшилик . . . . .	281
Россия ( <i>Поэмадан парча</i> ) . . . . .	284

#### ТУРОБ ТҮЛА

Биографик маълумот . . . . .	289
Дала шийпон, ҳовуз бўйи, осмон тўлиб учган ғоз . . . . .	291
«Қалавланиб йиқилди мағрур» . . . . .	295
Санобар . . . . .	296
Ит ҳуради, карвон ўтади . . . . .	297
Қайнарбулоқ, аскар йигит, соҳибжамол беном . . . . .	301
қиз . . . . .	301
Пирмоной қўшиғи . . . . .	304

#### САИД НАЗАР

Биографик маълумот . . . . .	305
Зарафшон мавжлари . . . . .	307



Хуш келдинг . . . . .	309
Комсомол . . . . .	310
Большой театрда . . . . .	312
Кўклам . . . . .	313
Ўйнар . . . . .	315
Тинчлик — муқаддас ҳуқуқимиз . . . . .	316
«Кимга кулиб боқса» . . . . .	318

#### ШУКУР САЪДУЛЛА

Биографик маълумот . . . . .	319
Менинг орзум . . . . .	321
Оч бўри, шўх кўзи ва қирчанғи . . . . .	323
Ёмғир ёғалоқ . . . . .	325
Қалдирғоч . . . . .	326
Оқ олтин . . . . .	327
Тўрт фасл . . . . .	330

#### ХОЛИД РАСУЛ

Биографик маълумот . . . . .	333
Бахт нашъаси . . . . .	334
Геолог . . . . .	336
Коммунизм магистрали . . . . .	338
Табиат лирикаси . . . . .	341
Қизимга . . . . .	342
«Инсоннинг гидроки» . . . . .	344

#### РАЪНО УЗОҚОВА

Биографик маълумот . . . . .	345
«Садоқатни мерос билган» . . . . .	347
Севаман жондан . . . . .	348
Яхши бор . . . . .	351
Фарзанд . . . . .	353
Ўнутмадим мен ҳам . . . . .	355

## ШУҲРАТ

Биографик маълумот . . . . .	357
Мўъжиза . . . . .	359
Таъна қилма . . . . .	363
Шаумян ҳайкали қаршисида . . . . .	364
Қиз ҳайкали . . . . .	366
Билолмадим . . . . .	368
Кекса коммунист ҳикояси ( <i>Баллада</i> ) . . . . .	370
Меҳрибон қўл . . . . .	377

## АДҲАМ РАҲМАТ

Биографик маълумот . . . . .	379
Ойламиз . . . . .	381
Арча байрами . . . . .	389
Қалдирғоч, илон ва бешиктерватар ҳақида эр- так . . . . .	391

## ЭГАМ РАҲИМ

Биографик маълумот . . . . .	397
Янги қадам . . . . .	398
Дўстлик . . . . .	400
Бахтимиз йўли равон келди . . . . .	402
Аму бўйидаги ҳайкал ( <i>«Маърифат қурбонлари» номли поэмадан парча</i> ) . . . . .	403

## ЕНҒИН МИРЗА

Биографик маълумот . . . . .	407
«Ишқинг билан сочларимни тарайман» . . . . .	408
Постда турганимда . . . . .	410
Тугма . . . . .	411
Сен ухлаганда . . . . .	413
Жавоб . . . . .	415
Аёллар қасидаси . . . . .	416
«Боку менинг кўзимга» . . . . .	418

### ИЛЕС МУСЛИМ

Биографик маълумот . . . . .	419
Ракетамиз чиқди ойга . . . . .	420
Турналар . . . . .	422
Болалар билан қушлар . . . . .	423
Бойчечак . . . . .	424
Ширинак . . . . .	425
Тўкин дастурхон . . . . .	427

### САИДА ЗУННУОВА

Биографик маълумот . . . . .	429
Коммунистлар партиясига . . . . .	430
Куз . . . . .	432
Сен ҳам шундаймидинг . . . . .	434
Тошкент гуллари . . . . .	435
Қизим Нодирага . . . . .	437

### СУЛТОН АКБАРИЯ

Биографик маълумот . . . . .	439
Ватан . . . . .	441
Баҳор . . . . .	443
Ешлик . . . . .	445
Бахт . . . . .	447
Нур одам . . . . .	449

### ПУЛАТ МУМИН

Биографик маълумот . . . . .	451
Пионер Қўлдошнинг Қуёш бобога айтгани . . . . .	453
Дарслар мажлиси . . . . .	455
Эҳ, роса ширин экан! . . . . .	459
Газполвон эртақ айтар . . . . .	464

### САМИ АБДУҚАҲҲОР

Биографик маълумот . . . . .	467
Дарё билан жилға . . . . .	469
Ўргимчак билан чивин . . . . .	471
Айиқ — ваъзхон . . . . .	473
Қалам билан қоғоз . . . . .	475
Лаганбардорнинг хавотири . . . . .	476
Экишнияма билсайдинг шундоқ . . . . .	477
Хавотир . . . . .	478

### ҚУДРАТ ҲИКМАТ

Биографик маълумот . . . . .	479
Қадрдон расм . . . . .	481
Лампочка . . . . .	483
Менинг Ватаним . . . . .	485
Уч ўртоқнинг совғаси . . . . .	486
Электр аррачи . . . . .	488
Биринчи дарс . . . . .	489
Онажоним . . . . .	491
Моделчам . . . . .	492

### ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ

Биографик маълумот . . . . .	493
Барқ уриб келганда кўклам . . . . .	495
Бизнинг етти йиллик . . . . .	497
«Қиш» . . . . .	499
«Миллиард юлдуз билан боқадим осмон» . . . . .	500
Улуғ ватандошим . . . . .	501
Она ер қўшиғи ( <i>Поэмадан парча</i> ) . . . . .	503

«Ўзбек шеърини антология»нинг бешинчи томида ўзбек совет шоирларидан Зулфия, Темур Фаттоҳ, Зафар Диёр, Ҳамид Гулом, Қуддус Муҳаммадий, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Мамарасул Бобоев, Шукрулло, Туроб Тўла, Саид Назар, Шукур Саъдулла, Холид Расул, Раъно Узоқова, Шуҳрат, Адҳам Раҳмат, Эгам Раҳим, Ёнфин Мирза, Илс Муслим, Саида Зуннунова, Султон Акбарий, Пўлат Мўмин, Сами Абдуқаҳҳор, Қудрат Ҳикмат, Жуманиёз Жабборов ҳаёти, ижоди ҳақида маълумот ва асарларидан намуналар берилди.

Ўзбек шеърини антологияси. Беш томлик 5. Т.  
Т., Ўзадабийнашр, 1962.

Т. 5. Совет поэзияси. 1962, 528 бет.

Антология узбекской поэзии. В 5-ти т. Т. 5.

Ўз 2.

*На узбекском языке*  
АНТОЛОГИЯ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ  
в V томах  
том V

Редакторлар: *П. Шамсиев, Х. Сулаймонова*  
Расмлар редактори *Г. Бедарев*  
Техн. редактор *Л. Ильина*  
Корректорлар: *И. Қобилов* ва *Н. Аҳорова*

\* \* \*

Босмахонага берилди 6,1 1962 й. Босишга  
рухсат этилди 25,1 1962 й. Формати 70×108/<sub>32</sub>  
Босма л. 16,5 + 26,2 вклейка. Шартли босма  
л. 22,6 Нашр л. 17,52 Индекс *и/а*. Тиражи 25000.  
ЎзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти.  
Тошкент, Навоий кучаси, 30.  
Шартнома № 74г—57.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздати-  
нинг 3-босмахонаси. Тошкент, Ленинград  
кўчаси, 15. 1962 й. Заказ № 16.  
Баҳоси 1 с. 16 т.